

XXI АСР ЎЗБЕК
ДЕТЕКТИВИ

КЕЧИККАН ҚАСОС

КОМИЛ
СИНДАРОВ

Детектив
қисса

XXI АСР ЎЗБЕК
ДЕТЕКТИВИ

КОМИЛ
СИНДАРОВ

КЕЧИККАН ҚАСОС

«Tafakkur qanoti»
Тошкент-2019

УЎК: 821.133-3

КБК: 84(5Ў)7

С – 58

Синдаров, Комил

Кечиккан қасос: детектив роман. / Комил Синдаров.
– Тошкент:, 2019. – 352 б.

ISBN 978-9943-513-56-3

Тоғоевлар хонадонининг барча аъзолари мудҳиш қотиллик қурбонига айланишди. Уларнинг бундай аянчли тақдирига бойлик сабабми ёки... Кетма-кет содир этилган жиноятлар иштирокчилари кимлар ёки бу битта одамнинг ишими? Неъматилланинг бахтли оиласига қўз тегдими ёки улар ҳам бахтсизлик қурбонларими? Терговчилар – Фахриддин билан Сан-жарбек нима учун айнан 20 йил аввалги жиноят сабабларини ўрганишга бел боғладилар?

Қўлингиздаги китоб жиноят оламининг ана шундай ниҳоятда чигал ва ниҳоятда мураккаб муаммолари, сирларига ечим излайди.

УЎК: 821.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 168767-2019

МУҲТАРАМ КИТОБХОН!

Эътиборингизга яна бир детектив қиссани тақдим этмоқдаман. Аслида бу китобимиз ҳам “Янги аср авлоди” нашриётида 2013 йилда чоп этилган “Қимматга тушган хато” (ёки қасоскор қалб исёни), 2015 йилда чоп этилган “Темурийлар кутубхонасининг сири” номли қиссаларимизнинг мантиқий давомидир. Асарнинг бош қаҳрамонлари ўша ўзингизга таниш – қилни қирқ ёрувчи прокуратура терговчилари Фахриддин ва Санжарбеклардир.

“Қимматга тушган хато”да прокуратура ходимининг тўсатдан йўқолиб қолиши, “Темурийлар кутубхонасининг сири”да Ҳазрати Башир қишлоғига яқин тоғ этагидаги қўтонда содир бўлган чўпоннинг ўлими билан боғлиқ мураккаб жиноят ишини моҳирона фош этган терговчилар энди Жиззах шаҳрида банк бошқарувчиси ва унинг оила аъзолари ўта шафқатсизлик билан ўлдириб кетилиши билан боғлиқ антиқа ва сирли қотилликни тергов қилишга киришадилар...

Ўрни келганда бундан беш йил олдин содир бўлган бир воқеани сиз китобхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдим.

Ўшанда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Худойберди Тўхтабоев “Қалбим қўшиғи” номли шеърый китобимни ўқиб чиқиб, нашриёт орқали мени ҳузурига чақирганди. Гарчанд ёшлигимда устознинг

асарларини ўқиб, олам-олам завқ-шавқ олган бўлсам-да, у киши билан шахсан таниш эмас эдим. Учрашдик.

– Ашъорларингиз менга, келинойингиз Сано-бархонга жуда манзур бўлди, – деди устоз китобимни қўлига олиб, – содда, халқона, ўқимишли ёзилган. Аммо...

Устоз бир оз тин олиб, пиёладаги чойдан ҳўп-лади. Юрагим орқага тортиб кетди. “Энди роса саваласа керак” деган хаёлга бориб, ўриндиққа чўкиб кетгандай бўлдим.

– Аммо... “Қалбим қўшиғи”га ёзган сўзбошингиз менда катта таассурот қолдирди, – давом этди устоз самимий оҳангда. – Кўнглингизда борини тўкиб солибсиз. Жуда чиройли чиқибди. Сизда ёзувчиликка қобилият бор экан. Ўзингизни бир синаб кўрмайсизми?

Ўйланиб қолдим. Аввалига ҳазиллашаяптими-ларми, деган ўйга бордим. Лекин суҳбатдошимнинг юзидаги жиддийликни кўриб, нотўғри хулосага келганимни англадим.

– Бугун ўзбек адабиётида детектив жанрда ёзилган асарлар жуда камайиб кетган. Сабаби бу жанрда ёзиш учун ёзувчи зийрак, шу соҳада билимдон бўлиши талаб этилади. Сиз ҳуқуқшунос-сиз. Прокуратура, суд идораларида ишлагансиз. Соҳанинг ёзувчиларга маълум бўлмаган сирлари сизга таниш. Бу сизга қўл келади. Асарларингиз жонли чиқиши табиий.

– Устоз кечирасизу... мен эликдан ошган бўлсам, – дедим нима деяримни билмай. – Шу ёшда ёзувчиликка қўл уриш...

– Ия ростданми? Ҳали ёш бола экансиз-ку! – деди устоз кулимсираб. – Агар бир йилга биттадан ҳисоблаганда ҳам ҳали менинг ёшимга етгунча камида ўттизта детектив роман ёзсангиз бўлар экан!..

Ўша куни тунда хотиралар китобимни ва-
рақлаб, кўрган-кечирганларимни бадиий бўёқлар-
да қоғозга тушира бошладим.

Қарабсизки, муҳтарам устознинг биргина
маслаҳати, далдаси, қолаверса дуоси сабаб тўрт
йил ичида учта детектив асарни китобхонлар эъ-
тиборига ҳавола қилишга эришдим. Олдинги ик-
кита китобимиз хусусида мухлислардан “бир кун-
да ўқиб чиқдим!”, “эрталабгача ўқиб тугатдим”,
“давоми борми?”, “яна нима қоралаяпсиз” деган
илиқ гапларни эшитганимда қалбимда янги асар-
лар ёзишга иштиёқ ортади, устозга нисбатан қал-
бимда миннатдорчилик ҳисларини туяман.

Чуқур ҳаяжон билан яна бир асаримни ҳукмин-
гизга ҳавола этарканман, бу асар ҳам Сиз азиз
китобхонга манзур бўлиш баробарида ҳуқуқий
саводхонлигингиз юксалишига хизмат қилишига
умид қиламан.

Китобимиз ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳа-
заларингизни кутиб қоламан. Илло, ижодкор учун
мухлислар баҳосидан ўзга имтиҳон, уларнинг
олқиши, қўллаб-қувватлашидан ўзга рағбат йўқ.

Эҳтиром ила,

Комил СИНДАРОВ

Электрон манзилимиз:
sindarov60@gmail.com

Фахриддин ҳарчанд ўйламасликка ҳаракат қилмасин Тоҳир Ғофуровичдан эшитганлари ҳаёлидан чиқмай қолди. Шунча йил ишлаб, қанчадан-қанча жинойтларни тергов қилиб, не-не ғаройиб воқеа ва ҳодисаларнинг шоҳиди бўлмасин, бунақанги хунрезликни эшитмаган эди. “Одамни ўлдириб, кейин мурдани ёқиб юбориш, бу ҳам етмагандай майитнинг куйиб кулга айланган қолдиқларини қабристонга олиб бориб кўмиш кимга керак?! Майли, қотиллик учун бирон-бир сабаб бордир. Аммо майитни ёқиб юборишдан нима наф? Балки марҳумнинг шахсини аниқлаш имконини йўққа чиқариш учун атайлаб шундай қилингандир? Бўлиши мумкин! Унда ўзини хавф-хатарга қўйиб, мурданинг суякларини қабристонга олиб бориб кўмишни нима билан изоҳлаш мумкин? Улардан халос бўлишнинг ўзгачароқ, хавфсизроқ усуллари камми? Ёки одамни ўлдириб, сўнг ёқиб, кейинчалик сал бўлса-да виждони уйғониб, мурдани хор қилмаслик мақсадида қабристонга олиб бориб жойладимикан? Эй, бунақа одамда виждон нима қилсин? Қотил бу ишни ҳам ниманидир ўйлаб, атайлаб қилгани аниқ. Балки у телбадир! Йўқ, йўқ, ҳамма иш пухта ўйлаб қилинган, ақлсиз киши бундай ишни уйдалаши душвор...”

Эшик тақиллаб, хонага кулимсираб Санжарбек кирди:

– Ассалому алайкум, муҳтарам устоз! Биринчи даражали юрист Санжар Раҳмонов топширигингизга биноан етиб келди!

– Санжарбек, мана бу ҳужжатлар билан батафсил танишиб чиқинг! – деди Фахриддин қовоғини очмасдан. – Эртага йўлга чиқамиз, сафар тадоригини кўринг!

Санжарбек устозининг кайфияти унчалик чоғ эмаслигини сезиб, ортиқча савол бериб ўтирмасдан ортига бурилди. Бундай пайтлари у кишига бир гап кам, икки гап ортиқча. “Раҳбарлардан гап эшитдимикан? Ёки оиласида бирор нохушлик... йўғ-э, Худо сақласин! Балки чарчаганидан шунақа... Унга ҳам қийин! Умрининг катта қисми сафарларда, мусофирчиликда ўтмоқда. Ит ётиш, мирза туриш деганларидай... Эл қатори бундоқ дам ололмаса... Ҳаёти қил устида юргандай...”

Санжарбек хонасига кириб, ҳужжатлар билан таниша бошлади. Бир оз ўтиб, ундаги хуш кайфиятдан асар ҳам қолмади. Жиноят тафсилотлари қалбини жунбишга келтирди. Бошида турфа хаёллар, чарх ура бошлади: “Наҳотки инсон зоти шунчаликка борса! Бундай ваҳшийлик кимнинг қўлидан келиши мумкин? Киши шундай оғир жиноятга қўл уриши учун қанақа сабаб, қанақа асос бўлиши мумкин? Ахир ҳеч бир жиноят бесабаб содир этилмайди-ку! Балки қотил бирор одамхўр – маньякдир. Ундай кимсалар одатда одам ўлдиришдан лаззат олишади. Уларга ҳеч қанақа сабаб ҳам шарт эмас... Балки...”

Хаёл отида узоқ-узоқларга сафар қилган терговчи вақтнинг кеч бўлганини ҳам сезмай қолди. Стол устидаги қоғозларни йиғиштириб, темир қутига жойлади. Хонадан чиқиб, узун йўлак бўйлаб юрар экан, “Устоз кетдимикан?” деган хаёлда унинг хонаси томонга разм солди: “Йўқ, ҳали кетмапти. Кириб хайрлашсаммикан? Йўқ, кирмагани маъқул, фикрини бўлиб қуйиши мумкин. “Эрталаб учрашамиз” деганди-ку”. Прокуратура

ништиришга тушди. – Меҳмонларимиз – Фаҳриддин Каримович, Санжарбек Раҳмонов.

– Биз танишмиз! – Фаҳриддин бошлиғи олдида бир оз ийманиб турган Муродга яқин бориб, қучоқлашиб кўришди. – Бир курсда ўқиганмиз!

– Э, шунақами? Курсдошлар жуда яқин бўлишади! – деди Баҳром Саидович икки дўстга ҳавас билан тикилиб. – Сизлар бемалол гаплашиб олинглар, мен хонамда бўламан.

Терговчилар одатдаги ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг асосий масалага кўчдилар:

– Муроджон, энди иш тафсилотлари билан бизни батафсилроқ таништирсангиз! – Фаҳриддин қўлига қоғоз-қалам олди. – Бир бошидан бошланг, ҳеч бир нарсa, икир-чикиригача эътибордан четда қолмасин!

– Еттинчи сентябрь куни Зомин шаҳридаги кўҳна қабристон қоровули эски қабрлардан бирининг пастки қисмини тунда кимдир кавлаганини пайқаб қолган. Бояқиш ҳар хил хаёлларга бориб, нима қиларини билмай юрган. Бошида “кимдир қабрлардан бирини очишга уринганмикан?” деб ўйлаган. Лекин қабрларнинг ҳеч бири талафот кўрганлиги сезилмаган. Кейинчалик “бирортаси бирон нарсани беркитиш учун ерни кавладимикин?” деган фикрга келган. Ҳеч ким йўқлигида секин ўша қазилган жойни кавлаб кўрмоқчи бўлган. Чамаси ярим метрлар чуқурликда одам суягига дуч келиб, капалаги учи кетган. Тезда милицияга хабар қилган... Экспертиза хулосасига кўра ўрадан олинган суяклар эркак кишига тегишли бўлиб, тана олдин ёндириб юборилиб, кули, қорайиб кетган суяк қолдиқлари йиғиб олиниб, кўмиб ташланган. Дастлаб туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Қатор экспертизалар ўтказилган. Олдин

марҳумнинг шахсини аниқлаш лозим эди. Аммо Зомин тумани ва унга қўшни туманларда бедарак йўқолган ёки уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган эркак жинсидаги шахс аниқланмаган. Кейинчалик қидирув доираси кенгайтирилган. Лекин орадан бир ҳафта ўтган бўлса-да, ишда силжиш бўлмаган. Шу орада, аниқроғи, сентябрь ойнинг 9 санасида Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимига “Кафолатбанк” раҳбариятидан банк бошқарувчиси, вилоят Кенгаши депутати Зухриддин Тоғаев ўн кун олдин жума куни “Тошкент шаҳрига бориб келаман” деб чиқиб кетиб, қайтиб келмаган, ўша кундан буён телефони ҳам жавоб бермаётганлиги ҳақида ариза келиб тушган. Шу йўналишда иш бошлаган терговчилар калаванинг учини топгандай бўлишган. Экспертлар қабрдан олинган тана қолдиқлари Тоғаевга тегишли эканлиги ҳақида хулоса беришган.

– Суяк қолдиқлари, бош чаноқнинг Тоғаевга тегишли эканлиги аниқми? Тағин бошқаники бўлиб чиқмасин! – сўради Фахриддин.

– Албатта! Тоғаев ўтган йили қишда ишхонасига киришда оёғи тойиб кетиб, чап қўли тирсагидан синган экан. Шифохонадан касаллик варақаси ва рентген қоғозлари олиб, таққосланди. Ундан ташқари ДНК таҳлили... фақат...

– Хўш, хўш!

– Зухриддиннинг жағида бир дона тилла тиши бўлган экан. Ўша тиш топилмади. Балки куйдирилганда тушиб қолгандир... балки жиноятчи атайлаб қоқиб олгандир.

– Яхши, давом этинг!

– Шундан сўнг жиноят иши вилоят прокуратураси иш юритувига олиниб, тергов гуруҳи тузилди. Мен гуруҳ раҳбари сифатида ишларни уч йўналишда ташкил этдим. Биринчи йўналиш

– Олдик. Охирги қўнғироқ соат 13 дан 7 дақиқа ўтганда уйда амалга оширилган, кейин сигнал йўқолган.

– Банкирнинг йўқолганлиги ҳақида ким биринчи хабар қилган? – савол берди Фахриддин.

– Ўша куни, кейинги кунлар дам олиш кунлари бўлганлиги боис уни ҳеч ким қидирмаган. Душанба куни тушликка қадар банкдагилар “Тошкентдан келиб қолар” деган деган ўйда сўраганларга “шу атрофда эди, ҳозир келиб қолар, келса айтамиз” деган сўзлар билан бошлиқнинг ишда йўқлигини сездирмай туришга ҳаракат қилишган. Пешиндан сўнг банк бошқарувчиси ўринбосари ҳайдовчисини Тоғаевнинг уйига юборган. Хизматкор аёл хўжайини ҳали Тошкентдан келмаганлигини айтган. Кечга бориб, раҳбарни сўровчилар кўпайган. Ўринбосар хавотирга тушиб, Тоғаевнинг қизининг телефони топиб, қўнғироқ қилган. Аммо Анора ҳам отасининг қаерда эканини билмаслигини, бир неча кундан буён у билан гаплашмаганини айтган. Кейинги кун – сешанба ҳам шу зайдда ўтган. Ишхонадагилар Анорани олиб келиб, билганларича Зухриддин бориши мумкин бўлган жойларга қўнғироқ қилишган, узоқ-яқин қариндошларидан сўрашган, ўзларича шифохоналардан суриштиришган. Фақат чоршанба куни пешиндан сўнг кўпчилик маслаҳатлашиб, шаҳар ички ишлар бўлимига Тоғаев бедарак йўқолганлиги тўғрисида ариза беришган...

– Афсуски, бу пайтда Тоғаев аллақачон бу фоний дунёни тарк этиб бўлган! – Санжарбек ўзича хулоса қилди.

– Бўлиши мумкин! Аммо бирор муддат панароқ жойда тутқинликда ушлаб турилган бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

– Муроджон, – Фахриддин ўрнидан туриб, ҳамкасбига яқинлашди. – Ўзингиз қандай фикрда-

сиз? Банкирни ким ўлдирган бўлиши мумкин? Бирор кишидан гумонингиз борми?

– Бошида биз бу ишни кимдир пул учун, бойлик учун қилган бўлса керак, деган хаёлга боргандик. Бунга етарли асосларимиз ҳам бор эди. Тоғаевнинг ҳайдовчиси Тўрабек акани сўроқ қилганимизда у киши хўжайинининг телефонда Карим деган таниши билан сен-менга бориб, қаттиқ-қаттиқ гаплашганини айтган эди. Каримни топдик, синфдоши экан. У ҳақиқатда банкир дўстидан ҳовли олаётганда пули етмай қолиб, 3 ой муддатга каттагина қарз олганини, аммо фирмасининг ишлари юришмай, қарзни айтилган вақтда беролмаганини, ўртоғининг олдида юзи шувут бўлганини, шунинг учун бир-икки марта у билан телефонда сал бақир-чақирга ҳам боришганини тан олди. Айтишига қараганда, қарзни ҳозирга қадар беролмаган эмиш. Кўзига ёш олиб, “ўзига қайтара олмадим, энди ўлмасам қизига албатта қайтараман!” деб онт ичди. Нима бўлганда ҳам бу инсоннинг қўлидан шунақа иш келишига ишониш қийин...

– Лекин одамнинг оласи ичида бўлади дейдилар! – Санжарбек “тўғрими?” дегандай устозига қараб қўйди. – Шундай одамлар борки, юриш-туришидан, гап-сўзидан қўйнинг оғзидан чўп олмагандек беозор кўринса-да, ичидан пишган бўлишади.

– Гапингизда жон бор! – деди Муроджон чертиб-чертиб. Хаёлида бу ёш терговчи унинг касбий маҳоратига шубҳа билан қараётгандек туюлса-да, ўртоғининг олдида у билан пачакилашиб ўтиришдан тийилди. – Аммо у одамнинг ўзи билан гаплашиб кўрсангиз, сиз ҳам шундай фикрга келган бўлардингиз.

– Муроджон, давом этинг! – Фахриддин шогирдига маъноли қараб қўйди.

**Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM**

INV № 168767-20190

– Худди шундай банкирнинг касбдошлари, таниш-билишлари, яқинлари билан гаплашиб, телефонларидаги рақамларни таҳлил қилиб, яна уч-тўрт одамда олди-бердиси бўлганлигини, аммо улардаги суммалар қотилликка сабаб бўладиган даражада катта эмаслигини аниқладик. Хуллас, марҳумнинг бирор кимсадан ҳаёт-мамотга арзигулик қарздорлиги ёки ҳақдорлиги аниқланмади. Бошқа томондан ўйланиб қоламан... Айтайлик, кимдир пул учун шу ишни қилган. Унда мурдани ёқиб, кейин ўзини хавф-хатарга қўйиб, тана қолдиғини қабристонга олиб бориб кўмишдан нима маъни? Ўлдириш нияти бор экан, ўлдириб, ерга кўмибми ёки сувга оқизибми юбориши мумкин эди-ку! Майли, мурдани ёқишдан мақсади – жиноятни хаспўшлаш, ўликнинг шахсини аниқлашга имкон бўлмаслиги учун қилинган ҳам деб ўйлайлик. Унда кул бўлган танани, уч-тўртта суякни панароқ жойга кўмиб ташласа олам гулистон эди. Унда ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетарди. Бунини жиноятчи жуда яхши билган. Лекин шунга қарамасдан мурданинг қолдиқларини қабристонга кўтариб борган. Балки охириги онларда виждони қийналиб, марҳум бошқалар қатори қабристонда кўним топсин деган ҳаёлда бу ишни қилгандир! Менимча, бу соғ одамнинг иши эмас!

– Нима учун Зоминдаги қабристонга олиб борган? Бу бўйича бирор тахмин борми?

– Биз қотиллик Зоминда юз бергандир деган фараз устида бош қотирдик. Аммо ҳозирча қўлимизда ҳеч қандай асос йўқ. Банкнинг Зомин атрофида бирорта қариндоши ёхуд яқин кишиси бўлмаган. Бориши мумкин бўлган ягона жой – Зомин сиҳатгоҳи ва тоғ бағридаги бир қанча оромгоҳлар. Аммо биз у ерларни роса чиғириқдан ўтказдик. Аммо банкир ўша кунлари бу дам олиш

масканларига бормаган. Борганда ҳеч бўлмаса бирор киши – ё дам олувчилардан ёки сиҳатгоҳ ходимларидан бирортаси кўрган бўларди. Марҳум анчагина таниқли шахс бўлганлигини инобатга олсак, уни кўриб қолмасликлари мумкин эмасди...

Фахриддин яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, Муроджон қўлидаги соатга бир қараб эътироз билдирди:

– Э, тушлик вақти ҳам тугай деб қолибди-ку! Аввал иқтисод, кейин сиёсат дейишади машо-йихлар. Кетдик, сизларни бир “Жиззах сомса” билан сийлай. Иш қочмас! Шу хусусда Наполеондан ўрнат олишимиз керак...

– Хўш, нима деган экан ўша Наполеон? – Фахриддин ўрнидан қўзғалди.

– Биласизлар, Наполеон Бонапарт ўта қатъият-ли, тартиб-интизомни улуғловчи ва ўзи ҳам унга оғишмай рия қилувчи шахс бўлган. Умрининг адоғида ундан сўрабдилар: “Сиз шунча йил яшаб, бирор марта хатога йўл қўйганмисиз?” Бонапарт ўйланиб туриб, “Ҳа, бир марта жиддий хатога йўл қўйганман, ўшанда уруш кетаётганлиги сабабли тушликни кечроқ қилишга тўғри келганди” деб жавоб берган экан...

Тушлик пайти ҳамкасблар ҳарчанд мавзун и бош-қа томонга буришга ҳаракат қилишмасин бари бир гап жиноят тафсилотларига бориб қадалаверди:

– Бир нарсани сира ҳам ҳазм қилолмаяпман! – гап орасидаги қисқагина узилишдан фойдаланиб Санжарбек хаёлига келган фикрни тўкиб солди. – Одамни ўлдиришга сабаб бордир. Балки мурдани ёқиб, кулга айлантиришдек шафқатсизлик учун ҳам ҳозирча бизга номаълум бўлган асослар бўлгандир. Аммо... шақирлаган суякларни қабристонга, яна шаҳардан қарийб 60 чақирим узоқ-ликдаги Зоминга олиб бориб кўмиш ақдсизликдан

бошқа нарсa эмас! Менимча, бу соғ одамнинг иши бўлмаса керак.

– Гапингизда жон бор! – Боягина “келинглар, таом устида ишдан гаплашмайлик” деб турган гуруҳ раҳбари мунозарага қўшилиб кетганини ўзиям сезмай қолди. – Одатда қасддан айбни оғирлаштирадиган ҳолатда одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятларни содир этадиган шахслар психологик жиҳатдан унчалик соғлом одамлар бўлишмайди. Бошқа томондан ўта таҳқирланган, оёқ ости қилинган ёки ор-номуси, шаъни, қадр-қиммати ерга урилган одамнинг юрагидаги қасд, ўч деб номланмиш вулқоннинг бош кўтариши инсонни эс-ҳушидан айириши, ҳар қандай мудҳиш жиноятга қўл уришига сабаб бўлиши мумкин. Инсон қалбида яна бир шиддатли тўфон яширин бўлади. Бу рашк тўфонидир. Ана шу икки қудратли куч ҳар қандай юввош, қўй оғзидан чўп олмаган одамни қонхўр қотилга, бешафқат махлуққа айлантиришга қодир. Тажрибамизда бунга мисоллар кўп...

Фахриддин бир оз ўйланиб туриб, сўнг шогирдига юзланди:

– Денов туманида содир этилган анави жиноят ёдингиздами? Ўшанда ишида ҳам, оиласида ҳам намунали бўлган тракторчи йигит хотинининг анча пайтдан буён қўшни эркак билан дон олишиб юрганини сезиб қолади. Кўзи қонга тўлган йигитга аёли ҳам, уч боласи ҳам шайтон қиёфасида кўрина бошлайди. Эс-ҳушидан айрилган йигит аввал алаmidан бўкиб ароқ ичади. Тун ярмида уйига қайтиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мудҳиш жиноятга қўл уради. Дастлаб хотинини, сўнг ширин уйқуда ётган болаларини бўғиб ўлдиради ва ўзини милицияга топширади...

– Аммо биз марҳум Тоғаевнинг ҳаётида бу каби қаҳр-ғазабга сабаб бўлиши мумкин бўлган воқе-

ликни тополмадик! – деди Муроджон ўзини оқлашга ҳаракат қилиб. Унинг хаёлида ҳамкасблари вилоят терговчиларини уқувсизликда айблаётгандай туюлди. – Бизам қўлдан келганча...

– Йўқ, йўқ! – Фахриддин ўртоғининг нима демоқчи бўлганини англаб, унга дадда берган бўлди. – Мен бу жиноят ҳақида эмас, умуман олганда шунақа бўлади демоқчиман.

– Аммо... гапингизда жон бор! – деди Санжарбек устозига ён босиб. – Ҳали Тоғаев ҳаётининг барча қирралари бизга маълум эмас-ку! Тўғри, унинг иш фаолияти, оилавий муносабатлари доираси анча, айтайлик 20-30 фоиз ўрганилган. Қолган 70-80 фоизи сирлигича қолмоқда!

– Ана ўша “сир”ларни очиш учун пойтахтдан сизларни – қилни қирқ ёрувчи терговчиларни ёрдамга чақирдик-да, Санжарбек! – Муроджон тиржайиб, гапни ҳазилга бурди. – Қани олинглар, сомса совиб қолмасин!

Пешиндан сўнг терговчилар ишни жиноят иши билан муфассал танишиб чиқишдан бошладилар. Гоҳ Фахриддин, гоҳ Санжарбек Муроджонга саволлар билан мурожаат этиб, айрим нарсаларга аниқлик киритишар, воқеа тафсилотларини ойдинлаштиришга, мавжуд маълумотларни мантиқ қолипига солишга, далил-исботларни ақл чархидан ўтказиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратишга ҳаракат қилишарди. Терговчилар чуқурлашгани сари, аксинча ҳақиқат улардан йироқлашиб бораётгандек, боши берк кўчага кириб қолишаётгандек эди. Кечга бориб, ниҳоят терговчилар узоқ йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, кўплаб фаразлар орасидан асосийларини ажратиб олишди. Биринчи тахмин – қотиллик банкирнинг хизмат вазифаси билан боғлиқ. Иккинчи тахмин – қотиллик аёл киши томонидан рашк ёки бошқа

келишмовчилик орқасида содир этилган. Учинчи тахмин – жинойтнинг келиб чиқишига пул ёки бошқа мол-мулк сабаб бўлган.

Тергов гуруҳи учта кичик гуруҳга бўлиниб, ишга киришди. Эрталаб терговчилар мурда қолдиқлари топилган қабристонни кўздан кечириш учун Зомин шаҳрига йўл олдилар. Муроджон машинанинг олд ўриндиғида жойлашиб, йўл-йўлаккай меҳмонларни зериктирмасдан кетишга ҳаракат қилди. “Нексия” қир-адирлар оша шитоб билан олдинга одимлар экан, Санжарбек атрофга маҳлиё бўлганча ташқаридан кўз узмай кетарди. Фахриддин гарчанд ўзини Муроджоннинг гапларини эшитаётгандек тутаётган бўлса-да, аслида ўз хаёллари билан овора эди: “Наҳот инсон боласи шундай мудҳиш жинойтга қўл урса. Одамни ўлдириш, бу ҳам етмагандай уни ёқиб юбориш... кейин тананинг қолдиқларини қайгадир кўтариб бориб, қабристонга кўмиш... Осон иш эмас. Бунинг учун кишида қанчалик катта юрак бўлиши лозим. Йўқ, йўқ, катта юрак эмас, тош юрак, қаҳр-ғазабга тўлган, меҳр-шафқатдан бегона, қурум босган юрак даркор. Одамни шундай қотилликка қўл уришга нима мажбур этиши мумкин. Қасдми? Рашкми? Хиёнатми? Хусуматми? Ғаразми? Ёки ҳозирча бизга номаълум бўлган фавқулодда сабаб, асос бўлганми? Банкир қайси гуноҳлари учун шундай товон тўлашга мажбур бўлган? Уни жазолаш, жисмонан йўқ қилиш кимга керак бўлган? Унинг душманлари нима сабабдан одамдан қутулишнинг шундай аянчли йўлини танлаган? Ўлдиришга қандайдир асос бўлган бўлиши тайин, лекин мурдани ёқиб юборишга на ҳожат? Амалиётида олдин ҳам шунга ўхшаш – одамни ўлдириб, мурдасини ёқиб юбориш билан боғлиқ жинойт бўлганди-ку! Ҳа, ҳа, бу воқеа Тошкент шаҳрида рўй

берганди. Одам суяклари ахлатхонага ташлаб кетилганди. Ўшанда мурданинг шахсини аниқлаш имконияти бўлмаган. Жиноят очилмай қолганди. Демак, жиноят оламида баъзан қотиллар ўз қурбонининг шахсини аниқлашни қийинлаштириш учун бу усулдан фойдаланиб келишган. Лекин кулга айланган танани қабристонга олиб бориб кўмиш... ақл бовар қилмайди. Бу ё ўтакетган аҳмоқ кишининг ёки ичидан пишган, пихини ёрган пухта одамнинг иши. Кейинги фикр тўғрига ўхшайди. Тўғри-да, агар тана суяқларини чўлга кўмса, бир кун келиб чўпоннинг кучуги ҳидидан излаб топиб олиши мумкин. Далага, аҳоли яшайдиган яқин жойга кўмса, қурилиш, ерни ҳайдаш чоғида очилиб қолиши турган гап. Худди шундай каналга, дарёга ташласа ҳам бир кун келиб сув юзига қалқиб чиқиш эҳтимоли бор. Тажрибасида шу каби усуллар билан одам суяқларининг топилиши муносабати билан очилган қотилликлар қанча! Қотил шуларни ўйлаб, тажрибасига таяниб, бошқа йўлни танлаган кўринади. Ҳақиқатан ҳам марҳумнинг суяқларини яшириш учун қабристон энг қулай жой. Вақт ўтиб, суяқлар юзага чиқиб қолганда ҳам биров бунга эътибор бермайди. Бирорта эски қабрдан чиққан-да, деган хаёлга бориши табиий... Фақат қотил бир нарсада хато қилган. Суяқларни кўмган жойини билдириб қўйган. Мабодо у бу ишни ҳам беҳато бажарганида эди, қоровул ер қазилганлигига эътибор қилмаган, суяқлар топилмаган, жиноят иши кўзғатилмаган бўларди. У ҳолда банкир бедарак йўқолганлар рўйхатига тушарди. Ва эҳтимол, абадий ўша қора рўйхатда қолиб кетган бўларди. Қотилнинг мақсади ҳам шу бўлган. Ҳаммасини тўғри бажарган. Фақат қабристон қоровулининг зийраклигини эътибордан четда қолдирган... Ҳа, қотил анчагина абжир кўринади.

Балки муқаддам ҳам шу каби жиноятларни содир этиб, сувдан қуруқ чиқиб, ўзида рағбат ҳиссини туйиб, бемалол юргандир... Кейинги йиллар ичида Республика бўйича шу усулда содир этилган барча жиноят ишларини ўрганиб чиқишга тўғри келади...

– Мана, бир пасда Зоминга ҳам етиб келдик! – деди Муроджон йўл четидаги “Зомин шаҳрига хуш келибсиз” деган ёзувга ишора қилиб.

– Жуда чиройли жойлар экан-а! – деди Санжарбек ўнг томонда ястаниб ётган чўққиларга маҳлиё бўлиб.

– Бу жойлар кўкламда айниқса фусункор бўлади. Бекорга Зоминни Ўзбекистоннинг Швейцарияси дейишмайди. Фахриддинжон, Санжарбек фақат хизмат юзасидан эмас, меҳмонга ҳам бир келинлар, дам олиб кетасизлар. Тепада машҳур Зомин санаторийси бор. Арчазорлари, гиёҳлари, ҳавоси танга малҳам! – деди мезбон самимий оҳангда.

– Рости, мен Жиззахни чўл деб тасаввур қилардим. – Санжарбек ҳамон таажжубини яширолмасди. – Худо хоҳласа, таътилга чиқсам уйдагиларни олиб келаман.

– Қарилик нафақасига десангиз тўғрироқ бўлармиди? – устоз мийиғида кулиб гап қўшди.

Кулги кўтарилди. Машина кириш жойи арка сифатида қурилган қабристон олдига келиб тўхтади. Ичкарига кираверишда меҳмонларга баланд бўйли, озғиндан келган, етмишларни қоралаган бўлса-да анчагина тетик қоровул пешвоз чиқди:

– Кенглар, ойно, кенглар! Муроджон болам тузувмисиз?

– Раҳмат отам! Ўзингиз яхшимисиз?

– Бирнав, ойно. Қудо деб жотибмизда тиловимизди тилаб! Айтмоқчи... хоно уйинг куйгирди топдингларма, ойно! Ким экан вў жувармак!

– Излаяпмиз отам, излаяпмиз! Бу кишилар Тошкентдан – Бош прокуратурадан, шу ишни тергов қилишга келишган. Бизга кавланган жойни қўрсатсангиз.

– Ким бўсаям, ўз бошига омон бўлсин, ойно! Орқамдан журинглар, – чол катта-катта одимлаб, йўлак бўйлаб кун чиқар томонга юрди. Терговчилар беихтиёр унга эргашди.

– Мурод ака, “ойно” дегани нима? – Санжарбек Муроджонга етишиб, шивирлаб сўради.

– “Айланай” дегани.

– Ҳа, шунақами? Ҳеч эшитмаган эканман.

Чол қабрлар оралаб, теграси оқ лента билан ўраб қўйилган чуқур олдида тўхтади:

– Мони шу жай, шу туришда турибти. Ҳеч кимни олдига жўлатмадим.

– Раҳмат отам! – Муроджон чолга юзланди. – Сиз энди ишингизга бораверинг. Биз бир оз шу ерда бўламиз.

– Бўпти, ойно! Ул-бул керак бўса, тортинмасдан айтайберинглар, мен айвоннинг тагини жийиштираман.

Фахриддин билан Санжарбек диққат билан воқеа жойини кўздан кечира бошлади. Уларнинг бу ҳолати бедазорда тангасини йўқотиб қўйган болани эслатарди.

– Муроджон, битта элакми, ғалвирми топса бўладим? – дафъатан сўраб қолди гуруҳ раҳбари.

– Топса бўлади, аммо... – каловланди Муроджон.

– Илтимос, зарур бўлиб қолди.

Муроджоннинг ишораси билан тезкор ходимлардан бири қоровулнинг олдига югуриб кетди ва бир оздан сўнг ғалвир қўтариб келди. Фахриддин энг шимариб, чуқурнинг ичидан чиққан тупроқни элашга тушди. Фақат шундагина ичида “шу пайтда элакка бало борми?” деб турган йигитлар раҳбарнинг мақсадини тушунгандай бўлишди. Санжарбек

чаққонлик билан устозининг қўлидан ишини олди. Бир пайт элакнинг юзасига ялтираган нарса қалқиб чиқди. Фахриддин уни қўлга олар экан, деди:

– Мана, ўша сизлар “йўқотган” тилла тиш!

Йигитлар тишни алоҳида салафан пакетга солиб қўйишди. Сўнг чуқурнинг ички, ташқи қисмини, ён атрофни синчковлик билан қараб чиққан терговчилар диққатга сазовор бошқа бирор нарса, из ёки уларнинг тилида “далил” топа олишмади шекли, ён атрофга ўтишди. Чор томон катта-кичик қабрлар, оқ, қора, жигар ранг қабр тошлари, турли-туман ёзувлар, расмлар, саналар, белгилар...

Фахриддин чуқурнинг ўнг томонидаги қабр тошига тикилди: “Фозил ҳожи Очил ўғли, 1924 – 2004. Фарзанду набираларидан эсдалик”. Чап томондаги қабр тошига битилган икки қатор шеър унинг диққатини тортди:

*Сиз тириксиз, сиз тириксиз,
тирикдирсиз, онажон,
Бизнинг ғаму қувончларга
шерикдирсиз, онажон!*

Сал пастроқдаги нисбатан янгироқ чиройли қабр айна қирчиллама ёшида бу оламдан кўз юмган йигитга тегишли экан: Раҳимов Беҳзод Жабборович...

*Оллоҳнинг каломи тилимиздадир,
Хотиранг абадий дилимиздадир.
Жойинг жаннат бўлсин, шаминг ўчирмас –
Уч умид нишонанг қўлимиздадир.*

Бечорадан уч фарзанд қолган экан-да! Ҳа бола-си борнинг номи ўчмайди. Илоё, йигитнинг хазон бўлган ёшини ҳам шу умид нишоналарига қўшиб берсин.

Чуқурнинг тепа томонидаги қабр эса аёл кишига тегишли экан. Оддийгина мрамарга ўйиб шундай сўзлар битилган: Омонова Муҳтарам Жўрақул қизи. 1956 – 1988.

*Дуолар ёритгай уйларингизни,
Жаннатлардан қилсин жойларингизни.
Ҳаётингиз шамин бевақт ўчирган,
Ғанимлар ўнкайлар пойларингизни.*

“Қизиқ! Бу нима дегани бўлса! Одамлар бунақа сўзларни қаердан топиб ёзар экан-а! Ҳаётинг шамини... ўчирган... ғанимлар... кимни назарда тутган бўлишса! Ўлган кишига бари бир эмасми? Ёш кетган экан бечора. Вафот этганигаям йигирма йилдан ошиб қўйибди. Эри аламдан шунақа олди-қочди сўзларни ёзгандир-да! Ҳа тириклар-а! Марҳумларни гўридаям тинч қўймайсизлар-а!” деган фикр Фахриддиннинг ҳаёлидан ўтди. Олд томондаги ҳашаматли – қора мрамардан ясалган қабр тошидаги битикларни ўқир экан кўнгли бўшашиди: Катта лейтенант Қосимов Жасур Мансурович, 1980 – 2005.

*Юрт учун жонини тикканим болам,
Жаннатларда кўним топганим болам!*

Айни умрининг баҳорида жувонмарг бўлган экан-а! Хизмат вазифасини ўташ даврида ҳалок бўлган кўринади...

Санжарбек қўлидаги таёқча билан аввал чуқур ичини, сўнг унинг ёнидаги бир уюм тупроқни обдан титкилаб чиқди. Диққатга молик бирор нарса тополмагач, ён атрофга аланглаб, оёқ остини зимдан кўздан кечира бошлади. Ҳеч нарсага эриша олмаслигини англади шекилли, сал нарида қабр тошлардаги ёзувлардан кўзини узоқмай турган устозига яқинлашди:

– Фахриддин ака, қабр тошлари нима деяпти? Ахир улар ўша куни ҳаммасини кузатиб туришган-ку!

– Ҳа, бу тошлар кўп нарсани билишади. Фақат забони йўқ!

– Надоматлар бўлсинки, улар гапиролмайди!

– Ҳўш, жанобларининг кузатишлари бирор нима бердимиз?

– Устоз, жиноятчи қабристонга қайси тарафдан кириб келган деб ўйлайсиз? – Санжарбек саволга савол билан жавоб қайтарди.

– Ҳар ҳолда дарвозадан кириб келмагани аниқ!

– Демак, қаердандир девор ошган! – деди шогирд кун чиқиш тарафдаги баланд деворга ишора қилиб.

– Демак, шу тарафдан ошиб келган демоқчисиз, шундайми? – деди устоз қўли билан уларга яқин турган деворни кўрсатиб.

– Шундайга ўхшайди! – Санжарбек устози унинг фикрига қарши қандайдир ўзгача мулоҳаза ҳозирлаганини ҳис қилиб, дудуқланди.

– Аммо... менимча, сиз бир нарсани эътиборга олмаяпсиз, – Фахриддин вазминлик билан давом этди. – Девордан бу жойгача 100 қадамча бор. Ҳов анави деворга яқинроқ ерда анчагина бўш жой ҳам бор экан. Ўша жойга кўмиб қўяқолса бўлмасмиди? Шунча қабр оралаб, ичкарига кириб юрмасдан...

– Тўғрику-я... лекин бўш жойга янги қабр қўйилади. У жой кавланса, сезилиб қолиши мумкин эди. Ичкари – қабрлар ораси анчайин беҳавотир жой.

– Мушоҳадаларингиз чакки эмас, Санжарбек! – деди устоз шогирдининг елкасига қоқиб. – Буларнинг ҳаммаси бир нарсадан дарак беради: демак жиноятчи анчагина пухта одам! Барчасини олдиндан ўйлаб, ақл билан иш кўрган...

– Муроджон, – гуруҳ раҳбари дарахт соясида телефонини кавлаб турган курсдошига қараб юрди. – Қабристонга кирадиган дарвоза битта-я! Ёки бошқа кириш жойи ҳам борми?

– Йўқ, дарвоза битта. Жиноятчи девор ошиб кирган бўлиши керак!

– Девор атрофи кўздан кечирилганми?

– Воқеа жойига яқин девор атрофи кўздан кечирилган. Лекин криминалистларимиз бирон далил ёки из топишолмаган.

– Афтидан жиноятчи биз ўйлагандан кўра муғамбирроқ кўринади, – деди Санжарбек қабристоннинг кунботиш томонига тикилиб. – У терговчилар яқин атрофдаги деворларни кўздан кечиришларини фаҳмлаб, атайлаб узоқроқдаги деворни танлаган.

– Мен ҳам шу фикрдаман! – Санжарбек Муроджонга ўтирилди. – Тезда криминалистларни таклиф қилинг. Жиноятчи қабристонга ошиб ўтган жойни аниқлашимиз зарур. Шояд бирор нарса топилса...

Зум ўтмай етиб келган криминалистлар турли-туман асбоб-ускуналарга тўла жомадонларини очиб, қабристонни ўраб турган девор ва унинг теграсини ўрганишга киришдилар. Лозим топилган жойлардаги бир неча юзаки оёқ изларидан дактилоскопик плёнкага, ботиқ оёқ изларидан гипсга нусхалар кўчириб олинди. Терговчилар криминалистлар билан маслаҳатлашиб, жиноятчи ошиб ўтиши гумон қилинаётган мўлжал жойни ҳам топишди. Бу жой деворнинг бошқа қисмидан салгина пастлиги билан ажралиб турарди. Ташқи томондаги табиий дўнглик деворга қийинчиликсиз осилиб чиқиш имконини берарди.

– Бу жойдан чамамда олдин ҳам кимлардир ошиб-тушиб юрган кўринади. – Фахриддин қабристон оралаб келаётган қоровулга сўз қотди.

– Ҳашар вўтказган кезлари бирда ярим боллар ешиқдан айланиб журишга ериниб, ошиб тушишганини кўргандай бўлувидим, – деди қоровул ўзини гуноҳкордай тутиб. – Бола-да, нима дийсан! Жавраганинг билан бефойда, вўз айтганидан қолишмайди бу шумтакалар! Шуйирди сал кўтармасак бўмайди шекилли. Орқаси тепалик-да, ошиб ўтишга қулай...

– Охирги марта ҳашар қачон бўлганди?

– Бир ойча бўп қолди-ёв.

– Одам кўп бўлганмиди?

– Ҳамманинг тийишли жайи бор. Хотин-халаж, бола-чақа дегандай... тумонат одам бўлади ҳар сафар...

– Ҳашардан кейин бирор одам бу ердан ошиб ўтганини кўрганмисиз? – Фахриддин чолга яқин борди.

– Сов киши мазоротга девор ошиб вўтармиди! Ешик турганда кимам тешиқдан кирарди шу бола-чогадан бошқа...

Тариқдек нарсани ботмондай қилиб кўрсатадиган лупаларни қўлга олиб, ўтиш жойини зимдан кузатган криминалистлар ниҳоят деворнинг устки юза қисмидаги тошлардан қандайдир мато қий-қими (ипи)ни топишди. Кимдир девордан ошиб ўтишда кийими тошнинг учига илиниб, сўкилиб тушган кўринади. Терговчилар бу арзимас далилдан бирор нарса чиқишига ишонмасалар-да, ҳар эҳтимолга қарши авайлаб олишиб, экспертларга топширдилар.

Санжарбекнинг бор маҳоратини ишга солиб қабристон қоровулини сўроқ қилиши ҳам боши берк кўчага кириб қолган жиноят ишига нафи тегадиган бирор нарса бермади...

Тергов гуруҳи томонидан банкнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш натижалари ҳамма-ни лол қолдирди. Банк хазинасидан 50 минг АҚШ доллари миқдорида камомад аниқланди. Мазкур масалага масъул бўлган банк ходими Даврон Пулатович биринчи сўроқдаёқ ушбу суммани банк бошқарувчиси Тоғасв ундан вақтинча – бир ой муддатга олиб турганини, лекин аҳдлашилган муддат ўтган бўлса-да, пуллар хазинага қайтарилмаганини, у бир неча марта бошқарувчидан пулларни қайтаришни сўрагани, раҳбар эса ҳар сафар уни “шошмай тур, бир-икки кунда ҳал бўлади” дея тинчлантирганини, орада бу касофат рўй бериб, бошқарувчи йўқолиб қолганини, шундан кейин у нима қилишни билмай бу ҳақда банк бошқаруви муовини Фотиҳ Ҳамидовичга айтганини, у эса бу ҳақда тезроқ ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишни маслаҳат берганини, аммо у қўрққанидан бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай, нима қилишни билмай танг аҳволда юрганини тан олди.

– Даврон ака, ҳўп, гапларингизга ишондик ҳам дейлик, Тоғасев шунча пулни нимага ишлатган бўлиши мумкин? – гувоҳнинг кўрсатмаларини диққат билан тинглаган Фахриддин Каримович босиқлик билан савол-жавобни бошлади.

– Буниси менга қоронғи... Лекин жуда зарур деганди. Ҳоли-жонимга қўймади. “Текширувчи келиб қолса, балога қоламиз-ку!” десам ҳам унамади. “Иш тутманг, ҳаммасига ўзим жавоб бераман!” деб туриб олди. Мана энди, мен емаган сомсам учун пул тўлаб ўтирипман...

– Балки уй-жой олгандир ёки бировнинг ҳожатини чиқаргандир? Ўша кезларда бирор киши билан қуюқлашиб юрганини сезгандирсиз?

– Уй-пуйини билмадимку-я, аммо менга ҳар гал “ана опкелаяпти, мана опкелаяпти” дерди. Шундан битта-яримтага берганмикан, деган ўйга боргандим... лекин кимга, нима мақсадда берган – бу ёғи номаълум. Ошнаси ҳам, ош-қатиқ бўладигани ҳам кўп эди...

– Олдин ҳам хазинадан пул олиб турармиди?

Даврон бир оз талмовсираб жавоб берди:

– Бир-икки марта олганди, лекин унда пуллари тезда жойига қўйганди.

– Аниқ жавоб беринг. Қачон, неча марта, қанча сума олганди?

– Икки марта, – Давроннинг овози қалтираб кетди. – Бир марта ўтган йили қишда “кўк”ида беш минг олганди. Ўн кунда пулни қайтарувди. Иккинчи бор ўтган йили ёзда ўн минг олиб, муддатида жойига қўйганди...

– Банкнинг пулини ким сўраса бераверар экансиз-да! – зарда қилди Санжарбек.

Даврон бошини ҳам қилганча, индамади. Унинг хаёлидан нималар ўтаётганини англаш қийин эмасди.

Терговчилар бири олиб, бири қўйиб анчагача гувоҳнинг “сувини сиқдилар”.

– Ҳўш, энди нима қилмоқчисиз? – деди Фахриддин сўроқ сўнгига. – Банкнинг пулини қандай қилиб жойига қўясиз? Акс ҳолда ўзганинг мулкани талон-торож қилганлигингиз учун...

– Қамалишим аниқ! Нима қилай, тақдирда шу ҳам бор экан-да!

– Қамалишдан чўчимайсизми? – деди Санжарбек гувоҳнинг дадиллигидан таажжубланиб. – Балки зарарни тўлаш чораларини кўрасиз? Унда қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо...

– Битимни сотиб тўлайманми? Икки ойдан бери на ётиш, на туришимда ҳаловат бор. Еганим этимга

юқмайди. Уйдагиларни ҳам сил қилиб юбордим. Бу кунимдан ўтириб чиққаним яхши... Ушанда шу Зухриддинга қанча айтдим-а! Унамади, касофат! Ер ёмонлаб бормасин, ўлгудай қайсар одам эди-да! Ўзи мана кетди-борди. Мен ўтирибман энди бир еримни чангаллаб. Ҳэ, нима бўса, бўлар! Бир бошга бир ўлим! Ҳар ҳолда отмассизлар...

– Отув бизда бекор қилинган! – Анчадан буён жим ўтирган Муроджон гап қўшди.

– Хайрият, шу ёғига ҳам раҳмат! – Даврон чуқур уф тортди. – Майли, бу ёғи нима бўлса пешонамдан кўраман. Лекин дардим ошкор бўлиб, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди...

Кейинги кунни терговчилар банк хазинасида аниқланган камомад сабабларига аниқлик киритишдан бошладилар. Уларнинг фикрича, Тоғаевдан 50 минг доллар қарз олган номаълум кимса қарзни қайтармаслик мақсадида банкирни йўқ қилишга аҳд қилган. Вақт ўтган сари Зухриддиннинг қарзни қайтариш тўғрисидаги талаби кучая борган, акс ҳолда оқибати қамоқ билан тугаши ҳақида шеригини огоҳлантирган. Пул эса аллақачон бировларнинг жиғилдонидан ўтиб, жойини топиб кетган. Аввал бошда ўйланган режалар амалга ошмай қолган. Ёки бошқа бирор шоввоз уларни чув туширган. Хуллас, жуда катта миқдордаги қарзни қайтариш имкони йўққа чиққан. Пул эса банкники, сўрови бор! Шунда елкасига зилдай қарзни ортиб, чорасизлик ботқоғига ботиб кетаётган одамнинг олдида биргина йўл – банкирни йўқ қилиш қолмайдими? Демак қотил аниқ!!!

Тергов гуруҳи шуларни назарда тутиб, биринчи галда Тоғаев пулни берган одамнинг шахсини аниқлашга киришдилар. Унинг оғайни-қариндошлари, таниш-билишлари, касбдошлари, қўни-қўшнилари бирма-бир сўроқ қилинди. Кейинги

ойлар ичида марҳумнинг хизмат, қўл телефонидаги қўнғироқлар таҳлил қилиниб, қўп такрорланган ва шубҳа қилинган телефон рақамлари соҳиблари батафсил сўралди. Банкка ўрнатилган видеотасвирлар такрор-такрор кўздан кечирилди. Аммо уринишлар бесамар кетди. Тоғаевнинг кимга, нима мақсадда пул берганлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Шунда терговчилар Давроннинг кўрсатмаларига шубҳа билан қарай бошлашди. Тўғри-да, шунча катта миқдордаги пулни бировга берар экан, буни унинг яқинларидан бирортаси билиши, сезган бўлиши лозим эмасмиди? Тоғаев қанчалик пухта, пихини ёрган одам бўлмасин, бу сирдан кимдир воқиф бўлиши, кимдир жилла қурса “исини олган” бўлиши тайин эди. Демак, воқеа бошқачароқ бўлган. Тергов гуруҳи бу борада икки хил тахминни илгари сурди. Биринчи тахмин: Даврон пулни Зухриддинга бермаган, балки ўзи талон-торож қилган. Камомад аниқланиб қолгач, шу баҳонани ўйлаб топган. Ҳамма айбни раҳбарга йўйиб, ўзи жазодан қутулиб қолмоқчи бўлган. Ахир ўлганлар гапирмайди-да! Иккинчи тахмин: Зухриддин пулни Даврондан олган ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Унинг киши билмас муаммоси бўлган. Лекин туппа-тузук қўп йиллик раҳбарнинг банк пулини “туя” қилиб, ҳеч нарса кўрмагандай юриши Фахриддин Каримовичга шубҳали туюлди. Бундай қалтис ишга қўл урган одам одатда муаммолар гирдобига ботган, юриш-туришида ҳаловат йўқ киши бўлиши ва табиийки, буни атрофдагилар сезиши турган гап. Бироқ, Зухриддиннинг на ишида, на оиласида, наинки қариндош-уруғлари ҳаётида арзигулик муаммо, бирор ташвишли ҳолат пайдо бўлгани аниқланмади.

Шу важдан гуруҳ биринчи тахмин хусусида қўпроқ бош қотиришига тўғри келди. Даврон-

нинг барча яқинлари, туққан-туғишгани, таниш-билишлари билан иш олиб борилди. Маълум бўлишича, у шу йили катта қизи Барнони Тиббиёт академиясига ўқишга киритган, кичик ўғли Шерзодга суннат тўй қилган.

Терговчиларнинг “Балки пулни шу мақсадларга ишлатиб юборгандирсиз?” деган саволидан Давроннинг хуноби чиқиб кетди:

– Ахир, қанақа одамсизлар! Мен пулни бошқарувчига берганман. Қизим уч йил қаторасига ҳужжат топшириб, шу йили бахти кулди. Тиним билмай репетиторда тайёрлангани фойда бериб, ўз кучи билан ўқишга кириб кетди. Ўғлимнинг суннат тўйини орқага сура-сура бола мактабга чиққандан кейин – етти ёшида ўтказиб бердим... давлатнинг пулига тўй қилиб ўлиппанми?

– Унда пулларни қаерга сарфладингиз? – саволни такрорлади Санжарбек совуққонлик билан.

– Неча марта айтиш мумкин? Мен ўша зорманданинг сариқ чақасига ҳам хиёнат қилганим йўқ. Ўлай агар... Нимага одамга ишонмайсизлар-а!

– Даврон ака, сизга ишонамиз, аммо қурғур далиллар, иш тафсилотлари бошқа гапни айтиб турипти-да! – деди Фахриддин мулойимлик билан. – Айбсизлигингизни исботловчи, яъни пулларни ҳақиқатда Тоғаевга берганлигингизни исботловчи бирор-бир далил ёки гувоҳингиз борми?

– Қанақа далил! У ҳўжайин бўлса... мен ундан тилхат олармидим!

– Сиз эса банкнинг масъул ва моддий жавобгар шахси ҳисобланасиз! Ўз шахсий жамғармангизни хоҳлаганча тасарруф этишга ҳақлисиз. Аммо банкнинг маблағини “ўйин” қилишга ҳеч ким сизга ҳуқуқ бермаган!

– Ахир у бошлиқ... қандай... – Даврон дудуқланди.

– Қонун эса ҳаммага бир! – деди Санжарбек стол устидаги қалин муқовали “Кодекс”га ишора қилиб.

Орага жимлик чўкди. Фахриддин Каримович бу одам билан бирор нарсанинг тубига етиб бўлмаслигини англади чоғи, масалага бошқа томондан ёндашмоқчи бўлди:

– Даврон ака, яхшилаб эслаб кўринг-чи, Тоғаев билан мулоқот чоғида, айниқса сиз пулларни талаб қилган пайтларингизда у бирор кимсанинг исмини айтгандир ёки телефонда гаплашганда бирортасининг отини атагандир!

– Ҳар гал пулни сўраганимда у кабинети ичкарисидаги хонага кириб кетиб, ким биландир бақириб гаплашарди. Аммо бирорта исмни тилга олганини эслай олмайман. Аммо... бир сафар эшик қиягина очилиб қолганидан гап кимларнингдир қамалгани ҳақида бораётганини эшитгандай бўлгандим.

– Айнан нима деганини эслай оласизми?

– “Қамалган бўлса, мен нима қилай, бу сенинг проблеманг, қўл қўлни танийди!” деганди ...

– Гап ким ҳақида, нима ҳақида бораётганини англай олмадингизми?

– Қайдан билай? Менимча, хўжайин кимгадир пулни берган, у эса бошқасига... ўша кимса қамалган чамамда...

– Яна нималар деганди ўшанда Тоғаев... бир эслашга ҳаракат қилиб кўринг, – Санжарбек умидворлик ҳисси билан гувоҳга термилди.

Даврон бир оз ўйга толди. Терговчилар унинг ҳаёлини бўлмаслик учун тош қотиб туришарди.

– Ўшанда ҳаёлимга бир фикр келганди, – ниҳоят гувоҳ тилга кирди. – Дастлаб “хўжайин нашапурушлар билан иш қилаяптими?” деган ўйга бордим. Кейин қарасам гап машина тўғрисида ке-

таётгандай... Балки менга шундай туюлгандир...

– Шундай ҳулсага келишингизга нима асос бўлди?

– Гап орасида хўжайиннинг “оқими, қорасими, ишқилиб “масла” бўлса бўлди!” дегани қўлоғимга чалинди. Шундан...

– Нима Тоғаев машина олди-сотдиси билан шуғулланармиди? – Санжарбек ўрнидан туриб кетди.

– Йўғ-э, олдин бунақа иш билан шуғулланганини сезмаганман... Эшитганимни айтдим қўйдим-да!

Терговчилар тезда кейинги бир йил ичида вилоят миқёсидаги автомашиналар олди-бердиси билан боғлиқ жиноят ишларини чақириб, таҳлил қилишга киришдилар. Беш-олти чоғли жиноят ишлари орасида вилоятдаги “Сангзор” автосалони раҳбарлари ва бошқа бир гуруҳ шахсларга нисбатан қўзғатилган иш терговчиларнинг диққатини тортди. Ишни қўнт билан ўқиб чиққан Санжарбек калаванинг учини топгандай бўлди. Кеч бўлиб қолганлигига қарамасдан бир даста қогозни қучоқлаб, гуруҳ раҳбарининг ҳузурига шошилади.

– Хўш Санжарбек, бўрими, тулки? – Фахриддин Каримович одатий саволини такрорлади.

– Бўри десаям бўлади! Ҳар ҳолда тулки эмас! – шогирд мамнун тиржайди.

– Қўлоғим сизда, бир бошидан сўзлангиз!

– Демак, – Санжарбек қўлидаги қогозга бир қараб олиб, ҳикоясини бошлади. – “Сангзор” автосалони раҳбари Жўрақул Тўраев бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, сунъий дефицит яратиш мақсадида заводдан келган автомашиналарни автосалонга туширмасдан ўзига тегишли кимсаларнинг хонадонларида сақлаб келган. Натижада автомашина учун олдиндан бунак пули тўлаб, навбатда турган фуқаролар ўзларига

тегишли машинани навбатсиз олиш учун салон раҳбариятига пора беришга мажбур бўлишган. Бу ҳолат тўданинг бошқа аъзолари ўзининг “бизнес”ни юритишларига имкон эшикларини очган. Шундайлардан бири “Қалия” маҳалласида яшовчи, Тўраевнинг қайинукаси Мавлон Муқимов бўлган. Бу корчалон бошида поччаси билан мурса қилиб, бир неча кишига “шапкаси”ни олиб, навбатсиз машина тўғрилаб берган. Қараса, ишлар чакки эмас. Асосийси, одамларнинг ишончига кириб олган. Қарабсизки, машина олиш истагида юрган содда кишилар пулини чангаллаб, Мавлоннинг олдига югуришган. Поччасига ишонган “уддабурон” ҳаш-паш дегунча анча-мунча одамдан пул олиб қўйган. Лекин ҳаммани машина билан таъминлашнинг имкони йўқ эди. Вақт ўтган сари одамлар Мавлонни қистай бошлаган. Айримлари “машинамни қачон олиб берасан!” дея жанжал кўтаришгача борган. Шунда Мавлон жанжалкашларни тинчлантиришнинг ажойиб йўлини топган. У бозорга тушиб, гарчи қиммат нархда бўлса-да, машиналарни нақд пулга сотиб олиб, одамларга тарқатган. Ҳар бир машинадан 20-25 фоизгача зарар кўрган бўлса-да, қулоғи тинчиган. Бошқа томондан қўпчиликнинг ишончини қозонган, “пул берсаммикан, бермасаммикан” дея иккиланиб турган айрим кишиларнинг дилидаги шубҳа-гумонларни тарқатиб юборишга эришган. Энди таниш-нотаниш кимсалар Мавлоннинг остонасига оқиб кела бошлаган. Босар-тусарини билмай қолган “уддабурон” уч-тўрт ошнаси билан бамаслаҳат “Хизмат – беминнат” деган фирма очиб, шаҳарнинг марказидан барча қулайликларга эга бўлган маъмурий бинони ижарага олишган. “Мерседес” маркали қимматбаҳо машина сотиб олиб, хизмат машинаси сифатида фойдаланади.

Бу эса кўпчиликнинг Мавлонга ва унинг фирма-сига бўлган ишончини янада оширган. Иш шу даражага бориб етадики, одамлар машина олиш учун фирмага пул топширишга навбатда туришган. Айримлар ҳатто навбат кутиб бир неча кунлаб ўша жойда қолиб кетишган. Фирма атрофидан туну кун одам аримаган. Пул топшириш учун илтимосга таниш-билишлар, дўст-қадрдонлар ишга солинган. Мижозларда шубҳа уйғотмаслик учун пул топширган шахсларга фирма раҳбари ва бош ҳисобчиси имзоси ҳамда фирма муҳри билан қалбаки квитанциялар берилган. Бозордаги нархлардан анчагина паст баҳода машинали бўлиб қолган шоввозлар олди-ортига қарамасдан қарз-парз ҳавола қилиб бўлса-да пул тўплаб, бу сафар учта, тўртта, ҳатто бештагача машина харид қилиш учун фирмага пул топширганлар. Айримлар бел огритмасдан мўмай фойда олиш мақсадида таниш-билишларини бу ишга жалб қиладилар. Улар кимдан иккита, кимдан уч-тўрттадан машина учун маблағ йиғиб олиб, жон ҳолатда фирмага чопадилар. Буни қарангки, фирибгарларнинг ўн-ўн беш кишига паст баҳода машина олиб берганлиги кўпчиликнинг кўзини кўр қилиб қўяди. Ҳамма фирмага тезроқ пул топширишни ва арзонроқ машинали бўлишни ўйлайди...

Санжарбек сўзлашдан тўхтаб, “жуда чуқурлашиб кетмадимми?” дегандай устозига термилди. Унинг хотиржам тинглаётганига ишонч ҳосил қилгач, гапини давом эттирди:

– Фирмага пул тўлаган шахслар рўйхати таҳлил қилинганда улар орасидан Тоғаев билан алоқада бўлган бир киши аниқланди.

– Хўш, хўш, ким экан ўша шоввоз! – Фахриддин сергак тортди.

– Бу кимса Зухриддиннинг жияни Ортиқали Нарзиев бўлиб чиқди.

– Ортиқали! Биз уни сўроқ қилгандик шекилли...

– Ҳа, ҳа! Ўша мулойим Ортиқали! Ўзини қўй оғзидан чўп олмайдиган кишидек сипойи тутганди.

– Тоғаев билан телефонда кўп сўзлашганлардан бири ўша йигит эди-да!

– Ўша, ўша! Сабаби сўралганда “тоғали – жиян ҳар замонда отамлашиб турардик-да!” дея жавоб бериб, сувдан қуруқ чиқиб кетганди.

– Демак, банкир пулни Ортиқалига берган, – хулоса қилишга ошиқди гуруҳ раҳбари. – У эса фирибгарлар тузоғига илиниб, пулни фирмага топширган. Бу орада фирмадагилар тумшугидан илиниб, қўлга олинган. Банкир тоға жиянидан пулни қайтаришни талаб қила бошлаган. Жияннинг эса...

– Тобора ғазаб отига минаётган тоғани йўқ қилишдан бошқа иложи қолмаган!

– Шунақага ўхшайди-ку! – Фахриддин ўрнидан кўзгалди. – “Жиян” ҳозир қаерда экан?

– Йигитларга топшириқ бердим, ҳали замон опкелишади.

– Тузук! Наҳотки одам арзимас пулни деб ўз тоғасини ўлдирса! Одамларга нима бўлаяпти ўзи...

– Бунақанги одам сонига ҳайвонлар олдин ҳам бўлган, кейин ҳам бўлади! Фақат улар...

Шу пайт эшик тақиллаб, тезкор ходимлардан бири ранги докадек оқариб кетган Ортиқалини хонага бошлаб кирди.

Фахриддин шогирдига “бошлайверинг” дегандай имо қилиб, ўзи хона четидаги креслога ўтирди. Санжарбек “меҳмон”га жой кўрсатиб, унинг қарама-қаршисига ўрнашди ва жиддий қиёфада сўроқ қилишга киришди:

– Сизни ўтган сафар гувоҳ сифатида сўраганимизда нима сабабдан тоғангиз Зухриддин Тоғаев билан олди-бердингиз борлигини айтмагандингиз?

– Қанақа олди-берди? – Ортиқали ҳеч нарсага тушунмаётгандай жавдиради.

– Ўзингизни гўлликка солманг! Тоғангиздан олган қарзларингиз ҳақида сўраяпман!

– Менинг ҳеч кимдан берасим... йўқ!

– Унда ҳақди равишда бошқа савол келиб чиқади: “Хизмат – беминнат” фирмасига топширган шунча пулни қаердан олгансиз? – деди терговчи стол устидаги қалин жилдли жинойят ишига ишора қилиб.

Гувоҳ бир терговчига, бир стол устида қалашиб ётган қоғозларга бақрайиб, сукутга чўмди. Терговчи эндигина “минги” бўла бошлаган “тойчоқ”ни чўчитиб юбормаслик учун атайлаб жим турди.

– Фирмага топширилган пуллар меники эмас... тоғамники эди. – Ортиқали тилга кирди. – Фақат менинг номимдан банкка кирим қилдирганди.

– Бўлган воқеани шошмасдан бир бошидан айтиб берсангиз.

– Мавлон билан синфдошмиз, – Ортиқали гапни узоқдан бошлади. – Бир куни уни кўчада кўриб қолдим. Машина бизнеси билан шуғулланаётганини, керак бўлса, менга ҳам навбатсиз машина тўғирлаб бериши мумкинлигини айтди. Нарҳини суриштириб, хомчўт қилиб кўрсам “шапкаси” билан кўшиб ҳисоблаганда ҳам яхшигина фойда қиларканман. Тезда миниб юрган Нексиямни бозорда тузуккина пулга сотиб, Мавлонга олиб бериб бердим. “Кечи билан ўн кунда янги машинали бўласан!” деди у. Ўн кунда бўлмаса-да, ҳар ҳолда йигирма кунда яп-янги Нексия олиб берди. “Яна керак бўлса тортинмасдан айтавер, хоҳлаганингча олиб бераман, “шапка”сига чидасанг бўлди” деди қайтарида синфдошим. Хурсанд бўлдим. Ҳал-лослаб тоғамнинг олдига бордим. Ҳар ҳолда банкир одам... йиққан пули бўлиши мумкин. У мени эшитгач, қизиқиб қолди. “Фойдаси чакки эмас

экан, афсус шу пайтда ортиқча пул йўқ-да!” деди. Тарқалишдик. Кейинги кун мени ишхонасига чақирди. Бордим. “Акалардан қарз кутардим, бир айлантириб қайтариб берсак, битта машинанинг пули фойдага қоларкан”, деди у бир даста долларни менга узатиб. Нақд 50 минг экан. Тезда пулни олиб бориб, “Хизмат – беминнат” фирмасига топширдим. Мавлон “ҳозир машина сал дефицит бўлиб қолди, Худо хоҳласа, бир ойда тўғирлаб бераман” деб ишонтирди. Тоғамга айтсам “бўпти, бир ой ҳам ғизиллаб ўтиб кетади, подвадить қимаса бўлгани” деди. Ҳаш-паш дегунча айтилган муддат ўтиб кетди. Мавлонга бордим. У “ҳозирча машина келмай турибди, бир оз сабр қиласан, ўртоқ” дея мени тинчлантирди. Яна орадан ўн беш кун, бир ой ўтди. Бўзчининг мокисидай синфдошимнинг олдига қатнай бошладим. У ҳар сафар мени “ана бўлади, мана бўлади,” “эрта кел, индин кел” дея авраб келди. Бора-бора мени кўрса кайфияти бузилиб, “нима, менинг машина заводим борми, кут дегандан кейин кутмайсанми?” дея дағдаға қиладиган, ўзимни тиёлмай сал овозимни баландлатсам жеркиб, урушиб берадиган одат чиқарди. Тоғам эса мени қистовга оларди...

– Сиз эса уни йўқ қилиб, бир йўла ҳаммасидан қутулмоқчи бўлгансиз! – ўзича хулоса қилди терговчи ва “тўғри қилдимми?” деган маънода бир чеккада жимгина ўтирган устозига қараб қўйди.

– Бу нима деганингиз? – Ортиқали ток ургандай сапчиб кетди. – Мен... мен... тоғамни... ўйлаб гапиряпсизми ўзи! Одамга туҳмат қилманг!

– Ҳозирча бу терговнинг кўп сонли тахминларидан бири холос, – Фахриддин вазиятни юмшатган бўлди. – Сиз бекорга ташвиш чекманг. Айбсиз кишини ҳеч ким жавобгарликка торта олмайди. Ҳали ҳаммасини текширамиз, аниқлаймиз! Ай-

бингиз бўлмаса, узр сўраймиз. Қани энди қолган жойидан давом этинг-чи!

Бир оз ҳовуридан тушган Ортиқали вазмин гап бошлади:

– Икки ўтнинг орасида қолдим. Кунда-куно-ра Мавлонникига қатнайман. У қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб юборади. Кейин Зухриддин тоғамнинг олдига... Ундан оладиганимни оламан... Шу орада маҳаллада Мавлон ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқай бошлади. Кўп одамдан пул олиб, машина тўғирлаб беролмай қолганидан уни изловчилар кўпайиб кетди. Энди уни топиб гаплашиш ҳам қийин бўлиб қолди. Кейин кимлардир Мавлоннинг устидан милицияга арз қилганини эшитиб қолдим... Кейин унинг бир тўда шериклари билан бирга қамалгани ҳақида гап чиқиб кетди... Мени ҳам жабрланувчи сифатида терговга чақиришди. Мавлон билан юзлаштиришди. У ҳаммасини тан олди... Зухриддин тоғамга қийин бўлди. У ҳам пулни кимдандир олган экан шекилли... роса хуноби чиқди. “Мен билмайман, уйингни сотасанми, жонингни сотасанми, пулни қайтар, мен сенга берганман, қўл қўлни танийди!” деб туриб олди. Сен-менга ҳам бориб қолдик... Кейин бунақа воқеалар... бошланиб кетди... У ёғи сизларга маълум...

– Айтинг-чи, сиз тоғангизни охириги марта қачон, қаерда кўргандингиз? – ўртага чўккан жимликни Фахриддин бузди.

– Ўша воқеадан икки кун олдин, ишхонасида учрашган эдик.

– Нима ҳақида гаплашдингиз?

– Нима ҳақда бўларди! У пулни сўради. “Уларинг қамалган бўлса, мен нима қилай, менам қамалиб кетайми?” дея хуноби чиқди.

– Охири, қандай тўхтамга келдиларингиз? Нимага келишдинглар?

– Ҳеч нимага! У мени уришиб-уришиб чиқариб юборди. “Ернинг тагидан бўлсаям пулни топасан!” деди. Индамай чиқиб кетдим...

– Ўшанда унинг феъл-атворида бирор ўзгариш сезмадингизми?

– Қанақа ўзгариш! Жазавага тушиб турганди. Кўзига ҳеч нарса кўринмаётганди...

– Тоғангиз сизга берган пуллар банк хазинасидан олинганидан хабарингиз бормиди?

– Йўқ! Менга буни айтмаганди. Фақат бировдан олиб бераяпман, тезда қайтариш керак, дегани эсимда.

– Нима деб ўйлайсиз, тоғангизнинг душманлари бормиди?

– Биров билан жанжаллашиб юрганини эшитмаганман, кўрмаганман. Яна ким билади...

– Қотилликни ким қилган деб ўйлайсиз?

– Ҳайронман! Ҳечам ақлим етмай қолди...

– Сиз ўша куни тоғангизнинг олдидан чиқиб қаерга бордингиз? – Санжарбек гап қўшди. – Кейинги уч-тўрт кун, яъни Тоғаев йўқолиб қолган кунлари қаерда бўлгансиз?

– Нима сиз мендан кўраяпсизми? – деди Ортиқали йиғламоқдан нари бўлиб.

– Бу – сиз айбдорсиз деганимиз эмас, – деди Фахриддин босиқлик билан. – Аммо биз ишга алоқадор ҳар бир масалани чуқур ўрганишга мажбурмиз. Даҳшатли қотиллик жинояти очилмаган. Нима, сиз тоғангизнинг қотили топилишини истамайсизми?

– Нега истамас эканман! Ахир тоғам-ку...

– Ҳа, балли! Ундай бўлса, дийдиёларингизни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, берилган саволларга ўйлаб, аниқ жавоб беринг, терговга ёрдам қилинг!

Гувоҳ бир оз сергакланди. Терговчилар навбатма-навбат савол бериб, унинг ўша мудҳиш

воқеалар рўй берган кунлари қаерларда бўлгани, кимлар билан учрашгани, бу ҳолатларни кимлар тасдиқлаши мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни ипидан игнасигача ойдинлаштириб олдилар. Тезда олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини аниқлашга киришилди. Бундан ташқари, Ортиқалининг телефон сўзлашувлари, юриш-туриши кузатувга олинди. Унинг алоқалари доираси, кейинги икки-уч ой ичидаги уй, қўл телефонидаги суҳбатлар таҳлили қўнт билан ўрганиб чиқилди. Аммо уринишлар самара бермади. Ортиқалининг жиноятга бирон-бир шаклда алоқадорлигини тасдиқловчи ҳолатлар аниқланмади.

* * *

Кунлар бир-бирини қувалашиб ўтиб борарди. Тергов гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган барча тахминлар чиғириқдан ўтказилган бўлишига қарамай, терговчилар эътиборга молик бирор нарса топишолмай хуноблари чиқарди. Фахриддин Каримовичнинг хаёлида тергов яна боши берк кўчага кириб бораётгандай, ҳақиқат карвони улардан тобора узоқлашиб, шубҳа-гумонлар тоғи ортида кўринмай кетаётгандай, шундай қабиҳ жиноят очилмай қолаётгандай, қотил эса уларнинг устидан кулиб, “сен изқуварлар шоҳида юрсанглар, мен баргида юраман!” дея маломат тошларини отаётгандай туюларди. Санжарбек ва гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам деярли қўлларини ювиб, қўлтиқларига уриш даражасига келиб қолган, тамоман тушкунлик ботқоғига ботган эдилар. Шундай кунларнинг бирида Навоий шаҳридаги жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаётган “2951-сонли агент”дан олинган маълумот терговчиларнинг қалбида яна умид учқунларини пай-

до қилди. Хабарномада шундай жумлалар бор эди: “Жиззах вилоятидан келтирилган маҳкум Муқим Бозоровнинг айтишича, у Қодир исми шериги билан бундан бир йил олдин Жиззах шаҳридаги банкларнинг биридан 80 минг АҚШ долларини ўғирлашган. Лекин банк бошлиғи (исми Завқиддин ёки Шавқиддин) ўзидан қўрқиб, органга хабар қилмаган. Ўғрини қароқчи урибди деганларидай Қодир ҳамтовоғини доғда қолдириб, Россияга суриб юборган”.

Тергов гуруҳи фурсатни бой бермасдан бу хабар устида ишлашга киришди. Банкда ўтган йили ишлаган барча хизматчилар, ички ишлар бўлими қўриқлаш хизмати ходимлари сўроқ қилина бошлади. Аммо ҳеч ким бу ҳақда бирор нарса билмаслиги маълум бўлди. Банк масъул ходимлари Фотиҳ Ҳамидович, Даврон Пулатовичлар ҳам ўлимдан хабари борликлари, лекин бундан беҳабар эканликларини айтиб туриб олишди.

– Балки бу бир аҳмоқнинг шунчаки мақтанчоқлигидир, – Санжарбек устозига савол назари билан боқди.

– Бўлиши мумкин! – деди Фахриддин кўзини қоғоздан узмай. – Ўзи шунақа айрим кимсалар қилмаган ишлари билан мақтаниб, зонада маҳкумлар “хурмати”ни қозонишга ҳаракат қилишади. Лекин... мени бир нарса сергаклантириб турибди. Маҳкум банк бошқарувчисининг исмини деярли тўғри айтган. Завқиддин ёки Шавқиддин деган. Бу исмлар Зухриддинга жуда яқин, сал адашган...

– Балки Бозоров Зухриддинни узоқроқдан танигандир. Лофига бир чимдим ҳақиқат қўшиш учун атайлаб билган кишисининг исмини тилга олгандир.

– Бу ҳам бўлиши мумкин! Лекин бари бир буни охиригача текшириб, ишонч ҳосил қилишимиз шарт.

– Шундайликка шундайку-я...

– Демак, гап бундай, – устоз гапни мухтасар қилди. – Эрталаб Навоийга жўнайсиз. Бозоровни гапга соласиз...

– У муқаддам икки марта ўғирлик, талончилик қилгани учун судланган. Кейинги сафар аёл кишига қўл кўтарган... Нақ шайтоннинг ўзи бўлса керак! Ундан бирор гап олиш...

– Ҳеч гап олинмаса, бу ҳам натижа! Олинса – ютуқ! Бу ёғи сизнинг маҳоратингизга боғлиқ. Бозоров қанчалик шайтон бўлмасин, оғзи бўшга ўхшайди.

– Яхши, агар айтганлари ҳақиқат бўлса, бир амаллаб гапга солса бўлади!

* * *

Эртаси куни чошгоҳга яқин Навоий шаҳрига етиб келган Санжарбекни шаҳар махсус прокурори ўринбосари Мамасоли Исоқов кутиб олди. Мезбоннинг жиндаккина тамадди қилиб олиш ҳақидаги таклифини рад этган терговчи тўғри қамоқхонага боришни лозим топди. Муассаса масъул ходими ҳамроҳлигида катта-кичик қалин эшиклар, темир панжаралардан ўтиб, тергов учун ажратилган махсус хонага киришди. Сал ўтмай қамоқхона нозирлари хонага қирқ ёшни қоралаган, озғиндан келган бўлса-да, кўринишидан анчагина чайир йигитни бошлаб киришди. Санжарбек маҳкумга жой кўрсатиб, ўзи ҳам унинг рўпарасига ўтирди ва сумкасидан қоғоз-қаламини чиқариб, аввал маҳкумнинг шахсига оид маълумотларни қоғозга туширди. Сўнг муддаога кўчди:

– Муқим ака, – терговчи маҳкумнинг кўнглига йўл топиш учун атайлаб мулозамат қилган бўлди.
– Ишлар яхшими, камчиликлар йўқми?

– Раҳмат ука, “контора”да ишлар қанақа бўларди! Ўтирибмиз “командировка”ни кутиб.

– Кайфиятлар қалай!

– Ҳар ҳолда менинг кайфиятимни билишга келмагандирсиз! Нимага чақирдингиз начальник? – маҳкумнинг афти тундлашди.

– Сизга бир-иккита саволимиз бор? – Санжарбек бу одам билан ади-бади айтишиб ўтириш бекфойдалигини ҳис этиб, мақсадга кўча қолди. – Қодирни танийсизми?

– Қанақа Қодир! Ҳеч қанақа Қодирни танимайман!

– Сиз билан банкни бирга ўмариб, кейин “ухлатиб” кетган Қодир дўстингиз-да!

– Қанақа банк, нималар деб алжираяпсиз, начальник? Нима, менга яна йўқ жойдан дело пришить этиб, срок намотать қимоқчимисиз?

– Қодир қўлга олинди! – терговчи ёлғон аралаш бўлса-да олдиндан тайёрлаб қўйган усулни қўллашга мажбур бўлди. – Банкдан ўмарилган пулларнинг ҳаммасини сизга берганман деяпти.

– Тушунмаяпман, нималар деяпсиз! Қанақа Қодир, қанақа банк, қанақа пул! Нима мени “пушка”га олаяпсизми? – деди маҳкум пинагини бузмасдан.

– Нима, ишонмаяпсизми? – терговчи тепасига “Гумондорнинг сўроқ баённомаси” деб ёзилган қоғозни маҳкумнинг олдига ташлади. – Марҳамат, унинг ўз қўли билан ёзган кўрсатмасини ўқиб кўришингиз мумкин!

– Ўртоқ начальник, бас қилинг! Нима, мени шу туфта филкинограммангизга ишонади деб ўйлаяпсизми?

– Сизнинг ишониш, ишонмаслигингиз бизни қизиқтирмайди! Бизга ҳаммаси маълум! Қодир бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берган. У айтмаса, сизни қаердан билардик, банкдаги

ўғирлик тушимизга кирибдими! Фақат у барча ишни сизга тўнкамоқда, шуни текширмоқчимиз холос.

Муқим истар-истамас олдидаги қоғозга кўз югуртирди. Терговчиларнинг Қодир номидан унинг шаънига битилган таъна-дашномлари ўз кучини кўрсатди шекилли бирдан тутақиб кетди:

– Вот падло! Вот козёл! Балоларнинг бештасини епти! Пенсияни тийин-тийинигача шмо қилган ўша шакалнинг ўзи-ку!

– Чўкаётган одам чўпга ёпишади. Қодир ҳаммасини сизга ағдариб, ўзи сувдан қуруқ чиқмоқчи! – оловга “керосин” септи терговчи.

– Менга бари бир! Қамоқ уйимдай бўлиб қолган. Лекин у энағарга қийин бўлади. Энди ўзидан кўрсин, ўша кўрнамак! Эшшак, итдан тарқаган...

– У билан қандай танишиб қолгансиз ўзи? – терговчи пайтдан фойдаланиб, ҳамсухбатининг жағини очишни истарди.

– Минг лаънат бўлсин ўша шайтон билан танишган кунимга! Мен ўғриман, лекин унга ўхшаган козёл эмасман. Ҳе, энангни... Одам эслашгаям ҳазар қилади бундайларни.

Муқим бир оз ўйланиб, ҳикоясини бошлади:

– У билан зонада танишганмиз. Қодир “нави-чок” бўлган пайтлари кўп ёрдам қилганман. Қамоқдан чиққандан кейин ҳам борди-келди қилганмиз. Жигаримдай бўлиб қолганди. Тузимни ичиб, тузлиғимга тупурди аҳмоқ! Банкни ўмариш фикри ҳам ўшандан чиққан...

Санжарбек “шеригингнинг йўқлигида ҳамма айбни унга ағдармоқчимисан!” дегандай маҳқумга маъноли тикилди.

– Менга унақа қараманг, начальник! Борини айтаяпман. Ўзим қилган айбни бировга тўнкайдиган одатим йўқ. Аммо ўзгаларнинг айбни менга

ағдарышларыга ҳам йўл қўймайман... Хуллас, бир кунни, ой-кунни ёдимда йўқ, ишқилиб ўтган йили ёзда Қодир банкда кассадан ташқари хоналардан биридаги сейфда каттагина пул – “қўки”дан сақланаётгани, салгина жон куйдирилса, ўша пуллари қўлга киритиш мумкинлиги ҳақида гапириб қолди. Мен унга “калланг ишлайдими, қайси аҳмоқ ҳозирги замонда банкка ўғирликка тушади, ахир у жой қанақа қўриқланишини биласан-ку!” дедим. У эса “ҳаммасини пухта ўйлаб қўйганман, асосийси ўзларининг ичида одамимиз бор, у бизга ёрдам беради” деди. Мен ундан ўша одам ким эканини сўрадим. У “узумини егину, боғини сўрама!”, “кам билсанг, кўп яшайсан!” деб туриб олди. Менимча, барча маслаҳат ўша одамдан чиққан. А так, Қодир бунақа ишларга ақли етадиган бола эмасди. Бир томондан бир-биримизни билмаганимиз ҳам тузук эди. Эртага қўлга тушиб турса, банкирларда жон борми, дарров шеригини сотади. Қодирнинг йўриғи бўлак. Ҳар ҳолда қамоқ қўрган бола, панд бермаса керак, деб ўйладим... Ишни пиширишга унинг хатасида тўпландик. Маслаҳат шундай бўлди: ўлжа тенг учга бўлинади. Банкир пул турган жой ва унга ўтиб бориш йўллари чизилган харитани, банкнинг иш режимини беради. Қоровулларни чалғитиб туриш, электр токини ўчириб, сигнализация ва видеокамераларни бартараф этиш Қодирга юклатилди. Мен эса пайтини пойлаб банкка киришим, сейфни очиб, пуллари ташқарига олиб чиқиб беришим лозим эди. Режага мувофиқ Қодир менга темир сейф жойлашган хонага бориш йўллари ва хонанинг ички кўриниши тасвири туширилган видеони олиб келиб берди. Бунни банкир чўнтакда олиб юрадиган ручка кўринишидаги видео камера орқали тасвирга тушириб олган экан. Менинг “разведка” учун олдин-

роқ банкка киришимнинг иложи йўқ эди. Банкка ўрнатилган камераларга тушиб қолардим. Шу сабабли худди шунга ўхшаш бошқа банкка кириб, қаватлар, йўлаклар ва хоналарнинг жойлашишини ўрганиб чиқдим. Келишувимизга кўра Қодир банкда қоровулликда турган ментни чалғитиб туриши, ўша пайтда мен орқа эшикдан банкка кириб олишим лозим эди. Орқа эшикнинг калитидан ясалган нусхасини менга Қодир етказиши керак эди. Билишимча, банкир пайт пойлаб, калитдан андоза олган ва дубликат яساتган. Чалғитишни эса аёл киши уддалаши лозим эди. Қодир бу ишга эски ўйнашларидан бирини кўндирди. Аммо у бизнинг асл мақсадимиздан беҳабар эди... Ниҳоят, кеч соат 12 ларда мен банкка яқинлашдим. Ҳамма ёқ тинч. Банкка кириш жойидаги қоровулхонадан бировнинг телефонда қаттиқ-қаттиқ ҳиринглашаётгани эшитилиб турарди. Чўнтагимдан чарм қўлпоғимни олиб, кийдим. Сўнг орқа эшикни калит билан очиб, оёқ учида ичкарига кирдим. Мент оғзидан суви қочиб, тёлка билан берилиб гаплашарди. Паналаб, йўлакдан ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилдим. Видеокамера йўқ жойларни билардим. Пайпаслаб йўлакнинг охирида жойлашган 202-хонага яқинлашдим. Лекин эшикка йўлаб бўлмасди. Йўлак адоғида шифтда видеокамеранинг қизил чироғи милтираб турарди. Қўл телефонимдан шерикка гудок ташладим. Бу менинг манзилга етиб келганимни англатарди. Эшикни очиб, хонага киришим учун электр токи ўчирилиши лозим эди. Қодир беш дақиқа ичида шу яқин атрофдаги трансформатордан банкка келадиган электр симини қирқиб, токни ўчириши лозим эди. Кутдим. Роса тўрт дақиқадан сўнг чироқлар ўчди, атроф зимистон бўлиб қолди. Тезда фонар ёруғида дубликат калит билан эшикни очдим. Ихтиёримда

5 дақиқа бор эди. Шу вақт ичида сейфни очиб, ичидаги пулларни олиб, эшикни бекитиб, кузатувдаги хавфли йўлакдан ўтиб олишим лозим эди. Чунки олти дақиқадан сўнг банкка ўрнатилган автоматом генератор автоматик тарзда ишлаб кетиши бизга маълум эди. Фира-шира телефон шуъласида хона тўридаги деворга бириктирилган сейфни излаб топдим. Қодир берган дубликат калитда сейфни ҳушёрлик билан овоз чиқартирмасдан очдим. Унинг тепадаги кичик кўзида етти пачка юзталиқ доллар ва кичик шкатулькада иккита тилла соат ва майда-чуйда тақинчоқлар, пастки каттароқ кўзида ўн-ўн беш миллионча сўм пул тахланиб турарди. Шоша-пиша сейфни бўшатиб, сумкага жойладим. Соатга қарадим – ҳали икки дақиқача вақтим бор эди. Ўпкамни бир оз босиб олиб, сейфни қайта қулфладим. Оёқ учида юриб, хонадан чиқдим. Чиқиш эшигини тамбалаб, ташқарига отилдим. Беш-олти қадам юрганимда чироқлар ёнди. Ҳаммаси силлиққина адо этилди. Муйи-лишда дир-дир титраб Қодир мени кутиб турарди:

– Бўрими, тулки! – деди у шивирлаб.

– Бўри, бўри! – дедим қўлимдаги сумкага ишора қилиб.

– Э, Худога шукр-э, яна беш дақиқа чиқмасанг юрагим ёрилиб кетарди! – Қодирнинг қўллари қалтирарди.

– Намунча ваҳима қилдинг, ичкарига кирган менми, сен! Ўпкангни босиб ол, ҳаммаси ортда қолди, – дедим унга таскин бериб.

– Ишқилиб, анави гўрсўхта мент хитланиб қолмадими? – шеригим худди биров ортидан қувиб келаётгандай изига қараб олди.

– Қўрқма, ҳаммаси жонон бўлди!

Қоп-қоронғи кўча бўйлаб юриб, нариги муйи-лишда Қодирнинг машинасига ўтирдик.

– Бу ёғи яхши бўладику-я, аммо эрталаб банк бошлиғи шовқин кўтармаса гўргайди, – дедим машина жойидан қўзғалгач.

– Бундан кўнглинг тўқ бўлсин – банкнинг каттаси заявить қилолмайди. Ўзининг орқаси ... у даъюснинг! Заявить қиса биринчи ўзи кетишини яхши билади, – деди Қодир атрофга аланглаб.

– Йўлга қара! Яна йўқ жойдан бир балони бошлаб ўтирма! – танбеҳ бердим мен. – Анави банкдаги шеригинг-чи! Унинг оғзи маҳкамми? Сасиб ўтирмайдими?

– Э, уни қўявер! Ақчасини олгандан кейин жони нечта? Сен билан менга қамалиш унча оғир кулфат эмас. Лекин у даъюс қамоқ деса, иштонини ҳўллаб қўяди, – ишшайди Қодир.

– Шуниси ёмон-да, дўст! “Қўрқоқдан шерик чиқмайди” дерди отам раҳматли. Чунки бундайлар ўзидан қўрқиб, ҳар қандай одамни сотишни афзал қўради.

– Э, бунча ваҳима қимасанг! Даъюсни менга қўйиб бер! Асосийси энди биз боймиз! А лаббай, Муқимбойвачча! Энди биз ҳам одамлардай яшашимиз мумкин. Қачонгача итнинг орқа оёғи бўлиб юрамиз! Нима, бизнинг ўша банкирларингдай пишқириб юришга ҳаққимиз йўқми? Ҳаромдан пул топганлар қўша-қўша хотин, қўша-қўша ҳовли жой, машина қилишса, данғиллама тўйлар беришса, бизнинг ўшалардан қаеримиз кам! Нима, биз одам эмасмизми? Айримлар туяни кўрдим демай ютишади, бало ҳам урмайди! Сен билан мен чумолини ютсак, ўғрига чиқамиз. Қамашади!

– Бўлди-э, кўп нолийверма, сенам ўлар қолар жойда эмассан, – дедим гарчи ичимда унинг гапларига қўшилсам ҳам.

– Тўғри-да! Менинг биринчи бор нима учун қамалганимни биласизми? – деди Муқим Санжарбекка бақрайиб.

– Анкетангизда кўзим тушганди, ўғирлик учун бўлса керак.

– Ҳа, балли! Лекин кимдан нимани ўғирлаганим умуман сизга қизиқ эмас! “Бу менинг ишим эмас” дейишингиз тайин. Тўқ қориннинг оч қорин билан неча пуллик иши бор. – Маҳкум адабий тилда гапиришга ўтди.

– Жуда унақа эмасдир. Ахир ишингизни суд кўрган, айбингиз бўлмаса, сизни ким ҳам қамарди. Ундан ташқари, суд ҳукмидан норози бўлсангиз апелляция, кассация тартибида шикоят қилишингиз...

– Қанақа шикоят! Азизим, нималар деяпсиз! Яқинда бир камерадошимизнинг адвокати шикоят ёзган экан. “Нима бўлди?” денг! Икки йил қўшиб беришди! Ана сизга ҳақиқат, ана сизга адолат!

– Одамлар билиб-билмай гапираверишади. Аслида жиноят ишини ўрганиб чиқсанг, ҳолат бошқача бўлади.

– Балким! Одамларнинг гапи ёлғон бўлақолсин! Мен ўз бошимдан ўтганини айтаман, заррача лофи йўқ! – Муқим бир оз ўйланиб туриб давом этди. – Бизам онадан ўғри бўлиб туғилмаганмиз. Мактабни яхши баҳоларга битирдим. Орзу-умидларим анча эди. Институтга ўқишга топширдим. Бахтим чопмади. Армияга бориб, йигитлик бурчимни ўтаб қайтдим. Яна ўқишга ҳужжат топширдим. Отам раҳматли уйимиздаги бор молни сотиб, пулини бир ҳамқишлоқ домлага келтириб берди. Домла катта ваъдалар билан пулни олиб, сўзининг устидан чиқмади. Имтиҳонлардан ўтолмадим. Домла “хафа бўлманглар, сал кейинроқ қўшимчага киритаман” деб анча пайтгача қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб юрди. Орадан олти ой ўтиб кетди. Отамнинг ҳафсаласи пир бўлиб, домладан пулни талаб қилди. Домла роса Худодан қайтган

муттаҳам чиқиб қолди. Пулни қайтармаслик учун ҳар хил ўйинлар қила бошлади. Ўзини топиб бўлмасди. Уйига излаб борсак, хотини одамни итдай талайдиган бўлди. Отам диёнатли одам эди. “Шу муттаҳам билан ади-бади айтишиб юраманми!” дея берган пулига рози бўлиб қўяқолди. Укаларимнинг ризқи қийилиб, ҳовли тўла мол-ҳолимиздан айрилиб ўтирганимиздан хўрлигим келиб кетди. Шайтон қитиқлаб, бор-э деб шу аблаҳни ўлдириб ташласамми ёки уйига ўт қўйсамми деган хаёлга ҳам бордим... Унинг шаҳарнинг ўртасида данғиллама ҳовли-жойи, машинаси бор! Биз эса оғилимиздаги молларни ҳам унга тортиқ қилиб, ўзимиз қўлимизнинг кирини сўриб ўтирибмиз! Айримлар “органга беринглар” деб маслаҳат берди. Лекин отам бунга унамади. “Энди бир қишлоқдан бўла туриб, судма-суд судралишиб юрамизми?” дея истиҳола қилди. Ўйлаб кўрсам, отам ҳақ. Бизнинг бировга бергулик бир миримиз бўлмаса, домла эса давлатманд, ҳар қандай тўранинг оғзини пул билан ёпишга устаси фаранг! Ёшлигимизда отам кўп дoston ўқиб берарди. Шулардан Эргаш Жуманбулбул ўғли айтган бир байт қулоғимга ўрнашиб қолган:

*Бечорани олиб борар қозига,
Қози ўйнар бойнинг чалган созига!*

Хуллас “бечора”нинг ҳоли бошимизга тушиб, “бой”нинг созига ўйнаётган қозилар олдида музтар бўлишга кўзимиз етиб, бефойда шикоятбозликни ҳам ўзимизга эп кўрмадик. Отам бағрикенг одам эди – кўникди. Онам ҳам жаврай-жаврай тақдирга тан берди. Аммо мен бу ноҳақликка чидай олмас эдим. Оиламизнинг танг аҳволини, укаларимнинг юриш-туришини, онамнинг ич-ичидан

эзилишини кўриб, товонимга игна киргандай бўларди, кечалари сапчиб ўрнимдан туриб кетгим, ўша аблахни мажақлаб ташлагим келарди...

Муқим юраги тўлиб, бир муддат жим қолди. Санжарбек у ўзига келиб олиши учун сукут сақлашни афзал кўрди. “Кесақда ҳам дард бор деганлари рост экан-да. Ҳозиргина кўзига ҳеч нарсадан тоймайдиган қаҳри қаттиқ, ашаддий безори ва жиноятчи кўринган бу одамнинг ҳам шунча дарди бор экан-а!” деган ўй хаёлидан ўтди.

– Вақт ҳамма нарсага даво дейишади. Аммо фурсат ўтгани билан менинг қалбимдаги алам чўғи зўрайса зўрайдики, сўнмади. Чунки ҳар сония яқинларим олдида оиламиз бошига тушган бу кўргиликларда мен ўзимни айбдор санардим. Мен туфайли оиламиз шундай азобларга дучор бўлганини ўйлаб, ўзимни кечиролмасдим... Шу алам, шу дард юрагимда бир махфий режа туғилишига сабаб бўлди. Иш баҳонасида Жиззах шаҳрига бориб, синфдошларим билан ижарага уй олдим. У пайтлари ишга кириш осон эмасди. Кимдир илтимос қилмаса, ёрдам бермаса, ҳеч ким сени ишга оламан деб кўзи учиб тургани йўқ эди... Иш сўраб бир-икки корхонанинг эшигини тақиллатдим, йўқ дейишди. Баҳонада режамни амалга оширишга киришдим. Беш-олти кун домланинг уйини кузатдим. Уйга кимлар кириб чиқиши, эр-хотиннинг қачон ишга кетиб, қачон келиши, болаларининг мактабга кетиш ва қайтиш вақтини қунт билан ўргандим. Шанба куни домланинг хотини ясан-тусан қилиб, тўрт боласи билан қаергадир меҳмонга отланишди. Машина рулида катта ўғли. Ортидан кузатдим. Ғаллаорол томонга юришди, демак, қишлоққа йўл олишган. Дов-даскаси чўғидан бугун қайтадиганга ўхшамасди. Ё қишлоқда тўй ё бирон маърака бормикан, деган хаёлда қи-

шлоққа – домланинг маҳалласида яшайдиган ўртоғимга қўнғироқ қилдим. Гап орасида “бугун қишлоқда бирор тўй-маърака йўқми?” деб сўрадим. У бугун Диёр муаллим қизини турмушга узатаётганини айтди. Диёр муаллим деганлари – домланинг қайниси-ку! Демак, домланинг хотини болаларини олиб, укажонининг тўйига кетган. Бу аини муддао эди. “Домла ўлгур ҳам бу тўйдан қолмас” деган ўйда кечгача ҳовлисини пойладим. Кутганимдай домла кеч соат бешларда ишдан келди. Энди кийиниб кетса керак деб турсам, бир оздан сўнг жомакор кийимида ташқарига чиқиб, эшик олдига экилган гулларни суғоришга тушди. “Қурумсоқ! Туёнадан қочиб, қайнисининг тўйига ҳам бормади! Фирт муттаҳам! Уйини қаровсиз ташлаб кетишдан қўрқса керак-да! Яхшигина имконият қўлдан кетаётганидан қўнғим хижил эди. Ўйлай-ўйлай бир фикр миямга келди. У пайтлари қўл телефони деган нарсалар йўқ. Кечаси соат бирдан ўтганда қўчадаги телефон будкасидан домланинг уйига қўнғироқ қилдим. Гўшакни уйқусираб домланинг ўзи кўтарди. “Болтаевлар хонадоними?” дедим мен жиддий оҳангда. “Шундай, шундай... Болтаевлар... хонадони... – тунги қўнғироқдан домланинг овози титраб кетди. Мен овозимни янада йўфонлаштириб: “Сизга Ғаллаорол марказий бальницасидан қўнғироқ қиляпмиз, ўғлингиз аварияга учраган, аҳволи оғир, тезда етиб келинг!” дея гўшакни қўйдим. Айёрликка қарши, маккорлик дейишади! Бу тахлитда ёлғон сўзлаганимдан ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Ҳар не бўлганда ҳам бунақа қилмаслик керакмиди! Ўлиб-пўлиб қолса нима бўлади? Йўқ, ўлмайди, ёмонга ўлим йўқ! Муттаҳамга ҳали бу ҳам кам...

Тезда “постим”га қайтдим. Муйилишдаги даврахтлар панасида туриб, уйни кузата бошладим.

Ёлғон иш берди. Бир оз ўтиб, уй олдига катта тезликда бир машина келиб тўхтади. Ичкаридан домла отилиб чиқиб, машинага ўтирди. Ҳайдовчи газни босди. Машина ўқдай отилиб, катта кўчадан Ғаллаорол томонга бурилиб, кўздан ғойиб бўлди. Вақтимни чамалашга тушдим. Ғаллаоролгача йигирма дақиқа, касалхонани ахтариб топиб, масалага ойдинлик киритгунча 30 дақиқа, қайтиш 20 дақиқа, демак, бир соатдан зиёдроқ вақтим бор экан. Ўғлини касалхонадан тополмагач, юрагини ҳовучлаб, қишлоққа – хотинининг олдига чопиши турган гап! Унда эрталабгача қайтиши ҳам гумон... Узоқ пайтлардан буён орзиқиб кутилган режани амалга ошириш учун фурсат етиб келган эди. Энди бу ёғи ўзимга боғлиқ! Шундай хаёллар билан бир оз вақтни ўтказиб, “объект”га яқинлашдим. Домланинг бир одати менга маъқул эди – уйида ит сақламасди. Ҳар эҳтимолга қарши икки-уч бор эшик қўнғироғини босиб, ўзимни қоронғиликка олдим. Ҳамма ёқ жимжит. Бармоқ изларини қолдирмаслик учун қўлқоп кийиб, девор тубидаги дарахтга оёқ қўйиб, деворга тирмашдим. Қалин девор устидан бир муддат теваракни кузатдим. Ҳаммаси жойида! Қулайроқ жойни топиб, сирпаниб ҳовлига тушдим. Бу хонадонга кўп келганлигим боис хоналарнинг жойлашишини яхши билардим. Уйга кириш эшиги берк экан. Дераза кўзларидан бирини олишга тўғри келди. Букилиб-тиқилиб уйга кирдим ва тўғри эр-хотин доимо қулфлаб юрадиган ётоқхона томонга юрдим. Яхшиям ўзим билан унча-мунча асбоб-ускуналар олган эканман. Эшик қулфини синдиришга беш дақиқа кетди. Ётоқхонага кириб қўл фонари ёрдамида у ёқ бу ёқни титкилай бошладим. Пул ёки тилла буюмлар ахтарардим. Ҳамма ёқ латта-путта. Қўлга илинадиган тузукроқ “ўлжа” кўринмас-

ди. Ҳафсалам пир бўлиб турган пайти аёл киши кийимлари тахлаб қўйилган шкафнинг пастки қисмидаги пойабзал қутилари тагида бир нарса ялтираб кўринди. Очиб қарасам – микротўлқинли печ катталигидаги сейф. Жойидан олиб, стол устига қўйдим. Зилдеккина экан. Демак, ичида анчагина бойлик бор! Сейфнинг у ёқ бу ёғини айлантириб, очишга уриндим. Кичкина бўлса-да, мустаҳкам экан. Махсус ускуналарсиз очишнинг иложи йўқ. Вақт ҳам чегараланган. Нима қилмоқ керак? Зил-замбил бўлса-да, сейфни орқалаб кетган маъқул. Керакли юкнинг оғирлиги йўқ! Сейфни чойшабга ўраб, ҳансираб ҳовлига олиб чиқдим. Амаллаб деворга ўзим чиқиб олиб, сўнг арқонда ўлжамни тортиб олдим ва авайлаб ерга туширдим... “Олтин сандиқча”ни кўздан панароқ жойга яшириб, бир-икки кун кутишга қарор қилдим. Эртаси куни домланинг уйи яқинига бориб, узоқдан разведка қилдим: милиция машинаси, бир тўда одамлар... Уйга чопиб келиб, ўша оқшом кийган барча уст-бошимни, қўлқоп, чойшаб ва бошқа ашёларни ўраб, тутаб ётган чиқинди уюмига ташлаб юбордим. Икки кун ўтар-ўтмас сабрим чидамай сейфни жойидан чиқариб, очиб кўрдим. Ундан отам берганидан тўрт-беш карра зиёд пул чиқди. Шунча пули бўла туриб, бир камбағалнинг пешона тери билан топган пулини имонидан кечиб қайтармаган домлага “қойил” қолдим. Унга нафратим ортди. Қилган ишимдан кўнглим ғаш бўлиб юрганди. Энди ўша ғашлик тарқагандай бўлди. Баттари чиқсин ўша қурумсоқнинг! Хуллас, шунақа гаплар...

Муқим “бор гап шу” дегандай елкасини қисди.

– Сизни қандай топишди? Ёки ўзингиз айбингизни бўйнингизга олиб, терговга бордингизми? – қизикди Санжарбек.

– Икки ойча ҳеч ким мени безовта қилмади. Отамга “яхшигина ишга жойлашдим” деб, домланинг “қарзи”ни қайтардим... Бир нарсани эътиборга олмаган эканман. Домлага телефон қилганда ўғлининг Ғаллаоролдаги марказий касалхонага тушганини бекор айтган эканман. Ўша куни домланинг хотини, ўғиллари қишлоқда тўйда бўлгани аниқ. Шундан келиб чиқиб терговчи кечаси телефон қилган шахс айнан Ғаллаоролик бўлган ва у домланинг ўғиллари шу ерда эканини билган деган мантиқий хулосага келган. Домлага “Ғаллаоролда душманларингиз борми?” деган саволни берган. Домла ўйлана-ўйлана бир неча киши қатори отамни ҳам тилга олган. Гўёки отам ундан бир неча бор қарз сўраганмиш. Аблаҳдикни қаранг! Бунақа диёнатсиз, имонсиз одамларни қандоқ қилиб ер кўтариб турибди – ҳайронман. Кейин терговчи менинг изимга тушди... Биринчи сўроқдаёқ ҳаммасини бўйнимга олдим... Пешонамга бир умрга ўғри тамғасини ёпиштирган терговчи ҳам, судья ҳам “Нима сабабдан ўғирликка қўл урдинг?” деб сўрамади. Улар зўр бериб, “ноқонуний бойлик орттириш мақсадида... олдиндан пухта режа тузиб, қасддан... оғир жиноят содир қилган”дан нарига ўтишолмади...

– Ҳа, чиндан ҳам аянчли воқеа. У пайтлари замон оғир эди. Додингни ҳеч кимга айта олмасдинг! – Санжарбек маҳкумга далда берди. – Майли, мавзудан бир оз чекиндик. Қодир хусусида гапираётгандингиз, у ёғи нима бўлди?

– Билмайман, дунёда мол-давлат деса ор-номуси, диёнатидан кечадиган одамлар қўпайиб кетганми, Қодир ҳам домладан қолишмайдиган фирт муттаҳам чиқиб қолди. Ўша куни пулларни олиб бориб, вақтинча Қодирнинг ҳовлисига кўмиб қўйишга келишдик. Ҳеч ким йўқлигида ҳовлининг

четидаги ўрик дарахти тагини кавлаб, пулларни яхшилаб ғилофга ўраб, кўмиб қўйди. Ишлар бости-бости бўлгач, кавлаб олишга келишдик. Орадан бир неча кун ўтиб, Қодирни излаб тополмай қолдим. Уйига борсам, хотини сочини ёйиб йиғлаб ўтирибди. Эри ҳеч нима демасдан Россияга кетиб қолган эмиш! “Нега кетади, қаёққа кетади?” десам, ҳовлига пул кўмган экансизлар, кечаси кимдир кавлаб, бор бойликни ўмариб кетибди! Қодир шунга чидай олмай, “энди Муқимнинг олдида нима деган одам бўлдим” деб жаҳл устида уйдан чиқиб кетганмиш. Ҳангу манг бўлиб қолдим. “Ўғрини қароқчи урди” деганлари шу бўлса керак-да!

Эр-хотин шу гапларга қандай қилиб мени ишонтирмоқчи бўлишган – ақлимга сиғмайди... Шу-шу Қодир изсиз йўқолди. “Ғирром – ютқазсин” дейишади! Мана тумшуғидан илинибди-ку!

– Кейин нима бўлди, Қодирни изладингизми? – терговчи сўрашда давом этди.

– Излашга-изладим, сўраб-суриштирдим. У туби билан йўқолганди. Хотинининг олдида уч-тўрт марта бориб, эри қаердалигини айтишни талаб қилдим. Гап уқтириб бўлмас, манжалақи аёл экан. Охирги борганимда жанжаллашиб қолдик. “Мени тинч қўясанми, йўқми?” дея менга ёпишиб кетди. Юз-кўзимни тирнаб ташлади. Жаҳлим чиқиб, итариб юборгандим, боши столга бориб урилди... Хуллас, яна тухматга қолдим. Имонсиз хотин терговда “мендан пул талаб қилди” деб туриб олди. Ишонишди. Мана, яна қамоқда кун санаб ўтирибмиз...

Муқим “бор гап шу” дегандай терговчига тикилди. Нигоҳида “бу ёғи нима бўлади, яна муддат қўшиб беришадими?” деган ташвиш яширинганди.

Фахриддин Каримович Санжарбекнинг Муқим хусусидаги узундан-узоқ ҳикоясини эшитиб, таассуфга тушди:

– Ана холос, пишди гилос! Бу ёғи энди қандоқ бўлди! Агар унинг айтганлари чин бўлса...

– Бунга шубҳа йўқ! Бунча гапни ичидан тўқиши қийин.

– Гапингизда жон бор. Лекин мени бошқа бир масала ташвишга солмоқда. Саксон минг доллар озмунча пул эмас. Нега унда банкдаги ўғирлик ҳақида ҳеч ким ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилмаган? Нима сабабдан биз ўтказган тафтишда бу камомад аниқланмаган? Ёки заррни шунгача бирортаси тўлаб қўйганми?

– Менам шунга ҳайронман-да! – деди Санжарбек елка қисиб. – Бунча суммани қоплаш осон эмас. Агарда Тоғаевнинг ўзи бу суммани олдинроқ ўрнига қўймаган бўлса! Лекин унинг бу жиноятга алоқаси бўлмаса, милицияга хабар қилса бўларди-ку!

– Менимча бунинг иккита сабаби бўлиши мумкин, – деди гуруҳ раҳбари босиқлик билан. – Биринчидан, амалиётда кўпчилик раҳбарларнинг корхонада содир этилган жиноят тўғрисида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилмаслиги ички ишлар, прокуратура идораларининг айрим инсофсиз ходимларининг асосий жиноят четда қолиб, корхона мансабдор шахсларининг фаолиятига ёпишиб кетиши билан изоҳланади. Шу сабабли раҳбарларда “агар жиноят ҳақида органга хабар қилсанг, жиноятчини топишса – топишди, топишмаса – ўзингни айбдор қилади” деган тушунча пайдо бўлган. Балки Тоғаев шуларни ўйлаб, банкда содир бўлган ўғирлик ҳақида ариза

бермасликни маъқул кўргандир. Иккинчи сабаб – ўша пуллар банкка тегишли бўлмаган...

– Яъни... пуллар Тоғаевнинг ўзига тегишли бўлган демоқчисиз-да! – мантиқий хулоса чиқарди шогирд.

– Ҳа, балли! Ўътибор қилган бўлсангиз, пуллар банк ғазнахонасида эмас, қандайдир бошқа хонада – темир сейфда сақланган.

– Бошқа томондан шунақа тажрибали раҳбарнинг шунча катта суммадаги валютани – шахсий маблағини қўрқмасдан банкда сақлашига ақл бовар қилмайди. Нима, пул сақлашга бошқа жой қуриб кетиптимми!

– Бошқа қаерда сақласин! Уйидами? Қизиникидами? Катта холасиникидами? Биласиз, пул жигардан бўлган. Биласиз, ҳозирги одамлар на ота-онасига, на боласига, на туққан-туғишганига ишонади. Ёки бирор жойга кўмиб қўйсинми? Менимча қонунсиз бўлса-да, банк энг бежавотир жой... Қўриқланади, темир сейф... видеокузатув бор...

– Гапингизда жон бор! – тан берди шогирд. – “Асраган кўзга чўп тушади” деганлари шу бўлса керак-да!

– Аммо... мени бошқа нарса хавотирга солмоқда, – деди устоз бир нуқтадан кўз узмай. – Бу ўғирлик, Муқим, Қодир деганларнинг биз тергов қилаётган асосий жиноятга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Ҳеч кимга ошкор қилинмаган ўғирлик ва банкирнинг ўлими ўртасида қанақа боғланиш бўлса, шунисига ақлим заифлик қилиб турибди.

– Нега боғлиқлик бўлмас экан?! Албатта, бор-да! Ахир саксон минг доллар озмунча нарсами? Одамлар минг доллар учун қўлига пичоқ олишдан тоймайди...

– Хўш, хўш! Давом этинг-чи!

– Айтайлик, пуллар Тоғаевнинг шахсий маблағи бўлган, банк ходимларидан бири ёрдамида Муқим пулларни ўғирлаган, Қодир пулларни олиб, жуфтакни ростлаб қолган. Банк раҳбарияти ўғирлик тўғрисида милицияга хабар қилмаган... Хўш, унда марҳамат қилиб айтинг-чи, банкирнинг ўлими кимга, нима учун керак бўлган?

– Балки банкир бу пулларни кимгадир бериши керак бўлгандир...

– Ҳа, ўлманг! Ақлингизга балли! Банкир бу пулларни кимнингдир “хизмати”ни адо этиш учун олган... Аммо сўзининг устидан чиқолмаган, пулларни ҳам эгасига қайтариш имкони бўлмаган... Сиз айтгандай, саксон минг доллар бир одамнинг бошини танидан жудо қилишга бемалол етиб ортади! Демак, биринчи навбатда долларлар кимга тегишли эканини аниқлашимиз лозим.

– Ҳар доимгидек сиз мутлақо ҳақсиз, муҳтарам устоз! – деди Санжарбек мамнунлик билан. – Муқимнинг айтишича, Қодирга ёрдам берган банк ходими Тоғаевга яқинроқ одам бўлган.

– Бунақа ишлар одатда тузингни еб, барча сир-асрорингдан бохабар яқин ва ишонган одамнинг томонидан қилинади. Ахир, бегоналар сенинг сириггни қайдан билсин...

Кейинги кунни терговчилар Қодирга нисбатан қидирув эълон қилишдан бошлашди. Зудлик билан банкда ишлаётган, кейинги икки йил ичида ишдан бўшаб кетган ходимларнинг шахсларини ўрганишга киришилди. Шулар орасидан икки киши танлаб олинди. Булар – банк кредит бўлими бошлиғи Шаҳобиддин Жўраев ва Тоғаевнинг ёрдамчиси Нозим Қосимов эди. Маълум бўлишича, ҳар иккаласи муқаддам банк бошқарувчиси билан жуда яқин муносабатда бўлишган, лекин кейинчалик уларнинг ўртасига ола мушук ора-

лаб, муносабатларига дарз кетган. Ҳар иккови ҳам Тоғаевнинг ўлиmidан қарийб бир йил аввал ишдан бўшатишган. Сўроқ давомида Шаҳобиддин ўзини анчагина сипойи, қўй оғзидан чўп олмаган ювош киши қилиб кўрсатишга уринди.

– Тўғри, Зухриддин ака устозим эди, мени банкка ишга олиб, бўлим бошлиғи даражасига кўтарилгунимга қадар қўллаб-қуватлаган. У кишидан кўп нарсани ўрганганман.

– Унда нима сабабдан ишдан ҳайдалгансиз? – Фахриддин муддаога кўчди.

– Ҳайдалмаганман, бошқа ишга ўтганлигим сабабли бўшаганман...

– Лекин биздаги маълумотларга кўра, сиз ишдан бўшаб, уч ойча бекор юргансиз, кейинчалик бошқа банкка оддий ходим бўлиб ишга ўтгансиз.

– Ўшанда менга ваъда беришганди... Ишдан бўшаб борсам, “бир оз кутинг” дейишди. Шунга уч ой ўрин бўшашини кутишга тўғри келганди.

– Бўлим бошлиғи лавозимидан мутахассис лавозимига ўтганингизни қандай тушунса бўлади?

– Ўзим шуни хоҳладим...

– Устозингиз билан “сен-мен”га бориб қолишингизга нима сабаб бўлган?

– Ишда бўларкан-да! – мавҳумроқ жавоб қилди Шаҳобиддин.

– Шунча йиллик қадрдонларнинг бу даражага бориши учун фавқулодда муҳим сабаб, асос бўлиши керак. Иш ўз йўлига! – Фахриддин ўрнидан туриб, гувоҳга яқинлашди. – Масаланинг қанчалик жиддийлигини тушунсангиз керак деб ўйлайман. Тўғрисини айтмасангиз, ўзингизни шунчалик шубҳа остига қўйган бўласиз!

Шаҳобиддин сергакланди.

– Биз бари бир ҳаммасининг тагига етамиз! – Санжарбек “хужум”га ўтди. – Шунга мажбурмиз! Ахир

гап шафқатсиз қотиллик ҳақида бораяпти. Билганларингизни яшириш – терговни чалғитиш сифатида баҳоланишини унутманг. Мен ўша йили банкда содир этилган ўғирликни назарда тутаяпман.

Гувоҳ бақрайиб қолди.—Унинг миясидан ялт этиб, “демак, ҳаммасини билишади” деган фикр ўтди. Сўнг бир оз каловланиб, гап бошлади:

– Ўлганнинг ортидан гапириб бўлмайди-ю, раҳматли Зухриддин ака кейинги пайтлари сал зикнароқ бўлиб қолганди. Арзимаган нарсага асабни бузаверарди... Ўшанда ёрдамчиси Нозимнинг хонасидаги сейфдан қанчадир пул йўқолиб қолди. Кечаси кимдир ўғирликка тушганми-эй... Ё ходимлардан бирортаси бу ишни қилганми, ишқилиб, Зухриддин ака беҳузур бўлиб қолди...

– Пул кимники эди аслида? Нима учун хазинада эмас, ёрдамчининг хонасидаги сейфда сақланган? – савол берди гуруҳ раҳбари.

– Йўқолган пулларнинг банкка ҳеч қандай алоқаси йўқ. “Шеф”нинг шунақа одати бор эди: ўзининг шахсий пулларини ҳам қўпинча ишхонада – Нозимнинг хонасидаги сайфда сақларди.

– Нима, ўзининг хонасида сейф йўқмиди?

– Бор эди. Энди текшириш-пекшириш дегандай... Ёрдамчисиники бежавотирроқ бўлган-да!

– Уйида сақламаслигига нима сабаб?

– Биласизми, бу пуллар ҳали “омонат” ёки бошқача айтганда боши тўла очилмаган маблағ ҳисобланарди. Иш битса, хўжайинда қоладиган, акс ҳолда эгасига қайтариладиган пуллар эди.

– Тушунарли, ниманидир бажариш эвазига олинадиган пора демоқчисиз-да!

– Йўғ-е, – хижолат чекди банкир, – унақа эмас! Тирикчилик дегандай....

– Нима, Тоғаев бизнес билан шуғулланармиди? – ўдағайлади терговчи.

– Йўғ-е, у-бу ишларга аралашиб...
– Сейфнинг калити кимда турарди?
– Калит ҳар доим ўзида турган. Бировга ишонмаган...

– Ўшанда сейфдан қанча пул йўқолган?
– Бунисидан хабарим йўқ. Буни ҳеч ким билмайди...

– Ўғирлик тўғрисида кимдан эшитгандингиз?
– “Шеф”нинг ўзи айтганди. Бир куни мен билан Нозимни хонасига чақирди. Кайфияти чатоқ эди. Сейфдан пул йўқолганини айтди. Энг қизиғи, хона эшиги ҳам, сейфнинг қулфи ҳам бузилмаган. Кимдир калит билан очиб, пулни олиб, сейфни қайтадан қулфлаб, чиқиб кетган. Демак, бу ишни чеккадан биров келиб қилмаган, ходимлардан бири қилган. Хуллас, “шеф” бу ишни мен билан Нозимдан кўрди. “Агар пулни жойига қўймасанглар, милиция чақираман, искович итлар тезда ўғрини топиб беради!” деб бизни кўрқитди. Мен “бу ишга заррача алоқам йўқ” деб ростини айтдим. Нозим ҳам Худони ўртага қўйиб қасам ичди.

– Хонанинг калити кимда сақланарди?
– Нозимда... биттаси Зухриддин аканинг ўзида... фаррошда ҳам бўлгандир...

– Сизлар тан олмагач, бошқарувчи милицияга хабар қилдими?

– Йўқ!
– Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?
– Ҳар ҳолда пул ўзиники бўлган... ўзига ҳам гап тегиши мумкин... Тағинам Худо билади! Раҳматли ўшанда икки ўт орасида қолганди. Милиция аралашмаса, ўғрини топиш даргумон эди. Органга хабар қилиш ҳам таҳликали эди...

– Нима учун Тоғаев ўғирликни айнан сизлардан кўрган бўлса?

– Биз унга анча яқин эдик. Сейфда пул сақла-
шини фақат икковимиз билардик...

– Хўп, сиз бу ишга алоқадор эмас экансиз, бу
ўғирликни ким қилган деб ўйлайсиз?

– Менимча, ходимларнинг бирида Нозимнинг
хонасининг ҳамда сейфнинг иккинчи калити бўл-
ган. Чеккадан бирор кишининг сездирмасдан
банкка кириши, эшик ва сейфни беталофат очиб,
яна билдирмасдан чиқиб кетиши мумкин эмас...

– Сиз қилмаган бўлсангиз... балки, бу Нозим-
нинг ишидир! Ҳар ҳолда унда хонанинг калити
бўлган, сейфнинг калитини ясатган бўлиши ҳам
мумкин-ку!

– Мен ўзимга жавоб бераман, аммо бировга
билмасдан туриб туҳмат қилиш гуноҳ! Яна ким
билади... ҳар нарса бўлиши мумкин!

– Сиз раҳбарингиз билан жуда яқин бўлган
экансиз, демак унинг дўстлари, душманларини
ҳам билсангиз керак, – деди Санжарбек қўлидаги
қаламни ўйнатиб.

– Жуда унақа яқин дўсти борлигини сезма-
ганман. Асосан иш бўйича танишлари, битта-
яримта қариндошлар... синфдошлар... дегандай,
– чайналди гувоҳ. – Душманлари бор-йўқлигини
билмайман! Энди ишда бўлиб туради, бирорта-
сига қаттиқроқ гапирган, уришган бўлиши мум-
кин, бироқ кимлар биландир ур-пичоқ бўлганини
эшитмаганман.

– Ҳар ҳолда раҳбар одам иш юзасидан ходим-
лар, мижозлар билан гапи қочган бўлиши мумкин!

– Худо раҳмат қилгур, жаҳли чиқса, ҳамма-
мизни сўкиб ташларди. Лекин кейин кек сақлаб
ўтирмасди. Мижозлар билан баъзида кредит, дол-
лар сотиб олиш, алмаштириш масаласида можаро
чиқиб турарди. Айрим мижозлар “мижоз ҳар доим
хақ” деб одамнинг қонини ичиб юборади-да! Шун-

дай пайтда баъзан “шеф” ўзини тутолмай, жан-жаллашиб кетарди...

– Масалан! – терговчи гапни бўлди.

– Мисол учун Тошнӣёз қассоб деган бобо билан қирпичоқ бўлганди.

“Қассоб” сўзини эшитиб, терговчилар бирдан сергак тортишса-да, ўзларини бепарво тутиб, савол беришда давом этишди:

– Нима сабабдан?

– Ўша қассоб неварасини Ҳиндистонга юбориш учун доллар сотиб олишга келган... Банкда лимит тутаган экан. Бошлиқ тушунтирган, “кейинроқ келинг, ёрдам берамиз”, деган. Бобой ҳам ўжар экан, “ҳозир берасан” деб қисталанг қилган. “Бермасанг, Тошкентга бораман, устингдан ёзиб, ҳаммангни қуритаман” деб туриб олган. “Шеф”нинг ҳам жазаваси тутиб, “ундан нари бормаёсанми?” дея чолни қувиб солган. Кейин чол роса устимиздан ёзди. Кўп текшир-текшир бўлди...

– Охири нима билан тугади?

– Келишишдимми ёки чол чарчаб қолдимми, ишқилиб тинчиб қолишди...

– Тоғаевнинг хотини вафот этганига икки йил бўлган экан. Аёллардан бирорта яқинроқ таниши бормиди? Минг қилсаям эркак киши! – деди Фахриддин дафтарига нималарнидир қайд эта туриб.

– Бу масалага бизни кўпам аралаштиравермасди, раҳматли. Бир-икки йил бурун зоминлик опаникига қатнаб туришини билардим...

– Зоминлик? – Фахриддин ўрнидан туриб кетди. – Оти ким? Қаерда яшайди?

– Оти Гулжамол эди-ёв! Ҳа, Гулжамол! Медкол-лежнинг олдида турарди, бир-икки марта “шеф”ни ташлаб қўйгандим. Аниқ адресини билмайман...

– Муносабатлари қанақа эди?

– Менимча, шарий никоҳда эдилар. Бир ўғли ҳам бор эди, беш-олти яшар...

– Гулжамол қаерда ишларди, ким билан турарди? – терговчилар саволларни қалаштириб ташлашди.

– Ишлайдими-йўқми, аниқ билмайман. Лекин ўғли билан ёлғиз яшарди... Ота-онаси Зарбдорда туришарди.

– Гулжамолнинг уйини бизга кўрсата оласизми?

– Албатта, муаммоси йўқ!

Фахриддин Каримович Санжарбекни “штаб”-да қолдириб, ўзи Муроджон билан Шаҳобиддин ҳамроҳлигида Зоминга йўл олди.

Санжарбек шу куннинг ўзида Нозимни сўроқ қилди. У Шаҳобиддиннинг гапларини тасдиқлаб, Тоғаев ҳар доим унинг кабинетигаги сейфга пул қўйиб юриши, бошқарувчи хонасига кирганда у ҳар доим хонадан чиқиб туриши, сейфнинг калити фақат унинг ўзида бўлганлиги, бу ўғирликни ким содир этганига ақли етмаслиги ҳақида кўрсатма берди. Лекин гап Гулжамолга тақалганда “билмайман”, “кўрмаганман”, “эшитмаганман” дан нарига ўтмади...

* * *

Гулжамолнинг уйини топиш қийин бўлмади. Кичикроқ бўлса-да ташқи кўринишидан шинамгина бир қаватли уйнинг дарвозаси қўнғироғи босилиши билан ичкаридан аёл кишининг “ким у, ҳозир!” деган овози эшитилди, бир оз ўтиб эшикда чамаси 28-30 ёшлардаги оқсувадан келган, кийган кийими ўзига ярашиб турган кўҳлик-кина жувон пайдо бўлди. У нотаниш меҳмонларни кўриб, газ ёки электр идорасидан деб ўйлади шекилли, “келинглар” дея ичкарига бошлади. Шу

тобда Фахриддиннинг хаёлидан “шу дилбар аёлнинг қўлидан шунақа қабиҳлик келиши мумкинми?” деган фикр ўтди. “Йўғ-э, инсофли, ҳаёли аёлга ўхшайди-ку! Лекин айримларни сиртдан қараб баҳолаб бўлмайди. Ўзларини қўйнинг оғзидан чўп олмаган фаришта қилиб кўрсатсалар-да, аслида шайтонга дарс берадиган, илоннинг ёғини ялаган муғамбир бўлишади. Айниқса, аёл деган хилқатни тушуниш қийин. Эрини қизганиб, рашик азобида ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уришга қодир”.

Мезбон “газчилар”ни кираверишдаги айвон ўрнатилган чорпояга чорлади ва ўзи “тўлов қоғозлари”ни олиб чиқиш учун ҳовли тўридаги хона томонга юрди. Буни фаҳмлаб, Муроджон аёлни тўхтатди:

– Синглим, бизга Гулжамол... керак эди.

– Мен Гулжамол! Сизлар...

– Биз прокуратураданмиз! – терговчи чўнтагидан қизил муқовали ҳужжатини чиқариб аёлга кўрсатди. – Мен вилоят прокуратурасидан Мурод Мансуровман, бу киши Республика Бош прокуратурасидан Фахриддин Каримович.

– С... и... и... зларга нима керак! Мен... мен... – мингиллади аёл тили калимага келмай.

– Биз Зухриддин Тоғаевнинг иши бўйича сизни безовта қиляпмиз. Келинг, ўтирайлик, – Фахриддин каравотга ўтириб, папкасидан қоғозларини чиқарди. – Сизга бир нечта саволимиз бор. Фақат шошилмасдан, ўйлаб, батафсил жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гулжамол терговчининг қаршисига омонатгина ўтирди. Терговчи аввал гувоҳнинг шахсига аниқлик киритди. Сўнг ишга дахлдор саволларни ёғдириб ташлади:

– Зухриддин Тоғаевни танийсизми? У сизга ким бўлади?

- Ҳа, эрим... эди, шарий никоҳда бўлганмиз.
- У билан қачон, қаерда, қанақа вазиятда танишгансиз?
- Олти йил олдин, 21 октябрь куни йўлда танишганмиз...
- Илтимос, батафсилроқ сўзлаб беринг.
- Отам-онам мени 19 ёшимда узатишди. Оиламиз бошидан унча яхши бўлмади. Куёв бола наркоман чиқди. Мен билан умуман иши бўлмади... Олти ой ўтиб, қамалиб кетди. Ота-онамникига – Зарбдорга қайтиб келдим. Ўша куни туғилган кунимга ул-бул харид қилиш учун Жиззахга бормоқчи эдим. Катта йўлга чиқиб, такси тўхтатдим. Бир Нексия келиб тўхтади. Рулда қирқлардан ошган киши экан. Менга яхши гапирди. Жиззахга боргунча гаплашиб кетдик. У киши Жиззахдаги банкнинг хўжайини экан. Пахта пайти Зарбдорга вилоятдан вакил қилиб бириктирилган экан. Қўл телефоним рақамини олди. Бир неча бор учрашдик. У мени қимматбаҳо совға-саломларга кўмиб ташлади. Кейин бир муллани олиб келиб, никоҳ ўқитди. Жиззахдан уй олиб бермоқчи бўлди. Зоминда холам турарди. Мен уйни уларнинг ёнидан олиб беришни илтимос қилдим. Ўғли Баҳриддин туғилиши муносабати билан Зухриддин акам бизга шу уйни совға қилди. То хотини вафот этгунга қадар яхши яшадик. Ҳафтада бир-икки марта келиб кетарди. Менга ҳам, болага ҳам меҳрибон эди. Ҳеч нарсга муҳтожлик сезмадик. Икки йил олдин хотини ўлди. Ташвишлар билан бўлиб, биздан кўпинча хабар олишга вақти бўлмади. Мен тўғри тушундим. Келган пайтлари кўнглини кўтаришга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдим. Бахтсизлик бир ёпишса, қўйиб юбормас экан. Бир йил ўтиб, ўғли вафот этди. Қаттиқ куюнди. Анча вақтгача бизникига қадам босмай қўйди. Мен чидадим.

Келмаса ҳам, кўнғироқларимга жавоб бермаса ҳам бир йил ичида хотинидан, гулдай фарзандидан жудо бўлган одамнинг ҳолини тўғри тушунишга ҳаракат қилдим. Бир куни ўзим ишхонасига излаб бордим. Негадир ўзида эмасди. Ишхонасида ҳам қандайдир кўнгилсизлик содир бўлган экан...

– Қанақа кўнгилсизлик экан? – Фахриддин бирдан сергак тортди.

– Менга дардини дoston қилиб ўтирмади. Се-зишимча, пул билан боғлиқ қандайдир муаммо чиққани аниқ. Негаки, пул сўрасам, “ўзи пулим чиқиб турибди, бор-будимдан айрилиб ўтирибман” дея жеркиб берди. “Нима бўлди, аниқроқ айтинг” десам, “бор пулимни шилиб кетишди” деди. Майдалаб сўрашга иймандим. Кейин яна икки-уч бор уни кўришга ишхонасига келдим. Ҳамон ўшандай жиззаки, тушкун кайфиятда эди. “Ишларим ҳеч ўнганмаяпти, нуқул орқага кетаяпти!” деб зорланиб қолди. “Сен боравер, уч-тўрт кунда ўзим бора-ман” деб мени изимга қайтарди. Бир ҳафта ўтиб, ширакайф ҳолда уйга кириб келди. Ҳечам уни бунақа аҳволда кўрмагандим. Оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. Тинчлантиришга ҳаракат қилдим. У эса “Биласанми сен кимсан? Сен – шумқадамсан, сен билан танишганимдан бери бошим балодан чиқмайди, хотиним, суқсурдай боламдан жудо бўлдим, бор топган-тутганимни “туя” қилиб кетишди, сен шумқадамсан, боланг ҳам шумқадам” дея ўшқирарди. “Мастлик – ростлик” дейишади. У кўнглидаги гапларни айтаётганди...

Гулжамол бир оз кўнглини бўшатиб олди. Фахриддин аёлнинг кўзларидан томчилаётган ёшга ўзининг топталган қадри сабабми ёки эридан жудолиги сабабми, англолмай қийналарди.

– Кейин нима бўлди? – Муроджон ўртадаги сукунатни бузди.

– Кейин нима бўларди! У уйга қадам босмай қўйди. Мен ҳам орқасидан ялиниб чопмадим. Бир-икки бор телефонда гаплашдик. Ҳеч бўлмаса, боласига ёрдам бериб туришини талаб қилдим. У уч-тўрт марта таксида уйга пул юборди. Кейин... кейин... хунук воқеалар бўлганини эшитиб қолдим... Ўшанда беш-олти кун олдинроқ банкдан кимдир қўнғироқ қилиб, “Зухриддин ака сизникига бормадами? Тополмаяпмиз, негадир бир неча кундан буён йўқ, телефони ҳам ўчирилган, Сизнинг хабарингиз йўқми?” деб сўраб қолди. “Кимсиз?” десам, “банкда ишлайман, телефон рақамингизни Нозимдан олдим” деди. “Мен қайдан билай, балки бирорта ўйнашининг устида ётгандир-да!” деб гушакни қўйдим. Ўша пайти бунга унчалик аҳамият бермагандим. Кап-катта одам қандай йўқолиб қолиши мумкин! “Балки мени синаш учун атайлаб шунақа бемаъни қилиқ ўйлаб топишганми?” деган хаёлга ҳам бордим... Лекин сал ўтмай шаҳарда “бир банкирни ўлдириб, Зоминдаги қабристонга кўмиб кетишибди” деган даҳшатли миш-миш тарқаб кетди. Эсхонам чиқиб кетди. Минг қилсаям – боламнинг отаси, шунча йил бирга яшагандик. Қолаверса, менга кўп ёрдами текканди... Телефонда гаплашишга қўрқиб, Жиззаҳга қараб чопдим. Нозимни топдим. У банкдан бўшаб кетган бўлса-да, ҳамма нарсадан воқиф экан. Бўлган воқеани айтиб берди. Ёқамни ушлаб қолдим, анчагача ўзимга келолмай юрдим...

– Сиз нима деб ўйлайсиз, Тоғаевни ўлдириб, сўнг ёқиб, мурда қолдиқларини Зоминдаги қабристонга олиб бориб кўмишларини нима деб тушунса бўлади?

– Мен билмадим... – Гулжамол тагин кўзига ёш олди.

– Эрингизнинг сиздан бўлак Зоминда яна яқинлари бормиди? – терговчи саволни сал юмшатди.

– Бўлса бордир! Лекин менга айтмаган...

– Унинг сизга нисбатан кейинги пайтларда муносабати бирдан совиб қолишининг ҳақиқий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

– Мени “шумқадамлик”да айблади...

– Сиз билан танишганига етти йил бўлган экан, фалокатлар эса асосан кейинги икки йил ичида содир бўлган. Гапингизга қараганда, олдин сизга жуда яхши муносабатда бўлиб келган. Уй олиб берган, фарзанд кўргансизлар. Тўғри, кишининг бошига мусибат тушганда ҳар ким ҳар хил кўтарди. Лекин муносабатларингизнинг барҳам топишига фақат шу мусибатлар сабаб бўлганига ишонгим келмаяпти. Балки бошқа сабаблар ҳам бўлгандир? Нима дейсиз?

– Балки пулларини ўғирлатиб қўйгани ҳам... пулсиз одамга ўйин-кулги ёқармиди?...

– Балки бирор сабаб билан жанжаллашиб қолгандирсизлар...

– Бу билан нима демоқчисиз? – Гулжамолнинг бирдан юзи тиришди. – Мени... мени... шу ишни қилган деб ўйлаяпсизми?

– Биз унақа деб ўйламаяпмиз! – Муроджон гапга қўшилди. – Воқеалар ривожини шуни кўрсатмоқда... Ахир сизни умидвор қилиб, ўғлингиз билан алдаб ташлаб кетган, ёрдам беришдан бош тортган, ёш умрингизни хазон қилган... яна мурда Зоминда топилаган...

– Ака, унақа деманг, Худодан кўрқинг! – гувоҳ ўрнидан туриб кетди. – Мен аёл бошим билан бунақа ишни...

– Ўзингиз бўлмаса, бирортасига айттириб... Кейинги пайтларда кўп жиноятлар “буюртма” орқали...

Фахриддин “сал ошириб юбормаяпсизми?” дегандай шеригига маъноли қараш қилди ва вазиятни юмшатиш учун гувоҳга юзланди:

– Келинг, ўтиринг синглим! Биздан хафа бўлмай-сиз. Ишимиз шунақа, ҳамма нарсасага шубҳа билан қарашга мажбурмиз. Ҳеч ким сизни ҳозирча ҳеч нарсасада айбдор қилаётгани йўқ. Лекин унутманг, то жиноят очилгунга қадар Тоғаевга алоқадор ҳар бир шахс гумон остида бўлиши табиий.

Аёл бир оз ҳовуридан тушиб, жойига ўтирди.

– Давом этамиз! – Гуруҳ раҳбари “қулоғим сизда” дегандай Гулжамолга тикилди. – Эрингизнинг сиз билан муносабатни узиши унинг ҳаётида бошқа аёлнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир?

– Бўлса бордир! Пули, мансаби бор одамга янги ўйнаш топиш нима деган гап! Эркак зотининг бари бир гўр! Аммо менга сездирмаган...

Фахриддиннинг ҳаёлидан ярқ этиб “ювошгина кўрингани билан анчагина шаддод аёлга ўхшайди-ку!” деган фикр ўтди.

– Сизни рашк қилармиди?

– Рашк қилмайдиган эркак бўлмаса керак!

– Рашк қилиш учун муайян асос бўлиши лозим. Унда шундай асос бўлганмиди?

– Бўлар-бўлмасга ҳам рашк қиларди. “Кўчада ёлғиз юрма... бегона таксига ўтирма... синфдошларинг билан гаплашма...”, ишқилиб ҳар нарсадан гумонсираб юрарди.

– Демак, сизга муҳаббати кучли бўлган! – Муроджон луқма ташлади. – Муҳаббат билан нафратнинг ораси эса бир қадам!

Гулжамол унга ўқрайиб қараб қўйди.

– Рашк туфайли ораларингда жанжал бўлганми? – гуруҳ раҳбари чуқурлашишда давом этди.

– Бир марта холамнинг ўғлидан рашк қилиб, тўполон кўтарган. Яна Озод деган синфдошим тўйга айтишга уйга келганда устидан чиқиб қолиб, роса жанжал чиқарган, бир ойча гаплашмай юрганмиз.

– Сиз Тоғаев билан шунча йил бирга яшаган-сиз, унинг ютуқ ва муаммолари, фазилату камчи-

ликларини яхши билгансиз. Айтинг-чи, бу ишни ким қилган бўлиши мумкин? Гумонингиз кимдан?

– Сира ақлим етмайди. Бировдан гумоним бор деб айтолмайман. Ким бўлганда ҳам бунчаликка бориши инсоннинг иши эмас! Ҳайвонлар! – Гулжамол кўз ёшини тиелмади. – Сиқилган, қийналган пайтларимда мен ҳам уни қарғаганман... аммо ҳеч қачон ўлим тиламаганман! Ахир боламнинг отаси... Менга ота-онам қилолмаган кўп яхшиликларни қилган...

– Биринчи эрингизнинг исми ким эди?

– Рузибой!

– Ҳа, Рузибой хусусида нима дейсиз?

– Тушунмадим...

– У қамоқдан чиққанми, учрашиб турасизми?

– Мен қайдан билай! У билан ажрашганмиз... қаердалиги билан ҳам қизиқмаганман. Унинг нима алоқаси бор?

– Демак, уни қамалгандан сўнг кўрмагансиз, бирон хабарини ҳам эшитмагансиз, шундайми?

– Шунақа...

Терговчилар яна бир қанча масалаларга ойдинлик киритиб, расмиятчиликни ўринлатиб, Жиззахга қайтишди.

* * *

Гулжамолдан олинган маълумотлар асосида Нозим қайта сўроқ қилинди. У аёлнинг кўрсатмаларини тасдиқласа-да, терговчиларнинг хаёлида ниманидир яшираётгандек, нимадандир ҳадиксираётгандай туюлди. Шу сабабли сўроқ узоқ давом этди:

– Нима сабабдан ўтган галги сўроқда сиз Гулжамолни танишингиз тўғрисида лом-лим демагансиз?

– Бу ҳақда ким мендан сўрапти? – жавобни қисқа қилди Нозим.

– Сўрамаган бўлсак, энди сўраймиз! Тоғаев билан Гулжамолнинг муносабатлари қанақа эди. Аҳил яшашармиди?

– Мен кўп аралашмас эдим. Хўжайин у-бу нарса ташаб қўйиш керак бўлса, менга буюрарди. Ойим... кечирасиз бизда янгани шундай дейишадди... хўжайинни тополмай қолса, менга телефон қилиб, қаерга кетганини сўраб турарди. Мажлисдами ёки телефон тўлқини йўқ жойда бўлиб, қўнғироғига жавоб беролмаса, тутақиб менга сим қоқарди...

– Нима, эрига ишонмасмиди?

– Билмадим, рашк қилган бўлса керак-да!

– Кейинги йилларда эр-хотиннинг ораси бузилган экан. Бунга нима сабаб бўлган? – Фахриддин яқинроқ бориб, гувоҳнинг кўзига тик боқди.

– Мен...мен... билмадим. – Нозим терговчининг нигоҳига дош беролмай, ерга қаради.

– Биласиз, аммо тўғриси айтгингиз келмаяпти, шундайми? Билиб қўйинг, гап қотиллик ҳақида кетаяпти. Арзимас ёлгон ҳам терговни чалғитиш сифатида баҳоланади...

– Ойим телефонда биттаси билан гаплашиб юрган экан... Зухриддин акам буни сезиб қолиб, телефон тармоғидан унинг барча телефон сўзлашувлари таҳлилини кўтартирган. Ойим бир синфдоши билан кўпроқ гаплашган экан.

– Оти нимаиди, Озодмиди ўша синфдошининг исми! – деди терговчи ўзини гўёки ҳамма воқеадан хабардордай тутиб.

– Ҳа... ўша Озод! – Нозимнинг хаёлидан “демак, ҳамма гапни билишади, мени синаш учун атайлаб бошимни қотиришаяпти булар” деган ўй ўтди.

– Кейин-чи?

– Кейин суриштира-суриштир қилиб, ойимнинг ўша Озод билан ресторанга бирга овқатланишга

борганини аниқлаган... Телефон рақамлари ичида менинг рақамим ҳам чиқиб, балога қолдим! Хўжайин “Ойинг билан нимани гаплашгансан” деб бақриб кетди. “Сизни сўраб турарди” десам ишонмади. Шу-шу Гулжамолникига бормай қўйди. Менга нисбатан ҳам муносабати ўзгариб қолди, ишончи йўқолди. Кейин анави пулнинг йўқолиши... Хуллас, ишдан кетишга мажбур бўлдим...

– Гулжамол билан Озоднинг саргузаштлари нима билан тугади?

– Бу ёғи менга қоронғи.

– Тогаевнинг хавотирига асос бормиди? Яъни... Гулжамол билан Озоднинг ўртасида ишқий муносабатлар бўлганми?

– Бир нарса дейиш қийин. Кўз билан кўрмасдан бировни айблаб бўлмайди. Лекин халқимизда “шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди” деган нақл бор. Хўжайин уни яхши кўрарди. Бирдан қайт бўлишига қараганда, у бирор нарсанинг тубига етган бўлиши керак. Бу албатта менинг шахсий фикрим...

– Эрининг ташлаб кетиши Гулжамолга қандай таъсир қилди? Жанжал чиқармадими? – терговчи савол беришда давом этди.

– Қанақа таъсир қилганини билмадиму, аммо бояқиш анча сиқилди. Бир-икки бор ишхонага излаб ҳам келиб юрди... Лекин хўжайин уни кечирмади чоғи...

– Сизнингча, эр-хотиннинг юз кўрмас бўлиб кетишига ким кўпроқ айбдор?

– Албатта хотини-да! – деди Нозим саволни олдиндан кутгандек ҳозиржавоблик билан. – Эркак кишининг бевафолигини кечирса бўлади. Аммо аёл кишининг хиёнат кўчасига кириши у ёқда турсин, унинг эшигини бир бор қоқиши ҳам кечирилмас гуноҳ саналади. Синфдошинг бўлсаям,

бегона эркак билан телефонда соатлаб гаплашиб нима қиласан? Шунинг ўзи хиёнат эмасми? Аёл кишини бегона эркак билан овлоқ жойда ушлаб олиш шарт эмас! Номаҳрам билан заруриятсиз ва эридан пинҳона учрашганлигининг ўзи етарли-ку!

– Гапингизга қараганда, Гулжамол ўзини айбдор ҳисобламаган. Демак, эри томонидан берилган “жазо”ни мутлақо ноҳақлик деб ҳисоблаган. Шундайми?

– Ҳар ҳолда, менга шундай туюлди.

– Ўзини ҳақсизлик қурбони деб ҳисоблайдиган кишиларда қасд олишга мойиллик кучли бўлади, деган гап бор. Бунга нима дейсиз?

– Нимага шама қилаётганингизни тушундим... Бироқ бу аёлнинг қўлидан шунақа иш келишига ишониб қийин...

– Эр бермоқ – жон бермоқ, дейдилар! Ўзидан икки баробар ёши улғу бўлишига қарамасдан хотинликка кўниб, бутун ҳаётини бахш этган киши-си “арзимаган” баҳона билан ора йўлда ташлаб кетса, алам қилмайдими? Муҳаббат нафратга, нафрат қаҳр-ғазабга, қаҳр эса қасос тугўнига айланмайдими?

– Лекин... нима бўлганда ҳам одам ўлдириш оғир иш... Бундай гуноҳни ўзига олишга ҳар ким ҳам жазм қилавермайди.

– Биздаги маълумотларга кўра, – гапга Муроджон аралашди. – Тоғаевнинг Зомин томонларда Гулжамолдан бошқа яқини бўлмаган. Жиноят эса айнан Зоминда содир этилган, мурда шу ерда қабристонга қўмилган. Агар кейинги пайтлари эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг ноҳосдан бузилиб қолганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳам-ма нарса равшандек туюлмайдими?

– Балки гапларингизда жон бордир, – Нозим фикридан бир қадам чекингандай бўлди. – Бари

бир Гулжамолнинг бу ишни қилишига ишончим комил эмас. Бундай хунрезликни содир этиш учун фавқулодда муҳим сабаб, инкор этиб бўлмас асос бўлиши керак...

– Хўп, сиз Тоғаевга анчагина яқин инсон, Гулжамолни ҳам унча-мунча биладиган киши сифатида айтинг-чи, сиз тилга олган ўша сабаб, асос кимда бўлиши мумкин? Гумонингиз борми? – Муроджон гувоҳнинг жавобини олдиндан билса-да, сўради.

– Такрор айтаман, бировдан гумоним бор десам ёлғон гапирган бўламан! – деди Нозим афти буришиб. – Унақа душмани борлигини ҳам сезмаганман...

Тезда Озод топиб келиниб, сўроқ қилинди:

– Биз Гулжамол билан ўн йил бирга ўқиганмиз, – ҳикоясини бошлади у. – Ёшлик экан, мен унга яширинча хатлар ёзиб юрардим, у эса менга бепарво эди. Мактабни битириб, ҳаммамиз ҳар тарафга тарқаб кетдик. Мен ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битди. Гулжамол бошқасига турмушга чиқиб кетди. Кейин мен уйландим. Тақдирни қарангки, ҳар иккаламининг ҳам турмушимиз бўлмади. У-ку эридан бир зумда ажрашди-қўйди. Аммо менинг хотинимдан қонуний ажралишим туя гўштини еб кетди. Судлар икки-уч марта ярашишга муҳлат беришди... Бир куни кўчада Гулжамолни кўриб қолдим. Ҳазил аралаш “сенга уйланаман” дедим. У “кечикдинг, мен яна эрга тегдим, Худога шукр, ҳаётим яхши”, деди. Капалагим учиб кетди. Хотинимдан эсон-омон ажрашиб олсам, унга уйланишни ўйлаб юрардим. Яна кечикибман, роса алам қилди. Анчагача ўзимни кечиролмай гангиб юрдим. У бунчалик тез бахтини топиб кетар деб ўйламагандим... У менга кимга эрга текканини

айтмаган эди. Сўрасам “танаймайсан, Жиззахдан, яхши одам”, деб қўйганди. Узун-қулоқ гапларга қараганда у бир банкирга иккинчи хотин бўлиб эрга теккан экан. Ачиниб кетдим. Иккинчи хотин – хотин бўладими, ўйнаш деса тўғрироқ бўлади! Балки пулига учиб рози бўлгандир, деб ўйладим. Ҳар ҳолда гап-сўз қўпаймасин деб, Зоминдан уй олиб берибди. Эри ҳар замонда кўргани келаркан. Бошқа пайт ўғли билан ёлғиз тураркан. Бир муддат телефонда гаплашиб юрдик. Икки-уч марта орқасидан излаб, Зоминга бордим. Бирга овқатландик. Гап-сўзидан ўзини бахтиёр қилиб кўрсатса-да, аслида ҳаёти унчалик тўқис эмаслигини сезгандай бўлдим... Гулжамол ҳам зериккан пайтлари менга сим қоқадиган бўлди, гоҳ-гоҳида учрашиб ҳам турдик... Бир куни у бошқа рақамдан қўнғироқ қилиб, эри “хит”ланиб қолганини, телефонини олиб қўйганини, алоқа тармоғидан унинг рақамидаги кириш-чиқиш қўнғироқлари таҳлилини олганини, “соатлаб қайси ўйнашинг билан гаплашгансан?” деб роса ҳақорат қилиб, уйдан чиқиб кетганини, у энди ҳаммасининг адоғига етмасдан қўймаслигини, мабодо бориб қолса ёки чақиртирса, “синфдошим бўлади, шунчаки гаплашиб юрганмиз” деб жавоб беришимни тайинлади. Мен “намунча ваҳима қиласан, ахир биз ростдан ҳам шунчаки дўстона гаплашиб юрибмиз-ку!” дедим, “у энди менга ишонмайди” деди. “Агар сени яхши кўрса, ишониши керак” дея уни овутишга ҳаракат қилдим. “Қайдан ишонсин, охириги марта сен билан учрашганимизда, унга уйга – онамникига кетаяпман” дегандим. Бу куни эрим Зарбдорга онамникига кириб, менинг келган-келмаганимни суриштирган экан. Ўшандан қўнғилига фулғула тушиб, телефонимни кавлаштиришга тушган”, деди Гулжамол тутақиб. Уни тинчлантиришга уриндим.

Бир-икки кундан сўнг уйига бордим, алами олти бўлиб ўтирган экан. Менга “қаерданам сен билан гаплашдим” дея ёпишиб кетди. “Хоҳласанг олдига бориб, эркакчасига гаплашаман” дедим. У “керак эмас, энди у ҳеч қачон уйга қайтмайди”, дея унамади. Гулжамолнинг гапига қараганда банкир “аёл кишининг эрига ёлғон сўзлаб, остонадан чиқишининг ўзи – хиёнат” деб ҳисобларкан...

– Гулжамолга эрининг арзимаган сабаб билан ташлаб кетиши қандай таъсир қилди, – Фахриддин атайлаб илмоқли савол берди.

– Қандай таъсир қиларди, бечора роса эзилди. Бир-икки марта Жиззахга – эрининг олдига бормоқчи бўлганди, учраша олмади шекилли...

– Сизга эридан қасос олмақчи бўлгани ҳақида гапирмаганмиди?

– Қанақа қасос! Аёл киши нимаям қиларди, тақдирга тан беради. Гулжамол “ҳаммасига ўзим сабабчиман” деб куюнарди.

– Балки ўзингиз синфдошингиз учун ўч олмақчи бўлгандирсиз! – ўдағайлади Муроджон.

– Э-э-э, бу нима деганингиз! Менга нима кераги бор! Ахир...

– Гулжамол биринчи эри билан ҳам учрашиб турармиди? – Фахриддин мавзуни бошқа томонга бурди.

– Қанақа биринчи эри? Анави қамалиб кетган болани айтаяпсизми?

– Ҳа, ўша – Рўзибой ҳақида гапираяпман.

– Йўғ-е, қанақа учрашсин, у йигит билан законий ажрашиб кетган-ку! Қамалиб кетган бўлса...

– Қамоқдан чиққандан кейин демоқчиман.

– Қамоқдан чиққанини эшитмаганман... Гулжамол бу ҳақда менга ҳеч нима демаган...

Банк ходимларидан тузукроқ маълумот ололмаган терговчилар энди Қодирнинг қўлга олинишига умид қилардилар. Шу билан бирга тергов гуруҳи эҳтимоллиги кам бўлса-да, турли тахминлар хусусида бош қотиришар, аммо тез орада умидлари пучга чиқиб, яна жўялироқ тахминлар қидиришга тушишар, зўр бериб турли-туман тезкор-тергов ҳаракатларини олиб боришарди. Вақт чархпалаги эса тинмай айланарди...

Тошнӣёз қассобни сўроқ қилиш натижалари ҳам самара бермаган бўлса-да, лекин банк билан боғлиқ айрим муаммоларни аниқлашга ёрдам берди:

– Садағанг кетай, неварам Жасуржон шахмат бўйича Жиззахда биринчи, Ташкенда учинчи ўринди обиди-да! – шоп мўйловини силаб гап бошлади қассоб. – Жош бўсам, шахматти зўр ўйнаб қўяди. Ҳиндистонда мусобақаси бор экан. Маллимлари “банкдан доллар омасак, пул жетмайди” депти. Улим банкка бир-эки борган. Қайда дейсиз, садағанг кетай банкдаги хўжайинлар “ана бўлади, мана бўлади” деб улимдинг роса сорсонини чиқарди. Вўзим бориб, туври каттасига кирдим. Жохши гапириб, алдаб-сулдаб чиқариб жарди занғар. Менам жобишган жайимни қўйадифонлардан емасман, яна бордим. Жўқ демайди, садағанг кетай, нуқул қўйнингни пуч жонғоққа тўлғазади. Ўрта жўлда бола мусобақадан қоп кетти. Инакай меники тутиб қолди-да! Мошинга ўтириб, туври Тошкентга банкларнинг каттасига бордим. Аҳволди тушунтирдим. “Ариза ёзиб беринг”, дейишди. Ўхшатиб ёзиб бердим. Уч-тўрт кундан сўнг тўполон бошланди. Банкнинг бошлиғи уйимга келиб, “аризангизди қойтиб олинг, сизга қонча десангиз, доллар тувирлаб бераман” деб жотиб олди. Мен

“болани мийнати́ни синдирдинглар, энди долларингни бир жайингга тиғиб қўй!” деб оёқ тираб олдим. Бир куни уйга бир бола келди. Олдин кўрмаганман. Гап-сўзидан шу банкда ишласа керак. “Отахон, биз сиз билан, туври қилаяпсиз. Банкка кеган доллар фақат Тоғаевнинг таниш-билишига сотилади, сизга вўхшаган одамлар сарсон бўлиб юрайверади, керак бўса фактларни ҳам берамиз”, дейди бажжағор. Кетишда чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб берди. “Бу нима” десам, “банкirlарнинг қинғир ишлари исботи, аризангизга қўшиб жўнатинг” деди. Ичингдаги жов жомон-да! Қаранг, садағанг кетай, вўзини вўзи сотаяпти. Опқолишга опқолдиму, органга ёзиб беришга кўнглим бўмади. Қомолиб кетса, бола-чоғосининг қорғишига қоп ўтиргим кемади...

– Ўша қоғозни қаерга қўйгансиз? – қизиқсинди Санжарбек.

– Вў ер бу йерда тургандир-да, есимда қоптима!

– Ўша қоғозда нима ёзилгани ёдингизда борми?

– Ес қоптими бизарда. Бояги боланинг айтишича, банкирлар бировларнинг паспортидан фойдаланиб, долларни вўз-вўзи бўлиб олишаркан, чекадан кеганга ҳеч нима тегмаскан, беҳуда жургани қоларкан...

Тошнӣёз қассоб “далиллар” қайд қилинган қоғозни топиб бера олмаса-да, унинг маълумотлари банкда валюта алмаштириш борасида йўл қўйилаётган қинғирликларнинг фош этилишига сабабчи бўлди. Ўша даврда банкдан энг кўп валюта сотиб олган шахслар танлов йўли билан сўроқ қилинганда, уларнинг аксари банкдан ҳеч қанақа доллар олмаганини, паспортларини гоҳ Феруза, гоҳ Муқаддас исмли аёллар олиб, ҳар замонда 50-60 минг сўм пул ташлаб кетишганини айтишди. Тезда Муқаддас ва Ферузанинг шахси аниқланди,

улар билан бирга “долларфурушлик” қилиб кун кечирувчи яна ўнга яқин аёлларнинг уюшган гуруҳи маълум бўлди. Бу аёллар барча банкнинг барча валюта алмаштириш шахобчаларига ўз одамларини жонли навбатга қўйиб, сотувга чиқарилган тўқсон фоиз валютани ўзлари сотиб олишга эришишган. Фойданинг камгина қисми навбатда турган шахслар ва уларни сўм билан таъминлаб турган кишиларга сарфланган. Даромаднинг муайян қисми “долларфуруш” аёлларга ва каттагина қисми улар орқали банкирларга етказиб турилган. Шу қайдани бузган шахслар гуруҳ аъзолигидан чиқариб юборилган...

Муқаддаснинг уйида ўтказилган тинтувда топилган “темир дафтар”да банкдан олинган валюта, қилинган сарф-харажатлар, жумладан банк бошқарувчисига кунма-кун бериб борилган суммаларнинг ҳисоб-китоби қайд этилгани маълум бўлди.

Терговчиларда Тоғаевнинг сейфидан ўғирлаб кетилган 80 минг АҚШ доллари “долларфуруш” аёллардан йиғиб олинган маблағ эканига шубҳа қолмади.

Жиноят ишининг бу қисмини алоҳида иш юритувга ажратишга қарор қилинди.

Асосий иш бўйича тергов яна боши берк кўчага кириб қолди. Фахриддин Каримович кеч соат 20 да гуруҳ аъзоларини тўплади. Аввал кичик гуруҳларнинг ҳисоботлари тингланди. Кейин ҳар бир ходимнинг фикри эшитилди.

– Банк теварагида узоқ йиллар давомида уюшган жиноий гуруҳ фаолият юритган. – Санжарбек жиддий қиёфада гап бошлади. – Бу гуруҳга Зухриддин Тоғаев бошчилик қилган. Банкка ажратилган валюта маблағлари асосан жиноий гуруҳ томонидан сотиб олинган ва “қора” бозор-

да сўмга айлантирилиб, яна валюта сотиб олишга ишлатилган. Валютанинг давлат курси ва бозор курси ўртасидаги каттагина фарқ жиноий даромад сифатида гуруҳ аъзолари ўртасида қарор топган меъёрлар асосида тақсимланган. Валютани сотиб олувчилар рўйхати бошқаларда шубҳа уйғотмаслиги учун долларфурушлар ўзларининг таниш-билишлари, қўни-қўшнилари, хуллас, бегона шахсларнинг паспортларидан фойдаланишган. Валюта уларнинг номига олинган. Улар банкка келиб, тегишли ҳужжатларга имзо чекиши кифоя бўлган. Қолган барча ҳаракатларни уларнинг номидан валютачи аёлларнинг ўзлари адо этишган. Шу мақсадда сунъий равишда ҳар бир валюта алмаштириш шахобчасида узундан-узоқ жонли навбат ташкил этилган ва табиийки, навбатга бошқа шахсларнинг кириб қолишига йўл қўйилмаган. Натижада шахобчага лимит бўйича ажратилган барча валюта гуруҳ аъзолари томонидан харид қилинган. Олинган даромад жиноий уюшманинг ёзилмаган қонунлари асосида “адолатли” тақсимланган. Паспортини бериб турган фуқароларга арзимас чой-чақа берилган. Қолган даромад валютафурушлар ва банк раҳбари ўртасида тақсимланган. Валютачи аёлларнинг бошлиғи Муқаддас Холдорова аёллардан пулни тўплаб, банк бошқарувчиси Тоғаевга топшириб турган. Муқаддасдан бошқа аёллар пулларнинг кимга берилаётганини билишмаган... Менимча, жиноий уюшманинг фаолияти банк доираси билан чегараланмаган. Таҳлилларга қараганда, бош банкдан филиалларга валюта сотиш лимитини белгилашда Тоғаевга каттагина имтиёз берилган кўринади. Мана қаранг, ўша йилларда бу банк филиалига бошқа филиалларга қараганда икки-уч баробар кўп валюта ажратилган. Бундан Тоғаев валютачи аёллардан

олган пулининг бир қисмини пора сифатида бош банкдаги мутасаддиларга бериб турган, деган хулоса келиб чиқмоқда...

– Санжарбек, жиноят ишининг бу қисмини алоҳида иш юритувга ажратганимиз, ёдингиздан чиқмадими? – танбеҳ берди гуруҳ раҳбари.

– Йўқ, албатта! Лекин шу ерда сал шошмадик-микан демоқчийдим...

– Биринчидан, бош банкдагиларнинг айбини исботлаш қийин масала. Тоғаев йўқ. “Лимитни нима учун бошқа филиалларга қараганда кўп ажратгансан” десангиз, уларнинг жавоби тайёр – “Жиззах шаҳри вилоятнинг бошқа туманларига қараганда катта ҳудуд, аҳоли сони кўп”. Иккинчидан, майли, бош банкдагиларнинг бу жиноятда қўли борлигини исботладингиз ҳам дейлик, унда бу ишнинг қотилликка қанчалик алоқаси бўлиши мумкин? Жиноий гуруҳ мўътадил ишлаб турган. Ҳамма хурсанд, мўмай даромад келиб турибди. Бу ҳолда Тоғаевни йўқ қилиш уларга нимага керак?

– Гапингиз тўғрику-я устоз, аммо... жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида нифоқ келиб чиққан бўлса-чи! Балки Тоғаев бош банкдагиларга пул беришдан бош тортгандир...

– У ҳолда бош банкдагилар булоқнинг кўзини ёпиб қўйган бўларди. Тамом. Тоғаевнинг икки кунда уларнинг олдига дод-войлаб, ўзи ялиниб борарди.

– Ростдан ҳам биз кейинги пайтда асосий ишдан бир оз чалғиган кўринамиз, – Муроджон сўз олди. – Аввал банкдаги ўғирлик, сўнг валютафурушлар иши... Тўғри, терговда энг кам эҳтимолли тахминлар ҳам баъзида жиноят очилишига олиб келади. Биз ҳар бир фараз устида ишлашга, бош қотиришга мажбурмиз. Лекин бир-икки тахмин билан ўралашиб, бошқа воқеликларнинг ортидан кетиб қолиш, маълум маънода асосий ишдан чалғитиши турган гап...

– Нима таклифингиз бор? – Фахриддин нотиқнинг гапини бўлди.

– Менимча, Гулжамол йўналиши бўйича қаттиқроқ ишлашимиз лозим!

– Нима қил дейсиз?

– Шу аёлда кўп гап бор. Биринчи эридан ажрашиб, иккинчисига теккан. Бу ҳам етмагандай бошида эри бўлатуриб, бошқаси билан ош-қатиқ бўлиб юрган. Бунақа одамдан ҳар нарсани кутса бўлади. Лекин очикда бўлса, уни гапиртиришимиз қийин бўлади...

– Нима, бу билан “уни қамоққа олишимиз керак” демоқчимисиз? – пичинг қилди Санжарбек.

– Қамоқда бўлса, “синдириш” осон бўларди!

– Гулжамолни қамоққа олишга асосингиз борми?

– Асос топса бўлади, бу ёғи сизларга боғлиқ! Иш учун салгина “лирик чекиниш” қилинса осмон узилиб ерга тушмас! – Муроджон “тўғрими?” дегандай курсдошига тикилди.

– Бунақа гапни бир гапирдингиз, бошқа такрорламанг! – деди Фахриддин жаҳл билан. – Биз киммиз ўзи! НКВД шотирларими ёки КГБ зобитларими! Ё Гдьян қонхўрларимизми? Биз прокуратура терговчиларимиз! Давлатимизнинг энг ишонган одамларимиз! Агарки бизнинг онгимизда ҳамон ўша замонларнинг жирканч тергов усуллари қўллаш хаёли яшар экан, форма кийишга лойиқ эмасмиз!

– Ишнинг кетишини ўйлаяпман-да! – деди Муроджон шалвираб. – Терговда ҳам баъзида ноанъанавий усуллар фойда беради.

– Ноқонуний усуллар демоқчисиз-да! Биргина қонунсизлик терговнинг, прокуратура идораларининг обрў-эътиборини чилпарчин қилиши-чи? Майли, жиноятни сал кечикиб очайлик, аммо қонун бузилмасин!

– Қонунбузарга нисбатан сал қонун талабларидан чекинишни мен ҳуқуқбузарлик деб ҳисобламайман... – Муроджон ён беришни хоҳламасди.

– Унда айбисзлик презумпцияси қайда қолади? Ахир суд айбдор деб топмагунча ҳеч бир шахсга жиноятчи тамғасини осийш мумкин эмас-ку! Иккиламчи, қонунни бир бузган одам кейин шуни одат қилади. Тарки одат – амримаҳол. Бу эса жамиятни, тизимни ишдан чиқаради. Бу одатни саратон касаллигига қийёсласа бўлади. Танангга бир кириб олса бас, тезда бутун вужудингни қамраб олади.

– Фахриддинжон, жаҳлингиз чиқмасин! Мен сизларни ўйлаб... жиноятни тезроқ очийш ниятида... – деди Муроджон қулоғигача қизариб.

– Агар сизда Гулжамол хусусида бизга номаълум бўлган бирорта факт бўлса, айтинг! – деди Санжарбек хуноби чиқиб. – Аравани қуруқ олиб қочишдан нима фойда?

Муроджон бу икки “пойтахтлик олифталар”ни йўлга солиб бўлмаслигини англаб, ортга чекинди.

– Бўлди, тавба қилдим! Биз қишлоқилар бунақа ишларга ҳали ёшлик қилишимизни билмапман, узр!

– Эҳ, Муроджон-эй! – Фахриддин “бир оз ошириб юбормадимикан” деган хаёлда жилмайди. – Бизнинг шаҳарлигу сизнинг қишлоқлик эканингизнинг ишга нима дахли бор? Келинлар, ишга ўтайлик. Менда бир фикр бор: Гулжамолнинг биринчи эри нимайди... анов...

– Рузибой! – Санжарбек ёдга солди.

– Ўша Рузибой ҳозир қаерда экан? Қамоқдан қайтганмикан? Унда қамоққа тушган маҳалда хотинини йўлдан урган Тоғаевга нисбатан хусумат бўлиши аниқ. Балки шу усул билан бевафо аёлини таъзирини бермоқчи бўлгандир. Санжарбек, эр-

тага шу йўналиш билан шуғулланасиз. Муроджон, сиз билан биз эртага ишни банк мижозлари билан ишлашдан бошлаймиз!

* * *

Фахриддин йигитлари билан банк биносида жойлашган “штаб”да банкнинг йирик мижозларини бирма-бир сўроқ қилиб, ишга дахлдор масалаларга ойдинлик киритиш учун жон куйдираётган бир пайтда Санжарбек тезкор вакиллар ҳамроҳлигида Зарбдор туманига етиб келди. Сўраб-суриштириб Рўзибойнинг уйини топишди. Кўринишидан бир пайтлар қишлоқнинг олд уйларида бири бўлган, лекин ҳозир анчагина кўримсиз ҳолга келиб қолган ҳовли дарвозасини тақиллатишди. Эшикни чамаси 50-55 ёшлардаги тўладан келган аёл очди:

– Кенгизлар ойна, – мезбон меҳмонларнинг кимлигини ҳам суриштириб ўтирмасдан ичкарига бошлади, – журайверинглар!

Ичкарига киришди. Ҳовли каттагина экан. Дарвозахонадан ўтиб, ўнг томондаги қатор уйлар томон юришди.

– Кенгизлар, кирингизлар, хўжайин ичкарида, – деди аёл ўймакорлик усулида ишланган нақшинкор эшикка ишора қилиб.

Йигитлар пойабзалларини айвонга ечиб, хонага киришди.

– Ким у, Пари! – деди хона тўридаги диванда ўтирган гавдали одам пинагини ҳам бузмасдан.

– Отаси, мимонлар, сизди сўраб кепти!

– Кенглар, хуш кўрдик. Марҳамат вўтиринглар, – деди мезбон негадир бир нуқтадан кўз узмасдан.

Санжарбек уй ўртасидаги хонтахта атрофига тўшалган кўрпачага ўтирар экан, шундагина

уй эгасининг сўқир эканини англади. Ҳамроҳлари ҳам буни сезишиб, бир-бирига маъноли қараб қўйишди.

– Пари, қани чой-пойингни опчиқ.

– Раҳмат отахон, чой шарт эмас... бизлар...

– Бу нима деганинг болам, мимонди туз-намак-сиз чиқариб бўлама? Бир туйрам нондан женглар, иш бўса қочмас! Қани омин! – Сўқир киши қироат билан узундан-узун дуо қилди.

Аёл гавдасига хос бўлмаган чаққонлик билан бирпасда ликобчада нон, майиз, туршак, жийда, ёнғоқ олиб кирди. Бир пиёладан чой ичилгач, ниҳоят, Санжарбек сўз демоққа оғиз жуфтлади. Буни сезгандай мезбон аввал гап очди:

– Қони, мимонжонлар, жўл бўсин!

– Отахон узр, бемаврид сизларни ташвишга қўйдик. Мен Республика прокуратурасидан Санжарбек Раҳмонов, булар вилоят жиноят қидирув бошқармасидан. Биз ўғлингиз Рўзибой масаласида...

– Нима бало, бу оқпадар тагин бир ишкал чигордима?

– Ҳозирча йўқ! Биз айрим масалаларга аниқлик киритмоқчи эдик.

– “Ҳозирча йўқ” деяпсан болам, демак у аҳмоқ бир балони бошлаган... жаширмай айтавер... биз ўрганиб кетганмиз...

– Ота, Рўзибой тўғрисида бизга батафсилроқ гапириб берсангиз. – Санжарбек атайлаб фарзанд ташвишидан юрак-бағри тилка-пора бўлган бу қариянинг кўнглини бир оз бўлса-да бўшатиб олишига имкон бермоқчи бўлди.

– Ҳэ ойна, бу боланинг несини айтай! – деди чол чуқур ҳомуза тортиб. – Ойингиз билан Самарқандда қишлоқ хўжалиги институтида бирга ўқиганмиз. Кейин тақдир экан, турмуш қурдик. Ўқишни

битиргач, бизни Арнасойга ишга юборишди. Пари паррандачилик фабрикасига, мен совхозга бўлим агрономи бўлиб ишга кирдик. Икки йил вўтиб мени собхўз бош агрономлигига кўтаришди. Шў йили фарзандли бўлдик. Болаға раҳматли бовомнинг исмини қўйдим – Рўзибой! Шў пайтларда замон кўтарар экан-да, чақалоқни вўзиям бир ҳафта жувдик. Райондинг бор каттаси уйга келди. Хотин декретга чиғиб, кейин қайта ишламади. Умри шу болани катта қилиш, мени мимонларимни кутиш билан ўтди... бошқа нияям кўрди бечора... – Эргаш ота пиёладаги чойдан ҳўплаб, томоғини ҳўлаб олди ва ҳикоясини давом эттирди. Санжарбек ҳам, унинг шериклари ҳам худди матал эшитаётган болачалардай анқайиб, чолнинг оғзини пойлаб туришарди.

– Мен туну кун ишлардим. Пахта, ғалла, чорва дегандай, собхўзда иш тугармиди... Чўлда пул жонвор кўбиди. Бир куни жилди охирида мукофат пулларимни тўплаб, Самарқанға тушиб, кўнароқ “Москвич” мошин опкелдим. Хурсандчилигимизни айтмайсиз! Кечалари уйқумиз қочиб, эр-хотин ҳовлига чиқиб, “битта-яримтаси опқочиб кетмадимикан” деган ҳаялда мошинди айланамиз... Йиллар ўтди. Мошинди зўрларини миндик. Ҳовлимиз қўша-қўша мошинға тўлди. Лекин бошқа ҳеч қачон юрагимда ўшанда эски мошин сотиб олгандаги қурсанчилик, қувонч ҳисларини туймадим... Уч йил вўтар-вўтмай мени Зарбдорга катта ҳўжаликка дириктир қилиб жўнатишди. Шў жили ҳавоям тоза дийқонбоп келди вўзиям. Планларди ошириб-тошириб жубардик. Менга орден беришди, облисга депутат қилишди. Уйимиздан одам аримасди. Мимондорчилик, байрам, зиёфатлар саҳаргача давом этарди... Жутуқлар устига жутуқлар келарди. Мукофатлар, совға-са-

ломлар, мақтовларнинг чеки кўринмасди. Осмонда учиб юрардим. Ўмир ҳамиша шундай бир заъилда давом этадигандай туюларди... Ҳатто ҳоёт вўзининг биринчи зарбасини бергандаям буни менсимадим, вақтинчалик билдим. Рўзибой учга кирганда, қизли бўлди. Ҳомила оғир кечиби, болани кесиби олишга тўғри келди. Қизимизнинг умри калта экан, ҳали от қўймасдан оламдан ўтиб қолди. Бундан ҳам баттари Пари бошқа бола тувиш бахтидан маҳрум бўлди. Боламиз битта бўсам, вўннинг вўрнига боссин деб вўзимизни овутдик. Шунақалар камми? Жолғиз улдан этак-этак набиралар суйиб, пири бадавлат бўлиб журганлар қанча! Вўн бола тувдириб, тариқча ҳузур-ҳаловат кўрмаганлар қанча!

Қария яна чойдан ҳўплади. Кўзлари кўрмасда, меҳмонлар уни диққат билан тинглашяптими йўқми, зерикиб қолишмадими деган хавотирда бир муддат жимиб, вазиятга қулоқ тутди. Атрофдагиларнинг барчаси уни нафас олмасдан тинглаётганига амин бўлди шекилли, сўзида давом этди:

– Жолғиз боланинг иши қийин бўларкан. Рўзибой эрка бола бўлди. Кўзимизнинг оқу қораси деб жеру кўкка ишонмадик. Овзидан чиққанини муҳайё қилдик, жўқни жўндирдик. Бировни калтакласа, “қаддингни ур, ота ўғил” дедик. Мактабдан қочса, маллимларини менсимаса шўхликка жўйдик. Ҳеч недан кам қимадик. Егани олдида, емагани ортида бўлди. Мендан сўраб олган, аяси жаширинча берган пуллар аста-аста вўзининг ишини қила бошлади. Боланинг бузмакорлиги безориликка, шоддодликлари дилзорликка, ҳазиллари зилга айлана борди. Эри хотин вўзимизди “жошда, улғайса, қолиб кетар” дея овутдик. Мен танбеҳ берганда, аяси олдига тушди. Пари уришганда мен ёнини олдим. “Олманинг та-

гига олма, шафтолининг тагига шафтоли тушади”, “бир кун келиб меған вўхшаған раҳбар бўлади-да!” деб вўйлардим. Шу важдан уйдаги қўзичани жура-лари билан уйдан жашириб олиб чиғиб, сўйишиб, гўшини шашлик қип жегандаям, биз тўйга кетганда уйдаги сандиқни очиб, бор пулни ўмариб, ўртоқла-ри билан гаштак қилишгандаям унчалик ташвиш тортмадик, жош нарс-да катта бўлса, еси кириб қолар деб журабердик. “Кўр кўрни қоронғида топа-ди” деганларидек шў вўртада вўзига вўхшаған бир нечта бесиёқ болага қўшилиб қолди... Шўндаям “ана жохши бўлар, мана жохши бўлар” деб умид қип жу-равериппиз. Кейин нашага ўтди... Бу уйинг куйгир-га бир кирган одам қайтиб чиқолмаскан. Урдигам, сўқдигам фойдаси бўлмади. Ҳатто қўлига кишан соп боғлаб ҳам қўйдим. Кор қилмади... Бу қатари ҳам-соямизнинг боласи Тошкентга ўқишга кириб кетди. Ҳозир институтни тамомлаб, диссертация ёқлади. Энди докторликни ҳимоя қилайкан... Эмаса, нонга зор бўп катта бўган. “Туянинг жути қанча женгил бўлса, шўнча жотоғон келади” деб бежиз айтишма-ганкан. Бу болага нима кам эди. Ҳамма шароити бориди... Шу жойи алам қилади...

Эргаш отанинг қалбан йиғлаётгани сезилиб ту-рарди. “Қизиқ, сўқир одамнинг кўзларидан ёш оқармикан?” деган ўй Санжарбекнинг хаёлидан ўтиб, қарияга тикилиброқ қаради. Ёш кўринмай-ди. Демак улар қалб кўзи билан йиғлашади.

– Дардимни дoston қилиб, силарни ҳам сил қи-либ юбордим. Олинглар, олишиб ўтиринглар! Мени гапимга парво қилманглар. Дардимни кимгадир айтсам, кўнглим сал жумшагандай бўлади-да! Одам тафтини одам олади деганлари шу бўлса ке-рак-да!

– Отахон, ҳечам хижолат бўлманг, биз сизни эшитаяпмиз, давом этаверинг!

– Боланинг қилиқлари орта борган сари ҳаётимизнинг пайзи йўқолиб борарди, уйимиздан қут барака учиб, жаннат турмушимиз нақ жаҳаннамга айланиб қолаётгандай эди. Бир-эки марта таниш-билиш қилиб, қамоқдан опқолдим. Пул берсак, бердик, бермасак қарз кўтаришга ўтди. Геройин, қорадори деганлари заҳардан ҳам қиммат бўларкан. Тез орада ҳамма томонимизни қарзга ботириб ташлади. Одамлар ҳам дириктирдинг боласи деб қарз сўраса бераверган. Ҳаш-паш дегунча топганимни кўкка соvuриб, мениям ҳонавайрон қилди... Уйланса, балки босилиб қолар деган хаёлда қиз топиб уйлантирдик. Гулжамол жомон аял эмасди, эрини йўлга солишга ҳаракат қилди. Қайда дейсиз, букрини гўр тузатмаса, бошқа иложи жўқ экан. Олти ой ўтмасдан яна қорадори билан қўлга тушди. Бу гал кучим етмади, қамалиб кетди. Эл олдида ўнгиримизни кўтариб журамлай қолдик. Касофат боланинг касрига мениям ишдан олишди. Келинам кўч-қўронини жийиштириб, энасиникига кетди. Сал вақт ўтмай гавжум уй бўшаб қолди. Кейин эр-хотин икки йил боланинг орқасидан Қаршига қатнадик. Бўёқдаям кўп тўполонлар қилди. Камандирлари мени ҳурматимни қилиб, жомонлик қилишмади ҳайтовур. Бўмаса билмадим нима бўларди... Қамоқдан қайтгач, тутқинлик азобини тортди, энди товба қилиб, тузалиш жўлига кирса керак деб умид қилгандик. Чучварани хом санаган эканмиз! Ўғлимизда одабийликдан заррача қолмаган экан. Уни фақат бир нарса – қандай қилиб вўша зормонда дорини топиш ва тезроқ нашасини қондириш, ҳакалак отаётган ҳирсини қондириш қизиқтирарди. Бошқа ҳеч нарса – на ота-эна, на уй-жой, на турмуш, на қариндош-уруғ уни қизиқтирмасди. Хумори тутганда дорини топса топди, топмаса

“жашириб қўйган пулларингни чиқар” деб бизни қистовга оларди. Жазавага тушиб, дод-войлаб қолган пайтлари ўлиб-нетиб қомасин деб ўзимиз қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, дорисини топиб берардик. Бошимиз гавғодан, жанжал-тўполондан чиқмай қолди. Эр-хотин тишимизни тишимизга қўйиб чидардик. Бизни бир нарса, биргина умид тик оёқда журишимизга куч берарди. Бир кун келиб Худо яккаю ёлғиз боламизга, кўзимизнинг оқу қораси, нури дийдамизга инсоф бериб қолар деган умидда яшардик. Иложимиз қанча! Боланг ит бўлса, боғлаб боқаркансан! Лекин кучук ҳам эгасини қопмайди...

Қария ўпкаси тўлиб, бир оз жимиб қолди. Сўнг бор иродасини тўплаб, ҳикоясини давом эттирди:

– Охир-оқибат менга, энасига қўл кўтариш даражасигача борди оқпадар... Бу гапларни айтиш менга осонмас... Аслида... ҳар ким экканини ўраркан! Ҳаммасига ўзим сабабчиман. Вақтида иш деб, дунёнинг ташвишлари деб бола тарбияси билан жиддий шуғулланмадим. Ошно-оғайнилар билан чойхонада чақчақлашишга, мимондорчилигу зиёфатларнинг тўрида ўтиришга топилган вақтимиз болага топилмади. Фарзанд тарбиясига панжа орасидан қарадик. Вақтида боланинг эркаликлари, шўхликлари, бебошликларига безътибор бўлдик. Олманинг тагига олма тушади, деган оқида билан жураверибпиз. Боғбоннинг қарови, тарбияси, ардоғи бўлмаса, энг уруғи сара олмагаям қурт тушишини ўйламапмиз. Рўзибойнинг танасига тушган қурт аллақачон унинг бутун вужудини қамраб бўлган экан... Ҳар ишнинг сўрови бўлади. Мана зимистон дунёнинг бир кунжагида тилловимизни тилаб, ой-қунимизни кутиб вўтирибмиз...

– Ота, ўғлингизнинг хотинига нисбатан муносабати қанақа эди? – чолнинг жимиб қолганидан фойдаланиб, Санжарбек ташаббусни қўлга олди.

– Вў шўрликман тузувроқ яшамадиям... Қамалганидан бояқушам отасиникига кетиб қолди. Рўзибой унинг кўч-кўронини олиб, кетиб қолганини ешитиб, роса жинниси чиқди. Ўзиниям, ота-энасиниям чангитиб сўқди. “Чиқсам, энасини учқўргондан кўрсатаман” деб дағдаға қилди. Билмадим, алам қилдими ё йохши кўрганиданми...

– Қамоқдан чиққандан сўнг ўғлингиз Гулжамол билан муносабатларини тиклашга ҳаракат қилмадими?

– Бир-эки марта жанжаллашиб журишганини эшитгандим... Келин болаям дарров биттасини топиб, экинчи қотин бўп тийиб кетган экан...

– Уларнинг жанжаллашиб юрганини кимдан эшитган эдингиз?

– Бир куни вўзи айтиб қолди. Келин билан учрашган экан, қайтиб келишга унамабди, эшитиш-нияма хоҳламапти.

– Гулжамол кимга эрга теккан экан?

– Мен қайдан билай! Жиззахлик бир катта банкир дейишганди. Лекин мен уни кўрмаганман...

– Рўзибой ўша банкир билан ҳам учрашганми-кан, нима дейсиз? – Терговчи мақсадга яқин борди.

– Бунисини билмайман. Лекин учрашмаган бўлса керак. Нима деб боради, “қотинимни нимага тортиб олдинг” дейдими?!

– Яхши кўрган бўлса... “нега йўлдан урдинг” деб орани очиқ қилишга борган бўлиши мумкин-ку!

– Билмадим... бўса бордир, вў жоғи менга қоронғу.

– Рўзибой учинчи бор ўтган ойда қамалган экан. Шунга қадар у нима билан шуғулланганини айта оласизми?

– Нима билан шуғулланарди, дарди шў нашани топиш, саёқ журиш, вўзига ўхшаган худобезори-лар билан дайдишдан бошқа иш қилмасди. Пул тополмай қолса, уйга кеп мени қистарди...

– Ўртоқлари кимлар эди? Уларни танийсизми?
– Отларини билмайман. Район марказининг та-
касалтанг болаларида... Пари билса керак.

Санжарбек яна бир нечта савол бериб, чолдан ўзига керакли маълумотларни олишга ҳаракат қилди. Сўнг шошилмасдан Пари момонинг ҳам кўрсатмаларини қоғозга муҳрлади. Унинг берган гувоҳлиги асосида Рўзибойнинг “такасалтанг” дўстларининг шахси аниқланди ва шу кун улар ҳам батафсил сўроқ қилинди. Гарчи ўтказилган тадбирлар Рўзибойнинг банкирнинг ўлимига бевосита алоқадорлигини тасдиқловчи ҳолатларни юзага чиқармаган бўлса-да, унинг Гулжамол ва Зухриддинга нисбатан хусумати, ғарази мавжудлигини, қотиллик жинояти содир бўлган пайтда айнан шу атрофда юрганлиги, демакки, унда банкирни ўлдиришга мотив ҳам, имкон ҳам бўлганини кўрсатди.

Кейинги кун Санжарбек Рўзибой билан гаплашиш учун Зангиота туманидаги қаттиқ режимли жазони ўташ муассасасига йўл олди.

Терговчилар учун ажратилган махсус хонага қотмадан келган, ёш бўлишига қарамасдан юзларига ажин тушган, бесўнақай ва рўдапо йигитни бошлаб келишди. Санжарбек унинг шахсига оид маълумотларни ойдинлаштиргач, ҳушёрлик билан “иш”га киришди:

– Рўзибой, соғлиқлар қалай! Камчиликлар йўқми?
– Мендан нима истайсиз? – деди маҳкум ҳафсаласизлик билан.

– Собиқ хотинингиз Гулжамол билан муносабатларингиз ҳақида сўрамоқчийдим?

– Нима у твар яна ёзибдими?

– Нима аввал ҳам ёзганмиди?

– Конечно ёзган! Участковой қонимни ичганди... Вой қанжиг-эй! Эри қамалар қамалмасдан эрсираб қолган манжалақи-эй... уялмайдиям!

– Нима деб ёзганди? Ургандирсиз, сўккандирсиз!

– Сўksam, тўғри қилганман! Бунақа ғарларни ўлдирсанг ҳам камлик қилади! – Рўзибой қалтироқ қўллари билан оқ оралаган сочларини тўғирлаб қўйди.

– Унинг эри билан ҳам учрашганмисиз?

– Гаплашганман! Уни ўлдириб кетишибди дейишади, шу тўғримми? – Гувоҳ саволга савол билан жавоб берди. Сўнг бир нарсa ёдига тушди шекилли, ўрнидан туриб кетди. – Ҳа-ҳа! Гап бу ёқда экан-да! Менга қотилликни тўнкамоқчисиз, шундайми?

– Ҳеч ким сизга ҳеч нарсани тўнкамоқчи эмас! Сўраб-суриштириш бизнинг вазифамиз!

– Демак, тўғри топибман! Жиноятни очолмагансизлар... Мен ўша пайтда очикда бўлганман. У хотинимни тортиб олган! Мотивам тайёр! Логично, логично...

– Бас қилинг! – Санжарбекнинг жаҳли чиқди. – Сиз саволга жавоб беринг! Тоғаев билан нима масалада гаплашгансиз?

– Эй, бунинг нима аҳамияти бор! Тергов камида бир йил давом этади... – ўзича пичирлади Рўзибой. – Агар тергов вақтида анавундан бериб турсангиз, бўйнимга оламан, ҳаммасини бўйнимга оламан! Фақат келишсак бас!

– Нима деб жавраяпсиз! Нима бериб туришимиз керак экан?

– Нашамизни қондириб турсангиз бас! Мен Тоғаевни ўлдирганимни бўйнимга оламан! Бари бир умрим қамоқда ўтаяпти-ку! Менинг йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ...

– Йиғиштиринг бунақа гапларни! Агар қотилликни сиз амалга оширган бўлсангиз, биз бунинг ўзимиз исботлаймиз! Ўзингизни овсарликка солманг!

– Бу овсарлик эмас! Таклиф! Сизга жиноятни очиш керак! Шундайми? Бизга “қораси”дан бериб турсангиз бўлгани...

– Етар! Сиз берилган саволларга жавоб беринг! Бетайин гапларни йиғиштиринг! – Санжарбекнинг тепа сочи тикка бўлди.

– Унда мен сизнинг бирорта саволингизга жавоб бермайман, тошингизни теринг! – Маҳкум бўзрайиб, юзини тескари ўгирди.

– Сиз ростданам мени шунақа аҳмоқона таклифга кўнади деб ўйлаяпсизми? – терговчи бир оз “чекиниш”га мажбур бўлди.

– Сиздан нима кетади! Бари бир ўша жиноятни очиш қўлингиздан келмайди. Ўзим бўйнимга олиб ўтирибман. Бунинг нимаси ёмон! Мен муддат оламан, сиз орден! Балки мансабингиз ҳам кўтарилар...

– Балки ҳақиқатда Тоғаевни сиз ўлдиргандирсиз?

– Шундай! – Рўзибой беўхшов тиржайди.

– Марҳамат, унда тафсилотлари билан гапиринг-чи! Қачон ўлдиргансиз, қаерда ўлдиргансиз, нима учун ўлдиргансиз?

– Хо-хо-хо! Олдин бизнинг шартимизни қабул қилсинлар, кейин... Сиздан утина, биздан бутина...

– Майли, мен сизга сўз бераман! – Санжарбек ҳийла ишлатишга аҳд қилди.

– Эркакнинг гапими?

– Эркакнинг гапи! Қани энди бошидан бошланг-чи!

– Нимани айтай?

– Қотилликни қачон, қаерда, қандай усулда содир қилгансиз? Шуни гапиринг!

– Ўзингиз ёзинг, мен қўл қўйиб бераман!

– Бу нима деганингиз? Олдин сиз ҳаммасини бошдан-оёқ сўзлаб беринг! Расмийлаштириш қочмас.

– Мен қотиллик тўғрисида визуально эшитганману, детально билмайман-да!

– Қанақа билмайсиз? Хотирангиз чатоқми? –
терговчи ўзини соддаликка олди.

– Э ака, одамни хит қип юбордингиз-ку! Нима
бўлганини сиз айтинг, мен “сайраб” бераман...
судданам ўтиб кетади...

– Тушунарли! Демак, ҳаммасини мен айтиб бе-
ришим керак, сиз тергов ва судда “сайраб” бера-
сиз! Шундайми? – зарда қилди Санжарбек.

– Шундай! Олдинам шунақа қилишган...

– Қачон, ким?

– Сиз нима деб ўйладингиз! Мен наркоша тортаман,
аммо ўғри эмасман... Ўша ментларингиз учта ўғир-
ликни кийдиришди... Ўзлари ҳаммасини ўргатишди,
мен судда тасдиқлаб турдим... Гап бу бўпти-да!

– Демак, сизнинг мол ўғирлаганингиз ёлғон
экан-да! Қилмаган жинойтни бўйнингизга олган
экансиз-да!

– Буни гап келганда шунчаки айтдим, қўйдим!
Яна қоғозга тушираман деб оввора бўлманг! Мен
аял эмасман...

– Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз. Демак,
сиз ҳозир ҳам қилмаган жинойтни гарданингизга
олмоқчисиз, шунақами?

– Эркакмисиз, келишдик-ку! Яна нима истайсиз
мендан! Шунақаям латтачайнар, мижғов терговчи
бўладими? – Рўзибой тўнини тескари кийиб олди.

– Ҳаддингиздан ошманг! Бунақа лўттибозли-
гингиз менга ўтмайди. Марҳамат қилиб берилган
саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб беринг. – Тергов-
чи жиддий тортди. – Тоғаев билан қачон, қаерда
танишгансиз?

– Мен бунақа одамни танитайман ва танишни-
ям хоҳламайман! – деди Рўзибой лоқайдлик билан.

– Биздаги маълумотларга кўра, сиз собиқ хо-
тинингиз Гулжамол турмушга чиқиб кетганидан
қаттиқ жаҳлингиз чиққан, жанжал кўтаргансиз...

– Бу овсарлик эмас! Таклиф! Сизга жиноятни очиш керак! Шундайми? Бизга “қораси”дан бериб турсангиз бўлгани...

– Етар! Сиз берилган саволларга жавоб беринг! Бетайин гапларни йириштиринг! – Санжарбекнинг тепа сочи тикка бўлди.

– Унда мен сизнинг бирорта саволингизга жавоб бермайман, тошингизни теринг! – Маҳкум бўзрайиб, юзини тескари ўгирди.

– Сиз ростданам мени шунақа аҳмоқона таклифга кўнади деб ўйлаяпсизми? – терговчи бир оз “чекиниш”га мажбур бўлди.

– Сиздан нима кетади! Бари бир ўша жиноятни очиш қўлингиздан келмайди. Ўзим буйнимга олиб ўтирибман. Бунинг нимаси ёмон! Мен муддат оламан, сиз орден! Балки мансабингиз ҳам кўтарилар...

– Балки ҳақиқатда Тоғаевни сиз ўлдиргандирсиз?

– Шундай! – Рузибой беўхшов тиржайди.

– Марҳамат, унда тафсилотлари билан гапиринг-чи! Қачон ўлдиргансиз, қаерда ўлдиргансиз, нима учун ўлдиргансиз?

– Хо-хо-хо! Олдин бизнинг шартимизни қабул қилсинлар, кейин... Сиздан утина, биздан бугина...

– Майли, мен сизга сўз бераман! – Санжарбек ҳийла ишлатишга аҳд қилди.

– Эркакнинг гапими?

– Эркакнинг гапи! Қани энди бошидан бошланг-чи!

– Нимани айтай?

– Қотилликни қачон, қаерда, қандай усулда содир қилгансиз? Шуни гапиринг!

– Ўзингиз ёзинг, мен қўл қўйиб бераман!

– Бу нима деганингиз? Олдин сиз ҳаммасини бошдан-оёқ сўзлаб беринг! Расмийлаштириш қочмас.

– Мен қотиллик тўғрисида визуально эшитганману, детально билмайман-да!

– Қанақа билмайсиз? Хотирангиз чатоқми? –
терговчи ўзини соддаликка олди.

– Э ака, одамни хит қип юбордингиз-ку! Нима
бўлганини сиз айтинг, мен “сайраб” бераман...
судданам ўтиб кетади...

– Тушунарли! Демак, ҳаммасини мен айтиб бе-
ришим керак, сиз тергов ва судда “сайраб” бера-
сиз! Шундайми? – зарда қилди Санжарбек.

– Шундай! Олдинам шунақа қилишган...

– Қачон, ким?

– Сиз нима деб ўйладингиз! Мен нарकोша тортаман,
аммо ўғри эмасман... Ўша ментларингиз учта ўғир-
ликни кийдиришди... Ўзлари ҳаммасини ўргатишди,
мен судда тасдиқлаб турдим... Гап бу бўпти-да!

– Демак, сизнинг мол ўғирлаганингиз ёлгон
экан-да! Қилмаган жиноятни бўйингизга олган
экансиз-да!

– Буни гап келганда шунчаки айтдим, қўйдим!
Яна қоғозга тушираман деб оввора бўлманг! Мен
аял эмасман...

– Майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз. Демак,
сиз ҳозир ҳам қилмаган жиноятни гарданингизга
олмоқчисиз, шунақами?

– Эркакмисиз, келишдик-ку! Яна нима истайсиз
мендан! Шунақаям латтачайнар, мижғов терговчи
бўладими? – Рўзибой тўнини тескари кийиб олди.

– Ҳаддингиздан ошманг! Бунақа лўттибозли-
гингиз менга ўтмайди. Марҳамат қилиб берилган
саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб беринг. – Тергов-
чи жиддий тортди. – Тоғаев билан қачон, қаерда
танишгансиз?

– Мен бунақа одамни танитайман ва танишни-
ям хоҳламайман! – деди Рўзибой лоқайдлик билан.

– Биздаги маълумотларга кўра, сиз собиқ хо-
тинингиз Гулжамол турмушга чиқиб кетганидан
қаттиқ жаҳлингиз чиққан, жанжал кўтаргансиз...

– Нима-а-а?! Менга деса итга эрга тегмайдими ўша сволоч! Жаҳлим чиқмаган, билсангиз хурсанд бўлганман... Ҳа, ҳа, у ялмоғиздан қутулганимдан қувонганман.

Санжарбек бу одамдан дўқ-пўписа билан бирор нарса олиб бўлмаслигига кўзи етиб, айёрликка ўтди:

– Рўзибойжон, қизиқ йигит экансиз! Мен сизга ёрдам бермоқчиман. Нима десангиз “хўп” деб турибман. Аввал сиз асли воқеа қандай бўлганини айтинг, сўнг мен сизга... ўша келишганимиздек...

– Нима, мени лох деб ўйлаяпсизми? Аҳмоққа ўхшайманми? Ваъзхонлигингизни масжитга қиласиз! Ўтиборингиз учун, мен палаги тоза оиланинг фарзандиман, отам бир умр хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган...

– Нима десангиз ҳам отангизга тил теккизманг! Мен у улуғ зот билан гаплашганман...

Рўзибой бошини эгиб қолди. Балки шу тобда ҳаёлига отасига ўтказган зуғумлари келгандир.

– Мен ота қарғишига қолган оқпадарман! Ёлғиз фарзанд бўла туриб, нафақат уларнинг орзу-умидларини йўққа чиқарган, балки уларнинг юзларига лой чаплаган кўрнамакман...

– Шуларни ҳис этаётган бўлсангиз, ҳалиям кеч эмас, тузалишингизга умид бор, виждонингизни поклашга имкон бор...

– Қанақа умид, қанақа имкон! Мен тамом бўлган одамман! Менга энди ҳеч нарса таъсир қилмайди. Мен... мен тириклар сафида юрган ўликман!

– Сизни даволашади. Сиздан талаб қилинадигани – хоҳиш-истак, жиндеккина ирода ва сабр-бардош. Пушаймонлигингиз истагингиз борлигидан далолат. Забардаст йигит кишида ирода, сабр-бардош бўлмаслиги мумкин эмас...

– Устимдан кулаяпсизми? Забардаст эмиш... Тамом бўлган, ит теккан, лаънатланган, қарғиш урган, малъун йигит десангиз тўғрироқ бўларди...

– Майли, масаладан четлашмайлик. – Санжарбек бўйинбоғини тўғирлаб олди. – Сиз банкир билан қандай танишганингизни гапириб бермоқчи эдингиз...

– Даҳолар айтганидек, ҳар не бўлгандаям ғариб, фақир киши ўзининг кишанидан бошқа нарсасини йўқотмайди. Менга дунёнинг тўрт томони қибла. Йўқотадиган нарсанинг ўзи қолмаган! – Рўзибойнинг мактабда яхши ўқигани сезилиб турарди. – Балки шу оғу ўлгурса ўрганмаганимда ҳозир сизга ўхшаб дунё сўраб турармидим. Балки олим бўлардим... Математика, физика, кимёга жуда қизиқардим. Муаллимлар сендан йирик тадқиқотчи чиқади деб башорат қилишарди. Ёлғиз фарзанд бўлганлигим, эркалигим, бошқа болалардан моддий жиҳатдан устунлигим сабабми, ҳар қалай, мен бошқа кўчага кириб кетдим. Бу йўлнинг хатарли, охири жарлик эканини билардим. Бошида 5 – 6-синфда ўқиб юрганимда ўйин-ўйин билан сигарет чекишни ўргандим. 8-синфда илк бор нашадан тортиб кўрдим. Ҳеч нарсани сезмадим. Ўртоқларим олдида паст кетмаслик учун олифтагарчиликка ўзимни сармастдай тутдим. Кейинги бор тортганимда хуш ёққандай бўлди. Танам яйраб, кайфиятим кўтарилди. Қарасам, ёқиб кетаяпти. Ҳар сафар кайф қилгач, эртаси куни афсус чекардим, “бўлди, бошқа оғзимга олсам, одаммасман” деб ўзимга ўзим онт ичардим. Наркоманнинг қасами эчки қасам бўларкан. У томонга кириш бор, чиқиш йўқ экан. Аста-секин гиёҳвандлик гирдобига тушиб қолганимни сезмай қолибман. Энди мени бу чоҳдан на ота-онам, на ўқитувчиларим, на мушт, на жазо чиқариб олишга қодир эмасди. Хуллас, ўша зормандадан бошқа дар-

дим қолмади. Отам балки овунар, деган хаёлда уйлантириб қўйди. Кор қилмади. Қамалиб кетдим. Хотин ҳам қўлини ювиб, қўлтиғига урди. Икки йилда амнистияга илиниб, қамоқдан чиқдим. Уч-тўрт ой тентираб юрдим. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Яна қамалдим. Бу гал оғирроқ – гиёҳванд моддаларни ўтказганлик учун озодликдан маҳрум қилиндим. Эндиги сафар унча қийин бўлмади. У ерда қанча кўп ўтирсанг обрў-эътиборинг шунча юқори бўларкан. Панжара ортида ҳамма тенг. Ҳеч ким ҳеч кимни камситмайди. Еганинг олдингда, емаганинг ортингда. Уч маҳал текин овқатни еб, қорин қашлаб ётасан. Фақат озодлик йўқ... Тўрт йилда жазо муддатимни ўтаб, уйга қайтдим. Анчагина қартайиб қолган онамни, сўқир бўлиб қолган отамни кўриб, юрагим эзилди. Ёлғиз фарзанд бўла туриб уларга ташвиш, ситамдан бошқа нима бердим? Яхши бола бўлишга ҳаракат қилдим... Аммо бу осон эмасди. Иш сўраб, тумшугимни сукмаган корхона қолмади. Қамалган одам кимга керак! Бу ҳам етмагандай одамларнинг пичир-пичири, бармоғини бигиз қилиб кўрсатишлари, маҳалла оқсоқолларининг танбеҳлари, милиция ходимларининг ҳар икки кунда эшик тақиллатиб келишлари, қаерда жинойт содир этилса, сендан гумонсирашлари жонга тегаркан. Шундай пайтлари озодликка чиққанингга ҳам пуншаймон бўлиб кетаркансан. Яна ўша ароққа, нашага зўр бераркансан. Уларни истеъмол қилганда ҳамма ташвишларинг чекиниб, қисқа муддат бўлса-да ўзингни бахтиёр ҳис қиларкансан. Хуллас, яхши фарзанд бўлиш ҳақидаги ўйларим тагин чиппакка чиқди. Тўрт-беш улфатлар билан базми жамшидни давом эттирдим. Аммо бунинг учун менга пул зарур эди...

Бир куни бозорда Гулжамолни кўриб қолдим. Башанг кийиниб олибди. Унинг жиззахлик бир катта банкиргга иккинчи хотин бўлиб тегиб кет-

ганлиги қулоғимга чалинган эди. Гаплашдик. У ўзини бахтиёр кўрсатишга ҳаракат қилса-да, ҳаётидан унчалик мамнун эмасдай туюлди. Бу менга қўл келиши мумкин эди. Ҳирсим кўзиб, тегажонлик қилдим, жеркиб ташлади. Лекин кетишда қўл телефони рақамини бериб кетди. Уйга келиб, кечаси билан ўйланиб чиқдим. Калламда бир фикрни пиширишга тушдим. Бу мен қамалар-қамалмасдан эрсираб қолган хотиним ва уни йўлдан урган ўша ўйнаши – банкир билан боғлиқ эди. Тўғри-да, мен жинойтчиман. Наркоманман. Аммо ичсам ўзимнинг пулимга ичаман. Аммо ўша банкир давлатнинг маблағини ўмариб, бойлик орттиради. Давлатнинг пулидан пишқириб, қўша-қўша ҳовли-жой, қўша-қўша хотин, мошина олади. Қани ҳақиқат? Менинг пешонамга бир умр жинойтчи деган тамға осилади. Ҳатто жазо муддатини ўтаб чиқиб ҳам бу тамғани олиб ташлай олмайман. Банкир эса иззат-икромда, давраларнинг тўри уники, депутат қилиб сайлашади, орденлар олади! Бу ноҳақлик эмасми? Албатта, ноҳақлик! Шу сабабли ўйлаган режамдан виждоним қийналмади. Ўғрини қароқчи урса урибди-да! “Автомобилдан сақланнинг” деган машҳур фильм қаҳрамонини, гарчи қонун унга жинойтчи сифатида қараса-да, ҳеч ким қоралашга жазм қила олмайди-ку!

Шуларни ўйлаб, Гулжамолни қидириб Зоминга бордим. Уни бевафоликда, қонуний эрига хиёнатда айбладим. Унга уйланиб, данғиллама тўй бериб катта харажатга тушганимни баҳона қилиб, товон тўлашни талаб қилдим. У “аёл бошим билан пулни сизга қаердан топиб бераман” деб бақир-чақир қилди. “Ўйнашингдан сўра, сени яхши кўрса, йўқ демайди!” дедим кўзимни лўқ қилиб. У эса “жинимисиз, ҳозир сўрай олмайман, мени бир синфдошимдан бекордан-бекорга рашк қилиб, гап-

лашмай юрибди” деб зорланди. “Унда ўша аблаҳ билан ўзим гаплашаман” дедим. “Энди бошқасини топиб, сени “пуф сассиқ” қилаётган бўлса керак!” деб унинг қаҳрини қўзғатмоқчи бўлдим. Шунда Гулжамол “билганингизни қилмайсизми, фақат мени аралаштирманг”, деди. Билмадим, ўшанда у эрини жазолашни кўнглига туйдими ёки икки марта қамалиб чиққан собиқ эридан чўчидими, ишқилиб, мени йўлдан қайтаришга зўр бермади, ялиниб-ёлвормади. Шундан бу жуфтлик ўртасидаги муносабатлар меҳр-муҳаббатга эмас, балки моддий ва ҳирсий эҳтиёжларга асосланганини тушунгандай бўлдим. Банкирнинг телефон рақамини олиб, уйга қайтдим. Икки-уч кун ўтиб, кўнғироқ қилдим. Аммо телефони ўчирилган экан. Жаҳлим чиқиб, Жиззахга бордим. Банкка кириб, суриштирсам “гоҳ ҳокимиятга, гоҳ вазирликка кетган” дейишди. Жиним кўзиб, Гулжамолнинг олдига бордим. “Сен менга атайлаб нотўғри рақам бергансан” деб сўкиб кетдим. У “алдаганим йўқ, телефони негадир ўчирилган, ўзи ҳам бир ҳафтадан бери еру кўкда йўқ эмиш, мен ҳам хавотирланиб ўтирибман, мабодо сиз уни бир бало қилмадингизми?” деди. “Бу нима деганинг! Мен ундан пул талаб қилмоқчи эдим, сенга уни йўқ қиламан дедимми?” дедим тутақиб. Уйга келиб, ўйланиб қолдим: нима бало, бу жодугар мени қандайдир кўргиликка дучор қилмоқчимиз? Мендан фойдаланиб, ўзининг режасини амалга оширмоқчимиз? Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади дейишади. Қаерданам шу касофатни учратиб қолдим! Энди бир ками емаган сомса учун ҳақ тўлашим қолди... Бахтимга бир шеригим қўлга тушиб, мени сотиб қолди. Қамоққа олишди... Мана, Худо деб ўтирибмиз. Нолийдиган жойимиз йўқ... Қамоқ ўз уйимиздай бўлиб қолди... Ана, бор ҳақиқатни

билдингиз. Эшитганингиздек, менга бу жинойт-ни бемалол оссангиз бўлади. Гувоҳ ҳам бор. Фақат деталларини ўргатсангиз, судданам силлиққина ўтиб кетади. Тергов бир йиллар давом этса... Ваъдангизни унутмасангиз бўлгани!

– Тогаевга қачон қўнғироқ қилгандингиз? – сўради Санжарбек.

– Аниқ ёдимда йўқ. Лекин Гулжамолнинг олди-дан қайтгач, икки-уч кун ўтди-ёв хаёлимда.

– Банкка Зухриддинни излаб борганингизни ким кўрди? Уни кимдан сўрадингиз?

– Ким билсин... менимча ҳеч ким кўргани йўқ. Уни постда турган милиционердан сўрагандим.

– Сиз Тогаевнинг йўқолиб қолганини эшитиб, Гулжамолдан гумонсирадим дедингиз. Бунга бирор асосингиз борми?

– Қанақа асос! Менга шундай туюлди. Ҳар ҳолда ўзининг кирдикорларини менга ёпиштирмоқ-чими деб ўйладим-да!

– Яхши! – терговчи қоғоз-қаламини йиғиштириш-га тушди. – Сизнинг кўрсатмаларингизни текшириб кўрамиз. Ўйлайманки, ёлғон гапирмадингиз!

– Ваъда нима...

– Қанақа одамсиз! – тутақиб кетди Санжарбек. – Шундоғам қилмаган жинойтларни бўйнингизга олиб ўтирибсиз. Наҳотки, шу наркотик қурғур-ни деб, ўлишга ҳам тайёрсиз! Шу захри қотилни деб ота-онангиз, оилангиз, орзу-умидларингиздан воз кечганингиз етмайдими? Сизда ирода, имон, инсоф борми? Ваъда дейсиз, эркакча сўз дейсиз... Ўзингиз йигитмисиз? Қалбингизда инсоний ҳис-туйғулардан заррача қолганми? Кўзингизни очинг, туппа-тузук оиланинг фарзандисиз! Ота-онангизни ўйламайсизми? Ахир уларнинг сиздан бошқа кими бор? Ҳалиям кеч эмас. Сизни яхшилаб даволатамиз! Ҳаётингизни янгидан бошлашингиз

учун имкон берамиз. Мен нариги ишларингизни ҳам кўтараман. Ҳеч бир киши қилмаган жинояти учун жазоланиши мумкин эмас. Унақа замонлар ўтиб кетганини наҳотки сезмаётган бўлсангиз!

Рўзибой бошини ҳам қилганча ўтириб қолди. Санжарбек хонани тарк этар экан, унинг кўзларида ёшни кўриб, кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди. Хаёлидан “йиғлаяптими, демак юрагининг шами ҳали батамом сўниб битмаган экан” деган ўй ўтди...

* * *

Гулжамол Рўзибойнинг гапларини тасдиқлади. Терговчининг “нима сабабдан муқаддам берган кўрсатмаларингизда ёлғон сўзлаб, терговни чалғитишга уриндингиз?” деган саволига “бу ишга уни аралаштиргим келмади, ундан кўрқаман, қамоқдан чиқиб, менга ёки боламга азият етказишдан ҳам тоймайди, қолаверса, унинг бу ишга алоқаси йўқ” дея жавоб берди. Банкда навбатчиликда турган милиция ходими ҳам Рўзибойнинг Тоғаевни бир неча бор излаб келганини тасдиқлади. Санжарбек асосий ишидан чалғимаган ҳолда Рўзибойнинг олдинги ишларини кўтартирди. Жиноят иши тафсилотларига кўра Рўзибойнинг шериклари гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказганликлари учун қўлга олиниб, унга қарши кўрсатма беришган. Шу асосда Рўзибой қўлга олинган. Айбланувчи сифатида сўроқ қилишаётганида у яна учта ўғирлик жиноятини содир этганлигини бўйнига олган. Улардан икkitаси от ўғирлаш ва биттаси хонадондан телевизор ўғирлаш билан боғлиқ жиноят эди. Иш билан батафсил танишиб чиққан терговчилар тергов ҳаракатлари анчагина юзаки, бир томонлама ва сифатсиз олиб борилганига амин бўлишди. Зудлик билан иш бўйича судга

протест киритилиб, жинойт ишининг ўғирликлар билан боғлиқ қисми бекор қилинди ва қайта терговга юборилди.

Ишни тергов қилган милиция лейтенанти Равшан Каримов билан суҳбатлашар экан, Санжарбек саволларни қалаштириб ташлади:

– Равшанбек, Рўзибой учта ўғирлик жиноятини содир этганлигини бўйнига олиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, кўрсатмалар берганда унинг шу ишларни содир этганига ишонганмисиз?

– Тўғриси, менинг ҳам айрим масалалар бора-сида шубҳам бор эди. Лекин ўша пайтдаги вазият... ўзининг айбини тўла бўйнига олиши...

– Нима, айбини бўйнига олса, бу уни айблашга асос бўладими? Далиллар қани, исбот қани?

– Ўша пайтда бошлиқлар туманда ўғирлик жинояти кўпайиб кетганидан қаттиқ хавотирда эди. Келгуси ойда бошқармада туман ички ишлар бўлимининг шу масаладаги ҳисоботи эшитилиши лозим эди. Жиноятлар тезда очилмаса, бошлиқ жазо оларди... Шунинг учун жиноят қидирув бўлимидагилар зўр бериб ўзиникини ўтказишга ҳаракат қиларди. Мен эндигина иш бошлаган терговчи, хоҳлаган тақдиримда ҳам бу оқимга қарши боришим қийин...

– Қарши боролмас экансиз, нима сабабдан айблов ҳулосасини тасдиқлаган прокурорга шубҳаларингиз ҳақида айтмадингиз?

– Ака, милиция терговчиси ички ишлар идоралари деган улкан машинанинг бир мурвати... Прокуратура назорат қилувчи идора...

– Хўп майли, телевизор ўғирлиги масаласида тергов эксперименти ўтказилган экан. Рўзибой ўзининг кўрсатмасида “Samsung” русумли катта ҳажмли телевизорни машинага қадар икки юз қадам жойга қўлида кўтариб борганини айтган.

Аммо эксперимент жараёнида гумондор худди шундай ҳажмли телевизорни ўн қадамга кўтариб боришга қудрати етмаган. Бу ҳолат сизда шубҳа уйғотмадими?

– Шубҳа бор эди! – деди Равшан саволни олдиндан кутгандай ҳозиржавоблик билан. – Шу сабабли эксперимент ўтказдим. Лекин айтганингиздек, Рўзибой телевизорни деярли кўтаролмади. Икки-уч марта такрорладик. Бўмади. Гумондоримиз қанча тиришмасин телевизорни кўтаришга кучи етмади. Лекин воқеа жойини, вақтини, тафсилотларини аниқ кўрсатиб турибди. Уйнинг ҳолати, телевизорнинг ранги, русуми, хос белгилари, ҳовлининг кўриниши, машинани қўйган жойи, ҳамма-ҳаммасини аниқ айтиб берди. Ўйланиб қолдим. Балки жиноят қидирув бўлими тезкор ходимлари Рўзибойни олдиндан “пишириб”, воқеа жойини кўрсатиб, жиноят тафсилотларини ўргатиб қўйганмикан, деган ўйга ҳам бордим. Шу ваздан бир врач-психолог танишимнинг маслаҳатини олдим. У гапларимни диққат билан тинглаб, хулоса қилди: “Одам ҳис-ҳаяжон ҳолатида фавқулодда кучга эга бўлиши мумкин. Кўз ўнгингизга келтиринг, сизни қопағон ит қувлаб кетаяпти. Жон ҳолатда қочаяпсиз. Олдингиздан икки метрлик девор чиқиб қолди. Айланиб ўтишнинг иложи йўқ. Орқада ит тиш қайраб, яқинлашиб келаяпти. Сиз шунақа қўрқиб кетгансизки, бир сакраб девордан ошиб ўтиб кетганингизни сезмай қоласиз. Эртаси куни шу жойга келиб, қанча ҳаракат қилманг ўша девордан ошиб ўтолмайсиз. Шундай баланд девордан қандай ошиб ўтганингизга ишонгингиз келмайди. Демак, айбланувчингизнинг тергов экспериментида телевизорни кўтара олмаганига таажжубланмаса ҳам бўлади. Ўғирлик қилаётган пайтда ҳар қандай тажрибали ўғри ҳам кучли

қўрқув, ҳис-ҳаяжонда бўлади. Бундай психологик ҳолатда ҳар қандай оғир юкни кўтариб кетиши оддий ҳол”. Психологнинг бу хулосаси менга далда берди, шубҳам бир оз тарқагандай бўлди.

– Психолог билан маслаҳатлашиб, тўғри қилгансиз! Аммо далилий ашёларни топишга ҳаракат қилмаганингизни қандай тушунса бўлади?

– Ҳаракат қилдим! Аммо Рўзибой “телевизорни ҳам, отларни ҳам номаълум шахсларга сотиб юбордим” деб бир гапда туриб олди.

– Телевизор майли, устасининг қўлига тушса, эҳтиёт қисм сифатида бўлиб-бўлиб сотиб юбориши мумкин, – деди Санжарбек тутатиб. – Бироқ отлар игна эмаски, изсиз йўқолиб кетса. Ўғирланган отлар кўпқари чопадиган зотдор, йирик отлар бўлган. Сотиб олган одам уларни сўйиб, еб юбориши эҳтимолдан йироқ. Қишлоқда бунақа отлари бор хонадонлар ҳаммага маълум. Бундан ташқари, от чопиб юрган одамлар кимда қандай от бор, ким от сотиб олган, ким сотган – ҳаммасини билади. Шундайлардан уч-тўрттаси билан суҳбатлашилса, ҳар қандай маълумотни тезда билиб олса бўлади.

– Гапингиз тўғри, – деди лейтенант ердан кўзини узмай. – Лекин ўша пайти вақт зиқ эди... Жиноятни очмасак... Бошлиқлар...

– Шунинг учун балки айрим давлатлардаги каби бизда ҳам терговни идоравий бўйсунитдан чиқариб, алоҳида қўмита сифатида қайта ташкил этиш вақти етдимикан дейман-да!

– Яхши бўларди!

– Майли, бугунча етарли! – Санжарбек ўрнидан қўзғалди. – Ўйлайманки, сиз Рўзибойни тергов қилишда тажрибасизлик қилгансиз, жиноят қидирув бўлими ходимларининг мақсадларидан хабардор бўлмагансиз!

– Шундай! – зўрға чайналди Равшан.

Куннинг иккинчи ярмида жиноят қидирув бўлими бошлиғи Равил Зокиров ва тезкор ходим Ҳайитбой Ҳўрозов билан суҳбатлашган Санжарбек тайинли гап ололмай хуноби чиқди. Ҳар иккаласининг худди олдиндан келишиб олгандай “йўқ”, “билмайман”, “хабарим йўғиди”, “қайдам”, “ўзи бўйнига олиб, ихтиёрий кўрсатма берганди” деб тўтидай сайраб туриши юрагидаги шубҳа-гумонларни баттар оширди. Устозининг “мавзудан четлашиб кетмаяпсизми мабодо, балки бас қиларсиз” деган пичингларига ҳам қарамасдан ўғирланган отларнинг эгалари билан гаплашиш учун Оқбулоқ қишлоғига йўл олди. Ҳар икки чавандозни топиб гаплашган терговчининг тағин ҳафсаласи пир бўлди. Улар ўзларинг терговда берган кўрсатмаларини такрорлаб, терговни қизиқтираётган масала хусусида бирорта қўшимча маълумот беришмади. Таъби тирриқ бўлган Санжарбек “нима бало, наҳотки адашган бўлсам, наҳот Рўзибой яна ёлғон гапирган бўлса, шу муттаҳам жиноятчининг гапига кирган менинг ўзим аҳмоқ” деган ўйга бора бошлади. Қишлоқни тарк этар экан, пештоқига “Оқбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини” деган ёзув битилган чиройли бинога кўзи тушди. Машинани тўхтатиб, ичкарига кирди. Кираверишдаги “Маслаҳатчи Холида Болиева” деган ёзув осилган эшикдан чиқиб келган семиз аёл меҳмонларни марказдан келган комиссия деган ўйга борди шекилли, икки букилиб салом бериб, тавозе билан ичкарига таклиф қилди:

– Келинг ойна! Оқсоқол йўғиди, ҳозир кеп қолади, менинг хонамга кириб турунг!

Санжарбек аёлни хижолат қилмаслик учун чўнтагидан хизмат гувоҳномасини чиқариб, ўзини таништирди ва ташрифи мақсадини тушунтирди.

– Вой, шу отларни ҳалиям текшираяпсиларми? – меҳмоннинг “комиссия” эмаслиги аёлга куч бахш

этганди. – Отлар топилган бўлса, қайтарилган бўлса, яна суриштир-суриштир кимга керак экан!

– Ишимиз шунақа! Отнинг топилгани – жиноят ишини тугатишга асос бўлмайди, – деди Санжарбек таажжубини яшириш мақсадида. – Шу масалада билганларингизни батафсилроқ гапириб берсангиз.

– Нимани гапирай... бир замонлар ҳатто тақчиллик, қийинчилик даврлардаям қишлоғимизда биттаям ўғри йўқ эди-да. Одамларда имон, инсоф, орият бошқача эди. Ҳозир тўкинчилик. Еганинг олдинда, емаганинг орқангда! Ишлайман десанг иш, қиламан десанг машғулот бор. Фермер бўламан десанг, марҳамат ер ол! Ҳеч ким йўлингни тўсмайди. Қайтага ёрдам беради. Билмадим, бу тўқликка – шўхликми? Бир-икки йил ичида қишлоққа мол ўғриси оралаб қолди. Бегана сенинг уйингда ниманг бор – қайдан билсин, ўзимиздан битта-яримтаси аралаш-да бу ишга! – аёлнинг жағи очилиб кетди.

– Опа, ўша отлар масаласида... – Санжарбекнинг вақтини беҳуда ўтказаётганидан сиқилаётгани сезилиб турарди. – Сал қисқароқ...

– Ҳа, вў отлар қишлоқнинг олди отлари эди-да! Ким урлаган бўсаям, билиб урлаган. Роса текшир-текшир бўлди. Буни қаранг, эки оттиям туман марказида турадиган бир бола урлаган экан. Лекин қишлоқда бирортаси унга ёрдам бермаган бўлса, шаҳарлик бола қайдан билипти, бир вўзи эплаши қийин бу ишти. Болани қамалиб кетди дейишди. Вўзларингам билсаларинг керак!

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – терговчи аёлни мақсадга яқинроқ боришга ундарди.

– Орадан икки ой ўтдими, уч ой ўтдими, – аёл адабий тилда гапиришга ҳаракат қиларди, – ишқилиб, отлар топилиб қолди. Милисалар эга-эгасига

топшириб кетди. Ўғри бола кимгадир сотган экан, у яна биттасига сотган... Милисалар таъқиб қилиб, топиб олишибди дейишди...

– Сиз ўзингиз ўша қайтарилган отларни кўрдингизми ёки бировлардан эшитдингизми?

– Боллари миниб журган экан, вўз кўзимман кўрдим.

– Балки улар шунга ўхшаш отларни сотиб олишгандир?

– Қаердан сотиб олади. Вўндай отлар топилиши қийин. Вў жониворларни қишлоқда ҳамма танийди.

Қишлоққа бегона одам оралаганини эшитиб, қаердандир ҳаллослаб югуриб келган олтмиш беш ёшлардаги оқсоқол ҳам маслаҳатчи аёлнинг айтганларини тасдиқлади.

Санжарбек тезкор ходимларга чавандозларни вилоят прокуратурасига олиб боришни тайинлаб, ортга қайтди ва кўрган-кечирганлари ҳақида Фаҳриддин Каримовичга ахборот берди.

– Шубҳангиз тўғри чиқишига аминман, – деди гуруҳ раҳбари босиқлик билан. – Лекин мени бошқа нарса ташвишга солмоқда. Бу аниқлаган нарсаларингизнинг биз олиб бораётган терговга қанчалик алоқадорлиги масаласи.

– Тўғри, бу иш бизнинг асосий мақсадимизга бевосита алоқадор бўлмаслиги мумкин. Аммо айрим нарсаларга ойдинлик киритишимизда қўл келиши мумкин. Жумладан, Рўзибойнинг айтганлари рост чиқса, бу уни гумондорлар сафидан чиқаришга асос бўлади. Ундан ташқари, кўра-била туриб, масалани очиқ қолдириб кетишимиз...

– Ҳеч ким сизга масалани очиқ қолдир деётгани йўқ. Биз бу ишни алоҳида иш юритувга ажратиб, тергов бўлимига беришимиз мумкин.

– Тўғрику-я, лекин бари бир шу ишни охирига етказишимизга рухсат беринг, – тиржайди Санжар-

бек. – Бир-икки кун кифоя! Балки ишимизга ҳам фойдаси...

– Қандай? – таажжубланди Фахриддин.

– Биринчидан, такрорлаганимдек Рўзбойнинг ишимизга қанчалик алоқадор ёки алоқадор эмаслигига аниқлик киритилади. Иккинчидан, калава-нинг учи йўқ жойдан чиқиб қолишيام мумкин-ку!

– Бўпти, бўпти! Сизга гап уқтириб бўлади-ми! Ихтиёрингизда икки кун муҳлат бор, шошилинг! Муроджон иккимиз банк мижозлари билан ишлашни давом эттирамиз.

Эртаси куни прокуратура биносида сўроқ қилинган ҳар иккала чавандоз ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлишди. Йўқолган отларини милиция ходимлари келтириб беришганини, лекин негадир бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликларини тайинлаганини, гап-сўзлар кўпаймаслиги учун қўни-қўш-ниларга “отларни бозордан сотиб олдим” дейишларини уқтирганини айтишди.

Жинойат қидирув бўлими ходими Ҳайитбой Хўрозовни қайтадан сўроқ қилган Санжарбек уни анчадан буён виждон азоби қийнаб келаётганлигига амин бўлди:

– Бари бир бир куни шунақа бўлишини кўнглим сезарди... Рўзбой наркоман бола эди. Лекин ўғирлик қилмаган. Туманда очилмаган ўғирлик жиноятларининг кўпайиб кетиши бошлиқларни шундай йўл тутишга мажбур этди. Ҳар куни мажлис, бақир-чақир... Топган гаплари “ишламаяпсанлар”, “жинойатни қачон очасан”, “фалон муддатгача очмасанг, ишдан кетасан”, “мен ҳеч нарсани билмайман”... Ўшанда бошлиқнинг ҳисоботи бошқармада эшитилиши кутилаётганди. Хуллас, қандай бўлмасин жиноятни очишимиз шарт эди. Одатда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилар “ломка”га тушганда ҳеч нарсадан той-

майди. Жонимизга Рўзибой ора кирди. У содир этмаган учта ўғирлик жиноятини бўйнига олишга рози бўлди. Иккита от ва анави телевизор... Терговчи ёш бўлсаям анча зийрак экан. Шубҳага бориб, анча қонимизни ичди. Айниқса, телевизор эпизоди бўйича унинг эътирози кўп бўлди. Экспериментда Рўзибой телевизорни икки-уч қадам ҳам кўтара олмагач, тўнини тескари кийиб олди. Бахтимизга врач-психолог “одам қўрққан пайти ўз имкониятларидан ортиқ фавқулудда кучга эга бўлиши мумкин”, деган хулоса бериб қолди. Шундан кейингина уни чўпчагимизга ишонтиришга эришдик. Иш суддан ҳам ҳамирдан қил суғургандек силлиққина ўтиб кетди. Аммо... орадан бир муддат ўтар-ўтмай ҳақиқий ўғри жиноят устида қўлга тушиб қолса бўладими? У олдин содир этган учала жиноятини ҳам бўйнига олди. Ўғирланган молларни кимга сотганини ҳам айтиб берди. Отлар, телевизор далилий ашё сифатида олиниб, эгаларига қайтарилди. Битта жиноят учун икки кишини қамаб бўлмасди. Шунинг учун Достонни қўлга тушган жинояти бўйича айблаб, судга оширдик. Суд унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо берди. Агарда муқаддам қилган ўғирликларини ҳам қўшганда Достон каттагина муддат олиши тайин эди. Шу билан энди ҳаммаси изга тушиб кетса керак деб ўйлагандик. Орадан кўп ўтмай бошқа томондан муаммо чиқиб қолди. Достоннинг адвокати Усмонқул Сувонқулов мижозидан унинг муқаддам содир этган ўғирликлари ҳақида сўраб олибди. Туман кичкина жой эмасми, у айнан ўша жиноятлар учун Рўзибой ноҳақдан жиноий жавобгарликка тортилганидан хабар топади. Бу маълумотдан ўзининг бузуқ ниятини амалга оширишда фойдаланиш пайига тушади... Бир куни у ҳаллослаб хонамга кириб кел-

ди. Рўзибойнинг Достон содир этган ўғирликлар учун ноқонуний айбланганига шама қилиб, каттагина пул таъма қилди. Олдинига сўкиб бердим. У пинагини ҳам бузмасдан “майли хўжайин, ўйлаб кўриб, бир қарорга келарсиз” деб хонамдан чиқиб кетди. Вужудимни совуқ тер босди. “Қандайдир бир адвокат менга – кимсан жиноят қидирув бўлими масъул ходимига шантаж қилса, бу қанақа аҳмоқчилик!” Бир хаёлим прокурорга билдирги ёзиб берай дедим. Аммо тезда фикримдан қайтдим. Нима деб ёзаман? Ахир ўзимнинг ҳам орқам тоза бўлмаса! Ўйлаб-ўйлаб адвокатнинг талабини қондириш керак деган фикрга келдим. Шунча йил мисқоллаб йиққан обрўйимни шу бир аҳмоқ адвокат учун кўкка созуриб юборгим келмади. Хуллас, бошқа бир тийин ҳам пулим йўқлигини баҳона қилиб, талаб қилган маблағнинг ярмини бериб, оғзини ёпдим. “Майли, қолганини пул топганингизда берарсиз!” деди у юзсизларча. Тепа сочим тикка бўлиб кетди. Милиция ходимини кўрқитиб, тамагирлик билан пул ишлаётган бу ярамасни ражиб ташлагим келди. Лекин илож қанча, унга қўл теггизиб бўлмасди...

– Адвокатга қанча пул бердингиз? – сўради Санжарбек.

– Уч минг кўкида.

– Қолганини ҳам талаб қилдими?

– Ҳозирча йўқ...

– Бир томондан айбсиз одамни жазога тортиб, иккинчи томондан жиноят содир этган шахснинг жазодан қутулиб қолишига, жиноят ҳуқуқининг айбсизлик презумпцияси, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги тамойиллари қўпол равишда бузилишига йўл қўйганингизни нима билан изоҳлайсиз?

Ҳайитбой индамади. Санжарбек яна бир қанча саволлар бериб, уни роса “элак”дан ўтказди.

Шу куннинг ўзида сўроқ қилинган туман жинойт қидирув бўлими бошлиғи Равил Зокиров ҳам истар-истамас Ҳайитбойнинг айтганларини тасдиқлашга мажбур бўлди. Кейинги тергов ҳаракатлари изқуварларнинг бошқа кирдикорларини ҳам очиб ташлади. Улар каттагина пора эвазига Достонни муқаррар қамоқдан сақлаб қолганлиги маълум бўлди. Тезда жинойт қидирув бўлимининг бир гуруҳ масъул ходимлари, адвокат Усмонқул Сувонқулов қамоққа олинди. Тергов жараёнида уларнинг асосий ишга дахлдорлигини аниқлай олмаган Санжарбек жинойт ишининг бу қисмини алоҳида иш юритувига ажратишни лозим топди.

* * *

Бир неча кунки Фахриддин Каримовичнинг кўзига уйқу келмайди. “Ким у малъун? Илоннинг ёғини ялаган ўша аблаҳ ким? Шундай оғир жинойтни содир этиб, жазосиз қоладими?” деган саволлар унга тинчлик бермасди. Тергов гуруҳи бисотидаги бор тахминлар чиғириқдан ўтказилган бўлса-да, ҳанузгача ёпиғлиқ қозон ёпиқлиғича қолаётгани, боз устига уларнинг ихтиёрида чўмичга илинадиган бирор бошқа фараз ҳам йўқлиги уни баттар ташвишлантирарди. Эшимчага қўшимча деганларидай, бу томонда бошлиқларнинг зардалари юрагини эзарди. Ҳа, креслода ўтирволиб, вайсашдан осони йўқ! Лекин игна билан қудуқ қазишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, ўша игнанг тошга урилганда, додингни кимга айтасан? Банкирнинг айби нима? Унда кимнинг хусумати бўлган? Марҳумнинг қариндошлари, яқинлари, ҳамкасблари, банк мижозлари, хуллас, охирги 3-4 йил ичида унинг атрофида юрган деярли барча кишилар билан “ишланди”. Балки бу кўргилик унинг

олдинги иш жойлари билан боғлиқдир... Хаёлига келган фикрдан суюниб кетган терговчи ўрнидан туриб, сумкасидаги қоғозлар ичидан Тоғаевнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдини олди. Тоғаев Зухриддин 1950 йилда туғилган... миллати ўзбек... меҳнат фаолияти... 1975 – 1979 йилларда Мирзачўл тумани “Туркистон” совхозида иқтисодчи, 1979 – 1982 йилларда шу ҳўжаликда бош ҳисобчи... 1982 – 1989 йилларда Зомин туманидаги “Кўкдала” совхози директори... Демак, 7 йил Зоминда совхоз директори бўлиб ишлаган. Зоминга боғлиқ жойи бор экан-да! Нега бунга аввалроқ эътибор бермаган экан... Лекин орадан йигирма йилга яқин вақт ўтган. Кимдир шунча фурсат юрагида қасос ўти билан юриши мумкинми? Бу қандай хунрезлики, шунча йиллар ўтса-да қасоскор қалб исёни сўнмаган бўлса! Ишониш қийин... Вақт ҳар дардга даво дейдилар. Орадан шунча вақт ўтиб, қасос ўтида қоврилиб, қўлини қонга булаш... ақлга сиғмайди... Янаям бир нарса дейиш қийин. Бу ҳаётда нима-лар бўлмайди. Текшириб кўриш лозим...

Эртаси куни тонг саҳардан Муроджон ҳамроҳлигида Зоминга отланди. Машина гоҳ асфальт, гоҳ тош йўллар оралаб узоқ чайқалиб, тоғ ён бағридаги каттагина қишлоққа кириб борди. Қуёшга беткай бўлмагани боис сервиқор қоялару, адирларни қалин қор қоплаган. Мўрилардан чиқаётган тутун илон из ҳосил қилиб, кўкка интилмоқда.

– “Кўкдала” деганларича бор экан-да, – деди Фаҳриддин теваракка маҳлиё бўлиб. – Баҳор, ёзда бу қир-адирлар кўм-кўк тусга кириб, янада мафтункор бўлса керак-а?

– Нимасини айтасиз! – Муроджон дўстининг фикрини тасдиқлади. – Айниқса, март, апрель ойлари табиат кўк тўнини кийганда, май ойида қизғалдоқлар бутун борлиққа сепини ёйганда бу жойларга келган кишининг кетгиси келмай қолади.

– Шоир бўлиб кетинг-э!

– Кўклам пайти бир келиб кўринг, шеър ёзганингизни ўзингизам билмай қоласиз.

Кулишди. Машина чайқала-чайқала пештоқига “Кўкдала” қишлоқ фуқаролар йиғини” деган ёзув осилган бино олдида тўхтади. Ичкаридан новчадан келган кўса соқол қария чиқиб келди.

– Ассалому алайкум отахон, яхшимисиз? – терговчилар бир овоздан салом беришди.

– Ваалайкум мимонлар, кенгизлар! Ҳазир оқсоқолам кеп қолади, ичкарига кирип туринглар.

– Оқсоқол келиб қолармикан ёки қўнғироқ...

– Бир пасда кеп қолади, каллаи саҳарлаб ишга чиқишга ўрганган.

– Неччига чиқдингиз отам! – Маҳмуджон чолни гапга солди.

– Жилим жўлбарсда... саксанны дўндириб қўйдик, ойна!

– Сиз анча йиллардан бери шу ерда ишлайсизми?

– Жийирма жил бўлди болам, жийирма жил. Алдин совхозда қоровул эдим, колхоз-совхозлар тугаб – нетиб кетгач, “дўм”га ўтдим.

– Совхозда нечанчи йиллар ишлагансиз? – Фахриддин гапга қўшилди.

– Пенсияга саксан биринчи жили чиққандим. Шундан вўн йил битта жайда қоровулик қилдим.

– Унда Зухриддин Тоғаев биланам бирга ишлаган экансиз-да!

– Ҳа, вў шўрликманам ишладим... Бечорани човоқлаб кетишган дейишади шў туйрими? – деди бобой кўзларни катта-катта қилиб. – Силар шў масала бўйичами?

– Ҳа отахон, биз ўша қотилликни тергов қилаётган терговчилармиз. Менинг исмим Маҳмуджон, бу киши Тошкентдан – Фахриддин Каримович.

– Қайси бўйнинг узилгур қилган экан, топдила-рингми?

– Топилмай қайга боради, отахон! Албатта то-памиз. – Фахриддин чолни тезроқ гапга солишга ошиқарди. – Сиз Тоғаев билан узоқ йиллар бирга ишлаган экансиз. У киши хусусида бир қанча са-волларимиз бор эди, шошилмай жавоб берсангиз.

– Жоним билан, улим! Силарни нима қизиқти-ради... Билганларимни айтаман... билмаганим-ни...

– Тоғаев қанақа одам эди?

– Қанақа одам бўларди, йохши бола эди! Энди ўлганлар тўғрисида жомон гапириб бўлама?

– Майли қанақа бўлса, шундайлигича гапириб беринг!

– Бошида зўр эди. Лекин уч-тўрт жил ўтиб, пули кўпайдими, ишқилиб, тумшуғига қода жетмай қолди. Жер жомонлаб бормасин тағин, раҳматли мол-дунёга ҳирс қўйиб, ойоғи жердан узилди. Бе-ва-бечара билан дарди бўлмай қолди. Қандай қи-либ бўлмасин пахта планини бажариб, раҳбарлар олдида сохта обрў орттириш қўйига тушди. На мактаб боласига, на хотин-халажга тиним берма-ди... декабрнинг адоғига қадар қор, жомғир ара-лаш пахта терилган жиллар бўлди. Ҳ-э, несини ай-тай, уйи куйсин вў даврларнинг...

– Тоғаевнинг душманлари бўлганми?

– Кўпчилик вўни жомон кўрарди, аммо ҳеч ким ичидагини сиртига чиқаришга ботинолмасди. Зо-мон чотоқ эди-да, улим, зомон! Киприк қоққан-нинг ҳолига вой эди, туҳматдан бўлса-да, қаматиб жуборишлари ҳеч гап эмасди, субҳоноллоҳ!

– Йўғ-е, ростданми? Шунақа воқеалар ҳақиқат-да бўлганми? Бирортасини айтиб беролмайсизми? – Фахриддин атайлаб ўзининг таажжубини яши-ролмаётгандай тутишга ҳаракат қиларди.

– Мана Мамат биргадди ёки паски овулдан Тоштемир трактирчини. Инсоф-диёнатли, меҳнаткаш, уйим-жойим дейдиган жохши одамларди. Дириктирнинг кўзига тик қарагани учун беш жил, беш жилдан вўтириб келишди. Вўлмаган қул бир кунини кўраркан. Ҳозир миҳдай ишлаб-нетиб журибди...

– Улар нима учун қамалган эди?

– Шў жили жил тоза жомон кеганди. Декабрнинг одоғида долода пахта тугул чоноғам қомаган. Дириктир бово план тўлмаганидан дарғазаб, қор жовиб турганига қарамай пахтага қувган. Мамат биргадир “бундай ҳавода одамларимни долога чиғармайман” деб туриб олган. Дириктирнинг кўзи қонга тўлиб, аввал Мамат бечорани ишдан оп ташлади. Бунгаям қанаа қимай кейин ревизор чақириб, камомадга йўл қўйган деган баҳана билан ишини органга оширди... Субҳоноллоҳ! Шўрлик бола пақир бировнинг нонини жийдиган одам емасди...

– Такторчи нима учун қамалган?

– Вў манглайи қораям тўҳматдан кетти. Ерта кўклам чигит қодаш маҳали жер ҳали топқа кемаган, лойи чигиб жотқон пайти дириктир Тоштемирга долага кирасан, чигит эгасан деб топшириқ берган. Бола пақир дириктирнинг сазаси ўлмасин деб бир-икки марта оролаган, лекин трактир лойга ботиб қолган. Кечқурун мажлисда дириктир “топшириқни бажармабсан” деб Тоштемирни уриб, моматолоқ қилиб ташлаган. Биров гап ўргатганми ё вўзининг калласи жетканми, ишқилиб Тоштемирбой алам устида вилоятга органга ёзиб берган. Роса суришма бўлган. Дириктир ўртага одам қўйиб, трактирчини даъвосидан воз кечтирган. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан деб бекорга айтишмаган екан машойихлар.

Ҳаммаси бости-бости бўп кетгач, дириктир йўлини қилиб, Тоштемирни жойини соп қўйди. Тракторнинг тиркамаларини растарата қилганликда айблаб, беш йилга қаматиб юборган... Субҳоноллоҳ!

– Ҳозир Мамат бригадир билан Тоштемир тракторчи ҳаётмилар?

– Мамат шу вўртада ишлаб журипти. Тоштемирнинг умри калта экан. Вў шўрлик шўёқдан ўпка касал бўлиб қайтди. Бир жиллар чамаси касалхонама касалхона қатнаб журди. Бўмади, жошлай жуванмарг бўп кетти... субҳоноллоҳ!

– Тоштемирнинг болалари борми?

– Беш-олти боласи бор чоғи... каттаси фермер бўп кетган, биттаси Жиззахда газда ишлайди, яна биттаси маллим. Қийналиб катта бўлишса-да, бариям топарман-тугарман, ўз аравасини ўзлари тортиб кетишди барака топкурлар ...

Шу пайт эшиқда олтмиш бешлардан ошган, соқол-мўйлови ўзига ярашиб турган оқсоқол кўринди. Оппоққина кийиниши ва салобатидан унинг яхши, самимий инсон эканлигини англаш қийин эмасди. Салом-алиқдан сўнг мезбон шаҳарлик меҳмонларни хонасига таклиф этди. Терговчилар хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништиргач, ташриф мақсадини баён қилишди. Сўнг оқсоқолнинг шахсий маълумотларини қоғозга тушириб, муддаога кўчишди:

– Ҳожи бобо, сиз узоқ йиллар хўжаликда зоотехник бўлиб ишлаган экансиз. Хўжалик раҳбари Зўҳриддин Тоғаев хусусида фикрингиз қандай?

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, Зўҳриддин ёмон йигит эмасди. Уни ўлдириб кетишганини эшитиб, ёқа ушлаб қолдик. Тузуккина ишлаб келаётганди, депутат бўлди... Нима қиламиз, кунни калта экан-да!

– У раҳбарлик қилган йиллари кўпчиликка зуғум қилган дейишади, шу ростми? – Муроджон қарияни “йўлга солиш”га уринди.

– Энди беайб – Парвардигор! Раҳбар кишигаям қийин... Ҳаммага яхши бўлиш мушкул иш. Бировга ёқсанг, бошқасига ёқмайсан. Одамлар ҳам ёмон бўликетган. Бир гап камлик қилади, икки гап ортиқча. Зухриддин раҳматли ҳам бошида жуда яхши бошлаганди... Кейинчалик сал шошиб қолди. Қандайдир дарғазаб, баджаҳл раҳбарга айланди. Арзимас нарсаларга ловуллаб кетадиган, бўлар-бўлмас нарсалардан жанжал кўтарадиган одат чиқарди... У пайтлари пахта, план деган нарсалар ҳамма нарсадан устун эди. То пахта режаси тўлмагунча ҳеч кимда тинчлик бўлмасди. Раҳбарларнинг жиғибийрон бўлишининг сабабиям шунда эди...

– Сиз унинг Мамат бригадир, Тоштемир тракторчи билан бўлган жанжалидан хабарингиз борми? – деди Фахриддин мавзудан узоқлашиб бораётган чолни “орт”га қайтариш ниятида.

– Хабарим бор. Ишда нималар бўлмайди. Зухриддин ҳар иккаласини ишидаги камчиликлари учун сўккани, балки бир-икки тарсаки туширгани рост. Ўша мажлисда менам бўлганман. У даврларда бунақа воқеалар одатий ҳол эди. Одамлар ҳам ўрганиб кетишган, “раҳбар одам урса урипти-да!” деб кета бергич эди. Кейинчалик Мамат бригадир ҳам, Тоштемир тракторчи ҳам давлат мулкини ўзлаштирганликлари учун қамалиб қолди. Кўпчилик бунда Тоғаевнинг қўли бор деб ўйлади. Аслида улар қилган жиноятлари учун жазоларини олишди. Оғзига кучи етмаган айрим кимсалар атайлаб директорни беобрў қилиш учун шунақа уйдирмаларни тўқиб чиқаришган.

– Демак, сиз Мамат билан Тоштемирнинг қамалишида Тоғаевнинг қўли йўқ деб ҳисоблайсиз, шундайми?

– Йўқ, бу бўмаган гап! Зухриддиннинг аввал улар билан жанжалли бўлгани, бир оз ўтиб, ҳар иккаласининг қамалиб қолиши одамларнинг шундай потўғри хулоса чиқаришига асос бўлган. Тоғаев милиция бошлиғи ёки прокурор бўлмаса, бировни қамаш осон иш бўптими?

– Тоғаевнинг қўли узун бўлган дейишади. Ўзи қаматмаган бўлса, ташкиллаштирган, уюштирган бўлиши мумкин-ку!

– Мен Тоғаевни яхши биламан, иш деб қўл остидагиларни ҳақоратлаган, сўккан, ҳатто урган бўлишим мумкин. Аммо имонини ютиб, айбсиз одамни қаматиб юборишига ишонмайман.

– У ҳолда Тоғаевнинг ёвузларча ўлдирилиб, мурдаси ўтда куйдирилиб, сўнг хокининг айнан Зомин туманидаги қабристонга кўмиб кетилганини қандай изоҳлайсиз? – Муроджоннинг сўзларида зарда бор эди. – Яхши раҳбарни ким бунақа кўйга солиши мумкин? Бундай хунрезликка қўл уриш учун қотилда фавқулодда жиддий сабаблар, инкор этиб бўлмас асослар бўлиши керакмасми?

– Бизам эшитиб, ёқа ушлаб қолгандик! Зухриддин кейинги йиллари Жиззахда ишлаган бўлса, қанақа қилиб мурдаси Зоминдаги қабристонга келиб қолган. Кишининг ақли етмайди... Балки...

– Хўш, хўш, нима демоқчийдингиз!

– Зоминда бир аёлга илакишган дейишади... Бунақанги бало-қазоларга кўпинча хотин киши сабаб бўлади...

– Тоштемир тракторчининг болаларини қаердан топсак бўлади? – деди Фахриддин бу бефойда мунозарага чек қўйиш мақсадида.

– Нима, сиз бу ишни улар қилган...

– Ишимиз шунақа. Тракторчининг фарзандларини қандай...

– Ҳозир чақирамиз. – Оқсоқол телефон гўшагини кўтариб, кимгадир қўнғироқ қилди ва Эште-

мир фермер билан Миртемир муаллимни тезда идорага чақириб келишини тайинлади. – Бўлди, ярим соатда етиб келишади.

Фахриддин Каримович қўл телефонида Сан-жарбекка қўнғироқ қилиб, Зомин туман судидан Мамат бригадир ва Тоштемир тракторчиларнинг жиноят ишларини сураб олишни тайинлади.

Сал ўтмай қоровул чол хонага икки кишини бошлаб келди. Кийиниши, юриш-туришидан бири фермер, бири ўқитувчига ўхшаб турган йигитлар йиманибгина терговчилар кўрсатган жойга ўтиришди. Муроджон гувоҳларнинг шахсий маълумотларини қоғозга муҳраб бўлгач, гуруҳ раҳбари олдиндан ўйлаб қўйган саволларини бера бошлади:

– Биз бундан анча йиллар муқаддам “Кўкдала” хўжалигининг директори бўлиб ишлаган Зухриддин Тоғаевнинг ўлими билан боғлиқ жиноят ишини тергов қилаётгандик. Биздаги фактларга қараганда, унинг раҳматли отангиз билан муносабати яхши бўлмаган. Сизларга бу ҳақда нималар маълум?

– Орадан шунча вақт ўтиб кетди, энди бу нарсаларни қўзғашдан нима наф! – деди ўқитувчи норози оҳангда.

– Зерикканимиздан ёки нима иш қилишни билмаганимиздан сизни ахтариб келганимиз йўқ! – Муроджоннинг жаҳли чиққани кўриниб турарди. – Сиздан саволларга аниқ, тўла ва ҳаққоний жавоб бериш талаб этилади.

– Ака, бизларниям тўғри тушунинг! – Фермер вазиятни юмшатишга ҳаракат қиларди. – Билсангиз, бизнинг оиламиз ўша одамнинг исминиям эшитишни хоҳламайди! Худога соғандик, Худодан топди! “Марҳумлар ҳақида ёмон гапириб бўлмайди” дейишади. Аммо бундай кимсалар ҳақида илиқ гапиришга тилинг бормайди. Майли, ўтган ишга салавот! Биздан нимани хоҳлай-

сизлар... Нима... унинг ўлимини бизлардан кўра-
япсизларми?

– Бизнинг амалиётимизда энг ашаддий жино-
ятчилар ҳам дастлаб “наҳотки шу ишни мендан
кўраяпсизлар” дея кўзини лўқ қилиб, талмовсираб
туришади, – деди Муроджон қовоғини очмасдан.
– То жиноятчи қўлга олинмагунга қадар ҳар бир
эътиборимизга тушган шахсни текшириб кўриш-
га мажбурмиз. Текшириш – шахсни жиноятчи ёки
айбдор дегани эмас...

– Биздан нимани истайсиз? – деди фермер бў-
шашиб. – Нима дейишимиз лозим..

– Айтишларича, Тоғаев отангизни туҳмат билан
қаматиб юборган экан, шу ростми? – саволни сал
бошқачароқ кўринишда такрорлади Муроджон.

– Бизам унда анча ёш бўлганмиз, – ниҳоят ўқи-
тувчи тилга кирди. – Кўп нарсаларнинг фаҳмига
етмаппиз. Отамиз ўзи оддий тракторчи бўлсаям
қатъиятли, ориятли, имон-инсофли, ҳалол одам
эди. Ҳеч қачон бировнинг юзига оёқ қўймаган,
беҳудага бировнинг дилини оғритмаган... Ўша
куни мажлисда – кўпчиликнинг олдида Тоғаев қу-
тургандан қутуриб, отамни роса ҳақорат қилган.
Отам чидаб туролмасдан яхшилаб “жавоб” қайтар-
ган. Шунда директорнинг жазаваси тутиб, отамни
калтаклаб кетган. Одамлар ўртага тушмаса, бил-
мадим нима бўларди?! Ноҳақ калтакланганидан
изза бўлган отам тўғри вилоят прокуратурасига
борган. Отамни шифохонага жойлаштиришган.
Тоғаевга нисбатан иш очилган. Мансабидан ай-
рилиб қолишдан қўрқиб кетган зўравон ўртага
маҳалла оқсоқолларини қўйиб, отамни даъвоси-
дан воз кечишга ундаган. Катта пул ҳам таклиф
қилган. Отам воситачилар олиб келган совға-са-
ломларни кўчага иргитиб, директорнинг таклифи-
ни рад этган. Шундан кейин пул, совға-саломлар

билан иши битишига қўзи етмаган директор ай-ёрилиқ йўлига ўтган. “Катта бошини кичик қилиб” отамнинг ёнига келган ва кечирим сўраган. Шундагина отам шаштидан тушиб, даъвосидан воз кечган, иш бости-бости қилинган. “Заҳар солмоқ касби эрур илоннинг” деб бекорга айтишмаган экан. Келиб-келиб қаердаги бир тракторчига бош эгганидан мулзам бўлган амалдор арқонни узун ташлаб қўйган экан. Пайтини пойлаб, ундан аламини олиш пайида юрган экан. Хўжаликка янги трактор келганда улардан бирини отамга бермоқчи бўлипти. Ҳеч нарсадан хабари йўқ отам ҳужжатларга қўл қўйиб, тракторни миниб кетаверган. Тракторнинг тележкасини беришмаган. Сал ўтмай тафтишчи келиб, отамда тележка камомадини аниқлаган. Отам хуноби чиқиб, “тележкани олмаганман, фақат янги тракторни беришганди” деган. Тафтишчилар унга ҳужжат кўрсатишган. Тракторни тележкаси билан бирга тўла қабул қилиб олганлиги ҳақида ҳужжатда отамнинг имзоси бўлган. Тафтишчилар биз гап-сўзларга эмас, қоғозга ишонамиз” дея каттагина камомадни тўлашни талаб қилишган. Отам “ҳеч қандай тележкани кўрмаганман, камомадингни тўламайман, бор, қўлингдан келганини қил, қаматсанг қамат” дея сўзида туриб олган. Тафтишчилар ишни терговга оширишган. Отам ҳақиқатни айтсам, тергов, судда адолат қилишар деган ўйга борган. Аммо чучварани хом санаганини кейинроқ тушунган. Суд отамни беш йилга қамаб юборган...

Гувоҳнинг ўпкаси тўлиб, бир муддат жимиб қолди. Фахриддин тутган пиёладаги чойдан ҳўп-лаб, ҳикоясини давом эттирди:

– Жиноятчининг қамоққа тушиши эҳтимол унчалик фожиа эмасдир. Ҳар ҳолда у қилмишига яраша жазоланганлигини сезиб тургани учун ҳам

унчалик тушкунликка тушмаслиги мумкин. Лекин айбсиз қамалган одамнинг қай аҳволга тушишини тасаввур қилиб кўринг! Уни қамоқдаги жисмоний қийинчиликлар эмас, ранжу изтироб еб битиради... Хуллас, отам қамоқдан касалманд, ярим жон бўлиб чиқиб келди. Қаратдик, кўрсатдик, фойдаси бўлмади. Бир йилга етар-етмай бандаликни бажо келтирди...

– Отангиз қамоқдан қайтиб келгач, айбсизлигини исботлаш учун ҳаракат қилмадимми? – сўради Муроджон.

– У пайтлари ҳали замона зўрники эди. Дардингни ҳеч ким эшитмасди. Терговчисидан тортиб қозисигача бойларнинг созига ўйнайдиган замонлар... Бундан ташқари, отамда улар билан курашишга куч ҳам, қудрат ҳам, хоҳиш ҳам йўқ эди... Раҳматли алам билан ўтиб кетди...

– Сизларда – ака-укаларда отангиз учун интиқом олиш истаги пайдо бўлганми?

– Албатта! Отамнинг ўлиmidан кейин шахсан менинг ўзим ўша каззобни болта билан чавақлаб, ўлдириб ташлагим келган. Лекин Худодан қўрққанман! Бандасига жон ато этган Парвардигор унинг жонини ҳам фақат ўзи олишга ҳақли. Одам ўлдириш кечирилмас гуноҳ. Унга ўлим ҳам тиламадик. Фақат гуноҳига яраша жазосини беришни Яратгандан сўрадик, холос...

– Бир укангиз Жиззахда ишларкан, ўзи оилада неча кишисизлар?

– Беш ака-укамиз. Ўлмас укамиз Жиззахгазда ишлайди. Олмос деганимиз акамнинг фермер хўжалигига қарашиб юради. Толмас укамиз Россияга ишлашга кетган.

– Анча бўлганми?

– Нимага?

– Толмаснинг Россияга кетганига.

– Ҳа, икки-уч йилча бўп қолди.

– Келиб турадимми?

– Ҳа, яқинда... келиб кетганди. – Гувоҳ “нотўғри гапирдимми?” дегандай акасига қараб қўйди. Ака-уканинг кўз уриштиришида қандайдир хавотир яширинганини фаҳмлаган Фаҳриддин сергакланди:

– Толмас охирги марта қачон келганди?

– Икки-уч ой бўлди-ёв! – фермернинг жавоби ишончсизроқ чиққандай бўлди.

– Қанча вақт бўлди бу ерда?

– Бир ойча.

– Нега келган экан? Бирор зарурат бўлганмиди?

– Ишидан таътилга чиққан экан, ҳар йили бир марта келиб-кетади.

– Нима иш қилади Москвада?

– Москвада эмас Питрда. Қанақадир корхонада қўриқлаш хизматими ёки хавфсизлик хизматими, ишқилиб, ўшанинг бошлиғи. Қўлида ўзимизнинг қора кўзлардан ўн-ўн бештаси ишлайди.

– Қайси спорт билан шуғулланган?

– Қайси спорт? Ҳа... каратэ билан шуғулланиб юрарди. Ҳозир билмадим...

Фаҳриддин Каримович ака-укалардан яна айрим нарсаларни сўраб олгач, тезда Жиззахга қайтди. Унинг ҳаёлида ишида йўқ жойдан янги таҳмин пайдо бўлгандай эди. Толмас Тоштемиров... ёшлигида каратэ билан шуғулланган. Санкт-Петербургда қайсидир компаниянинг хавфсизлик хизматида ишлайди. Демак, яхшигина полвон йигит. У тарафларда, ҳамма жойда ҳам кучсизларни бунақа хизматга олишмайди. Кучлиларни, бақувватларни саралаб жалб қилишади. Бошқа томондан Толмасда Тоғаевни ўлдириш учун етарлича асос ҳам мавжуд. Шарқ халқларида, жумладан, ўзбекларда отасининг хунини олиш ҳар бир

фарзанд учун ор-номус иши бўлган. Толмас балки қишлоқда юрган пайтлари бу нарса ҳақида бош қотирмагандир. Мусофирчиликни бошдан ўтказиб, одамлар орасига қўшилиб, ўзини кучлилар сафида сезиб, қалбида отасининг ўлимига сабаб бўлганлардан ўч олиш ҳисси оловлангандир. Балки отасининг бошидан ўтган кунларни эшитган дўстлари уни тезлагандир. Балки битта-ярим чечен билан танишгандир. Бу мардона ва баҳодир миллат вакиллари ҳеч нарсадан қайтмас бўлишади. Мабодо Толмасдан отасининг фожиаси ҳақидаги гап-сўзларни эшитган бўлишса, уни хун олишга ундаши табиий. Бу ишда улар ўртоғига ёрдам беришни ваъда қилишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Тоғаевнинг шафқатсизларча ўлдирилганлиги ҳисобга олинса, бу тахминда жон бордек кўринади.

Гуруҳ раҳбари вақтни йўқотмасдан йигитларга Толмас ҳақида барча маълумотларни йиғишни топшириб, ўзи Питерлик ҳамкасби Вадим Михайловичга қўнғироқ қилди:

– Вадим Михайлович, яхшимисиз? Сизни Тошкентдан Фахриддин Каримович безовта қилмоқда.

– Фахриддин Каримович, саломатмисиз? Овозингизни эшитганимдан хурсандман! Ишлар қалай?

– Раҳмат, азизим! Терговчининг иши нима бўларди! Тинимсиз чопачоп, қува-қувда! Ўзингиз омонмисиз...

– Бизлар ёмон эмас... эски ҳаммом, эски тос дегандай. Нима гаплар...

– Вадим Михайлович, безовта қилганим учун олдиндан узр сўрайман... бир масалада ёрдамингиз лозим бўлиб қолди.

– Бемалол, қулоғим сизда, гапираверинг!

– Толмас Тоштемиров деган бизнинг фуқаромиз сизларга ишлашга кетган. Қайсидир компанияда хавфсизлик хизматида ишларкан. У шахс ҳақида-

ги тўлиқ маълумотларни факсдан юборсам... Компанияси, иши, атрофдагилари тўғрисида батафсил... чўчитиб юбормасдан...

– Тушунарли! Юборинг! Ўзи нима жиноят қилган экан?

– Қотилликда гумон қилинаяпти... аммо ҳозирча қўлимизда қуруқ тахминдан бошқа нарса йўқ.

– Мотив нима?

– Қасос... агар тахминимиз тўғри чиқса, отаси учун хун олмоқчи бўлган...

– Унда унчалик хавфли жиноятчи эмас экан. Сизларда хун олиш одатий ҳол, жиноят ҳисобланмаса керак деб юрардим!

– Вадим Михайлович, бизни қайси асрда яшайпти деб ўйлаяпсиз! – Фахриддиннинг юзида ҳам ҳайрат, ҳам қандайдир ғазаб аломатлари зоҳир бўлди. – Ўтиборингиз учун, бизнинг қонунларимиз энг илғор демократик тамойиллар асосида...

– Фахриддин Каримович, ҳазилашдим... ҳаммасидан хабарим бор. Ростини айтсам, биздаги қўпчилик сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар жиноятга қарши курашда Ўзбекистондан ўрнатилган олиш керак деган фикрдалар. Мана бугун бизда ҳамма ни ташвишга солаётган автомашина олиб қочиш жинояти сизларда умуман барҳам топиб кетган. Сабаб нима? Жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, жазонинг қаттиқлиги ва муқаррарлиги! Ёки сизларнинг терроризм ва гиёҳвандликка қарши курашдаги тажрибангиз ҳамма давлатларга ўрнатилган бўлса арзийди. Шунинг оқибатида мамлакатингиз тинч, халқингиз хотиржам. Ахир дунёнинг не-не манаман деган давлатлари терроризм ва қўпоровчилик балосидан азият чекмоқда, халқи қўрқув ва таҳликада кун кечирмоқда... Майли, гапираман десанг, гап қўп. Йигитлар сизга алоқага чиқишади, хайр!

– Вадим Михайлович, сизга катта раҳмат... илиқ сўзларингиз учун ҳам... раҳмат!

Кун охирига бориб Толмас тўғрисида анчагина маълумот тўпланди. Булар орасида энг асосийси – унинг машъум қотиллик юз берган кунлари бир неча ўртоғи билан Жиззахга келганлиги эди. Тезда Тошкент халқаро аэропортидан “меҳмонлар”нинг шахсига оид маълумотлар олинди. Ниҳоят, калаванинг учи топилганига умид боғлаган терговчилар тиним билмай ишлаб, Толмас ва унинг ўртоқлари – Айдамир Осмонов, Зураб Рашидов, Петр Рогошин Ўзбекистонга кириб келган пайтдан то қайтиб кетгунга қадар – 7 кун давомида қаерларда бўлганлиги, кимлар билан учрашганлиги, нима-лар билан шуғулланганини бошдан-оёқ, дақиқа-ма-дақиқа хронологик тарзда қайта тиклашга киришдилар. Терговчилар гумондорларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига қилган зиёратлари кунлари чиқариб ташланганда қотилликни содир этиш учун ихтиёрларида 3 кун бўлганини аниқлашди. Шундан бир кунини улар Зоминда – “Ўрикзор” оромгоҳида ўтказишган. Қолган икки кунда уларнинг нималар билан машғул бўлганлиги, қаерларга боришганини аниқлашнинг имкони бўлмади. Бу эса терговчилар қалбидаги шубҳани янада кучайтирди. Ҳамма фактлар тўғри келаётганди. Гарчанд қотилликни айнан Толмас ва унинг ўртоқлари содир қилганлигини исботловчи бевосита далилга эга бўлмасалар-да, изқуварлар Тоғаевнинг қотиллиги шу гуруҳнинг иши эканлигига амин эдилар.

Куни билан бошларини қашишга қўли тегмаган терговчилар кечки овқат пайти ҳам мунозарани давом эттиришарди:

– Пайсалга солмай Толмасни қўлга олиш керак!
– Санжарбек дилидагини тилига кўчирди.

– Ишончингиз комилми? – деди гуруҳ раҳбари ҳар доимгидек вазминлик билан.

– Ҳаммаси тўғри келаяпти. Қўлга олсак... ўзи тўтидай сайраб беради.

– Сайрамаса-чи! “Далил-исботинг борми?” деса нима қиламиз? У ҳам анойи эмас, ҳар ҳолда кўча кўрган йигитлардан.

– Унда нима, қўл қовуштириб ўтираверамизми? Жиноятни шу аблаҳ қилганлигига сизда ҳам, менда ҳам шубҳа қолмаган бўлса... Терговчининг ички ишончи деган гаплар қаерда қолди!

– Эътиборингиз учун, жаноб терговчи, ички ишонч далиллар билан мустаҳкамланган бўлиши шарт. Акс ҳолда уларнинг бир чақалик қиймати бўлмайди.

– Унда нима қиламиз? – Санжарбек ортга чекинди.

– Толмас ўша икки кун ичида нима билан машғул бўлганини, қаерга борганлигию ким билан учрашганини аниқлаймиз, далил-исбот қидирамиз! Ёки сизда бошқача таклиф борми? – тиржайди Фахриддин.

– Яна далил-исбот дейди-я бу киши! Устоз, атайлаб одамнинг жиғига тегаяпсизми? – Санжарбекнинг қошлари чимирилди.

– Ана кўрдингизми, ҳатто сиздай моҳир терговчида ҳам ўша лаънати касалликка мойиллик бор-а!

Қатағон даврларни қўмсаб қоласиз! Олдин одамни қамаб, кейин далил йиғишга киришасиз! Далил топилса топилди, топилмаса айборнинг айбини бўйнига олгани етарли! Қийноқлар, азоблар остида айбини бўйнига олган бир бечоранинг, унинг ортида турган муштипар ота-она, бола-чақасининг тақдири билан ҳеч кимнинг иши йўқ! Яхшиям сиз Гдяян, Иванов каби қонхўрлар

билан бир пайтда ишламагансиз! Йўқса уларнинг нофорасига ўйнаб, одамларнинг бошига не-не кунларни солган бўлардингиз!

– Э-э, устоз, сиз билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайди-я! – деди Санжарбек ранги оқариб. – Мени ўша аблаҳлар билан тенглаштиришингиз тўғри эмас...

– Бўлмаса менинг нозик жойимга тегишманг! – деди устоз бир оз ҳовуридан тушиб. – Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир дейишади. Бу мавзуда неча бор гаплашганмиз. Мени фикридан қайтараман дея хомтама бўлманг!

– Фахриддин ака, менам шу жинойт ўлгурнинг тезроқ очилишини ўйлаб, чираниб ётибман-да!

– Йўқ, йўқ! Адашманг, жинойтни очиш учун қонунни бузиш, қонунга ҳурматсизлик билан қараш, уни четлаб ўтишга ҳаракат қилиш асло мумкин эмас. Ўзингиз ҳуқуқшунос бўла туриб, яна кимсан прокуратура ходими бўла туриб, қонунни бузсангиз ва бу хатти-ҳаракатингизни “жинойтни очиш учун ҳаракат қилаяпман!” деб оқлашга уринсангиз сиздан келажақда нимани кутиш мумкин?...

– Устоз одамни кўп уялтирманг! Узр сўрадим-ку...

– Санжарбек, – Фахриддин шогирдига яқинлашиб, елкасига қоқди. – Узр сўраш билан иш битмайди. Шундай нарсалар хаёлингизга келганининг ўзи яхши эмас. Мен шундан хавотирдаман. Эрта-индин сиз мустақил раҳбар, прокурор бўласиз. Қанча инсонларнинг тақдири, қонуннинг жилови қўлингизда бўлади. Ана ўшанда сизнинг хаёлингизнинг бир чеккасида беркиниб ётган дунёқараш бўй кўрсатиб қолмаслигига ким кафолат беради? Ҳеч ким! Хаёлдаги иллат то уни бошдан бутунлай сиқиб чиқариб юбормас экансиз, бир кун келиб ишини қилади. Сиз буни вазият тақозосига, жинойтнинг тезроқ очилишига, зўр келганда давлат манфаатларига боғлашга ҳаракат қиласиз.

Оқибатда адолат мезони бузилади. Одамларда нафақат терговчига, прокуратурага, балки бутун бошли давлатга нисбатан ишонч йўқолади...

Орага жимлик чўкди.

– Майли, келинг ишдан гаплашайлик! – Устоз шоғирдини хижолатдан чиқариш учун атайлаб гапни бошқа ёққа бурди. – Питерлик ҳамкасблардан алоҳида топшириғимизга жавоб келгунга қадар Толмас ҳақида маълумотлар йиғишда, унинг синфдош биродарларидан тортиб, қўни-қўшни, туққан-туғишганлари, таниш-билишларигача барча-барчаси билан суҳбатлашишда давом этамиз. Кафе, ресторанлар, дам олиш жойлари, хуллас, у питерлик дўстлари билан бирга бориши, кириши мумкин бўлган жойларни сўраб-суриштирамиз. Жиноятни шу гуруҳ содир қилганига амин эканмиз, унда буни тасдиқловчи далил топилишига ҳам ишонмоғимиз лозим... Турамизми?

– Турдик!

Дастурхонга дуо қилиб, ўринларидан туришди. Шундагина ён-атрофдаги столлар бўшаб, кафе хизматчилари бетоқатлик билан уларнинг қачон қўзғалишларини пойлаб турганини, вақт алламаҳал бўлиб қолганини сезишди...

* * *

Терговчи билан жиноятчининг иши болаларнинг бекинмачоқ ўйинига ўхшаб кетади. Бирининг иши пухтароқ яшириниш, иккинчисиники уни тезда излаб топиш. Ҳар иккаласи ҳам ғалабадан умидвор. Аммо ютуқ улардан бирига – ақлли ва абжирроғига насиб этади. Одатда икки хил яширинувчини излаб топиш қийин кечади. Биринчи тоифа анчагина мураккаб жойни танлайди. У жой қидирувчи турган ердан узоқлиги,

кириб бориш қийинлиги билан тавсифланади. Иккинчи тоифа эса шундоққина оддий ва қўримсиз, шу билан бирга ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас жойга бекинадики, баъзида уни топиш мураккаброқ усулда яширинганникидан-да қийинроқ бўлади. Қидирувчи рақибини панадан, кўз илғамас жойлардан ахтариш билан машғул бўлиб, шундоққина бурнининг тагига эътибор бермайди. Шуларни ўйларкан Фахриддин Каримовичнинг ҳаёлидан “балки жиноятчи бурнимизнинг тагидадир” деган фикр ўтди. У ким бўлиши мумкин? Тоғаевнинг яқинлари, ҳамкасблари, қўни-қўшнилари чиғириқдан ўтказилди. Унда ким? Куёвими? Қизими? Аммо бола ўз отасига нисбатан шунақа разилликка бориши мумкинми? Куёв ҳам фарзанд. Шундай ваҳшийликка қўл уриши учун қандай фавқулодда сабаб бўлиши мумкин? Бойлик талвасасими? Қасос ўtimi? Мерос васвасасими? Мол-дунёга эга бўлиш, меросни қўлга киритиш учун одамни ўлдириш етмагандай, мурдасини шунчалик таҳқирлаш шартмиди? Тоғаевнинг бойликларига эга бўлиш учун уни ўлдиришнинг ўзи етарли эмасмиди? Ўзини минг бир хатарга қўйиб, мурдани ёндириш, сўнг унинг қолдиқларини қаёқдаги мозорга олиб бориб қўмиш ғирт аҳмоқликнинг ўзи эмасми? Соғ одам бунақа қилмайди! Балки жиноятчи ростданам ақли норасо кимсадир! Жиннининг қотилликка қўл уриши учун бирор жиддий сабаб бўлиши шартмас. Сал ола қарасанг ёки жаҳлига тегсанг жини қўзиб, сенга қасд қилиб қолиши ҳеч гап эмас. Тоғаевнинг атрофида шундай одам бўлганми? Агар бор бўлса, нега шу пайтга қадар у билан ишланмади?

Фахриддин бехосдан ҳаёлига келган фикрдан кўнгли ёришиб, ёнига Санжарбекни таклиф қилди.

– Хўш жаноб Шерлок Холмс, бирор янгилик борми?

– Ҳозирча бирор нарса дейиш қийину, аммо калаванинг учи кўрингандай бўлаяпти...

– Ҳуш, ҳуш, ҳуш! – бошлиқнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

– Ҳозиргина йигитларимиз Зоминдан қайтишди. Бизни қизиқтираётган санада Толмас ва унинг ўртоқларини “Ўрикзор” сиҳатгоҳидан сал қуйидаги “Уч терак” кафесида кўришган. Ўша ерда улар зоминлик Ҳасанбой исмли фермер йигит билан танишишган. Кейин базми жамшид Ҳасанбойнинг уйида давом этган. Қизиқарлиси шундаки, балки бу шунчаки тасодиф бўлиши ҳам мумкин, тадбиркорнинг уйи шундоққина қабристоннинг, ҳа, ҳа ўша бизга таниш қабристоннинг ёнгинасида экан. Кейинги кун...

– Ҳасанбой топилдими? – Санжарбекнинг сўзини бўлди бошлиқ.

– Уйини топдик. Бир жойга чиққан экан. Йигитлар уни ўша ерда пойлаб туришибди. Хотинининг айтишича, ҳали замон келиб қолар экан.

– Яхши, кейин нима бўпти?

– Кейинги кун улфатчилик давом этган. Яна қўй сўйилган. Роса ўйин-кулги бўлган. Хуллас, биз изини йўқотган икки кунни улар шундай ўтказишган. – Санжарбек бор гап шу дегандай елкасини қисди.

– Кўчада тасодифан танишиб қолган одамларга Ҳасанбойнинг шунчалик иззат-икром кўрсатиши сизга сал ғайритабиий кўринмаяптими? Ёки бу ерда қандайдир бошқача бир сир бормикан?

– Ақлим етмай қолди. Лекин бир нарса аёнки, Толмаснинг айнан воқеа содир бўлган пайтда, айнан жиноят содир этилган жойда пайдо бўлиши тасодифга ўхшамайди. Ҳасанбойнинг бу воқеаларга қанчалик алоқаси борлигини билмадиму, аммо барчасининг бошида Толмас тургани кундай

равшан. – Санжарбек “ана сизга айтмаганмидим, кўрдингизми?” дегандай томоқ қириб қўйди.

Шу пайт эшик тақиллаб, тезкор ходимлардан бири хонага ёши қирқлардан ошган, қорачадан келган, паканагина, аммо кўринишидан анчайин чайир одамни бошлаб келди. Фахриддин “меҳмон” билан қўл тутиб кўришиб, ўтиришга таклиф қилди, чой қуйиб узатди. Ҳасанбой бесаранжом бўлиб, кўзи бежо, олма-кесак терарди. Шу сабабли терговчи уни ҳовуридан тушириш учун у ёқ бу ёқдан сўраган бўлди. Аста-секинлик билан гап Толмас ва унинг ўртоқларига кўчди:

– Вўлардинг жиноятчи эканини итим билипти-ма! Туппа-тузук жигитлар деб ўйлаппан-да!

– Ким айтди сизга уларни жиноятчи деб! – деди Фахриддин гувоҳдан кўз узмай.

– Бир каср қилмаган бўса, силар мени чақирармидинглар! Вўзимнинг ҳаёлимгаям келди-я! Оно екитасининг турқи менга жоқмоғанди...

– Ўзи улар билан қандай танишиб қолдингиз ёки олдиндан танишмидинглар?

– Нима деяпсиз, олдин вўларди вўбши билмасдим. Уч-тўрт улфатлар билан “Уч терак”ка чиқибдик. Анов ўлгурдан пича отиб олгандан кейин кўзингга ҳамма қадрдондай кўриниб кетаркан. Шўйирда тонишиб қолдик. Ленинграддан, жуғ-е, оти нимайди Санкт-Петербургдан кеганини эшитиб, шўларга жобишиб қопман. Мениям катта улим шўёқда тиш дўхтирликка ўқийди-да! Мусофир журтта, болага нави тегар деган ҳаёлда...

– Хўш, кейин нима бўлди? – Фахриддин арқонни узоқроқ ташлади.

– Кийин нима бўларди, столларимизни қўшиб олиб, алламаҳалгача гудить қиппиз. Мимон болларрам валламат екан. Ҳай-ҳай деганимизга қарамай екки столниям ҳақини тўлаб жарса бўладими! Ме-

нам қарз елкамда қолмасин деб, қўярда-қўймай уйга таклиф қилдим. Оёғининг тағига қўй сўйиб, қўлдан келганича зиёфат бердим. Мимонларнинг “болангизни ишга жойлаб қўямиз, ҳам ўқиб, ҳам ишласин” деганини эшитиб, аялимам роса тукилиб-сочилди. Эртасига мимонлар тургунча яна битта ширбозди тўнкариб, бир томони шашлик, бир томони чиханбили қилдик. Кечга яқин улар Зарбдорга кетишди...

– Уларнинг хатти-ҳаракатида бирор шубҳали ҳолатни сезмадингизми?

– Тушунмадим...

– Сизлар “Уч терак”да учрашгандан кейин ҳам-маларинг бирга бўлдингларми, яъни меҳмонлардан биттаси ёки бир нечтаси қисқа муддатга бўлса-да даврандан чиқиб кетмадими?

– Энди ҳожат – пожатга дегандай... Вўзи улар нима касофат қилишган?

– Ҳозирча ҳеч қанақа! Демокчиманки, меҳмонлардан бири ёки бир нечтаси бир соат, ярим соатга бирор юмуш билан ташқарига чиқиб кетишганмиди?

– Йўқ, йўқ! Мимонлардан ҳеч ким унақа узоқ муддат даврани ташлаб кетганини эслай олмайман. Чекишга, оёқ ёзишга ҳовлига, боғ томонга беш-ўн дақиқага чиққан бўлиши мумкин...

– Ҳовлингиз қабристоннинг ёнгинасида жойлашган экан-а!

– Уйимизди орқаси мазорот, энди ота-бобола-римиз киндик қони тўкилган жайда... ўрганиб қоганмиз!

– Меҳмонлар қабристонга зиёратга ўтишмадими? – Терговчи саволига аниқлик киритган бўлди.

– Э, мимонлар орқада қабристон борлигини сезишганиям йўқ.

Терговчилар яна кўплаб саволлар билан Ҳасанбойни роса чиғириқдан ўтказишди. Аммо бу чапа-

ни, шу билан бирга оддий ва самимий инсоннинг хатти-ҳаракатида бирор шубҳали ҳолатни топишолмади. Шундан кейин Ҳасанбойнинг улфатлари, қўни-қўшнилар сўроқ қилинди. Улар ҳам фермернинг кўрсатмаларини тасдиқлаб, терговга нафи тегиши мумкин бўлган бирор маълумот бера олишмади. Толмас ва унинг ўртоқларининг Жиззахда бўлган ҳар бир куни пухта ўрганиб чиқилиб, батафсил таҳлил қилинган, терговчилар Тоғаевнинг ўлимида бу гуруҳнинг қўли борлиги ҳақидаги тахмини ҳам йўққа чиқди. Шу орада россиялик ҳамкасблардан алоҳида топшириққа жавоб олинди. Толмас ва унинг ўртоқлари тергов томонидан аниқланган ҳолатларни тўла тасдиқлаб, тўғри ва ҳаққоний кўрсатма беришганди.

Навбатдаги тахминдан ҳам қўлларини ювиб, қўлтиққа урган терговчилар “Қотиллик бирор бир ақли норасо шахс томонидан содир этилган” деган тахмин устида ишлашга киришдилар. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар орасида бу тоифадаги шахслар борлиги аниқланмади. Тоғаевнинг собиқ ҳамкасблари ичидан Холматбой исмли шахс терговчилар диққатини ўзига тортди. У муқаддам банкда масъул лавозимларда ишлаган. Банк раҳбари билан алоқаси яхши бўлган. Аммо кейинчалик ораларидан ола мушук ўтиб, тескари бўлиб қолишган. Охир-оқибатда Тоғаев “қулоқсиз” ходимни арзимаган сабаб топиб, ишдан бўшатиб юборган. Холматбой судга даъво киритган. Уч йиллик сура-сурдан сўнг суд унинг даъвосини қаноатлантиришни рад этган. Вилоят, республика идораларига ёзган аризалари ҳам натижа бермаган. Эси-дарди “банкка қайта тикланмасам, отимни бошқа қўяман” бўлиб қолган Холматнинг руҳиятида аста-секин салбий ўзгаришлар сезила бошлаган. Сал ўтмай бола-чақасини кўчага қувиб

солиб, дарвишларча кун кечира бошлаган. Хатти-ҳаракатида тажовузкорлик аломатларини сезган қўшнилари уни руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштиришга эришишган. Шифохонада бир оз муддат даволаниб, уйига қайтган Ҳолматнинг аҳволи сал ўнгангандай бўлган. Бироқ орадан бир ойча ўтиб, ёнига пичоқ солиб юрадиган, ўтган-кетганга тош отадиган, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини тортиб оладиган одат чиқарган. Айниқса, бир қасдлашган одамига ёмон илакишадиган бўлиб қолган...

Терговчилар тегишли мутахассислар иштирокида Ҳолматбой билан суҳбатлашишди. Гап Тоғаевга келиб қадалганда бирдан унинг жазаваси тутиб, марҳумни оғизга олиб бўлмас сўзлар билан сука кетди. “У энағар, ҳаромини ўлдирмасдан қўймайман” дея шанғиллади оғзи қўпириб.

Ҳолматбойнинг ўзидан бирор нарсани билиб олиш имкони йўқлигига кўзи етган терговчилар ҳар эҳтимолга қарши унинг уйида тинтув ўтказишга қарор қилдилар. Тинтувда Ҳолматбойнинг бир неча оёқ кийимлари, уст-бошлари, уй-рўзгор буюмлари экспертиза учун олинди. Орадан бир неча кун ўтиб, экспертиза хулосаларини олган терговчилар ёқа ушлаб қолдилар. Қабр ёнида топилган оёқ излари айнан унинг пойабзали – резина калишдан қолдирилганлиги, ўша оёқ кийимдан олинган тупроқ зарралари кимёвий таркиби бўйича қабристондаги тупроқ билан бир хил эканлиги аниқланди. Демак, Ҳолматбой шу пойабзалда жиноятни содир этган. Қабрни кавлаётганда тупроқ зарралари унинг калишига кириб қолган.

Эртаси куни сўроқ қилинган Ҳолматбой дастлаб унга кўрсатилган калишни “ҳа меники, менга буни онам совға қилган” дея туриб олди. Терговчиларнинг такрор-такрор берилган “Тоғаевни

қандай қилиб ўлдирдингиз?” деган саволига гумондор пинагини ҳам бузмасдан “мен ўлдирмадим, Оллоҳ таъзирини берди ўша аблаҳни” деган жавобдан нарига ўтмади. Руҳшунослар, психиатрларнинг уринишлари ҳам зое кетди. Тергов гуруҳининг жинойтнинг бошқа тафсилотларини аниқлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари бекор бўлди. Изқуварларнинг қўни-қўшнилари сураб-суриштириши, жинойт қуролини излаб топишга уринишлари ҳам наф бермади.

Фахриддин Каримович шундай оғир, мураккаб жинойтнинг осонгина очилиб кетишидан суюнаётган бўлса-да, юрагининг туб-тубида “шунақа иш шу эси паст одамнинг қўлидан келармикан?” деган савол қалқиб турарди. Тергов гуруҳининг бошқа аъзолари каби Санжарбек ҳам ниҳоят инкор этиб бўлмас далилий ашё топилганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Уларнинг хаёлида энди жинойт ишига тезроқ нуқта қўйиб, судга ошириш ва уй-уйига қайтиш умиди тантана қиларди.

– Мана, ниҳоят сиз истаган далилга ҳам эга бўлдик! – Санжарбек бошлиқнинг хаёлини бўлди.

– Аммо ҳали шодланишга эрта! – деди раҳбар совуққонлик билан.

– Фахриддин ака, ҳазиллашяпсизми? Яна нима... керак... Ахир... рад этиб бўлмас далил топилган бўлса! Тағин иккиланишга нима ҳожат!

– Далил-ку топилди... лекин... Сиз шу иш шунақа “пачақ” одамнинг қўлидан келади, деб ўйлайсизми?

– Энди бир нарсa дейиш қийин! Эси паст одамнинг қўлидан ҳар бало келиши мумкин! Уларнинг оддий нарсаларга етмаган ақли баъзида шунақа ишлаб кетадики, соғлом одам йўлда қолади! Қолаверса, қўлимизда далил бор! Далиллар эса, машойихлар айтгандай “ўжар” бўлишади!

– Далил борлиги яхши! Аммо бу томони унчалик ёпишмай тургани чатоқ-да! – чуқур хўрсинди Фахриддин. – Майли, Холматбойда Тоғаевни ўлдиршга етарлича асос бўлган. Йўлини қилиб, уни қўлга туширган ва минг бир қийноққа солиб ўлдирган, кейин мурдани ёққан ҳам дейлик. Лекин қайси хаёл билан майитнинг қолдиқларини шунча узоқдаги қабристонга олиб бориб қўмган бўлиши мумкин. Мана шу ёғига ақлим етмай турибди! Нима учун айнан Зоминга! Ён-атрофда қанча қабрлар бор! Қабр бўлмаса, бирор овлоқроқ жойга қўмиб ташласа ҳам бўларди-ку! Ёки Холматбойни Зомин билан боғлаб турувчи бирор ришта бормикан? Ёхуд бу ришта Тоғаев билан боғлиқмикан?

– Э, устоз! У калласига келган ишни қилаверадид-да, телба бўлгандан кейин. Бетамизда уят йўқ, аҳмоқда ният, деган мақоллар бор! Психиатрия экспертизаси хулосаси олинмаган бўлса-да, унинг муомалага лаёқатсиз эканлиги ҳаммага маълум бўлса. Тупроқшунослик, трасология экспертизалари хулосалари қўлимизда бўлса. Шунча нарса билан ақли норасо шахснинг хатти-ҳаракатида сабабий боғланишни қидириш...

– “Ўзи аҳмоқлик” демоқчисиз-да!

– Йўғ-э, унчалик эмас! – тиржайди Санжарбек. – Балки шу қабристонни яхши билар, балки ўша ёқларда бирор таниши бордир. Ҳар ҳолда, ниманидир қўзлаб, Зоминга боргани аниқ. Балки шунчаки тасодифдир... Нима бўлганда ҳам қўлимизда далилимиз бор!

– Мен ҳам бошида сиздек мушоҳада юритгандим. Лекин кейин ўйланиб қолдим: шу биргина далил кишини қотилликда айблашга етармикан? – Устоз атайлаб шогирдини мунозарага чорлади. – Гувоҳлар қани? Қотиллик қаерда, қай тарзда, нима билан, қандай усулда содир қилинган? Мур-

да қаерда, канақа йўл билан қуйдирилган, ва ниҳоят, мурданинг суяклари Зоминга нимада, қандай қилиб олиб борилган, нима билан ер қазилган, нима билан қўмилган? Бу саволларга жавобни қайдан оламиз? Бундан ташқари, калишни таниб олишга жалб этилган шахслар – қўни-қўшнилар, таниш-билишлар муқаддам бу пойабзални умуман Холматбойнинг оёғида қўрмаганликларини билдиришган. Бу ҳам етмагандай калишнинг оёққа базўр – тиққандай бўлиб сиққанлиги...

– Ҳозир биров бировнинг оёқ кийимига қарайдиган замон эмас. Баъзида ўз пойабзалимизни танимай қоламиз-ку! Калишнинг кичиклиги ҳам ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Ўзиникидир, балки топиб олгандир, асосийси ўша калишда жинойт жойига борган. Гумондоримиз ақли расо бўлганда бошқа гап! Бу одамдан бирор нарсани аниқлаб олиш амри маҳол! Нима бўлгандаям қўлимизда далил бор-ку, нимадан қўрқамиз...

– Ўша далилни бирортаси, айтайлик, ҳақиқий қотил атайлаб унинг уйига ташлаб қўйган бўлса-чи? – Фахриддин дилидагини тилига чиқарди.

– Ишониш қийин! Шунақа бўлиши мумкинми? – Санжарбек ўрнидан туриб кетди. – Бунақа аҳмоқона ўйин кимга керак бўлиши мумкин! Келиб-келиб ақли норасо кишига туҳмат қилиш кимнинг газлагига дори экан...

– Ҳа, нима! – Фахриддин Каримович шогирдига яқинлашди. – Жинойтчи ҳам анойи эмас, тўғри ўйлаган. Ақли норасо киши ўзининг айбсизлигини исботлашга қодир эмас. Биргина сохта далил уни жинойтчи курсисига ўтқазиб қўйиши мумкин. Прокуратура терговчилари орасида сизга ўхшаб енгил-елпи ўйлайдиганлар борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тахминий жинойтчининг “томошаси”да бинойидек мантиқ бор.

– Устоз, сиз ростданам пойабзални кимдир Холматбойникига ташлаб қўйган деб ўйлаяпсизми? Ё ҳазиллашаяпсизми?

– Негадир шу одамнинг қотиллик қилганига ишонгим келмаяпги, Санжарбек! – деди Фахриддин мулойимлик билан. – Терговчининг ички ишончи деймизми? Тўғри, ҳозир ҳамма фактлар унга қарши. Ишни секингина яқунлаб, судга ошириб юборсак ҳам бўлади. Холматбой ошиб борса, мажбурий даволашга жалб қилинади. Лекин, энг ёмони, ҳақиқий қотил очикда қолади. Ҳийла-найранги иш бериб, шунча одамни, бутун бир тизимни аҳмоқ қилганидан, чув туширганидан мағрурланиб, янгидан-янги жинойтларга ўзида рағбат сезади. Мен шундан ташвишдаман, Санжарбек, шундан ташвишдаман!

– Унда нима қиламиз? – ийманибгина сўз қотди Санжарбек.

– Ҳақиқий қотилни қидирамиз! – устоз баҳсга яқун ясагандай қатъий оҳангда сўзини давом эттирди. – Игна билан қудуқ қазишда давом этамиз! Таъбир жоиз бўлса, улар шохида юрсалар, биз баргида юришимизни яна бир бор исботлаймиз. Тўғри, ҳозирча бизда чўмичга илинадиган тахмин ҳам, мулоҳаза ҳам йўқ. Лекин аминманки, тез орада биз уларга эга бўламиз! Ҳозирча ҳеч иккиланмасдан асосий йўналиш бўйича ишларни қолган жойидан давом эттираверамиз. Холматбой йўналишида ҳам ишларни жадаллаштирамиз. Биринчи навбатда психиатрия экспертизаси жавоби олингунга қадар унинг даволовчи врачлари билан гаплашиб, руҳий ҳолатига ойдинлик киритиш лозим. Кейинги пайтда бемор нима ўй-хаёллар билан яшаган, қанақа режалар, орзу-умидлар билан юрган, хатти-ҳаракатларида нималар кузатилганлигини аниқлаш зарур. Қолаверса, қўлимиздаги ягона далил – калиш-

нинг қаердан сотиб ёки топиб олинганлиги, қаерда ишлаб чиқарилиб, қаерда сотилганлиги, умуман қандай қилиб ҳозирги эгасиникига келиб қолгани, шунингдек, Холматбойнинг кейинги пайтларда нималар билан шуғуллангани, қаерларга борганлиги, машғум қотиллик юз берган пайтда қаерда бўлгани, унинг Зомин тумани билан қанақа алоқаси борлиги, ҳамма-ҳаммасини ипидан-игнасиғача текширишга тўғри келади...

Санжарбек устозининг куюнчақлик билан гапиришини диққат билан эшитиб тураркан, ичида унинг сабр-бардошига, метиндек иродасига, тафаккурига, сермулоҳаза ва топқирлигига, қийинчиликлардан кўрқмаслигига, мақсад сари шахдам қадам ташлаш қобилиятига тан бериб, ҳавас билан унга тикилиб турарди...

* * *

Терговчиларнинг узундан-узоқ саволларига “ҳа”, “йўқ”, “билмадим”, “хабардор эмасман”, “маълум эмас” дея узук-юлуқ жавоб қайтариб турган пакана бўйли, манглайида бир туки қолмаган бўлса-да, ён томонидаги тўрт-беш тутам соч билан бешиксўпоқ бошининг “тақири”ни бекитишга уринган даволовчи врач-психиатр Қулмурод Элмуродович беморининг бошқа мижозларига қараганда хийлагина ақлли, тадбирли ва айни пайтда кимдандир аламзада эканлигини тан олди. Унинг кейинги йиллардаги руҳий ҳолати, тажовузкорлигини инобатга олиб, врач Холматбойнинг қотиллик қилиши эҳтимолдан холи эмас, деган хулоса берди. Аммо унинг мурдани ҳеч кимга билдирмасдан ёқиб юбориши ва мурданинг қолдиқларини ими-жимида Зоминдаги қабристонга олиб бориб кўмиб келишига шубҳа билан қарашини ҳам

яширмади. Терговчининг “Холматбой мурданинг суякларини нима сабабдан, қайси асосга қўра айнан Зоминга олиб бориб қўмган бўлиши мумкин?” деган саволига психиатр тап-тортмай “укажон, сиз билан биз бир иш қилмоқчи бўлсак, асос, сабаб қидирамиз, жиннилар эса калласига келган ишни қиладилар” дея жўнгина фикр билдирди. Сўнг гапи суҳбатдошларига ёқмаганини пайқаб, бир оз ўйланиб “балки ўша қабристонга бирорта яқини қўйилгандир ёки кейинги пайтда бирор кишини ўша қабристонга қўмишда жанозасида қатнашгандир, соғ киши нимагадир асосланади, олдига мақсад қўяди ва шунга интилади. Ақли норасо шахсларда эса бунинг тескариси ҳам бўлиши мумкин. Улар қилаётган хатти-ҳаракатини шунчаки ўйин, эрмак сифатида ҳам амалга ошириши мумкин. Худди ёш боладай. Одатда болалар ўз хатти-ҳаракатини ҳеч нарса билан изоҳлаб ўтиришмайди. Кўнглига келган ишни қилаверади. Ҳаракатидан мантиқ излаб ўтирмайди” дея қўшиб қўйди.

– Лекин “бизнинг” қотилнинг қилмишларида мантиқ йўқ деб бўлмайди, – эътироз билдирди Фахриддин. – Ақли-ҳуши жойида, каттагина мансабни эгаллаб турган шахсни овлоққа чорлаб, ҳеч кимга сездирмасдан ўлдириш, кейин мурдани ёқиш, у ҳам етмагандай жасаднинг қолдиқларини қопга солиб, узоқ туманга олиб бориш ва ими-жимида қўмиб ташлаш, шунча ишни беҳато ва деярли из қолдирмасдан аъло даражада бажаришини мантиқсиз хатти-ҳаракат деб бўладими?

– Биласизми укажон, ақли заиф кишиларнинг руҳияти жуда мураккаб бўлади, – гап бошлади Қулмурод тўзиб кетган сочи билан бошининг тақир жойини яшира туриб, – баъзида оддий нарсаларга ақли етмасалар-да, айрим ҳолларда соғ

одамнинг ақли етмайдиган мураккаб нарсаларни ҳеч қийналмасдан уддалашлари мумкин. Кўп йиллик тажрибамда бунақа воқеалар кўп бўлган. Бир 13 ёшли мижозим қишлоқ чеккасидаги ташландиқ қудуққа тушиб кетган. Ўртоқлари боланинг отасига хабар қилиб, етиб келишгунга қадар ҳалиги бола қудуқдан чиқиб кетган. Ҳамма ҳайрон. Бола тугул катталарнинг ҳам бу қудуқдан бировнинг ёрдамисиз чиқиши мумкин бўлмаган. Ақлдан озган боланинг қандай усулда қудуқдан чиқишга эришгани номаълум. Ваҳоланки, ўша бола ота-онасининг исмини эслай олмайдиган даражада эси паст бўлган. Ҳали замонавий тиббиёт фани ҳам бу саволга асосланган илмий изох беришга ожиз. Менимча, ақли заиф шахсларда айрим нарсаларга нисбатан мия ўз иш қобилиятини йўқотмаган бўлади. Демак, миянинг фақат шу қисми ўз фаолиятини маромида давом эттираётган бўлиши мумкин. Бу ҳолатни фақат шундай изоҳласа бўлади.

– Бу билан Холматбой қотилликни амалга оширган бўлиши мумкин демоқчимисиз?

– Назарий жиҳатдан бунга ҳеч ким истисно қилолмайди. Лекин шахсан менинг даволовчи врач сифатида бунга ишончим комил эмас. Тўғри, руҳий хаста одамдан ҳар нарсани кутса бўлади. Соғ одамдан фарқли ўлароқ, уларни тушуниш, қалбига қулоқ солиш қийин.

– Охирги савол, – Фахриддин стол устидаги қоғозларни йиғиштиришга тушди. – Сизга кўрсатилган пойабзаллар орасида қайси бирини мижозингизнинг оёғида кўпроқ кўргансиз?

– Негадир бунга эътибор қилмаган эканман. Хаёлимда ҳар доим малла ранг пошналар туфлини кийиб юарди.

– Унинг калишда юрганига кўзингиз тушганми?

– Йўқ, уни калишда ҳеч кўрмаганман. Кўзим тушганда эътибор қаратган бўлардим. Кейинги йилларда калиш кийган одамни учратиш қийин бўлиб қолди. Балки кўчага кийиб чиқмагандир...

Фахриддин яна бир қанча саволларга ойдинлик киритгач, сўроқни яқунлаб, Қулмуродга жавоб берди.

Шу пайт эшик тақиллаб, хонага Санжарбек кириб келди. Кўринишидан муҳим хушxabар келтирганча ўхшарди.

– Устоз, қўни-қўшнилари билан бошқатдан гаплашиб чиқдим. Чилмирза ота деган ён қўшниси бор экан. У киши “бундан тахминан бир ойлар олдин Тоғаевнинг Холматбойникига кириб кетаётганини кўргандим” деяпти.

– Хўш, хўш! – Фахриддин ўрнидан туриб кетди.
– Қани ўша одам?

– Ўзингиз сўраб кўринг, дея бирга бошлаб келдим, ташқарида кутиб турибди.

– Нимани кутиб турибсиз. Чақиринг!

Санжарбек ташқарига отилиб чиқиб, отахонни хонага бошлаб кирди.

– Келинг отахон, бу киши тергов гуруҳимиз бошлиғи Фахриддин Каримович! Боя менга айтганларингизни яна бир такрорланг!

– Отахон яхшимисиз, келинг ўтиринг! – Бошлиқ чолга жой кўрсатиб, пиёлада чой қўйиб узатди. – Болалар, неваралар, чеваралар омонми? Ишларингиз яхшими?

– Қуллуқ болам! Бизда иш нима қилсин! Болалардан ортармиди. Тупроқдан нари юрибмиз-да.

– Чилмирза ота, ўша куни кўрганларингизни бирма-бир айтиб беринг-чи!

– Боя минов боламга айтиб бергандай, шу куни жумадан қайтиб келаятибидим. Уйга етай деганимда кўчада раҳматли Зухриддинни кўриб қол-

дим, дияппан. У қўшнимиз – Холматбойникига кириб кетаётган экан. Мени қўриб, ёнимга келиб сўрашди. “Ҳа, яна безовта қилаяптими?” дедим. У эса кулимсираб, “бу қўшнингиз, ўлмади, мен қутулмадим” дея кириб кетди. Мен “Оллоҳ сабр берсин” дея унга далда берган бўлдим. Бор гап шу, дияппан!

– Нима, Тоғаев аввал ҳам қўшнингизникига келиб турармиди?

– Қайси Тоғаев?

– Марҳум Зухриддин демоқчиман!

– Ҳа, уни айтаяпсизми! Келиб турарди. Олдин Холматбой тушмагур унинг қўлида ишлаган. Кейин қўшнининг эси кирди-чиқди бўла бошлагач, уни ишдан бўшатиб юборган, дияппан. Шундан балога қолди-да бояқиш. Устидан ёза-ёз қилиб, судма-суд судраб, Зухриддиннинг роса аварасини чиқарди. Бир-икки марта кўча-кўйда кўриб қолганимда “қўшнингиз роса жонга тегди” деб зорланганди. Шундан биламан. Олдин ҳам гинчиттиш учун икки-уч бор уйига келганини кўргандим, дияппан.

– Сиз Зухриддинни олдиндан танирмидингиз?

– Мен ҳам бир пайтлар банк тизимида ишлаганман, дияппан. Унда Зухриддинлар бола эди. Шундан танийман!

– Зухриддинни кўрган кунингизни аниқ эслай оласизми? – Фахриддин чолга яқинроқ ўтириб олди.

– Бир, бир ярим ойча бўлди-ёв! Аниқ кунини эслаёлмайман. Лекин жума куни эди. Чунки мен фақат шу куни маҳалладаги мачитга намозга чиқаман, дияппан. Бошқа кунлари уйда...

– Зухриддин пиёда келганмиди ёки машинада?

– Пиёда эди чоғи... дияппан. Балки машинасини кўчанинг бошида қолдиргандир...

- Олдин ҳам у пиёда келганмиди?
- Шунақа! Олдин бир марта пиёда юриб, муйи-лишдан машинасини ўзи ҳайдаб кетганини кўргандим, дияппан.
- Мачитга ким билан боргандингиз?
- Бир ўзим боргандим, сал кечиккандим. Келишда анов отинг қургур... нимаиди-я... Жумавой билан қайтгандик, дияппан.
- Ким у Жумабой?
- Қўшнимиз, биздан икки уй нари...
- У киши ҳам Зухриддинни кўрганмиди? – чолнинг жавобини ҳам кутмасдан савол беришда давом этди Фахриддин.
- Кўргандир! Ҳа, ҳа, кўрди. Биз Зухриддин билан гаплашиб қолдик, Жумабой саломлашиб, уйи томонга ўтиб кетди, дияппан.
- У киши ҳам Зухриддинни танирмиди?
- Танимаса керак, янаям билмадим...
- Зухриддин қўшнингизнинг уйидан қачон чиққанини кўрмадингизми?
- Мен у билан хайрлашиб, уйга кириб кетдим. Қачон чиққанини билмайман...
- Балки унинг уйи томондан бирон шовқин-сурон эшитгандирсиз?
- Йўқ, ҳеч нарсa эшитилмади, дияппан. Бизнинг уй сал нарироқда, бўлгандаям эшитиш қийин...
- Ўша куни Зухриддиннинг кайфияти қандай эди? Унда ҳаяжонланиш, ҳаловатсизлик аломатлари йўқмиди?
- Йўқ, сезмадим. Мен билан кулиб сўрашди. “Чўмилишга бориб турибсизми?” дея ҳазиллашди.
- Қанақа чўмилиш? – деди терговчи таажжуби ортиб.
- Бу воқеага толой йиллар бўп кетди. – Чол гапни узоқдан бошлади. – Банкка Тошкентдан

айтувли меҳмон келганди, дияппан. Раҳматли Зухриддин билан икков икки банкдан вакил бўлиб, меҳмонларни Айдарқулга чўмилишга олиб бордик. Бир овлоқроқ жойдаги дарахт соясида машинамизни қўйиб, кийимларимизни машинада қолдирдик. Кун иссиқ эмасми, ким балиқ овига, ким чўмилишга дегандай ҳамма ҳар ёққа тарқаб кетди. Машинамиз сал қўздан панада қолганмикан, қамишзор оралаб кимдир келиб, барча уст-бошларимизни йиғиштириб олиб кетибди. Чўнтакдаги нарсалар, ҳужжатлар ҳаммасини гумдон қилишибди. Бир-биримизга қараб куламиз, ҳам ҳўрлигимиз келади, дияппан. Дам олишам расво бўлди. Шу аҳволда шаҳарга қайтиш у ёқда турсин, машинада ҳам юриб бўлмасди. Ноилож, кеч тушишини кутдик. Қоронғида бирор манзилгача етиб олиш мумкин эди. Куёш уфққа ёнбошлаши билан йўлга тушдик. Хайрият, машинада тўрт-бешта газета бор экан, жонимизга ора кирди. Айниқса, машина светофорда тўхтаганда ёнимизга келиб тўхтаган машинада ўтирганлар кап-катта одамларнинг тир-яланғоч машинада ўтиришларини кўриб, анқайиб қолишарди, дияппан. “Ишқилиб бирортаси таниб қолиб, маломатга қолмайдик-да! Бир умр латифа бўлиб юрмайлик-да” деган хаёлда газеталар билан юзимизни бекитишга ҳаракат қилардик...

Чолнинг узундан-узоқ ҳикоясини эшитиш шу тобда унчалик мароқли бўлмаса-да, Фахриддин Каримович тишини-тишига қўйиб эшитиб туришга мажбур эди. “Балки йўқ жойдан бирор фойдали маълумот чиқиб қолар!”...

...Амаллаб Зухриддиннинг уйигача бориб олдик. Машинани дарвозасига қадаб тўхтатдик. Раҳматли қўрқа-писа уйига кириб кетди. Уйдагиларига нима деб тушунтирган билмайман. Ажаб-

товур раҳбар одамнинг эрталаб уйидан чиройли кийиниб кетиб, кечаси тир-яланғоч кириб келишини тасаввур қилинг, дияппан. “Ишқилиб хотини қувиб солмасайди”, деган хаёлда Зухриддиннинг чиқишини кутдик. Бир оздан сўнг ҳарқалай қўлида сумка билан чиқиб келди. Эски-туски шим борми, туфли борми, кўйлак борми – йиғиштириб чиқибди. Лойиқ, лойиқ эмас, ҳар ким қўлига илинганини олиб, кийиб олдик. Меҳмонлардан бири буқадай семириб кетган экан, бирортаси лойиқ келмаса бўладими. Кечаси бўлса, дўконлар ҳам ишламайди, дияппан. Зухриддин бечора у ёқдан бу ёққа чопиб, каттароқ шим топиб келганди ўшанда... Шунақа гаплар... Айтсанг, биров ишонмайди, латифанинг ўзгинаси!

– Ҳўш, кейин нима бўлди? Сиз момонинг олдига қандай келдингиз? – қизиқсинди Фахриддин. – Бировнинг усти-бошини кийиб... нима қилдингиз?

– Нима қилардик, тўғриси айтдик! Кампир тушмагур ўғри бачаларнинг гўрига росаям гишт қалади-да, дияппан!

– Кейин Зухриддиннинг уст-бошини қайтариб бердингизми?

– Олиб бориб берай десам, “қўяверинг, эски лаш-лушларни кўтариб юрасизми?” дея унамади раҳматли.

– Ҳозир ўша кийимлар қаерда?

– Билмадим, уйда бирор жойда ётгандир. Балки аллақачон йўқ бўлиб кетгандир. Ахир қанча замонлар ўтиб кетди... лекин момонгизнинг бир яхши одати бор, ҳеч нарсани ташлаб юбормайди, дияппан. Болаларнинг ёшлиқдаги кийимини ҳам тахлаб, “катта бўлганда набиралар кияди” деб сандиққа солиб қўяди.

– Ундай бўлса тургандир! Бир излаб кўрасизми?

– Майли, излаб кўраман. Топсам нима қилай?
– Сиз билан ходимларимиздан бири боради. Топилса, уларни олиб, бирга қайтасизлар!

– Мен яна келамаманми? – жавдиради чол.

– Агар анави кийимлар топилса! Бўлмаса, ишингизни қилаверасиз! Лозим бўлса, ўзимиз сизни чақиртирамиз.

– Яна чақирасизларми? – деди Чилмирза ота соддалик билан.

– Зарурат бўлса! – терговчи гапни қисқа қилди ва телефон гўшагини кутариб, кимнидир ҳузурига чорлади...

Орадан икки-уч соат ўтар-ўтмас тезкор ходим Чилмирза отани хонага бошлаб кирди. Қўлида тутун.

– Мана болам, кампир тушмагур авайлабгина олиб қўйган экан. – Чол қўлидаги тутунни терговчига узатди.

Фахриддин тутунни очиб, аввал кўк рангли эркаклар кўйлагини, сўнг қорамтир шимни кўздан кечира бошлади.

– Чўнтагида нима бор экан, кўрсам майлими?

Чол “бемалол” дегандай бош чайқади.

Кўйлакнинг ён чўнтаги бўш эди. Шимнинг олд чўнтакларидан ҳам ҳеч нарса чиқмади. Орқа чўнтакдан фақат бир энликкина қоғоз чиқди. Фахриддин эҳтиёткорлик билан қоғознинг қатини очиб, ўқиди. Унда шундай сўзлар бор эди: “Ҳар сафар сени кутиб ўтиришга тоқатим йўқ. Эртагаям олиб келмасанг тегишли жойга учрашишга мажбур бўламан. Такдиринг ўз қўлингда! Ҳазиллашяпти деб ўйлама. Биласан, менга бари бир!”

Терговчи хатни бир неча бор ўқиб чиқиб, ўзича гудурланди: “Бу яна нимаси бўлди?”

– Чилмирза ота, сиз мана бу қоғозни кўрмаганмидингиз? – деди Фахриддин хатдан бошини кўтармасдан.

– Йўқ, мен чўнтагига қўл тикмаган эканман, – деди чол гуноҳкордай жавдираб. – Ўша куни кийиб келиб, ечиб қўйгандим. Кейин эгасига қайтараман деган ўйда бир-икки кун ўзим билан олиб юрдим. “Керак эмас” дегандан кейин нима қилай, уйга ташлаб қўйдим. Кампир сақлаб...

– Демак, сиз кўрмагансиз! – Терговчи чолнинг гапини бўлди. – Бошқа бирор киши уни киймаганмиди?

– Йўғ-э, ким киярди, бировнинг омонатини... Бизнинг болаларга тўғриям келмайди...

Фахриддин гувоҳга жавоб бериб, далилий ашёни тегишли тартибда расмийлаштириб олиш тўғрисида ходимларига топшириқ берди.

* * *

Ишдан толиқиб қайтган бўлса-да, Фахриддин Каримовичнинг уйқуси қочиб кетди. У ёнидан бу ёнига ағдарилиб, алламаҳалгача хаёл суриб ётди: наҳотки қотил шу одам бўлиб чиқса! Ҳамма фактлар унга қарши бормоқда. Санжарбекнинг кўнгли сезган экан-да! Уни касбий нўноқликда айблаб, хато қилдим шекилли... Агар Чилмирза ота Зухриддинни айнан ўша жума куни учратгани аниқ бўлса, уни тириклигида кўрган охирги одам бўлиб чиқади. Ҳамкасбларининг гувоҳлик беришича, Тоғаев банкдан соат ўн иккиларда чиққан бўлса, жума намози ўн учу йигирмаларда тугайди, демак Чилмирза ота Зухриддинни ўн учдан ўттиз дақиқа ўтганда учратган. Шундан кейин орадан роппа-роса бир ярим соат ўтиб, Тоғаевнинг телефони ўчирилган. Ўша вақт оралиғида марҳум нима қилган, қаерда бўлган? Шундан кейин уни ҳеч ким кўрмаган. Из шу ерда йўқолган. Бу дегани Холматбой уни даф қилган дегани эмасми?

Лекин қандай қилиб? Ёки Холмат банкирнинг келишини олдиндан билиб, тайёргарлик кўриб турганми? Акс ҳолда шундай забардаст одамни ими-жимида ўлдириши мумкин бўлмасди. Бундан чиқди, қотил ҳаммасини олдиндан режалаштирган, уйида ўз қурбонини кутиб турган. Ғаниминини қандай усулда ўлдириш, кейин қандай қилиб уни овлоқ жойга олиб бориб ёқиб юбориш ва кулга айланган суяқларини қаерга олиб бориб кўмиш йўллари пухта ўйлаб қўйган. Ҳеч нарсадан беҳабар Зухриддин беҳосдан берилган зарбадан ҳушини йўқотиб, ерга йиқилган. Беҳуш одамни ҳар кўйга солиш учун ақлнинг унчалик кераги бўлмайди... Аммо ишхонасидан “Тошкентга кетдим” дея шошилишчи чиқиб келган Тоғаев нима мақсадда собиқ ходими, душманиникига келган бўлса? Балки Холматбой уни алдаб чақиртиргандир. Балки дўқ-пўписа, шантаж йўли билан келишга мажбур қилгандир. Чилмирза отанинг гапига қараганда, банкир бу эси паст одамникига олдинлари ҳам келиб турган. “Қўшнингиз роса жонга тегди” дея зорланган. Бундан чиқди, Холмат банкирнинг бирор сиридан воқиф бўлган. Акс ҳолда Зухриддин бунчалик куйиб-пишмаган, жини суймайдиган одамникига қатнамаган бўларди. Шу сирни ошкор қилиш билан доимий қўрқитиб келган бўлиши мумкин? Унда хатни у ёзган бўлиб чиқадими? Аммо эси паст одамнинг шунақа ишларга ақли етармикан? Йўқ, бу ёғи ҳам унчалик ёпишмаяпти. Ақли норасо одамнинг қўлидан каттагина мансаб эгасини товламачилик йўли билан қўрқитиб, ўз измига солиб олиш келармикан? Ёки Холматнинг бирорта ақл ўргатувчи шериги – раҳнамоси бўлганми? Шундай одам бўлган дейлик. Унда Тоғаевни бунчалик довдиратадиган, бир умр ваҳимада ушлаб турадиган қандай факт бўлиши мумкин?

“Эртагаям олиб келмасанг, тегишли жойга учрашишга мажбур бўламан” деяпти. “Тегисли жой” дегани прокурорга ёки милицияга бораман демоқчими? Ёки юқори идораларга арз қиламан демоқчими? “Ҳар сафар сени кутиб ўтиришга тоқатим йўқ” деяпти. Демак, кимдир банкирнинг сирини ошкор қилмаслик эвазига доимий равишда товламачилик, фирибгарлик йўли билан рағбат олиб турган. Банкирнинг навбатдаги тўловни кечиктириши хат муаллифининг жаҳлини чиқарган. Бундан чиқди, икки тараф ўртасида қандайдир битим тузилган. Банкир муайян муддат ичида тегишли тўловни тўлаб бориш, хат эгаси эса сирни ошкор қилмасликка келишишган. Лекин ақли-хуши жойида бўлган раҳбар одам келиб-келиб жиннисифат киши билан шунақа битимга келишиши мумкинми? Мумкин эмас, агарда ихтиёри ўзида бўлганда! Банкирнинг эса ихтиёри ўзида бўлмаган. Тақдирини ўзгартириб юбориши мумкин бўлган сиридан кимдир воқиф бўлиб қолган! Тоғаевнинг ўз қадр-қимматини шунчалик ерга уриб бўлса-да, ошкора бўлишидан чўчиётган қандай сири бўлиши мумкин? Унинг алоқалари тўла ўрганиб чиқилди-ку! Тоғаев шахсининг бизга ҳали номаълум бўлган қирралари бор экан-да! Майли, бу масаланинг бир томони. Ўша сирни, уни ошкор қилиш билан таҳдид қилиб, манфаат кўриб юрган товламачини аниқлармиз, аммо бунинг банкирнинг ўлимига нечоғлик алоқаси бор экан? Шуниси муҳим! Хўш, бу Холматбойнинг иши деб фараз қилайлик. Унда нега, деган савол туғилади? Уфф... яна шу саволми? Ахир улар психиатр доктор айтгандай калласига келган ишни қилишади-ку! Уларни на асос, на сабаб, на сабабий боғланиш қизиқтиради. Боши оққан томонга кетаверишади... Холматбой тушмагур унинг қандай сирини

қўлга киритган бўлса! Унинг ишдан бўшаб кетганига анча бўлган. Демак, бу сир хизмат билан боғлиқ эмас. Акс ҳолда Холмат ишга тикланиш учун шикоят ёзиб юрган пайтлари бу “козир”дан фойдаланган бўларди. Балки ўша сир Тоғаевнинг оиласига, шахсий ҳаётига тааллуқлидир...

Фахриддин Каримович хонасига кириши билан эшик тақиллаб, бир даста ҳужжатлар кўтариб Мурод кириб келди:

– Салом, салом! Фахриддинжон яхши дам олдингизми?

– Муроджон, яхшимисиз? Ўзингиз қалай? Нима янгиликлар бор?

– Хатшунослик экспертизаси хулосасини ҳозиргина олдик. – Мурод қўлидаги қоғозлар орасидан бирини олиб, ҳамкасбига узатди.

– Хўш, хўш! Нима дейишибди?

– Ёзув Холматбойгаям, биз фараз қилган бошқа одамларга ҳам тегишли эмас, бошқа номаълум шахс томонидан ёзилган. Экспертлар ёзув аёл киши томонидан битилган бўлиши мумкин деган фикр билдиришмоқда.

– Шунақами? Яна кимларнинг ҳуснихати экспертизага тақдим этилган эди?

– Ҳмм... Тоғаевнинг ўзиники... банкдаги ёрдамчидан тортиб шофёргача, умуман ишимизга у ёки бу маънода алоқадор бўлган ходимларники, тагин Толмасникини ҳам ўқиган мактабидан топгандик, уники... Рўзбойники...

– Улар орасида аёл кишилар ҳам бормиди?

– Банкда ишлаган иккита кассир хотин, кейин Гулжамолники, Тоғаевнинг уйида хизмат қилиб юрадиган гунг аёл – Зубайданики...

– Қизи – исми Анорамиди, уникини ҳам олдингизми?

– Қизиники нимага керак? – саволга савол билан жавоб берди Мурод. Сўнг ўртоғининг феълини

яхши билгани учун қўшиб қўйди. – Уникини олиш ҳаёлимизга келмапти.

– Ҳа, майли! – Фахриддин ўртоғига далда бериш учун елкасига уриб қўйди. – Шу хатнинг эгасини топишимиз керак, дўстим, шу хатни ёзган шахсни! Қотиллик ҳам шунга бориб қадаладиганга ўхшайди. Эртага банкда аввал ишлаб кетган, ҳозир ишлаётган барча аёлларнинг ҳуснихатини олиб, экспертизага тақдим этинг. Бирортасиники тўғри келиб қолар. Хатнинг муаллифи айнан биз излаётган одам бўлиб чиқиши мумкин!

– Ҳўп бўлади. Аммо... Холматбой-чи? – деди Мурод таажжуби ошиб.

– Нима Холматбой? Сиз ҳам жинойтни шу ақли заиф шахс қилган деган фикрдамисиз?

– Ҳар ҳолда, уйдан далилий ашё топилди! Қолаверса, гувоҳлар шу воқеалардан сал олдинроқ Тоғаевни унинг уйига кириб кетаётганини кўришган. Ундан ташқари ҳеч ким марҳумни унинг уйдан чиқиб кетганини кўрмаган! Бундан ортиқ яна нима керак? Анави хат, менимча қотилликка боғлиқ бўлмаса керак. Ишни судга ошириб, хатга алоқадор жинойтни алоҳида иш юритувга ажратиб, терговни давом эттириш учун ички ишлар органларига юборсак ҳам бўлади.

– Эҳ терговчилар, терговчилар! Ҳаммаларинг бир хил фикрлайсизлар. “Тезроқ ишни юмалоқ ёстиқ қилиб, судга тепиш”ни ўйлайсизлар.

– Фахриддин Каримович, сиз ростданам Холматбойни айбсиз деб ўйлаяпсизми? – деди Муроджон жиддий тортиб. – Далиллар беш қўллаб уни кўрсатиб турибди-ку! Ўзингиз айтгандай, далиллар ўжар бўлади!

– Тўғри, далиллар йўқ эмас.... Биласизми, Муроджон, негадир шу одамни айбдор деб топишга юрак чопмаяпти. Тўғри, ҳозир уни айбдор деб то-

пиб, судга оширсак мажбурий даволанишга жалб этилади. Балки бу унинг учун маъқул ҳам бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, ёлғиз ўзи – сўққабош, ит ётиш, мирза туриш яшагандан кўра у ёқда ҳамма нарсаси тартибли, иссиқ-совуғи жойида, назорат остида даволанади... Аммо хаёлимда ҳақиқий қотил жазодан қутулиб қоладигандай... Мени шу нарсаси кўпроқ ташвишга солмоқда.

– Фахриддин Каримович, шу хислатингизни қадрлайман-да! – Муроджон дўстига жилмайди. – Сиздан ўрганишимиз керак. Аммо айнаи замонда хавотирингиз ноўрин. Мана, икки ойдан буён шу иш устида ишляпмиз. Эҳтимоллиги юздан бир фоиз бўлган тахминлар ҳам батафсил кўриб чиқилди. Калаванинг учи қутилмаган жойдан чиқиб қолди. Далиллар топилди. Менимча, тўғри йўдамиз... турфа хаёлларга бориб, ўзингизни қийнаманг. Кўнгил душман деб бекорга айтишмаган.

– Билмай қолдим, Муроджон! – Фахриддин чуқур уф тортди. – Бошим қотиб қолди. Шунақа чигал, мужмал ва мавҳум ишни биринчи кўришим... Бир нарсада сиз ҳақсиз. Бу бизда Холматбойдан бошқа бирорта тахминнинг йўқлиги. Фақат анави хатни...

– У хатни ким, нима мақсадда ёзгани бизга қоронғи. – Муроджон ҳамкасбининг сал паст кетганидан илҳомланиб кетди. – Номанинг айнан Тоғаевга юборилгани ҳам аниқ эмас. Иккинчидан, қорозда жисмоний йўқ қилиш билан таҳдид аломатлари мавжуд эмас. Кимдир кимнингдир сирини ошкор қилмаслик эвазига моддий манфаат талаб қилаяпти, холос. Шундай бўлса-да жиноят ишининг шу қисмини алоҳида ажратиб, суриштирув ишларини давом эттиришимиз мумкин. Бу асосий ишни яқунлаб, судга оширишга монелик қилмайди.

Эшик тақиллаб, ичкаридан киришга изн бери-
лишини ҳам кутмасдан Санжарбек кириб келди:

– Ассалому алайкум устозлар! Халақит берма-
димми?

– Келинг ўтиринг, сиз етишмай тургандингиз! –
деди Фахриддин ярми ҳазил, ярми чин.

– Қайси маънода, устоз! Халал берган бўлсам узр.

– Ўтиринг, ўтиринг! Керак бўлиб тургандингиз
демоқчийдим.

– Ундай бўлса бошқа гап! Топширигингиз бўйи-
ча... – Санжарбек қўлидаги блокнотини очди. – Чил-
мирза отанинг қўшниси Жумабой бобони топдим.
У ўша жума куни масжиддан қайтишда Чилмирза
ота уйининг олдида бир башанг кийинган одам
билан кўришиб қолганини, уни танимаслигини,
олдин кўрмаганлигини, иккаласи гаплашиб тур-
ганда у уйига кириб кетганини, меҳмоннинг қаер-
га кирганини кўрмаганини, дўстидан ҳам кейин
у одамнинг кимлигини суриштирмаганини айт-
ди. Лекин нотаниш одамнинг кўринишини, қора
костюм, қизил бўйинбоғи борлигини эслаб қол-
ган экан. Кейин Холматбойнинг кўчасида яшов-
чи муқаддам сўроқ қилинмаган деярли барча ёшу
қари, ҳатто мактаб болалари билан ҳам гаплаш-
дик. Ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди, ҳеч нарсани
кўрмаган, эшитмаган. Фақат кўчанинг бошида
турувчи Зилола деган коллеж ўқувчиси бир гапни
айтиб қолди...

– Хўш, хўш... тезроқ гапирсангиз-чи! Нима
деди? – Фахриддиннинг сабри чидамади.

– Бари бир кўнглингиз тўлмай, ўзингиз сўроқ
қиласиз, деб ўзини бошлаб келдим, ташқарида ку-
тиб турибди.

– Чақиринг!

Санжарбек ташқарига чиқиб, кексароқ аёл би-
лан (онаси бўлса керак) бир бурчакда ийманиб-

гина турган қизни имлаб чақирди. Қиз қўлидаги сумкасини онасига бериб, Санжарбекка эргашиб ичкарига кирди. Терговчилар ўринларидан туриб, қизга ўтиришга жой кўрсатишди. Фахриддин одатига кўра маъсума қизни чўчитиб юбормаслик учун у ёқ бу ёқдан саволлар бериб, ҳаяжонини бир озгина босиб олишига имкон берди.

– Синглим, бу киши бизнинг раҳбаримиз Фахриддин Каримович, – гап бошлади Санжарбек. – Боя менга айтганларингизни шошмасдан бир бошидан яна айтиб беринг.

– Ўша куни менинг туғилган куним эди. – Ердан кўзини узмай ҳикоясини бошлади Зилола. – Кечда уйга меҳмонлар келиши керак эди. Тушга яқин бир оқ рангли “Нексия” уйимиз олдига келиб тўхтади. Мен меҳмонлар кела бошладимикан деган хаёлда деразадан ташқарига қарадим. Машинадан галстукли бир киши тушиб, нариги кўчага қараб юриб кетди. Дадамнинг ўртоқларидан бўлса керак, деб ўйлагандим. Адашган эканман. У бизникига кирмади. Орадан чамаси ярим соатча ўтгандан сўнг машина сигналининг “жиқ” этган овози эшитилди. Пардани кўтариб, мўраладим. Ҳалиги одам машинасига ўтириб кетаётган экан.

Зилола “бўлди, билганим шу” дегандай терговчиларга қараб қўйди.

– Туғилган кунингиз жумага тўғри келган экан-а! Қайси куни туғилгансиз? – деди Фахриддин стол устидаги календарга тикилиб.

– Шунақа, 24 август – жума куни эди.

– Машинанинг давлат рақамига эътибор қилмаганмидингиз?

– Номери ёдимда йўқ.

– Машинадан тушган кишининг ёши нечаларда эди?

– Элик, элик беш ёшларда бўлса керак.

– У қанақа кийинганди? Ёдингизда борми?
– Қора костюм-шимда... галстуги қизғиш эди. Дадамникига ўхшаш бўлгани учун ёдимда қолган.

– Ўша одам машинадан тушиб, қайси томонга қараб юрганди?

– Бизларники Лолазор, у киши чапга – Қурувчилар кўчасига қараб юрди.

– Холматнинг уйи шу кўчада, – аниқлик киритди Санжарбек. – Лолазордан чапга юрилса, унинг уйига борилади.

– Номатум шахснинг ярим соатдан сўнг қайтиб келганини айтдингиз, у ўша кетган томондан келдими ё бошқа тарафдан?

– Қайси тарафдан келганини кўрмай қолдим. “Чиқ-чиқ” деган овозни эшитиб, деразадан қарадим. Ўша одам машина эшигини очиб, рўлга ўтирганини кўриб қолдим.

– Машинада бирор киши бормиди? – Муроджон гап қўшди.

– Машинада ҳеч ким йўқ эди-ёв! – Бир оз ўйланиб жавоб берди қиз. – Одам бўлса, машинани беркитиб кетмаган бўларди.

– Машинанинг бирор хос белгиси бормиди?

– Тушунмадим... қанақа...

– Машина юзасида ёки ойнасида бирор ёзув ёхуд унинг сиртида тирналган, туртилган жойига кўзингиз тушганмиди?

– Йўқ, мен деразадан... унчалик эътибор қилмагандим. Уйга меҳмон келдими деган хаёлда...

Терговчилар яна турли-туман саволлар билан воқеанинг айрим тафсилотларига ойдинлик киритгач, қизга жавоб беришди. Қиз чиқиб кетгач, ҳамма ўз хаёли билан бир оз жимиб қолишди. Орадаги сокинликни гуруҳ раҳбари бузди:

– Демак, Тоғаевни охирги кўрган шахс Чилмирза ота ҳам, Зилола ҳам эмас. Воқеа банкир йўқо-

лишидан бир ҳафта олдин содир бўлган. Бу жаноблар сизлар даъво қилаётган иккита асосдан бири йўққа чиқди дегани эмасми?

– Унчалик эмас! – эътироз билдирди Муроджон.
– Бизам Холматбой банкирни ўша куни ўлдирган деганимиз йўқ. Ўша куни нимагадир чақирган. Ўлдирмоқчи бўлган, лекин бунга кимдир халақит берган. Кейинги ҳафта уни бошқа жойга учрашувга чақирган. Чунки Холматнинг уйида қотиллик аломатлари топилмаганди. Холмат ўзининг ниятини амалга ошириш учун банкирни ўзига қулайроқ, кўздан панароқ жойга чақирган ва қўққисдан унга ташланган...

– Санжарбек, сизнинг фикрингиз қандай? – гуруҳ раҳбари шогирдига ўтирилди.

– Мурод акамнинг айтганларида жон бор. Зилланинг кўрсатмаси Холматга тушиб турган гумонни йўққа чиқармайди. Унинг банкирни доимий шантаж қилиб келгани ҳақиқат. Бу одам жинни бўлсаям, ақлли жиннилардан. Қотилликни уйида содир этиш жиноятини бирпасда фош этиб қўйишини сезиб, ўлжасини бошқа панароқ жойга чақирган бўлса, ажаб эмас. У жойда қотиллик учун ҳамма нарса олдиндан тайёрлаб қўйилган. “Жинни”нинг режасидан беҳабар банкир бемалол ўша жойга борган. Бу эса қотилнинг ўйлаган режасини қийналмасдан амалга оширишига имкон берган...

– Қойил-эй, худди кўргандай гапирасиз-а! – пичинг қилди гуруҳ раҳбари. – Демак, сизлар Зилланинг гувоҳлиги ҳеч нарсани ўзгартирмайди, деган фикрдасизлар-а! Аммо у менинг юрагимни кемириб ётган ишончсизликни янада оширди. Ҳўш, муҳтарам терговчилар, айтинглар, энди қандай йўл тутамиз?

Санжарбек “сиз гапиринг” дегандай Муроджонга маъноли қараб қўйди.

– Биз фикримизни айтдик, – мулойимлик билан сўз олди Муроджон. – Сиз гуруҳ раҳбарисиз. Қарор қабул қилиш сиздан. Балки Тошкент билан маслаҳатлашиш керакдир...

– Ундай бўлса қароримизни эшитинг! – Фахридин овозига расмий тус берди. – Ихтиёримизда бир ҳафта вақт бор. Тошкент биздан натижа кутмоқда. Санжарбек, сиз Холматбой йўналиши бўйича ишларни давом эттирасиз. Қотиллик қаерда, қанақа усулда содир этилган, қотиллик қуроли қаерда, кейин мурда қаерга олиб чиқиб ёқилган, мурданинг суяклари қандай қилиб Зоминга олиб борилган – ҳамма-ҳаммасига аниқлик киритиш лозим. Бундан ташқари, Холматбой шахсининг бизга номаълум томонларини қунт билан ўрганиб чиқиш керак. Гувоҳларни ахтариб топишга алоҳида эътибор қаратинг. Айниқса, кейинги йилларда Холматникига келиб-кетадиган, у билан яқин муносабатда бўлган шахслар назардан четда қолмаслиги зарур. Энг яхши тезкор ходимларни сизга ёрдамга ташлаймиз. Керак бўлса, участка нозирларини, маҳалла фаолларини ишга жалб қилинг... Сиз эса, – нотик Муроджонга юзланди, – бошқа йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишларни охирига етказишингиз лозим. Бу Толмас масаласи бўладими, Рўзибой ёки Гулжамол масаласи бўладими, яна бир бор ақл чиғириғидан ўтказиб, жавобсиз қолган саволларга ечим топишингиз талаб этилади. Анов хат бўйича экспертиза хулосаси тайёр бўлса, олинг. Балки бирор нарса чиқар! Мен ўзим эса бевосита банк ходимлари ва миждозлари билан ишлашда давом этаман. Шу билан бирга тезкор ходимлардан бир гуруҳини Тоғаевнинг қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари, танишбилишлари билан ишлашга ташлаймиз. Ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Биласизлар, баъзида масаланинг ечими кутилмаган жойдан чиқиб қолади. Терговчи учун аҳамиятсиз нарсанинг ўзи бўмаслиги керак... Яна битта масала: эртага мени Тоҳир Ғофурович чақирган. Раҳбариятнинг ишимиздан қониқмаётгани аниқ. Оладиганимизни олсак керак. Мен у киши билан маслаҳатлашишга ҳаракат қиламан. Тергов бошқармасига кириб, у ердаги ҳамкасблар билан ҳам маслаҳатлашаман. Ажаб эмас бирортасидан яхшироқ фикр чиқиб қолса. Тушунарлими?

– Тушунарли! – бир овоздан такрорлади терговчилар.

* * *

Хатшунослик экспертизаси хулосаси билан танишиб чиққан Муроджон шошиб қолди. Қувончи ичига сиғмай гуруҳ раҳбарига қўнғироқ қилиб, суюнчи олди:

– Фахриддин Каримович, суюнчиси бўлса, бир хушхабар бор!

– Суюнчи сиздан айлансин, нима гап Муроджон?

– Ҳозиргина экспертиза хулосасини олдим. Хатни банкда олдин ишлаб кетган Тошбуви Ғозиева деган опа ёзган экан. Ҳозир уникига кетаяпмиз, топиб, прокуратурага ўтамиз.

– Яхши, кутаман!

Ярим соат ўтар-ўтмас Муроджон 60-65 ёшлардаги тўладан келган аёлни бошлаб келди. Аёлга бошдан-оёқ разм солган Фахриддиннинг хаёлидан “бу ёғи қандоқ бўлди, шунақа иш шу кампирнинг қўлидан келармикан?” деган фикр ўтди.

– Тошбуви Ғозиева кредит бўлимида ишлаган экан, – таништиришга тушди Муроджон. – Етти йил олдин нафақага чиққан...

Гуруҳ раҳбари ўзини таништириб, гувоҳни ўтиришга таклиф қилди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, жиноят ишига тикилган бир энлик хатни аёлнинг олдига ташлади:

– Буни сиз ёзганмисиз?

Тошбуви хатга назар ташлаб, докадай оқариб кетди.

– Тўғрисини айтаверинг, эътироз қилиш бефойда! – ҳужумга ўтди Муроджон. – Мана хатшунослик экспертизаси тасдиқлаб турибди.

Аёл бир оз ўйланиб, гап бошлади:

– Ҳаммасига раҳматли Зухриддин сабабчи. Унинг гапига кириб, қариган чоғимда мен ҳам гуноҳга ботиб ўтирибман... Банк тизимида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилдим. Турмуш ўртоғим эрта дунёдан ўтиб кетганди. Ёлғиз ўзим уч қизимни турмушга узатдим. Ўшанда... нафақага чиқишимга икки йилгина қолганди. Тоғаевнинг топшириғи билан бир хусусий фирмага жуда катта миқдорда кредит чиқардик. Ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида фирманинг асл эгаси банк бошқарувчисининг ўзи эканини, фирма раҳбари номигагина қўйилганини, олинган кредит тўппа-тўғри бошқарувчининг ҳўнтагига тушишини сезиб қолдим. Фирмага атайлаб ҳеч кими йўқ Сергей деган дардманд наркоман йигит раҳбар қилиб қўйилганди. Кутилганидек у шўрлик бир йилга бормай “передозировка”дан ўлиб қолди. Қарийб 100 минг долларга тенг кредит банкнинг бўйнига қолди. Юқоридан текшириш келиб, мени крайный қилишди. Нафақамга икки йил қолганда ишдан бўшатишди. Зухриддин “опа, илтимос, менга гап тегмасин, индамай бўшаб кетаверинг, то нафақага чиққунингизча, ўзим сизга иш ҳақингизни тўлаб тураман” деб ваъда берди. Ҳар ой иш ҳақимни олиб турсам, ҳеч нарса йўқотмайман-ку, деган ўйда рози бўл-

дим. Беш-олти ой келишилган суммани тўлаб турди. Кейинчалик ўйин қила бошлади. Ҳар хил баҳоналар билан тўловни кечиктиришга ўтди. Ўшанда жаҳл устида шу хатни ёзгандим...

– Сашанинг қариндошлари бормиди?

– Ҳеч кими йўқ эди. Ота-онаси ўлиб кетгач, уйини сотиб, наша ўлгурса алмашиб юборганди. Бошигаям шу зормонда етди.

– Шунча катта кредитни Тоғаев нима қилган? Қаерга сарфлаган?

– Нима қиларди, нақдлаштириб, заҳарига ютган-да! Саша бечорага чой-чақа теккан бўлсаям гўрғайди.

– Сиз бу сирни бирортага айтганмисиз?

– Зухриддин туваги тиллодан бўлсаям, тирриқлик қилди, ваъда қилган тўловнинг ярмини тўламади, бесубут! Орқасидан юравериб, чарчаб кетдим. Органга ёзиб беришга юзим чидамади... Шу тутуриқсиз, бебурд, бетамиз одам билан судма-суд судрашиб юришни ор билдим... Пировардида, “илоё топганинг ўзингга, бола-чақангга буюрмасин, жувонмарг ўл!” дея пулдан воз кечдим... Юракдан қилинган дуо – ўқ бўларкан. Кейин афсусландим! Бечоранинг бошига тушган кўргиликларга сабабчидай бўлиб қолдим... Шу арзимаган пулни деб... Раҳматлининг кетидан зир қатнаб, асабим қўзиб юрган кунлардан бирида кўчада Холматбойни кўриб қолдим. Унинг Тоғаев билан азалдан жанжаллашиб юришини билардим. Ўшанда бояги гапни унинг қулорига теггизиб қўйгандим. Холмат эс-ҳушидан озган савдойи бўсаям, “сир”дан унумли фойдаланиб, Зухриддинни роса тентиратган деб эшитдим.

Терговчилар яна бир қанча саволлар бериб, гувоҳнинг кўрсатмаларига аниқлик киритишди. Гувоҳ чиқиб кетгач, Фахриддин мамнун жилмайди:

– Хўш, дўстим, кампирнинг кўрсатмалари кўп масалаларга ойдинлик киритди-я! Аммо бир нарсага ҳайронман: Тоғаев шунча давлати бўла туриб, арзимаган пулни деб ўзига душман орттиргани, қарғишга қолганига қаранг! Одам ҳам шунақа зиқна бўладими?

– Нимасини айтасиз! – Муроджон ўртоғининг гапини маъқуллади. – Шуни айтсалар керак-да “кўзи тупроққа тўймагунча, нафси тўймайди” деб. Зухриддин деганлари нафснинг қулига айланиб қолган экан-да! Букрини гўр тўғирламаса, бошқа иложи йўқ.

– Муроджон, эртага банкдан ўша кредит ҳужжатларини олиб, ўрганиб чиқинг. Балки бирор нарсa чиқиб қолар.

* * *

Санжарбек ишни маҳалладан бошлашга қарор қилди. Маҳалла қўмитаси жойлашган шинамгина бир қаватли бино эрталабдан одам билан гавжум. Раис қабулига тўрт-беш киши кириб чиққунча кутиб туришга тўғри келди. Навбат келиб, ичкарига кирганда Санжарбекни олтмиш беш ёшлардаги кийган кийимлари, айниқса, бошидаги Чуст дўпписи ўзига ярашиб турган, ёшига нисбатан анчагина чаққон маҳалла оқсоқоли ўрнидан туриб кутиб олди. Меҳмоннинг ташрифи мақсадини эшитиб, котиба қизга чой буюрди.

– Одамларнинг оғзида шу гап юрибди, – пиёладаги чойни узата туриб гап бошлади оқсоқол. – Лекин шахсан мен Холматбойнинг шу ишни қилганига ишонмайман. Мен уни анча йиллардан бери яхши биламан. Олдин бамаънигина одам эди. Оиласи, иши – ҳаммаси жойида эди. Худои таолонинг ишида, қаердандир шу дардга йўлиқ-

ди... Тўғри, у олдин ўша банкда ишлаган, банкнинг хўжайини билан азалдан ихтилофи бўлган. Унинг устидан тинимсиз ёзиб юрди, роса сарсонини чиқарди. Узун-қулоқ гапларга қараганда, банкир уни нотўғри ишдан ҳайдаб юборган. Шундан бола шўрлик орқага кетди-да! Охири жинни бўлиб қолди... Эси паст одамдан ҳамма ҳайиқади. Аслида улар қўрқоқ ва беэиён бўлишади. Оғзида туяни йиқитгани билан, сичқондан ҳам сесканишади. Мен шунча йиллик тажрибамда шунақа кимсалардан бирортасининг одам ўлдириш у ёқда турсин, ўғирлик қилганини ҳам эслай олмайман. Қишлоғимизда “Беркин тентак” деган одам яшарди. Йигитлик чоғида шу касалга чалинган. Оиласи, бола-чақасидан айрилиб, сўққабош яшаган. Ҳеч қаерда ишламасди. Қишин-ёзин бир хил кийим кийиб юрарди. Гапининг тузи йўқ, доимо олди-қочди ваҳимали нарсалар хусусида гапириб юрса-да, ҳеч кимга зарари тегмаган. Кўп умрини қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиш билан ўтказарди. Сал-пал моддий ҳолати тузук одамлардан йўлкира учун уч-тўрт сўмни сўраб оларди. “Пулим йўқ” деса, кечирим сўраб кетаверарди. Аммо бунини қарангки, ўша одамнинг то етмишларга кириб вафот этгунга қадар 30 – 40 йил давомида бирор марта ўғирлик ёки безорилик ёйинки бирор ножўя хатти-ҳаракат қилганини кўрмаганман, эшитмаганман. Ваҳоланки, одамлар орасида у киши одам ўлдирган, болаларни ўғирлаган деган гаплар юрарди. Бола-чақа, хотин-халаж ундан аждардан қўрққандай ҳайиқишарди... Албатта, Холматбой ундан бир оз фарқ қилади. Сал жиззакироқ дейдими, сал маҳмадонороқ дейдими... Лекин у ҳам оч қолса-да, бировнинг игнасини олган эмас! Одам ўлдириш дейсизлар! Бировни жонидан жудо қилиш осон ишми? Бу ақлли одамнинг, ичидан пишган пухта одамнинг иши!

– Қўлимизда далиллар бор, ҳаммаси у кишига қарши бормоқда, – Санжарбек атайлаб суҳбатдошини баҳсга чорлади. – Биласиз, биз бекордан-бекорга бировга айб қўймаймиз!

– Сизларда қанақа далил-исбот бор, билмадиму, аммо менинг фикрим шу! Холис сифатида қатнашган қўшниларида эшитдим, уйдан қандайдир калиш чиққанмиш! Холматнинг кўчага калиш кийиб чиққанини кўрмаганмиз. Бошқаники бўлса керак! Янаям ўзларинг биласизлар...

– Демак, Холмат кейинги йиллар давомида бирорта ножўя хатти-ҳаракат содир этмаган? Қўни-қўшнилари, атрофдагилар билан иноқ яшаган, шундайми?

– Волдир-шолдир бўлгани билан беэён бола! – таъкидлади оқсоқол. – Иноқ яшаган – яшамаган билмайману, аммо бировнинг бурнини қонатмаган.

– Холматнинг бирорта яқин одами борми?

– Бола-чақаси билан бориш-келиши йўқ. Қишлоқда бир укаси борлигини эшитганман. Қўни-қўшнилари ҳайит-пайитда бир коса овқат чиқаришмаса, ҳар ким ўзи билан, кимам ўздан ортарди. Энди менам кўп нарса билмайман. Агар сиз у ҳақда кўпроқ маълумот олмоқчи бўлсангиз, мана маҳалла маслаҳатчимиз бор – Робияхон, эшикма-эшик ҳамсоя туришади, чақирайми?

– Яхши бўларди! – Санжарбек ўрнидан қўзғалди. – Қабулингизда одамлар кутиб туришибди. Сизга ҳалақит бермаслик учун биз нариги хонада...

– Йўқ, йўқ! Сиз меҳмонсиз! – Оқсоқол чаққонлик билан ўрнидан туриб, котибага маслаҳатчини чақиришни тайинлади. – Бемалол шу ерда гаплашиб олинг. Мен маслаҳатчининг хонасига ўтаман. Бирор нарса зарур бўлса... тортинмасдан айтавering.

Зум ўтмай хонага эликлардан ошган бўлса-да, пардоз-андозни жойига қўйиб олган тўладан келган аёл кириб келди.

– Бу киши хотин-қизлар бўйича маслаҳатчимиз – Робияхоп! – таништирди Оқсоқол. – Бу киши эса прокуратурадан Санжарбек.

– Раҳмонов! – терговчи ўрнидан туриб, аёл билан саломлашди.

– Қўшнингиз Холматбой хусусида бир-икки оғиз гапи бор экан, – деди оқсоқол эшикдан чиқа туриб. – Гаплашиб оларсизлар!

– Олдинам прокуратурадан келиб сўраб...

– Биламан-биламан! – аёлнинг гапини бўлди терговчи. – Яна айрим нарсаларга ойдинлик киритишга тўғри келиб қолди. Кўп вақтингизни олмайман.

– Майли, бемалол! – дадилланди аёл. – Ёрдами-миз тегса, бажонидил.

– Робия опагон, – бўлажак суҳбат эркинроқ бўлиши учун гапни мулозамат билан бошлади Санжарбек. – Такрор бўлса-да, қўшнингиз Холматбой тўғрисида билганларингизни айтиб берсангиз, ҳар ҳолда эшикма-эшик қўшни экансизлар.

– Холмат билан бир қишлоқданмиз, олдинма-кетин ўқиганмиз. Мендан бир ёш катта. Тақдир тақазоси билан шу маҳаллага келин бўлиб тушдим. У ҳам шу кўчадан уй сотиб олди. Мактабни яхши битирди. Ўз кучи билан ўқишгаям кириб кетди. Кейин уйланди, банкка ишга ўтди. Кўпчилик унга ҳавас қиларди. Оиласи, иши, ҳаммаси жойида эди. Кейин нима бўлдию ишдан бўшади деган гап чиқиб қолди. Олдинлари оғиркарвон, сермулоҳаза одам қандайдир жиззаки, тажанг кишига айланди-қолди. Икки-уч йил банкдагилар билан ит-мушук бўлиб юришди, судма-суд югурди. Биноийдек одам бир-икки йил ичида дево-надай бўлди-қолди. Хотиниям болаларини олиб

кетди-борди. Ҳайҳотдай ҳовлида шўрлик бир ўзи яшаб юрибди. Гапининг тузи йўқ, қиладиган иши одамнинг кулгисини қистайди... Лекин бояқишнинг ҳеч кимга зарари тегмайди...

– Кимлар билан борди-келди қилади? – Санжарбек аёлнинг гапини бўлди.

– Ким ҳам уникига кирарди! Хотин, бола-чақаси умуман келмайди. Қишлоқда Шермат деган укаси бор, ўша ҳар замонда хабар олиб туради. Қўни-қўшнилар ҳар замонда овқат чиқариб туришади. Менам болалардан кунора бўлса-да, у-бу нарса чиқариб юбораман, ҳар ҳолда ҳамқишлоқмиз...

– Кейинги пайтларда у кишиникига бирорта бегона одамнинг келганини кўрмадингизми?

– Йўқ, мен кўпинча ишда бўламан! Йўғимда келган бўлишмаса... Лекин..

– Хўш, хўш! – терговчи ўрнидан туриб кетди.

– Беш-олти кун олдин бир тиланчи аёл уникидан чиқиб келаётганини кўриб, кулгим қистаб кетди. Ўзи бечора нима аҳволдаю...

– Қанақа аёл? Унинг тиланчи эканини қандай билдингиз?

– Мўлтони башара... кийинишидан шундай деб ўйладим.

– Ёши нечаларда?

– Ўттиз-ўттиз бешларда бўлса керак! Олдини-га сутчи аёллардан деб ўйладим. Қарасам, идиши йўқ. Тўрвасини орқасига ташлаб олган.

– У билан гаплашдингизми?

– Мен ундан киноя билан “бу уй кимникилигини биласанми ўзи?” деб сўрадим. У менга қараб бир ўқрайдию, индамасдан юриб кетди. Кейин нариги қўшнининг эшиги томонга ўтиб кетди. Мендан ҳайиққаниданми ё менинг уйдан чиқиб кетаётганимни кўргани учунми ҳар қалай, бизникини ташлаб ўтди.

- Ўша тиланчини олдин ҳам кўрганмидингиз?
- Йўқ, биринчи кўришим. Олдинлариям тиланчилар келишарди, лекин бу аёлни биринчи кўришим.
- Ўша пайтда Холмат уйида эдимиз?
- Билмадим, уйида бўлиши керак, қаердаям бўларди!
- Кейин Холматдан “у ким” деб сўрамадингизми?
- Сўрамапман... ёдимдан чиқиб кетибди. Сўраганимда нима... ҳуши келса, айтади, ҳуши келмаса, кимга гапираяпсанам демайди.
- Ўша аёлнинг юзи, ташқи кўринишини тасвирлаб бера оласизми?
- Юзи буғдойранг, унчалик қора эмас-да! Бошига алланима ўраб олган. Узун кўйлак, лозим... Ўрта бўйли, қотмадан келган...
- Кўчада кўрсангиз танийсизми?
- Танисам керак... янаям билмадим! Анча бўп кетди-да!
- Яхши! – Санжарбек аёлга муҳим гап айтмоқчидай пичирлади. – Опа, сиз Холматбойни ёшлигидан биладиган одам сифатида айтинг-чи, у қотиллик қилиши мумкинми?
- Товба қилдим, товба қилдим! – деди аёл таажжубдан ёқа ушлаб. – Айтдим-ку, бечора телба бўлгани билан беэён одам. Шу пайтгача бирор қинғир иш қилганини эшитмаганмиз. Сўрамасдан бировнинг чўпини ҳам олмайди. Оғзига кучи етмаганлар ҳар нарсани валдирайверишади-да! Кўча-кўйда анаву банкир бор-ку фамилияси нимаиди-я...
- Тоғаев!
- Ҳа, ўша Тоғаевнинг қотилини тополмасдан айбни унга илишмоқчи бўлишаётгани ҳақида узун-қулоқ гаплар юрибди. Бундан чиқди ўша миш-мишлар рост экан-да!

– Ҳеч ким ҳеч кимга бировнинг айбини осмоқчи эмас! – Эътироз билдирди терговчи. – Лекин унинг банкирнинг ўлимида гумон қилинаётгани тўғри. Далиллар чиққан.

– Шу миянғотанинг бировни ўлдиришига ким ҳам ишонарди! Бир бечорага жабр қилиш кимга керак, билмай қолдим. Худонинг ўзи уриб қўйгани етмайдими?

– Хотирингиз жам бўлсин, айби бўлмаса ҳеч ким жавобгарликка тортилмайди! – таъкидлади терговчи.

Тиланчи аёл масаласида Холматбойнинг бошқа қўшнилари ҳам сўроқ қилинди. Аммо улардан бирортаси яқин ўртада оstonаларига тиланчи келмаганлигини билдиришди.

Шу куни Санжарбек Холматбойнинг хотини, болалари ва укаси билан яна бир бор учрашди. Аммо улардан терговга нафи тегиши мумкин бўлган бирорта маълумот ололмади. Бу ҳам етмагандай, у учрашган кишиларнинг барчаси Холматбойнинг бундай қабих жинойтни содир қилганига мутлақо ишонмасликларини билдиришди. Бу эса жинойт ишига тезроқ нуқта қўйиб, судга ошириш фикрида юрган терговчининг кечинмаларига таъсир қилмасдан қолмади.

Кечки пайт гуруҳ раҳбарига ахборот берар экан, Санжарбек ҳиссиётларини яширолмади:

– Устоз, сиз ҳақ кўринасиз! Кимдир биз билан мушук-сичқон ўйнамоқчи бўлаяпти, шекилли. Айёр қотил айбни ҳимоясиз бечорага тўнкаб, ўзи сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлаяпти. Мана, ўқиб чиқинг!

– Бу нима?

– Сўроқ баённомаси... Холматнинг ён қўшниси Робияхон исмли аёлники... Ёшлиқдан бирга ўсишган экан...

Фахриддин қоғозни киприк қоқмасдан ўқиб чиқиб, шогирдига юзланди:

– Бу аёл яна ким бўлди?

– Гувоҳ унинг Холматбойникидан чиқиб кетаётганини кўрган. Тиланчи деб ўйлаган. Лекин олдин унақасини кўрмаган экан. Мен ҳам олдинига мўлтони бўлса керак деб ўйлагандим. Лекин бошқа қўшнилардан сўраб-суриштирак бошқа ҳеч кимникига кирмаган. Балки калишни шу аёл...

– Негадир баённомани ўқиб, менинг ҳам хаёлимга шу фикр келди! – деди Фахриддин бир нуқтага тикилганча. – Наҳотки аёл киши... Қабристоннинг деворидан аёлларнинг уст-бошидан тушиб қолган микрозарра топилганди. Балки... Аммо нима бўлгандаям аёл кишининг қўлидан шунақа иш келиши мумкинми?

– Балки аёл кимгадир ёрдам бергандир! Балки ўзи... Шундай хотинлар борки, эркакдан баттар ваҳший...

– Нимага шу тахмин олдинроқ калламизга келмади-я!

– Балки ўша аёл ҳақиқатан ҳам тиланчи бўлса-чи? – Санжарбек хаёлига келган фикрни ўртага ташлади.

– Тиланчи бўлса бошқа хонадонларга ҳам кириши лозим эди. У эса фақат Холматбойникидан қайтган...

– Энди нима қиламиз? – қизиқсинди Санжарбек.

– Нима қилардик, ишни жонлантирамиз! – Фахриддин бир оз ўйланиб туриб, жавоб қайтарди. – Биринчи навбатда Тоғаевга бирон-бир масалада алоқадор бўлган хотин-қизларни гувоҳга таниб олиш учун кўрсатиш керак. Қандай бўлмасин ўша “тиланчи” хотинни топиш лозим. Холматбойнинг кўчасидан ташқари шу атрофдаги бошқа

кўчаларда яшовчи аҳолидан сўраб чиқишга тўғри келади. Кимнингдир кўзи тушган бўлса ажабмас.

Эшик тақиллаб, хонага қўлида бир варақ қоғоз кўтарганча Муроджон кириб келди. Унинг юзи ташвишли эди.

– Фахриддин Каримович, бахтсизликни қаранг! Тоғаевнинг қизи бор эди-ку... Анора... Тоғаева икки боласи билан газдан заҳарланиб бўмай қолишибди.

– У нима деганингиз? Қандай бўмай қолади?

– Вафот этишибди!

– Қандай қилиб... учаласиямми?

– Учаласиям! Фақат эри ишда – сменда экан, омон қолибди.

– Товба қилдим, товба қилдим! Бу оилага қирон келганми? – деди Санжарбек таассуф билан.

– Бахтсиз ҳодисами? Ёки... нима дейишяпти? – деди Фахриддин тезкор хабардан кўз узмай.

– Ҳозирча бир нарса дейиш қийин! Йигитларимиз воқеа жойига чиқиб кетишди. Менимча, бахтсиз ҳодиса. Куз-қиш мавсумида қишлоқ жойларда бунақа ҳодисалар учраб туради.

– Болалари неча ёшда экан?

– Ўғли етти, қизчаси беш ёшда экан.

– Ким биринчи хабар қилган?

– Эри эрталаб ишдан келиб, шу даҳшатнинг устидан чиққан. Милицияга, “тез ёрдам”га қўнғироқ қилган. Дўхтирлар йигирма дақиқада етиб келишган, лекин кеч бўлган...

– Бахтсизлик бир келса, қўша-қўша келади, деганлари шу бўлса керак-да! – Санжарбекнинг ҳаяжони ҳамон босилмаган эди. – Норасидаларга одамнинг раҳми келади.

– Нима қиламиз, Худонинг иши! – ўзининг ичи идраб турган бўлса-да, Муроджон шерикларига далда бермоқчи бўлди.

– Ўша ёққа борамиз! – деди Фахриддин қатъий оҳангда.

Терговчилар тушган машина ярим соат ўтмай Пахтакор туманига етиб келди. Муроджон огоҳлантириб қўйган экан шекилли, уларни катта йўл чеккасида туман прокурори Суннат Сидиқович кутиб олди ва тўғри воқеа жойига бошлаб борди. Икки тавақали миллий услубда ёғочдан тайёрланган дарвозадан ичкарига одимлар экан, Фахриддин ҳовлининг шинам ва озодалигига эътибор қаратди. Эшик олдида меҳмонларга прокуратура мундиридаги капитан рўпара бўлди.

– Бу киши терговчимиз – Икромжон! – таништирди Суннат Сидиқович. – Мурод акани танийсиз, меҳмонлар Тошкентдан!

Салом-алиқдан сўнг Икромжон ҳамкасбларини уй ичкарисига бошлади. Олдин каттагина залга, сўнг зинапоялардан кўтарилиб, ошхонага ўтишди. Дид билан безатилган емакхона икки қисмдан иборат бўлиб, тўрда ошхона анжомлари батартиб қўйилган, паст қисми эса овқатланиш ва ўтириб ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган.

– Мурдалар мана бу диван-креслолар устидан топилган. – Икромжон ахборот беришга тушди. – Аёл бу ерда эшикка яқин жойда полда, ўғли мана бу ерда, қизалоқ мана бу ерда диванда ётган. Шариф ака эрталаб соат саккизларда ишдан қайтган. Дарвоза қўнғироғини босган. Ҳеч ким очвермагач, ўзининг калити билан очиб ичкарига кирган. Уйга кириб, тўғри ётоғига борган. У ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб, ошхонага қараб юрган. Эшикни очиши билан димоғига аччиқ газ ҳиди урилган. Хотини, болаларига кўзи тушиб, бир зум ўзини йўқотиб қўйган. Жон ҳолатда келиб, деразани очган, тўрда пишиллаб чиқиб турган газнинг жўмрагини бураб ўчирган. Олдин аёлини, кейин

болаларини судраб холлга олиб чиққан. Ўзича биринчи ёрдам кўрсатишга уринган. Кейин “тез ёрдам”га қўнғироқ...

– Шунча хоналар бўла туриб, аёл нега ухлаш учун ошхонага жой солган? – сўради Фахриддин терговчининг гапини бўлиб.

– Эрининг айтишича, бошқа хоналар совуқ бўларкан. Болаларини шамоллатиб қўймаслик учун совуқ кунлари ошхонада ётиб қолишаркан. Газ плиталари кечаси ёқиб қўйилса, ошхона иссиқ бўларкан.

– Газ кечаси нимадан ўчиб қолган бўлиши мумкин, аниқладингизларми?

– Бир нарса дейиш қийин. Шариф аканинг айтишича, у газга яқинлашганда учта плитаси тўлиқ очиқ бўлган, газ пишиллаб чиқиб турган. Агар шамол туфайли олов ўчиб қолган десак, эшик-дераза ёпиқ бўлган...

– Балки кечаси тумангаз бирор муддатга газ беришни тўхтатгандир, текшириб кўрмадингизми? – гапга қўшилди Санжарбек.

– Текширдик! Кечаси бир нафас ҳам газ беришда узилиш бўлмаган.

– Уй эгаси эрталаб дарвозани ўз калитида очиб кирган дедингиз, шу аниқми?

– Аниқ. У аввал эшик қўнғироғини босган. Ичкаридан садо чиқмагач, ёнида калити борлиги ёдига тушиб, дарвозани очган.

– Газ таъминоти идораси мутахассислари нима дейишаяпти? – деди Фахриддин тўрда турган газ плитаси олдида яқинлашиб.

– Уларнинг фикрича, уй бекаси ётиш олдида газни пасайтирган. Кечқурун соат 7 – 10 лар орасида ҳамма газдан фойдалангани сабабли газ сизими камаяр экан. Аёл болаларини соат тўққизлар атрофида ётқизган бўлса, ётиш олдида газ-

ни янада пасайтирган. Бундай ҳолатда умумий фойдаланишдаги газ сифимининг салгина пасайиши газнинг ўчиб қолишига сабаб бўлиши мумкин экан.

– Сиз ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

– Менимча газчиларнинг фикри тўғри, – терговчи бир прокурорга, бир меҳмонларга қараб, қўшиб қўйди. – Бошқача бўлиши эҳтимолдан йироқ.

– Бахтсиз ҳодиса демоқчисиз-да! – прокурор ходимининг гапига ойдинлик киритди.

– Газ ускунасининг ҳолати, газ тармоғига уланишда техник шартларга риоя қилиниши хусусида мутахассислар қандай хулосага келишди? – деди Фахриддин газ плитасининг олди-орт томонини кўздан кечириб туриб. – Мана бу резина шлангга қаранг, ундан фойдаланиш умуман мумкин эмас-ку!

– Мутахассислар газ плитасининг техник ҳолати талабга жавоб бериши хусусида хулоса беришди. Плитада “утечка” бўлмаган. Аммо газ тармоғига уланишда жиддий камчиликка йўл қўйилган. Газ “ГРП”дан уй ичига мана шунақа резина шлангга тортиб келинган, – деди терговчи қўли билан шлангни ушлаб. – Қоида бўйича газ темир труба-ларда тортиб келиниши лозим эди.

– “Райгаз”дагиларнинг кўзи қаерда экан? – деди туман прокурори зарда билан.

– Бир марта текшириб, огоҳнома беришган экан. Лекин уй эгаси эътиборсизлик қилган. Янги ҳовли-жой-да...

– Туман идораси масъул ходимлари устидан вилоят газлаштириш идорасига тақдимнома тайёрланг, уй эгасини маъмурий жавобгарликка...

– Дарвоза қулфи бўйича тросологик экспертиза тайинладингизми? – деди Фахриддин туман прокурорининг гапини бўлиб.

– Йўқ! – деди терговчи хижолат бўлиб. – Эшик қулфи бузилмаган, уй эгаси қулфни ўз калити билан очиб кирган... Зарурат йўқ деб ўйлабман.

– Ҳозирги қулфларни очиш устасига ҳеч гап эмас. Уч-тўртта калитни тиқиб кўриб, керагини танлаб олади-қўяди. Қулфда қатилган-чизилган излар албатта қолади. Экспертиза тайинланг!

– Ҳўп бўлади!

– Муроджон, – Фахриддин дўстига юзланди. – Бу иш билан шахсан ўзингиз шуғулланасиз. Асосий масала Анора ва унинг фарзандларининг газдан заҳарланиб ўлиши бахтсиз ҳодисами ёки жиноятми, шунини аниқлаш! Агарда салгина бўлса-да шубҳа пайдо бўлса, ишни ўзимизга олишга мажбурмиз. Масаланинг жиддийлигини сизга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман.

Гуруҳ воқеа жойининг у ер, бу ерини кўздан кечириб, ортга қайтди. Машинада ҳар ким ўз хаёли билан анчагача жим кетишди. Фахриддин машина ойнасига тушаётган қор учқунларини унсиз кузатиб борар экан, хаёлидан Тоғасевлар оиласи бошига тушган кўргиликлар кетмасди: Худонинг қаҳрига учрагани шу бўлса керак-да! Бутун бошли оила бир неча йил ичида қирилиб кетса-я! Бу нима? Тасодифми? Ёки бу ерда бирорта қонуният борми? Дастлаб хотини хасталикдан вафот этган. Кейин ўғли автоҳалокат натижасида бу дунё билан видолашган. Сўнг ўзи даҳшатли ўлим топган. Энди эса қизи, икки норасида боласи билан... Каттагина оиладан биттаям тирик жон қолмаса-я! Балки тасодифдир. Бахтсиз ҳодисаларнинг тасодифий тўқнашуви бўлиши ҳам мумкин-ку! Ёки бу воқеалар ўртасида қандайдир илғаб бўлмас боғланиш борми? Тоғасевнинг хотини қанақа касалликдан ўлган экан-а?! Ўғли-чи? Автоҳалокатни ким содир қилган? Балки ўша материалларни...

– Санжарбек, – Фахриддин орқа ўриндикда ўтирган шогирдига юзланди. – Тоғаевнинг хотини ва ўғлининг ўлими билан боғлиқ ҳужжатларни кўтарсангиз. Жиноят иши бўладими, касаллик тарихи бўладими... ҳаммасини олдирасиз!

– Нима, уларнинг ўлими ҳам бахтсиз ҳодиса эмас деб ўйлаяпсизми?

– Ҳозирча бирор нарса деб бўлмайди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши ўша ҳужжатларни ҳам ўрганиб чиқсак яхши бўларди. Тахминимиз нотўғри чиққанда ҳам кўнглимиз тинч бўлади.

– Хотини касалликдан вафот этган дейишганди, материал қилинмаган бўлса... хасталик тарихидан бирор нарса чиқиши қийинми дейман-да! – иккиланди Санжарбек.

– Ҳақ гап! Шундоқ бўлсаям бор ҳужжатларни ўрганиб чиқинг. Кейин Тоғаевларнинг оилавий муносабатларига ҳам эътибор қаратишга тўғри келади. Бу оила кимнинг шунчалик қарғишига қолган бўлса!..

* * *

Санжарбек устига “Фуқаро Товбоев Жалғош Товбоевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган 11-15/641-сонли жиноят иши” деб ёзилган қалингина муқовали ишни варақлар экан, хаёлидан “бу ерда бир гап борга ўхшайди”, деган ўй ўтди. Тергов пала-партиш олиб борилгани етмагандай, кўпгина муҳим масалалар очиқ қолган.

Жиноят иши тафсилотлари шундай: Муҳриддин Тоғаев кечаси соат бирларда ўзига тегишли “Нексия” автомашинасида жуда катта тезликда Жиззах шаҳридан Пахтакор туманига кета туриб, пахта ортиб кетаётган трактор тиркамасига келиб

урилган. Тракторчи қўрққанидан воқеа жойидан қочиб кетган. Муҳриддинни пачағи чиққан машина ичидан суғуриб олишга анча вақт кетган. Кўп қон йўқотган йигит бечора шифохонага етмасдан йўлда оламдан ўтган. Трактор ҳайдовчиси – Жолғош исмли йигитни эрталаб ушлашган. Унинг гувоҳлик беришича, тракторига 3 та прицеп таққан ҳолда даладаги пахтани ортиб, пахта заводига кетаётганда орқадан катта тезликда енгил машина келиб урилган. Тўқнашув зарбидан иккита прицеп трактордан ажралиб, пастга ағдарилиб кетган. Трактор ҳам анчагина жойга учиб кетган. Ҳайдовчи бир муддат нима бўлганини англаёлмаي қотиб қолган. Ҳушига келиб қараса, “Нексия” мажақланиб “гармошка” бўлиб қолган. Қўрққанидан пахтазор томонга қараб қочган. Ўша ердан бир оз муддат нима бўлишини кузатиб турган. Йўловчи машиналар тўхтаб, мажақланган машина ичидагиларга ёрдам беришни бошлагач, уйигаям бормасдан пахта пунктининг қоровулхонасига яширинган. Азонда милиция ходимлари уни ўша ердан излаб топишган... Тергов жараёнида Жолғошнинг трактори тиркамалари орқасида нурни қайтарувчи сигналлар ўрнатилмаганлиги, йўл ҳаракати қоидаларига ҳилоф равишда меъёрдан ортиқ тиркамалар улаб ҳаракатланганлиги аниқланган.

Жолғош автоҳалокатда айбдор деб топилиб, тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинган...

Санжарбек жиноят иши бўйича хулосаларини оққа тушириб, гуруҳ раҳбарига ахборот беришга шошилди.

Фахриддин Каримович хулосани диққат билан ўқиб чиқиб, қўлидаги қаламни столга урганича бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг шогирдига юзланди:

– Демак, Жолғош Товбоев асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган экан-да!

– Шунақага ўхшайди! Унинг айби меъеридан ортиқ прицепни тракторига улагани ва тиркамаларнинг ортига шуъла қайтарувчи чироқларнинг ўрнатилмаганида. Бунинг учун у маъмурий жазога тортилса кифоя эди. Муҳриддиннинг ўлими билан унинг қилмиши орасида сабабий боғланиш кўринмаяпти.

– Терговчи ким бўлган?

– Ички ишлар бўлими терговчиси, академияни битирганига бир йил бўлган экан, ёш-да!

– Машинанинг техник ҳолати қандай бўлган?

– Машина мажақланиб, бир уюм темирга айланиб қолган. “Нексия”нинг техник ҳолатини текширган мутахассис қаттиқ тормоз берилиши оқибатида тормоз шланги ёрилиб кетган ва бу автоҳалокатга сабаб бўлган бўлиши мумкин деган хулоса берган.

– Машина эски бўлганми?

– Йўқ, янги бўлган, олти ой олдин харид қилинган.

– У ҳолда янги машинанинг тормоз шланги қандай ёрилиб кетиши мумкин? Тормоз йўли қанча бўлган?

– Машина 120 км/соат тезликда келган. Ўизмасидан кўринишича, ҳайдовчи тракторга 30 метр қолганда тормозни босган. Тормоз йўли 5 метрни ташкил этган. Кейин тормоз ишдан чиққан шекилли машина тезлигини пасайтирмаган ҳолда трактор прицепага урилган.

– Ҳайдовчи маст бўлмаганми? – савол беришда давом этди гуруҳ раҳбари.

– Маст бўлган, анчагина ичган экан.

– Ўзи алламаҳалда Пахтакорга нима мақсадда кетаётган экан?

– Балки опасиникига бораётгандир. Ишдаги ҳужжатлардан бу саволга жавоб топишнинг имкони бўлмади.

– Тунги соат бирда опасиникида пишириб қўйибдими? Тоғаевнинг қаердан йўлга чиққани, кимлар билан ўтиргани, нима сабабдан маст ҳолатда машина рулига ўтиргани аниқланганми?

– Менимча, терговчи айбланувчи билан машғул бўлиб, жабрланувчини эътибордан четда қолдирган.

– Ҳа, дарвоқе, анов шўрлик тракторчи йигит қамоқдан чиқибдими?

– Ҳа, яқинда амнистияга тушибди. Уни топиб, гаплашишим керак.

– Тушунарли! – Фахриддин ўрнидан туриб, шогирдига яқинлашди. – Санжарбек, ҳамма ишни қўйиб, шу билан шуғулланасиз. Муҳриддин Тоғаевнинг шахсини, алоқаларини, машғулотларини қунт билан ўрганиб чиқинг. Ўша кечаси кимлар билан ўтирган, қаёққа бормоқчи бўлган, тунда Пахтакор томонга бунчалик шошиб кетишининг сабабини аниқлаш зарур. Ҳалокатга учраган “Нексия” ҳозир қаерда сақланаётганини аниқлаб, мутахассислар ёрдамида кўздан кечириш лозим. Мен жиноят иши билан яна бир бор танишиб чиқиб, суд ҳукмини бекор қилиш ва жиноят ишини қайта терговга қайтариш хусусида вилоят судига кассация протести тайёрлаш масаласида вилоят прокурори билан келишиб оламан...

Санжарбек тезкор ходимлардан бирини олиб, Пахтакор туманига йўл олди. Сўраб-суриштириб, Жолғош Товбоевни топишди. Бояқиш меҳмонларнинг прокуратурадан эканини эшитиб, қалтираб қолди.

– Жолғошбек, ўша автоҳалокат тафсилотларини бизга яна бир марта гапириб берсангиз, – мулойимлик билан сўз бошлади терговчи.

– Мен вўтириб келдим, жазомни олдим, йана нима дийислар!

– Баъзи нарсаларга ойдинлик киритишимиз керак! Сизни асоссиз жазолашган кўринади.

– Енди бунинг нима пайдаси бор! Вўтириб чиққан бўсам...

– Тўғри, лекин... бу ерда автоҳалокат эмас, қотиллик аломатлари борга ўхшайди... текшириб кўришга мажбурмиз!

– Тушунмадим! Нима шў болани биров вўлтирган демоқчимисиз... Кўйинг-эй, у вўзи кеп тракторга урилди-ку!

– Илтимос, қандай бўлганини гапириб беринг! – деди Санжарбек йигитнинг елкасига қўлини қўйиб.

– Вўзи тракторам меники эмас, – гапни узоқдан бошлади Жолғош. – Тоштемир аканинг отаси бўмай қобиди, биргад трактирини менга бериб қўйди. Похта пайти вўзингиз биласиз... долоға чиқмаса бўмайди. Мен похта пунктда қоровул эдим. Шўйтиб бир ҳафтача пахта зовутга қотнодим... Ҳаммаси шу оноғор биргаддан бўлди. Правам жўқ десам, “жоқин-қў кимама дакиментингни текшириб вўтирибди” деп, ҳол-жонимга қўймади. Мана оқибати...

– Ўша куни соат нечаларда йўлга чиққандингиз? – деди терговчи мавзудан тобора четлашиб бораётган гувоҳни “йўл”га солиш мақсадида.

– Пака уч тележкани тўлдиришди... соат вўзиям вўн екки бирга қараб кетди-ёв! Мозоротти айла-ниб вўтиб, катта жўлга чиқиб олип, похта зовутга қараб босиб кетаятибидим, ойнодан қоросам бир нерса бостириб келаяпти. “Нима бало, кўзи кўрми!” деб, тракторди сал вўнг томонга олдим. Ҳаялимда тийиб кетадигандай, жоқин кеп қолганди. Бирдан чийиллаган тўрмиз товуши эшитилди, сўнг танқилаб кетди... Трактор жайидан кўтари-

либ, йигирма-ўттиз митрга учиб кетгани эсимда... рўлға япишиб қоппан. Орқага қоросам екки присеп овнаб кетибди, жўлнинг чети тутаб жотибди. Женгил мошин присепга жовушиб қогонди. Тен-так бўп қолдим. Қўрққанымдан нима қиларимни билмай завур лабига чиғиб вўтирдим. Екки-уч жўл мошин тўхтаб, одамларнинг қораси кўрингач, жон қолатда қишлоққа қораб қочдим. Похта пунктга бориб, бекиниб олдим. Эрталаб учасковой келди...

– Тракторингиз ва унинг тиркамаларида нурни қайтарувчи чироқлар ўрнатилмаган экан-а!

– Туври, ишанасми, олдида битта чироғи ишлайди, қоганлари синиб кетган. Биргадга айтсам, “ишинг бўмасин, эгаси чиқса вўзи қўйиб олади” деди. Нима қилай! Шўйтиб, авайлабгина жўлнинг бир чеккасидан хайдаб, бориб-келиб тургандим.

– Нега ёрдамга муҳтож кишига ёрдам бериш ўрнига қочиб қолдингиз? Бунинг ўзи жиноят эканлигини билмасмидингиз?

– Қўрқиб кетдим... Нима қилишимни билмай гаранг бўлиб қолдим. Жўловчи мошиналар тўхтаб, йордам беришаётганини кўриб, ўпкамни сал босиб олдим...

– Гапингизга қараганда тракторингиз йўлнинг четидан кетаётган бўлган. Унда “Нексия” қандай қилиб тўппа-тўғри тракторга урилган бўлиши мумкин? Буни қандай изоҳлайсиз?

– Катта тезликда келди, шопир мос бўғонидан епламмай қоган. Ё “гармошка”га тушганми? “Гармошка”да тўрмиз босса, мошин ўйнаб, жўлдан чиғиб кетади. Бир сира тўрмизди чийиллатиб босди... Ушламадим, қўйиб жардим, ишқилиб тарақа-туқ бўп кетди.

Санжарбек сўроқ баённомасини якунлаб, гувоҳга қўл қўйдирди. Сўнг тўғри Тоғаевнинг уйи

томонга йўл содди. Дарвозани тақиллатди. Ичкаридан садо бўлмагач, салгина очиқ турган дарчадан ичкарига мўралади. Ҳовли ичида ивирсиб юрган аёл Зубайда эканига ишонч ҳосил қилгач, у томонга юрди. Аёл уни кўриб, таниди шекилли, имо билан ичкарига таклиф қилди. Санжарбек ўзига таниш хонадаги столга ҳужжатларни ёйиб, сўроқ баённомасини тўлдиришга киришди. Сўнг тажрибасига таяниб, олдиндан ўйлаб қўйган саволларни ёзма равишда бера бошлади:

– Зубайдахон, сиз билан Муҳриддин тўғрисида гаплашмоқчи эдим. У қандай йигит эди?

Аёл саволни ўқиб, жавоб ёзишга киришди:

– Муҳриддин яхши йигит эди, аммо якка ўғил бўлганиданми бир оз эркатоироқ ўсганди.

– Отаси билан муносабати қанақа эди?

– Бир қарашда яхшидек... лекин кейинги йилларда Муҳриддин уйга кеч қайтарди, ичиб юрарди... Отасининг кўп тергаши унга ёқмасди. Гулдона опа вафотидан кейин ота-бола ўртасидаги муносабатлар янада чигаллашди. Зухриддин ака куни билан ишда бўларди. Муҳриддинни назорат қилолмай қолганди. Бола пақир анча тажанг, жиззаки бўлиб қолганди. Ўзини қандайдир ёлғиз, бахтсиз, умидсиз ҳис қиларди. Ёйиш-ичишида ками бўлмаса-да, негадир тушқун кайфиятда юрарди.

– Муҳриддин вафот этган кун ёдингиздами? У ўша куни уйдан чиққанмиди? Тун оққанда қаерга бораётганидан хабарингиз борми?

– Ўша куни тушга яқин ўрнидан турди. Тамаддиям қилмасдан чиқиб кетди. Ўша кезларда уйга кеч келиб, пешинларга бориб уйғонарди... Қаерга бориб, қаердан келиши ҳақида менга айтмасди.

– Ўша куни Муҳриддин маст ҳолатда рулга ўтирган. Кимлар билан ўтирган бўлиши мумкин? Унинг яқин дўстлари бормиди?

– Кимлар билан ичганини билмадим. Дўстлари кўп эди. Бир-иккитасини танийман. Асқар, Жасур, Илҳом деган жўралари уйга келиб туришарди.

– Ўзи Муҳриддин нима иш қиларди?

– Тошкентга юридическийга икки йил топширганди, киролмади. Отаси бирор ишга киритиб қўймоқчи бўлди, унамади.

– Ҳозир ўша “Нексия” қаерда?

– Билмадим. Зуҳриддин ака уни уйга олиб келмади. Ўша жойидан бирортасига шу ҳолатида солиб юборди шекилли.

Санжарбек яна бир неча саволлар бериб, керакли жавобларни олгач, аёл билан хайрлашиб, уйдан чиқди. Машинага ўтира туриб негадир беҳосдан хаёлига Холматбойникига тиланчи кўринишида борган аёл келди. “Бу ўша эмасмикан? Қўшни аёл таърифлаган айрим жиҳатлари ўхшаб кетади. Нега у таниб олиш учун таклиф қилинмади? Ахир у ҳам Тоғаев атрофидаги шахслардан бири бўлган-ку! Тўғри, у гунг. Лекин бу уни гумондан тўла соқит қилишга асос бўладими? Терговга бу аёл тўғрисида нималар маълум? Узоқ муддат Тоғаевларникида оқсочлик қилган. Туғма гунг. Лекин нима сабабдан уй эгалари ҳаммаси оламдан ўтиб кетган бўлсалар-да, у шу уйда яшаб юрибди? Тоғаевнинг ёлғиз меросхўр қизи – мархум Анора бунга қандай қараган экан?”

Санжарбек хаёлига келган саволларга жавоб топмасдан кетишни истамади шекилли, ҳайдовчига машинани ортга буришни илтимос қилди. Тагин ўша эшикдан ичкарига одимлади. Аёл уни кўриб, “яна нима гап?” дегандай ҳайрона тикилди. Терговчи аёл унинг гапини эшитмаслигини билса-да “бир-икки саволлар қолиб кетибди” дея имо билан фикрини тушунтиришга уринди. Аёл нима гаплигини англади шекилли, боя ўтирган жойларига

бошлаб борди. Терговчи қоғозга саволларни ёзиб, Зубайдага узата бошлади:

– Тоғаев вафотидан кейин сиз уйда қандай асосда турибсиз?

Зубайда саволни ўқиб, жавоб ёзишга киришди:

– Тушунмадим! Бу нима деганингиз?

– Тоғаев дунёдан ўтгандан кейин Анора сизни уйдан чиқариб юбормадими? Ахир у ягона меросхўр эди-ку!

– Ҳа! Анора келганди. “Ҳозирча уйга қараб тур, сотадиган бўлсам, чиқиб кетасан” деганди. Орада ўзи... кунни калта экан-да шўрликнинг!

– Энди нима қиласиз? Сизни уйдан чиқариб юборишлари мумкин-ку!

– Уй уларники! Мен бир хизматкорман.

– Чиқариб юборишса, қаерга борасиз? Бирор бошпанангиз борми?

– Худо ўзи йўл кўрсатар! Кўчада қолмасман...

– Қариндошларингиз борми?

– Йўқ, ота-онам ёшлигимда ўлиб кетишган. Деддомда катта бўлганман.

– Дарвоқе, Гулдона Тоғаева қанақа касалдан вафот этганди?

– Билмайман. Кўп касал бўларди. Раҳматли дўхтирхонага боришни ёмон кўрарди. Эри уйга дўхтир чақирарди. Охири бўлмади. Бирдан аҳволи ёмонлашиб, ўлиб қолди.

– Қаери оғрирди? Касалининг оти борми?

– Аниқ билмайман... Кўпинча юрагидан арз қиларди. Қон босими юқори эди. Кейинги пайтларда иштаҳаси йўқолиб, овқат емай қўйди. Яна “бўғинларим қақшайди” дегичиди...

Санжарбек саволларига керакли жавобни олгач, аёл билан яна бир бор хайрлашиб, кўчага чиқди.

Шу кунни кечга қадар Муҳриддин ўқиган мактабга бориб, синф раҳбари билан гаплашди. Маҳал-

ла оралаб, қўни-қўшнилар билан суҳбатлашди. Асқар, Жасур, Илҳомларни излаб топди.

– Менинг яқин ўртоғим эди, раҳматли... – ачиниш билан гап бошлади Асқар. – Онаси вафот этганидан, ўқишга киролмаганидан эзилиб кетганди. Бу ҳам етмагандай дадаси билан чиқишолмай қийналарди. Кўпинча олдимга келиб, кафедра кечгача қолиб кетарди. Ўша ҳалокат содир бўлган кунам биз бирга эдик. Соат кечки ўн бирларда қўшнисини – синфдошимиз Мутал билан уйига кетишди. Маст ҳолатдаям рулга ўтириб кетадиган одати бор эди. Шундан кейин тунда ўша воқеа содир бўпти-да!

– Муҳриддин сизникидан чиқиб, қаерга бормоқчи эди?

– Уйига кетди. Чунки бошқа ерга бормоқчи бўлса, Мутални ташлаб кетарди. Мен жаноза куни Муталдан сўрадим, у “ўша куни уйда қолганди, Пахтакорда нима қилиб юрганига ҳайронман” деганди.

– Сизнингча, дўстингиз алламаҳалда Пахтакорда нима мақсадда бораётган бўлиши мумкин?

– Пахтакорда опаси туради. Лекин тунда уникига бормаса керак деб ўйлайман.

– Балки у ёқда бирорта танишини, қизи дегандай, бордир.

– Йўқ, унақа танишини, қизи бўлмаган. Бўлса, мен албатта билган бўлардим.

– Балки опаси бирор юмуш билан чақиртирган-дир?

– Йўқ, йўқ! Ўшанда раҳматли опаси билан гаплашгандим. Уям укасининг тунда Пахтакорда нима қилиб юрганидан ҳайрон бўлган эди.

– Бу оиланинг бирорта душмани борлигини биласизми?

– Ҳайронман. Шундай яхши оилага жин тегдими, қандайдир икки-уч йил ичида ҳаммаси...

– Зубайда туғрисида нима дейиш мумкин. У бу оилага қандай келиб қолган?

– Қачон келганини билмайман. Ҳар қалай биз ёш пайтимиздаям ўша ерда юрарди. Муҳриддин уни ота-онаси йўқ, етим қолиб, деддомда ўсган деганди.

– Муҳриддин билан муносабати қанақа эди?

– Дўстим раҳматлига опасидай меҳрибонлик қилиб юрарди. Айниқса, онаси вафот этгач, кир-чирри, ош-овқати шу аёлнинг зиммасида эди.

– Раҳмат! – Терговчи қоғозга нимадир ёзиб, ҳамсуҳбатига узатди. – Мана бу менинг телефон рақамим. Бирор нарса ёдингизга тушса, қўнғироқ қиларсиз.

Шу куннинг ўзида Санжарбек Мутални топиб сўроқ қилишга эришди. У Асқарнинг гапларини тасдиқлади:

– Ўша кунни мен, Асқар, Муҳриддин бирга эдик. Асқарнинг кафесида кеч соат ўн бирларгача ўтирдик. Қиттак-қиттак олдик. Муҳриддин рулда бўлсаям, ичди. Негадир кайфияти яхши эмасди. Онасидан кейин кўп ичадиган бўлиб қолганди. Устига-устак ўқишга киролмагани...

– Ҳўш, ҳўш, кейин нима бўлди?

– Кейин уйга қайтдик. Асқар кафесида қолди. Биз Муҳриддин билан унинг “Нексия”сида уйигача келдик. Қўшни турамиз. У уйида қолди. Мен ўз уйимга кириб...

– Тўхтанг, тўхтанг! Сиз машинадан қаерда тушиб қолдингиз?

– Ҳа, машина унинг дарвозаси олдида тўхтади. Ўша пайтда кимдир унга телефон қилди. У анча пайт гаплашиб қолди. Мен “бўпти ўртоқ, яхши дам ол” деб уй томонга юрдим.

– Муҳриддин уйига кирдими?

– У телефонда гаплашиб турганда мен эшикдан уй ичига кириб кетдим. У гаплашиб бўлиб, уйига кирган бўлса керак деб ўйладим.

– Дўстингиз ким билан гаплашган бўлиши мумкин?

– Телефон жиринглаганда, мен машинадан тушган эдим. Шу сабабли унинг ким билан гаплашаётганини билолмадим.

– Сизга Пахтакор туманига бориши ҳақида гапирмаганмиди?

– Йўқ, уйига кириб дам олмоқчийди. Ярим тунда Пахтакорда нима қилиб юрганига ҳайронман.

– Сизлар соат ўн бирларда уйга қайтгансизлар. Автоҳалокат эса чамаси икки соатлардан кейин тунги бирларда содир бўлган. Айтинг-чи, шу вақт оралиғида Муҳриддин нима қилган бўлиши мумкин?

– Ҳайронман! – Мутал бир оз ўйланиб туриб, жавоб берди. – Пахтакор 20 – 30 дақиқалик йўл. Агар ўша қўнғироқ сабаб йўлга чиққан бўлса, ўн бир ярим – ўн иккиларга қараб ўша ерда бўлиши лозим эди. Демак, шу вақт оралиғида қаердадир ушланган. Менимча, уйига кирган. Кейин кимдир қўнғироқ қилиб чақирган бўлиши мумкин.

– Лекин уйидаги хизматчи аёл “ўша куни пешинда уйдан чиқиб кетиб, бошқа қайтиб келмади” деган гапни айтди.

– Унда уйга киришга улгурмаган. Остонадан ортга қайтган экан-да.

– Ярим тунда қаерга чиққан бўлиши мумкин? Оралиқдаги бир соат мобайнида қаерга борган бўлиши мумкин?

– Ақлим етмай қолди. Мен уйига кириб, кейин қайтиб чиққан деган хаёлдайдим. Балки... Зубайда опа ухлаб қолгандир. Тунги соат ўн бирда... бир ўзи... гунг одам... Муҳриддиннинг келганини сезмай қолган бўлиши мумкин.

– Бўлиши мумкин! – Санжарбек Зубайда билан гаплашиб, бу масалага яна бир бор ойдинлик кiritишни дилига тугиб қўйди...

Санжарбек поликлиника ва шифохоналардан Гулдона Тоғаеванинг касаллик тарихига оид ҳужжатларни олиб, кунт билан ўрганиб чиқди. Уни даволаган дўхтирлар билан маслаҳатлашди. Маълум бўлишича, аёл анча йиллардан бери хафақон хасталигидан азият чеккан. Қон босимининг доимий юқори юриши юракда етишмовчиликларни келтириб чиқарган. Кейинги йилларда бунга қанд касаллиги ҳам қўшилган. Бемор дори-дармонлардан кўра кўпроқ қушnoch, мулла, фолбинларга ишонган. Шифохонада ётишни хушламаган. Эрининг қистови билан касалхонада даволанган ҳолларда ҳам дўхтирлар берган дориларни истеъмол қилишдан бош тортган, кўпинча уларни билдирмасдан ташлаб юборган.

– Зухриддиннинг илтимосига кўра мен раҳматлини ўлимидан олдин бир неча бор келиб кўрдим, – деди даволовчи врач Давлат Қўзиевич надомат билан. – Аҳволи кундан-кунга оғирлашиб бораётганди. Лекин шифохонага ётишга мажбурламасин деган ҳаёлда эрининг олдида ўзини тетик ва бардам тутишга ҳаракат қиларди. Зухриддинга бир неча бор “Оғайни, юрак билан ҳазиллашиб бўлмайди, хотиндан айрилиб қолмай десаг Топикентга олиб бориб, кучли кардиологларга кўрсат!” дедим. Раҳматли хотинининг аҳволини кўриб, гапларимга унчалик парво қилмади. Охирги марта кўришга келганимда Гулдона шўрликнинг юраги сезганми менинг олдимда “Дадаси, агарда ўлиб-нетиб қолсам мендан рози бўлинг!” деган гапни айтди. Зухриддин аёлининг гапини ҳазилга йўйиб, “қўрқма хотин, ёмонга ўлим йўқ, ҳали бери ўлмайсан” дея ишига шошилди. Эрининг бунақа ҳазиломуз гапларига ўрганиб кетган Гулдона

мийиғида кулиб қўйди. Фақат эри чиқиб кетгач, анжомларни йиғиштираётган пайтимда унинг эшитилар-эшитилмас “Айтдим қўйдим-да” деган гапи қулоғимга чалинди. Кейин Гулдонанинг худойиси куни Зухриддинга шу гапларни эслатсам, бечора роса куюнди, хотинининг дардига шунчалик орқайим бўлганидан ўзини кечира олмаётганини айтганди...

– Давлат Қўзиевич, – деди Санжарбек қоғоздан кўзини узиб, – охирги келган кунингиз Гулдонанинг аҳволи қанақа эди, демоқчиманки, уни нима безовта қилаётганди?

– Қон босими юқори эди. Иштаҳаси буғилиб, шабгин ва ҳорғин аҳволга тушиб қолганди.

– Сиз у кишини бошқа кўрмадингизми?

– Йўқ, орадан икки-уч кун ўтиб, Гулдонанинг вафот этганини эшитдим.

– Сизнингча, у нимадан ўлган бўлиши мумкин?

– Чамамда, қон босимининг доимий юқорилиги юрак хуружига сабаб бўлган.

– Хизматкор аёлнинг гувоҳлик беришича, ўша куни кеч соат саккизларда Гулдонанинг аҳволи ёмонлашган. Зубайда “эрингизни чақирай, “тез ёрдам”га қўнғироқ қилай деса”, бемор “ўтиб кетади” дея унамаган. Кейин беморни совуқ тер босиб, оёқ-қўли музлаб келаётганини сезиб, хизматкор опа “тез ёрдам” чақирган. Орадан йигирма дақиқа ўтар-ўтмай дўхтирлар етиб келган. Аммо бу пайтда бечоранинг жони узилган экан. Айтинг-чи, шу тафсилотлардан Гулдонанинг тахминан бўлса-да нимадан вафот этганини аниқлаш мумкинми?

– Албатта! Бу мен қўйган тахшис тўғрилигидан далолат бермоқда. Юрак етишмовчилигида шунақа аломатлар кузатилади.

– Охирги савол, – деди терговчи стол устидаги қоғозларни йиғиштира туриб. – Гулдонани ким-

дир заҳарлаган ёки бошқача тарзда ҳаётига суиқасд қилган бўлиши мумкинми?

– Йўғ-э, нима деяпсиз? Бу нарсa эҳтимолдан йироқ. Кейин бунақа аҳмоқчилик кимга керак?

– Нега бунча ишонч билан гапираяпсиз? Ахир мурда мутахассислар томонидан текшириб кўрилмаган-ку.

– Тўғри, бундай пайтларда мурда экспертиза қилинмайди. Узоқ муддат касал бўлиб ётган... ҳеч ким талаб қилмаган, эътироз билдирмаган...

– Орадан икки йилдан зиёдроқ вақт ўтиб, ҳозир Гулдона Тоғаеванинг ўлими сабабини аниқласа бўладими?

– Қандай қилиб? Нималар деяпсиз! – деди доктор кўзларини катта-катта қилиб. – Эксгумация демоқчимисиз?

– Мабодо зарурият бўлса мурданинг қолдиқларидан буни аниқласа бўладими?

– Экспертлар аниқлаши мумкин... ҳозир техника ривожланиб кетган!

Санжарбек дўхтирга миннатдорлик билдириб, Фахриддин Каримовичнинг олдига шошилди.

* * *

Вақт алламаҳал бўлганига қарамасдан Ёугунги кун якунларини муҳокама қилаётган терговчилар бир қарорга келолмай қийналишарди.

– Гулдонанинг ўлими тафсилотларини ўрганишда шубҳа-гумонларга сабаб бўладиган бирорта ҳолат аниқланмади, – ҳисобот берди Санжарбек. – Кўп йиллар давомида юрак хасталиги, диабет, хафақон хасталиклари билан оғриб келган. Шифохонада ётишни хушламаган, дори-дармонларни ёқтирмаган. Охирги кунларда иштаҳаси йўқолиб, қон босими ошган. Эри уйга дўхтир чақиртирган.

Дўхтирлар беморни тезда шифохонага ётқизишни тавсия қилишган. Лекин Гулдона эрининг гапига унамаган. Қон босимининг доимий юқори бўлиши юрак хуружига сабаб бўлган. Ўша куни эри ишда бўлган. Хизматкор аёл “тез ёрдам” чақиртирган. Орадан йигирма дақиқа ўтиб, етиб келган дўхтирлар бемор вафот этганлигини айтишган. Мурда шифохонага, ўликхонага олиб борилмаган, тиббий таҳлилдан ўтказилмаган. Даволовчи врач билан ҳам учрашдим. У киши мижозининг ўлимида ҳеч қандай нотабийлик сезилмаслигини маълум қилди... Менимча, Гулдона Тоғаева ўз ажали билан ўлган.

– Бир қарашда фикрингизга қўшилса бўлади, – деди Фахриддин хонада у ёқдан бу ёққа юришдан тўхтамай. – Аммо масалага бошқа томондан, яъни орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан ўғлининг, эрининг ва ниҳоят қизи, набираларининг ўлими фонида қарайдиган бўлсак, хулосангиз сал эртaroқ чиқарилгандай туюлмайдими? Бу дегани, ҳали Тоғаевнинг қотили топилмасдан туриб, унинг оила аъзолари ўлими факти бўйича қатъий хулосага келиб бўлмайди дегани.

– Балки Гулдонанинг қабрини очиш керакдир, – Муроджон фикр билдирди. – Эксгумация таҳлили кўп нарсага аниқлик киритиши мумкин!

– Ҳозирча бунга эрта! Аммо ҳақиқатни аниқлашнинг бошқа иложи бўлмаса, эксгумация қилишга ҳам тўғри келиши мумкин, – деди Фахриддин. Сўнг Санжарбекка юзланди:

– Муҳриддиннинг автоҳалокати бўйича нима-ларни аниқладингиз?

– Муҳриддин онасининг вафоти, ўзининг ўқишга киролмаганидан тушкун кайфиятда юрган. Кунини кўчада ўтказадиган, уйга кеч қайтиб, пешингача ухлайдиган одат чиқарган. Отаси уни бу йўлдан қайтаришга уринган... Ўша куни тушга

яқин уйдан чиқиб, Асқар исмли ўртоғининг кафе-сига борган. Яна бир жўраси билан соат кечки ўн бирларга қадар кафеда ўтиришган. Бир шиша ароқни бўшатишган... – Санжарбек тўплаган маълумотларини шошилмасдан гапириб берди.

– Демак, Муҳриддин Пахтакор томонга юришидан олдин уйига кирган-кирмагани аниқ эмас, – хулоса қилди Фахриддин.

– Менимча, кирмаган. Зубайда гунгалак бўлса-да, зийрак аёл. Кирганда сезган бўларди. Мутал айтган ўша қўнғироқ уни остонадан қайтарган. Орада бир ярим соатча вақт бор. Шу даврда унинг қаерда бўлгани, ким билан учрашгани маълум эмас.

– Телефони қаерда экан? Ундан ким қўнғироқ қилганини билиш мумкин-ку! – деди Муроджон билафонлик қилиб.

– Телефони чўнтагиданам, машинанинг ичида нам топилмаган. Терговчилар ҳалокат пайти машинадан ташқарига отилиб кетган бўлса керак, деган фикр билдиришди.

– Балки телефон тармоғидан қўнғироқ қаердан бўлганини аниқлаш мумкин бўлар?

– Суриштирдим. Тармоқда телефон қўнғироқлари тарихи икки ой, узоғи билан уч ой сақланар экан.

– Ундай бўлса, – деди гуруҳ раҳбари би-роз ўйланиб туриб, – Муҳриддиннинг барча ўртоқлари, синфдошлари, таниш-билишларини сўраб қўриш керак. Нима бўлгандаям унинг ҳалокатга учрашдан олдин қаерда бўлгани, кимлар билан учрашганини аниқлаш лозим.

– Тушунарли!

– Дарвоқе, Санжарбек, – бир нарса ёдига тушди шекилли, Фахриддин яна шогирдига мурожаат қилди, – Муҳриддиннинг машинасини топдингизми?

– Ҳозирча йўқ. Зубайданинг айтишича, ҳалокатдан сўнг Тоғаев машинани уйига олиб келмаган. Жойидан кимгадир бериб юборган. Машинанинг ҳозирда кимга тегишли эканлигини аниқлаш мақсадида бугун “ГАИ”га хат бердим...

– Машинанинг янги эгаси уни қаерда, кимга таъмирлатганлигини аниқлаб, яхшилаб гаплашиш лозим. Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, машинанинг техник ҳолати хусусида бирор нарса ёдида қолгандир. Одатда усталар зийрак бўлишади. Кейин улар эски, ишдан чиққан деталларниям ташлаб юбормайди.

– Тушунарли! – Санжарбек жойига ўтирди.

– Муроджон, сизда нима гаплар! – Фахриддин курсдошига юзланди.

– Фахриддин Каримович, экспертлар фожиа юз берган оқшом бирон киши Аноранинг уйига кирганлигини истисно қилмоқда. Дарвоза қулфида ҳеч қандай из, “жароҳат”лар топилмади. Уйнинг деворлари орқали ичкарига тушиш мумкинлиги ҳақидаги фараз ҳам йўққа чиқди. Бугун қўни-қўшнилар билан бирма-бир гаплашиб чиқилди. Деярли ҳеч ким ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарсани сезмаган.

– Нима учун “деярли”?

– Инобат исмли қўшни аёл воқеадан икки кун олдин Анораникига нимадир сўраб чиққан экан. Шунда Анора уникига ҳозиргина бир савдогар аёл шара-бара кўтариб келиб, “уни оласми – буни оласми?” деб бошини қотирганини айтган экан. Ҳозир нима кўп – кўчама-кўча, уйма-уй кезадиган “Аршин молчи”лар кўпайиб кетган. Шу сабабли бунга унчалик аҳамият бермагандим. Лекин бошқа қўни-қўшнилардан сўраб, савдогар хотиннинг уларникига кирмаганини билгач, сал ўйланиб қолдим.

– Яна аёл кишими? – деди Фахриддин қўлидаги қалам билан столни тақиллатиб. – Буни текшириб

кўришга тўғри келади. Балки у ҳақиқатан ҳам савдогардир. Балки қурбонининг шарт-шароитини ўрганишга келган қотил, ҳеч бўлмаганда унинг гумантасидир. Ўша кўча, ён атрофдаги кўчаларда яшайдиганлардан ҳам сўраб кўриш керак. У хотин савдогар бўлса, яна қайсидир уйга кирган бўлиши, уни кимдир таниши керак. Мабодо аёл бошқа бирорта уйга кирмаган бўлса, уни савдогар деб бўлмайди. У ҳолда бу масалага чуқурроқ ёндашишга тўғри келади. Ҳа, дарвоқе, газ плитасининг техник ҳолати бўйича экспертлар хулосаси олиними?

– Олдик. Газ плитасида носозликлар аниқланмаган.

– Газ плитасининг тармоққа уланиши, “ГРП” ҳолати бўйича мутахассислар қандай фикрда?

– Ёдингизда бўлса газ плитаси тармоққа темир трубада эмас, резина шланг орқали уланган эди. Ўша шлангнинг “ГРП”га яқин ҳовлидан ташқаридаги қисмида букланган жойи борлиги аниқланган. Аммо бу из шланг ўрнатилишидан олдин пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин... Экспертлар хулосаси эрта-индин тайёр бўлиб қолади.

– Демак, кимдир атайлаб газ шлангини қағириб, газ келишини вақтинча тўхтатиб, кейин эчиб юборган бўлиши мумкин! – деди Фахриддин. Хона бўйлаб юришдан тўхтамай. – Агар бу фарздингиз тасдиқланса... ишимизда туб бурилиш юз берган бўларди... Шунинг учун анави савдогар аёл билан, газ шланги билан қаттиқроқ шуғулланишга тўғри келади. Биздан нима ёрдам бўлса, айтаверасиз!

– Раҳмат, Фахриддин Каримович! Ҳаммаси тушунарли!

– Унда ҳамма ишга! Эртага кечда учрашамиз...

Санжарбек ахтара-ахтара Муҳриддиннинг машинасини сотиб олган одамни топди.

– Қурбон ака, Зуҳриддин Тоғаевни танирмидингиз?

– Ие, нега танимас эканман, раҳматлини яхши танирдим. Илгари “дом”да қўшни турганмиз. Валамат йигит эди-да раҳматли!

– У кишининг ўғли – Муҳриддинга тегишли “Нексия”ни сиз сотиб олган экансиз?

– Тўғри. Ўғлининг таъзиясига боргандим. “Қурбон ака, Муҳриддиннинг машинасини сиз олинг, олд қисмининг дабдаласи чиққан бўлса-да, ўзи яп-янги машина, таъмирлаб миниб юрасиз” деб қолди. Мен қанча бўлади, ҳозир машина олишга чоғим йўқ десам, “от билан туя бўлармиди, топганингизда ўзингиз кўнглидан чиқариб бирор нарса берарсиз” деди. Хотиннинг “одам нобуд бўлган машинани олмайсиз!” деган дод-войига қарамасдан машинани “ГАИ”нинг олдидан тўғри устaxonага олиб бордим...

– Ҳўш кейин-чи?

– Кейин... уста бир ойларда яхшилаб ўхшатиб берди. Ҳозир ўғлим маза қилиб миниб юрибди, бир жойига тиф теггизгани йўқ. Ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ... техникада нима айб!

– Машинани қайси устага олиб борган эдингиз? Ҳозир ҳам ишлайдими?

– Кўчамизнинг бошидаги устaxonада! У ерда қайним – Қўчқорбой ишлайди, яхши уста.

– Ҳозир ишдамикан?

– Ишда бўлмай, қаерда бўларди!

– Мени у кишининг олдига олиб бора оласизми?

– Жоним билан! Кетдикми? – Қурбон ака ўрнидан қўзғалди. – Ука, ўзи нима гап? Тинчликми? Ё... машина ўғирланган эканми?

– Йўғ-е! Тинчлик, тинчлик. Бир-икки нарсага ойдинлик киритиб олишимиз керак.

– Тинчлик бўлса, бўгани! Ишқилиб, машинани тортиб опқўймайсизларми? Камбағалнинг оғзи ошга етганда, боши тошга тегмасин дейман-да!

– Хавотир олманг, бошингиз тошга тегмайди! – деди Санжарбек мийиғида кулиб.

– Хафа бўлмайсиз ука, прокурорларни кўрса одамнинг калласига ҳар хил фикр келади-да!

Қурбон ака Санжарбекни кўчанинг муйилишидаги устахонага бошлаб борди.

– Ишда экан, ана машинаси!

Ичкарига киришди. Одам товушини эшитиб, қора рангли “Жигули”нинг остидаги ўрадан 30 – 35 ёшлардаги йигит чиқиб келди:

– Ие, ассалому алайкум, почча яхшимисиз!

– Қўчқорбой ўзинг яхшимисан, келин, болаларинг.... яхшими? Бу киши прокуратурадан, сенда иши бор экан...

– Менда! – уста бир поччасига, бир терговчига ялтоқланиб турган жойида қотиб қолди.

– Қўчқор ака, – Санжарбек устани ноқулзай аҳволдан қутқариш учун мақсадга кўчди, – кўп вақтингизни олмайман. Бир-икки саволимизга жавоб берсангиз... Қурбон ака олган авария ҳолатидаги “Нексия”ни сиз таъмирлаган экансиз...

– Нима, ўғирланган эканми?

– Йўқ, йўқ! Ҳаммаси жойида. Фақат айём нарсаларга аниқлик киритиш керак бўлиб қолди. Сизга олиб келганда, машинанинг ҳолати қанақа эди?

– Машина катта тезликда тракторга бориб урилган экан. Олд томони пачақланиб, мотор кабинагача кириб кетган. Тўқнашув зарбидан машинанинг олд филдираклари жойидан узилиб тушган...

– Трактор йўлнинг чеккасидан кетаётган бўлган. “Нексия” катта тезликда унга бориб урилган...

Тракторчининг айтишича, машина унга яқин қолганда, қаттиқ чийиллаган тормоз овози эшитилган. Автоҳалокат баённомасида ҳам машинанинг тормоз йўлида узилиш борлиги қайд қилинган. Гўё ҳайдовчи тормозни бир босиб, кейин қўйиб юборгандай... Сиз машинани таъмирлаш учун очган пайтингизда шу ҳолатларга изоҳ бериши мумкин бўлган ҳолат эътиборингизга ташланмадими?

– Сизни тушундим! – Қўчқорбой бирдан дадилланди. – Мендан нимани сўрамоқчи эканингизни англагандай бўлаяпман...

– Хўш, хўш!

– Ўзим ҳам ҳайрон бўлгандим-а! Биласизми, ўша куни машинанинг яроқли қисмларини ечиб олаётиб, олд томон тўрмиз шланглари диққатимни тортди. Хаёлимда шлангларнинг устидаги мустаҳкам иппи ўткир нарса билан бир текисда кесилгандай эди. Яп-янги машина! Қандай қилиб... Кимдир атайлаб иппи кесиб қўйганмикан деган фикр бошимга уриди...

– Балки тўқнашув пайти узилгандир?

– Йўғ-е! Зарбани машинанинг олд қисми олади. Шланг ичкарида хавфсиз жойда бўлгани учун унга зарба таъсир қилмайди. Зарба етиб борган тақдирдаям шланг кесилиб кетиши мумкин, аммо устидаги иппи бунақа текис қилиб қирқилиши мумкин эмас. Мен биламан-ку!

– Балки, қаттиқ тормоз берилганда, босим кучидан ёрилиб кетгандир?

– Нима деяпсиз! Шлангнинг устидаги иппи мустаҳкам бўлади. Тўрмиз берганда ёрилиб кетиши мумкин эмас. Агар иппи кесиб ташланса, резина шланг босим кучидан тешилиб кетиши мумкин.

– Бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганмидингиз?

– Кимга айтаман!

– Гумонингизни бирор киши билан ўртоқлашмаганмидингиз демоқчиман.

– Йўқ. Лекин хаёлимда бир кун келиб, кимдир бу масалани суриштириб келадигандай туюлганди... Шунинг учун бояги шлангларни бир жойга ташаб қўйгандим.

– Ростданми? – Санжарбекнинг қувончдан кўзлари чақнаб кетди. – Бор бўлинг-э! Улар қаерда?

– Ҳозир! – Қўчқорбой ичкаридаги хонага кириб кетди. Сал ўтмай қўлида иккита шлангни кўтариб чиқиб келди. – Мана улар! Қаранг, бу жойининг иплари пичоқ билан бир текисда кесилган. Кейин шлангнинг яланғоч қолган қисми бирдан тўрмиз босилганда босим кучига чидай олмай ёрилиб кетган.

Санжарбек шлангларни қўлига олиб, айлантириб кўздан кечирав экан, устанинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилди. Иккала шлангнинг ҳам ўрта қисмидаги ипи бир текис қирқилган, очиқ қолган резина қисми эса нотекис ёрилган эди...

* * *

Муроджон трасология экспертизаси хулосасини ўқиб, ҳангу манг бўлиб қолди. Хулосада татқиқданишича, экспертиза учун тақдим этилган газ шлангини кимдир газ оқими тўхтайдиган даражада буккан. Иш қўлқоп ёки бошқа биро юмшоқ материалдан фойдаланиб бажарилганлиги туфайли шлангда бармоқ излари қолмаган. Ичканининг шлангда пайдо бўлиш муддати чамаси 5 – 7 кун оралиғида... Демак, Анора ва унинг икки норасидасининг ўлими бахтсиз ҳодиса эмас, ҚОТИЛЛИК!!! Аёл киши майли, ким биландир жанжаллашган, низолашган, қасдлашгандир. Кимгадир ёмонлик қилиб, унинг товонини тўлагандир. Лекин болаларнинг айби нима? Уларни ўлдириш кимга керак бўлса? Йўқ, йўқ, гап бу ерда Анорадаям эмас. Гап

банкирда! Ҳа, ҳа, Зухриддин Тоғаевда! Қасос ўтида ёнаётган қотил Зухриддинни ўлдириб ҳам кўнгли таскин топмаётган кўринади. Аламидан чиқиш учун Тоғаевларни таг-томири, уруғи билан қуриштиш пайига тушган... Бундан чиқди Муҳриддиннинг ҳалокатиям, Гулдонанинг ўлимиям олдиндан пухта ўйланган ягона режанинг ажралмас қисми экан-да! Қотил ўлгурнинг маккорлигини қаранг. Ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйган, ҳаммасини кўра билган. Ишни устамонлик билан пухта ва аниқ бажарган. Усулларнинг турли-туманлигини айтмайсизми?! Манаман деган изқуварнинг ҳам хаёлига келмайдиган ишлар. Булар ичида Гулдонанинг касалликдан ўлгани ҳақиқат бўлса бордир. Буниям охиригача текшириб кўриш керак. Қолгани – бир жиноятнинг мантиқий давоми... Яхшиям бахтимизга раҳбарлар шу Фаҳриддин Каримовични юборган экан. Акс ҳолда ҳозир Зухриддин Тоғаевнинг иши боши берк кўчага кириб қолган ёки ошиб борганда анави жинни қотилликда айбланиб, иши судга оширилган, қолган ишлар бўйича ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолган бўларди. Шунини айтсалар керакда “Бешикдан қабргача илм изла” деб. Ундан кўп нарсани ўрганса бўлади. Айниқса сабр-бардош борасида ўрнак олса арзийди. Терговчининг ишида бошқа хислатлар қаторида ана шу хислат жуда асқатади-да!

Телефоннинг қаттиқ жиринглаши Муроджоннинг хаёлини бўлиб юборди. Таниш рақамни кўриб, ўзича пичирлади: “Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади-я”. Нариги тарафдан Фаҳриддиннинг овози эшитилди:

– Муроджон, яхшимисиз? Нима бўлди, хулоса тайёрмикан?

– Фаҳриддин Каримович, хулосани олдим, қайтаяпман.

– Нима гаплар?

– Хавотирингиз бежизга эмас экан. Газ шланги бир ҳафта оралигида қўлда газ ўтмайдиган даражада қайрилиб, мажбуран букилганлиги тасдиғини топаяпти. Аммо бармоқ излари қолмаган. Жиноятчи қўлига қўлқоп кийиб ёки бирор нарса ёрдамида шлангни қайирган. Бу иш бахтсиз ҳодиса эмас, қотилликка ўхшайди...

– Тушунарли, яхши етиб келинг! Биздаям янгиликлар бор! Келганингизда батафсил гаплашамиз.

Муроджон вилоят прокуратурасига келгунча Фахриддин айтган “янгиликлар” ҳақида ўйлаб келди: “Яна қанақа янгилик! Наҳотки, қотил топилган бўлса! Ёки гап у тайёрлаган навбатдаги “сюрприз” тўғрисида кетаяптими? Бу сирли қотил тагин бир балони бошламаган бўлса гўрғайди! Товба қилдим, товба!”

Тергов гуруҳи учун ажратилган хонага кириб келганида Фахриддин Каримович бир неча гуруҳ аъзолари билан гаплашиб турарди.

– Ана, ўзлариям келди, – деди гуруҳ раҳбари Муроджоннинг олдига пешвоз чиқиб. – Экспертиза хулосасини беринг-чи!

Муроджон қўлидаги папкадан ҳужжатни чиқариб, раҳбарга узатди. Фахриддин жойига утириб, уни диққат билан ўқиб чиқди.

– Шланг букланган жойга яқин ерларда оёқ излари топилганмиди?

– Орада икки-уч бор ёмғир, қор аралаш ёққан. Ер ниҳоятда юмшоқ бўлганлиги сабабли оёқ излари ювилиб кетган экан. Яроқли изларни экспертиза учун олишнинг имкони бўлмади.

– “Савдогар” хотин бошқа хонадонларга кирмаганми?

– Шу атрофдаги барча уйлارга кириб чиқдик, – ҳисобот берди Муроджон. – Яқин ўртада ҳеч ким-

никига хотин киши мол кўтариб келмаган. Менимча, бу хотин...

– Демак, қотил уй ичидаги шарт-шароитни олдиндан билган. Хонадоннинг резина шлангда газдан фойдаланиши, оила аъзоларининг ошхонада – газ плитаси турадиган хонада ётиши унга олдиндан маълум бўлган.

– Бундан чиқди анави “савдогар” аёл “разведка”га келган экан-да! Вой муғамбир-эй! – Санжарбек ўзини тутиб туролмади. – Вой аблаҳ-эй!

– Ҳа, ўлманг! – устоз шогирдининг гапини маъқулади. – У маккор хотин савдогар ниқобида Аноранинг уйига келиб, у ердаги шароитни ўз кўзи билан кўрган ва пухта режа тузган. Режанинг бош мақсади Анорани ва унинг болаларини ўлдириш ва қотиликни бахтсиз ҳодиса сифатида хаспўшлаб, жиний жавобгарликдан қутулиб қолишдан иборат бўлган. Энг ёмони, қотил ўз ишини беҳато бажариб, мақсадига осонлик билан эриша олган. Мабодо қўлимизда Зухриддин Тоғаевнинг ўлими билан боғлиқ жиноят иши бўлмаганида, маҳаллий терговчилар воқеани бахтсиз ҳодиса сифатида баҳолаб, ишни ёпти-ёпти қилиб юборишлари тайин эди.

– Жуда ишончли саҳналаштирилган томоша! – деди Санжарбек таажжубини яширолмай. – Инсон зотининг калласига келмайдиган ишлар! Қойил қолмай иложинг йўқ! Тагин Жиззахдай чекка бир жойда-я! Олдин бунақа ишлар катта-катта шаҳарларда содир бўлади деб ўйлардик...

– Ҳа шунақа! – Муроджон гап қўшди. – Шаҳар бўлсин, қишлоқ бўлсин замон ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда! Бизни шохиди қолдириб, ўзларини баргида деб ҳис қилувчи шоввозлар кўпайиб бормоқда.

– Ўтиборларинг учун, бу сафар йўлиққанимиз одам эмас, нақ шайтоннинг ўзгинасига ўхшайди!

– деди Фахриддин деразадан кўзини узмай. – Дарвоқе Муроджон, сизни ҳали яна бир янгиликдан хабардор қилмадим. Муҳриддин Тоғаевнинг автохалокатиям бахтсиз ҳодиса эмас, қотиллик бўлиб чиқаяпти.

– Йўғ-е! Ростданми?

– Шунақа! Кимдир “Нексия”нинг тормоз шлангининг устки қисмидаги мустаҳкам ипини қирқиб қўйган. Қаттиқ тормоз берилганда шлангнинг резина қисми босимга чидаёлмай ёрилиб кетган. Шу сабабли машина катта тезликда бориб тракторга урилган. Қотил ҳаммасини олдиндан режалаштириб, ишини беҳато ва тўқис бажарган.

– Демак, қотил бутун бошли оилани кунпаякун қилишга...

– Ҳа, ҳа! Қотилнинг мақсади Тоғаевлар оиласини батамом йўқотиш бўлган, – таъкидлади Фахриддин. – Олдин ўғлини, кейин ўзини йўқ қилган. Бунга ҳам қониқмасдан орадан шунча вақт ўтиб, қизини, неваралари билан бирга нариги дунёга равона қилган. Ҳайронман, қандай сабаб уни шунчалик қаҳр-ғазабга тўлдирган? Тоғаев кимнинг арпасини хом ўрган бўлса! Оддий бир ўанк раҳбари қайси қилган қилмишлари учун гунчалик товон тўлашга мажбур бўлган! Жиноятнинг мотиви нима бўлиши мумкин?

– Менимча, – Санжарбек фикрини баён қилишга киришди, – бу ерда гап инсоннинг оқ-номуси ҳақида кетаётганга ўхшайди. Ёки кимнингдир кўзи қонга тўлиб, қасос ўтида ёнмоқда. Лекин мен бошқа нарсага тушунолмаяман. Тоғаев бирортасини ўлдирган бўлса, ҳаёти билан жавоб берди. Унинг яқинларини ўлдиришдан не маъни? Ахир у бутун бир оилани ўлдиртириб юбормагандир.

– Балки бу бирорта одамхўр – маньякнинг ишидир. – Муроджон бир оз журъатсизлик билан гап

бошлади. – Бунақа одамлар биров билан қасдлашса, йўқ қилмай қўймайди. Анави хотин унинг ҳамтовоғи, жиноий шериги бўлса керак!

– Тўғри, икки жойда ишга аёл киши қўшилиб қолгандай туюлмоқда. Аммо уларнинг масалага дахлдорлиги шунчаки тасодиф ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун диққатни фақат аёл кишига қаратмасдан масалага кенгроқ ёндашиш талаб этилади. Ҳа айтгандай, – раҳбар соатига бир қараб олиб, давом этди. – Зухриддиннинг аёли – Гулдонанинг ўлими масаласидаям юрагимда қандайдир шубҳа пайдо бўлди. Тўғри, касаллик тарихи ва бошқа мавжуд ҳужжатлардан Гулдона табиий ўлим топгандек кўринади. Менимча, шунча ишни ими-жимида бенуқсон эплаган қотил бу ердаям бирор “ўйин” кўрсатган бўлса ажабмас.

– Нима, эксгумация қилишни таклиф қила-япсизми? – деди Муроджон ҳайрон бўлиб. – Шунча вақтдан кейин...

– Тўғри, орадан анча вақт ўтган. Лекин масала жиддий. Гап яна бир қотиллик тўғрисида бо-раётган бўлиши мумкин. Бир кун келиб қотилни қўлга олиб, жазога тортган тақдиримиздаям, Гулдонанинг ўлими масаласи очиқ қолиб кетса, қилган барча ишимиз чиппакка чиқади. Бу ишни ҳеч ким қайта кўтармагандаям бир умр виждонимиз қийналиб юради.

– Олдин экспертлар билан бир гаплашиб кўришимиз керак-ов! – билафонлик қилди Санжарбек. – Эксгумация бизга бирон нарса берармикан? Шунча вақт ўтиб кетган бўлса... ўлим сабабини аниқлаш имкони бўлармикан демоқчиман-да!

– Албатта! Олдин медэкспертлар билан маслаҳатлашамиз. Агар улар ҳозир ҳам бизни қизиқтираётган масалаларга аниқлик киритиш имкони бор дейишса, ишни бошлаймиз. Йўқ дейишса, илож

қанча! Ҳозир техника ривожланиб кетган. Менимча, ҳали вақтни бой берганимизча йўқ. Амалиётимда бир-икки ой ичида эксгумация қилиш ҳоллари учраган. Лекин икки-уч йилдан кейин эксгумация қилишга тўғри келмаганди.

– Менимча, ҳали ўлим сабабларини аниқласа бўлади, – деди Муроджон тажрибасига таяниб. – Бир неча йил олдин бир жиноят иши бўйича орадан икки йил ўтиб, эксгумация қилишга тўғри келганди. Экспертиза таҳлили мурдада қотиллик аломатларини аниқламаган бўлса-да, жабрланувчиларнинг ваз-қорсонларига жавоб бериш имконини берганди.

– Яхши! – Фахриддин қоғозга ниманидир ёзишга тушди. – Ҳўш, элакни сувдан кўтарадиган бўлсак – иш бўйича қўлимизда нималар бор, нималарга эгамизу, яна нималар қилишимиз лозим. Биринчидан, Толмас йўналиши бўйича ишларни охирига етказиб қўйишимиз керак. Бошқа масалаларга ўралашиб қолиб, бу соҳадаги ишлар сал эътиборимиздан четда қолди. Ҳозирча Толмас гумондорлар сафидан чиқарилмаган, унутмайлик. Бу масала билан ўзим шуғулланаман. Иккинчидан, Холматбой йўналиши бўйича ишларимиз ўлда-жўлда ётибди. Анави хатнинг ҳам ким томонидан, нима мақсадда, кимга эзилгани аниқланмади. Бу борадаги ишларнинг давом эттириш лозим. Қўлимиздаги асосий далил – қалишнинг эгасиям номаълумлигича қолмоқда. Оёқ кийимининг Холматбойга тегишли эканини исботлаш имкони бўлмаса, унинг қандай қилиб бу одамнинг уйига келиб қолганини ойдинлаштиришимиз керак. Бу йўналишдаги ишларга Санжарбек шахсан ўзингиз етакчилик қиласиз. Шунингдек, Муҳриддин Тоғаевнинг автоҳалокати йўналиши бўйича ишларни охирига етказишни сизга топшира-

ман. Қандай бўлмасин Муҳриддиннинг ҳалоқат олдидан қаерда, кимлар билан бирга бўлганини аниқлаш лозим. Кейинги масала: Гулдона Тоғаеванинг касаллиги, ўлими, эксгумация йўналиши бўйича ўзим шугулланаман. Анора ва унинг болаларининг ўлими масаласи бўйича Муроджон, сиз ишларни жадаллаштиришингизга тўғри келади. “Савдогар” аёл ҳақиқатда “разведка”га келган қотилми ёки бу шунчаки тасодифми, аввало шуни аниқлаш шарт... Сизларни асосий ишдан чалғитмаслик мақсадида Гулжамол, Озод, Рўзибой масаласини ҳам ўз назоратимга оламан... Умуман, тергов қилаётган ишимиз бўйича қотил ёки унинг фаол иштирокчиларидан бири аёл киши бўлиши мумкинлигидан далолат берувчи бир нечта асосларимиз бор. Улар: Зоминдаги қабрдан калиш изларининг топилиши ҳамда ўша оёқ кийимининг Холматбойникидан чиқиши, қабристон деворидан ошиб ўтиш жойида аёл кишига тегишли устбош толасининг топилиши, воқеа жойи атрофида қандайдир “тиланчи” аёлнинг пайдо бўлиши, ва ниҳоят, Аноранинг уйига қандайдир “савдогар” ниқобидаги хотиннинг келиши. Бу ҳолатларни ёддан чиқармаган ҳолда фақат шу тахминга ёпишиб олмаслигимиз зарур. Эсингизда бўлсин бизга ойу кундай равшан бўлиб туюлаётган бу воқеликлар шунчаки тасодиф бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас. Тергов қилаётган ишимизнинг бир яхши, бир ёмон томони бор. Ёмони шундан иборатки, биз фавқулодда ақлли, пухта, тадбирли ва ичидан пишган жиноятчи билан “жанг” олиб боришимизга тўғри келмоқда. Яхши томони – шунча қотилликни бирдан очиш имконимиз борлиги. Бир жойда унинг изига тушсак, бошқа қотилликларнинг очилиши ўз-ўзидан рўй беради...

Фахриддин Каримович Санкт-Петербург шаҳар прокуратурасидан алоҳида топшириққа олинган жавоб билан яна бир бор танишиб чиқар экан, Толмас ва унинг ўртоқларининг гувоҳ сифатида берган кўрсатмалари жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга мувофиқ келишига амин бўлди. Бундан ташқари, бу йигитларга иш жойидан ижобий тавсифнома берилган. Уларнинг хатти-ҳаракатларида қонунбузарлик аломатлари, жиноий ва бошқа ноахлоқий оқимларга мойиллиги сезилмаган. Қолаверса, Муҳриддин автоҳалокатга учраган, Анора болалари билан газдан заҳарланиб ўлган даврда Толмас ва унинг шериклари Ўзбекистонда бўлмаган.

Шуларни ҳаёлидан ўтказган Фахриддин қўлидаги қоғозда катта-катта ҳарфлар билан ёзилган “Қотиллик Толмас ва унинг ўртоқлари томонидан содир этилган” деган тахмин устидан чизиқ тортди.

Сўнг “қотиллик Гулжамол, унинг собиқ эри Рўзибой ёки синфдоши Озод томонидан содир этилган” деган тахминга диққатини қаратиб, узоқ ўйланиб қолди: Зуҳриддин Тоғаевнинг ўлимида уларни айблаш учун асос бўлиши мумкин. Лекин аввал Муҳриддинни, кейин тергов кетаётган бир пайтда Анорани оиласи билан қириб юбоғ иш учун уларда нима асос бўлиши мумкин? Йўқ, йўқ! Бир одамнинг ўлимида гумон тушиб турган пайтда бошқасини ўлдириш уларнинг қўлидан келмайди. Бундан ташқари, Холматбойнинг қўшнисини “тиланчи аёллар” ичидан Гулжамолни таниб ололмади. Шу сабабли ҳозирча бу тахминни асосий тахминлар рўйхатидан ўчириб ташламасак-да, чеккароққа қўйиб туришга тўғри келади.

Агарда мушоҳадаларимиз тўғри чиқиб, Муҳриддиннинг фожиали ўлими ва Анора ҳамда унинг

фарзандларининг аянчли ҳалокати бўйича жиноят ишлари асосий ишга қўшиладиган бўлса, гумондорлар доираси анчагина қисқарган бўларди. Мабодо бунга Зухриддиннинг хотини – Гулдонанинг ўлими факти ҳам қўшиладиган бўлса, қотилликда гумондорлар доираси ҳам, тахминлар чегараси ҳам сезиларли торайган бўларди...

Майли, ҳозирча масалага учта қотиллик нуқтаи назаридан ёндашиб турайлик. Зухриддинни ва унинг фарзандларини йўқ қилишдан ким манфаатдор бўлиши мумкин? Аноранинг эри – Шарифми? Нима учун? Меросга эга бўлиш учунми? Қанақа мерос? Зухриддиннинг уйими? Бу уйга эга бўлиш учун Шарифга бирор кишини ўлдириш шарт эмасди! Шундоғам уй қонуний ворислик бўйича уларга ўтарди. Ёки Зухриддиннинг терговга маълум бўлмаган яна бошқа мол-мулки, олтин-гавҳари бўлганми? Йўқ, йўқ! Ёпишмаяпти. Бойликка эга бўлиш учун шунча узоқ йиллик режа тузиб, шунча одамни жувонмарг қилиш – ақлга сифмайдиган иш. Унда нима? Интиқомми? Майли, қотил ўч олишни кўзлаган ҳам дейлик. Балки Зухриддин кимнингдир мушугини пишт деб, жаҳлига теккан ёки “онасини ўлдирган” ҳам дейлик. Бунда қасоскор Зухриддиннинг танобини тортиб қўйиши етарли эмасми? Ахир у кимгадир ёмонлик қилганда ёнида ўғлини, қизини, невараларини ёрдамга олиб бормагандир! Ёки Зухриддин бутун бошли оилани йўқ қилганмикан? Оиланинг ягона тирик қолган аъзоси “қонга – қон, жонга – жон!” қондасидан келиб чиқиб, ўч олиш учун шундай йўлни танлаганмикан? Йўқ! Бу тахмин ҳам унчалик чиқмаяпти. Тоғаев шунча одамни ўлдириб, бемалол раҳбар бўлиб ишлаб юриши эҳтимолдан анча йироқ. Балки у қандайдир йўللар билан бунга эришган бўлса-чи! Анави хатдаги таҳдид унинг

шу сирини ошкор қилиш хусусида эмасмикан? Бу сирдан кимдир воқиф бўлиб, таъмагирлик қилиб юрган бўлиши мумкин. Хат муаллифини топсак кўп нарсалар ойдинлашган бўларди...

Эшик тақиллаб, рухсат жавобини ҳам кутмасдан хонага Санжарбек кириб келди:

– Устоз, тормоз шланги бўйича экспертиза хулосаси тайёр бўлган экан, олиб келдим! Гумонимиз тўғри чиқди. Шлангнинг устки қисмидаги иплари ўткир жисм билан атайлаб кесилганлиги тасдиқланди.

Фахриддин шогирдининг қўлидан хулосани олиб, диққат билан танишиб чиқди:

– Ҳммм! Демак, ўткир жисм билан атайлаб кесилган... Яна нима гаплар?

– Муҳриддиннинг барча таниш-билишлари, синфдошлари, қўни-қўшнилари билан гаплашиб чиқаяпмиз. Натижа чиқмаяпти... Ҳеч ким кўрмаган... Зубайда “уйга кирмади” деб турибди. Мутал эса “уйига кирган бўлса керак” деяпти. Лекин у ўртоғи билан хайрлашиб, ўз уйига кириб кетган. Менимча, Пахтакор томонда яшайдиган бирор-та таниши унга қўнғироқ қилиб, етиб келишини илтимос қилган. Бу нусха Муҳриддиннинг “гаплашиб” юрган қизи бўлиши ҳам мумкин. Одам маст бўлганда биласиз, ҳирси қўзғаб қолади...

– Йўғ-е! – Фахриддин жилмайди. – Ростданми?

– Рост-да! Йигит киши... ярим тунда Пахтакорга тулки овлаш учун бормади-ку!

– Ҳўш, ўша “қиз” тўғрисида бирор маълумот топа олдингизми? Ёки ҳаммаси шунчаки...

– Устоз, ўзингиз айтгандай олдин гоё туғилади. Сўнг унинг ижобати...

– Ғоянинг дунёга келиши учун ҳам қандайдир асослар мавжуд бўлиши ҳақидаги гапларимиз ха-

ёлларидан сал фаромуш бўлган кўринади муҳтарам шогирдимизнинг!

Кулишди.

– Пахтакор шахрига тезкор ходимлардан бир гуруҳини юбордим. – Санжарбек жиддийлашди. – Муҳриддиннинг расмини ва машинасининг давлат рақамини битта-яримтасига кўрсатишсин-чи, кўрдим дегани топилиб қолар.

– Яхши! Лекин бундан иш чиқишига кўзим етмайди... Орадан шунча вақт ўтиб кетган бўлса!

– Иш чиқмаслигининг ўзиям – натижа! – деди Санжарбек тиржайиб.

– Қойил! Ўз нақлим билан ўзимни ясаётсиз-а! Дарвоқе, эксгумация эртага тайинланган эдими?

– Ҳа, эртага соат ўнга.

– Яхши! Тагин сизга нимадир демоқчийдим... ҳаёлимдан кўтарилиб турибди... Ҳа, Муҳриддиннинг машинасига қараб турадиган устаси бўлганмикин?

– Ҳа, устани топдим. У бир-икки марта машинанинг мойини алмаштирган экан. “Нексия” янги бўлганлиги боис унинг бошқа эҳтиёт қисмларига эътибор қилмаган экан. Хуллас, ундан бирор фойдали маълумот олиб бўлмади.

– Энди нима қилмоқчисиз?

– Нима қилардик, изланишда давом этамиз-да! Муҳриддиннинг таниш-билишларини сўраб-суриштирамиз. Ўша куни икки соат осмонга чиқиб кетмагандир ахир. Қаергадир борган бўлса, кимдир кўриши керак-ку!

– Қаранг-да! Ишқилиб бошқа ишларга чалғиб кетмасангиз бас... Қотил учига чиққан муғамбир кўринади. Чалғитишда устаси фаранг чиқиб қолди. Эҳтиёт бўлишимиз керак. У қандай бўлмасин бизни Зумрадни адаштиргандай адаштириб кетмоқчи...

– Қани эди олдимиздан саховатли кампир чиқиб, сирли сандиғини берақолса!

Кулишиб, бир оз енгил тортишди.

– Устоз, ўзингизда, Муроджон акамда нима гаплар? – сўради Санжарбек.

– Деярли янгилик йўқ. Муроджон билан телефонда гаплашиб турибман. “Савдогар” хотинни Пахтакордан Жиззахга олиб борган такси ҳайдовчисини топибди. Унинг айтишича, аёл таксига бошқа йўловчини миндирмасликни илтимос қилибди ва Жиззахда “Кўк бозор” ёнида сўралган пулни бериб, тушиб қолибди. Манзилга етиб келгунча бир оғиз ҳам гапирмаган. Шофёр “ҳозир ўша аёлни кўчада кўрсам, танимайман, бир кунда машинамга қанча одам ўтиради!” депти.

– Бозорда тушиб қолгани чакки бўлибди-да! Уйига яқин жойда тушганда, гумонланувчилар доираси анчагина қисқарган бўларди. Бизда “Кўк бозор”га яқин жойда яшайдиганлардан кимлар ўтмоқда, шуни текшириб кўришимиз лозим экан-да!

– Манзили бўйича қараб кўрдик, афсуски, ишимиз бўйича ўша атрофдан ҳеч ким ўтмаётган экан.

– Бирон хос белгиси ёдида қолганмикан?

– Юзида нўхатдек холи бор экан. Боғиқа ҳеч нарсани эслаб қололмаган.

– Ҳар тугул холини эслаб қолибди-ку! Хол юзининг қайси тарафида экан?

– Буниям аниқ айтолмади.

– Балки таксичи билан бирор нарса хусусида гаплашгандир?

– Йўқ-да! Ҳайдовчи бир-икки гап отиб кўрибди. Лекин аёлдан садо чиқмапти. Фақат икки-уч марта телефонда кимлар биландир гаплашибди...

– Шунақами?! Унда ростданам савдогармикин-а! – деди Санжарбек бир оз ўйга толиб. – “Қо-

тиликка алоқаси йўқ” денг... Балки буям бизни чалғитиш учун қилинаётган бир “ўйин” дир!

– Бизнинг таксичини топиб, сўроқ қилишимизни олдиндан кўра билиб, атайлаб ўзини шундай тутган демоқчисиз-да! Йўғ-е, шунчаликка бормас! Бунақаси детектив китобларда, киноларда бўлиши мумкин! Ҳаётда эса... ҳар нарса бўлиши мумкин... Ҳар эҳтимолга қарши иш бўйича ўтаётган барча аёлларни ҳайдовчига таниб олиш учун кўрсатиш керак бўлади...

Кечки пайт жинойт иши бўйича ўтаётган барча аёллар таниб олишга таклиф этилди. Ҳайдовчи ҳар бир хотинга зимдан тикилиб, бир фикрга келолмай талмовсиради:

– Ўзи шулар ичида ўша аёл ростданам борми?

– Сиздан таниб олиш талаб қилинаяпти. Таниган бўлсангиз танидим денг, танимаган бўлсангиз – танимадим.

– Силарга айтгандим-ку “мен аёл кишининг ба-шарасига унақа тикилиб қарамайман” деб. У хотин катта-катта қоп кўтариб юрадиган хотинлар бўлади-ку... шуларга ўхшаб кийиниб олганди-да!

– Ҳўш, кўрганларингиз ичида ўша куни сиз машинангизга миндирган аёл борми, йўқми?

Таксичи иккинчи бор хонада тартиб билан тизилиб турган аёлларни томоша қила бошлади. Ҳар бирининг ёнида ўн-ўн беш сония тўхтаб, бошдан-оёқ разм солди. Сўнг ортга қайрилиб, терговчига елкасини қисди:

– Айтдим-ку, булар ичида йўқ деб! Унинг кийим-мийам бошқача эди-да...

– Сиз кийимига аҳамият берманг! – деди Муроджон кулгидан зўрға ўзини тўхтатиб. – Прокуратурага ўша кунги кийимида келмайди-ку! Сиз юзига, бўй-бастига аҳамият беринг!

– Аёл кишининг юзига ҳа деб қарайвериш ноқулай! Лекин анов 7-рақамдаги аёл бор-ку...

– Хўш, хўш!

– Ўша хотиннинг келбати сал-пал ўхшаб кетаркан! Фақат башарасида холи йўқ...

– 7-рақам! Зубайдами? Эътиборингиз учун у аёл туғма кар-соқов!

– Шунақами? Унда узр.

Муроджон тергов ҳаракатини апил-тапил расмийлаштириб, тўпланганларга рухсат берди.

* * *

Эксгумация натижалари терговчиларнинг гумонлари тўғри эканлигини исботлади. Экспертлар Гулдона Тоғаеванинг ўлимига заҳарланиш сабаб бўлганини аниқлашди. Фахриддин Каримович суд-тиббиёт экспертизаси ўтказган мутахассисларини шахсан ўзи сўроқ қилар экан, хаёлида бундан бир неча йиллар олдин содир бўлган воқеаларни жонлантиришга ҳаракат қиларди:

– Хулосада кўрсатилишича, Тоғаева “маргимуш” билан заҳарланган. Бу заҳарли модданинг хусусиятлари нималардан иборат?

– Энди бунинг йўллари кўп, – тушунтира бошлади эксперт. – Маргимуш, рус тилида мышьяк азотлар гуруҳига кирувчи кимёвий модда. Уни жуда қадим замонлардан одамлар душманини бартараф этиш учун қўлаб келган. Тарихда қанчадан-қанча қироллар, подшою вазирлар шу заҳар ёрдамида ўлдирилган. Шу сабабли маргимушга “ворислар учун кукун” деган ном ҳам беришган. Айрим жойларда у “заҳарлар қироли” номи билан машҳур. Бу кимёвий элементнинг бошқа заҳарли моддалардан “афзал” томони шундаки, биринчидан у – ҳидсиз, рангсиз ва таъмсиз. Овқатга ёки ичимликка қўшиб берилса, қурбон ҳеч нарсани сезмайди. Заҳри қотилни сира ик-

киланмасдан истеъмол қилади. Иккинчидан, бу модда одамни бирдан ўлдириб қўймайди. Танани узоқ муддат давомида аста-секинлик билан емириб боради. Беморнинг танасида заҳарланиш аломатлари, оғриқ кузатилмайди. Аммо унинг мадори қуриб, иштаҳаси сусайиб боради. Энг ёмони, касалликнинг ташқи аломатлари бошқа, жумладан, юрак-қон томир хасталиклари белгиларига ўхшаб кетади. Шу сабабдан фан-техника, тиббиёт ривожланмаган даврларда кишининг маргимушдан заҳарланганлигини аниқлаш имкони бўлмаган, беморга бошқача ташхис қўйилган.

– Маргимуш марҳуманинг танасига қандай йўл билан ўтган бўлиши мумкин?

– Марҳума заҳарни узоқ муддат давомида қабул қилганлигига қараганда унинг овқатига қўшиб берилган.

– Нима, заҳарни марҳуманинг оила аъзолари берган демоқчимисиз? – терговчи саволни беришга бериб, бемулоҳазалик қилганидан хижолат тортди. – Демоқчиманки, заҳарли модда қанча вақт давомида бериб борилган?

– Таҳлилларга қараганда, заҳар кам миқдордан узоқ муддат, камида уч-тўрт ой давомида бериб турилган. Қотил маргимушнинг нафақат заҳарли модда, балки кимёвий модда сифатидаги барча хоссаларини яхши билган кўринади. Агар заҳарли моддадан кўпроқ миқдорда берилса, беморда заҳарланиш аломатлари зоҳир бўлиб, сир ошкор бўлиб қолиши мумкинлигига ҳам ақли етган. Кам-камдан узоқ муддат бериб борилганда беморда юрак-қон томирлари етишмовчилиги хасталиги аломатлари кўзга ташланиб, атрофдагиларда шубҳа уйғотмаслигини ҳам олдиндан кўра билган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, маргимуш билан заҳарлаш асосан оила аъзолари, ўтай

қариндошлар, хизматкорлар томонидан амалга оширилган. Чунки узоқ муддат бегона шахсларнинг хонадон ошхонасига аралашиб юриши, ҳеч кимга сездирмасдан овқатга бирор нарса қўшиб қўйиши эҳтимолдан йироқ.

– Касаллик тарихидан кўринишича, бемор кейинги бир йил ичида шифохонада ётмаган бўлса-да, аммо дўхтирлар уйига келиб уни даволаб келишган. Наҳотки, тажрибали врачлар мижозда заҳарланиш аломатларини сезмаган бўлса?

– Бу табиий. Бемор шифохонага ётқизишиб, қон, сийдик таҳлили амалга оширилганида дўхтирлар албатта беморда заҳарланиш белгиларини топган бўлишарди. Буларсиз ҳар қандай тажрибали врач ҳам адашиши турган гап...

– Қотил маргимушни қаердан олган бўлиши мумкин?

– Маргимуш қишлоқ хўжалиги зарарқунандаларига қарши курашда кўп ишлатилади. Бундан ташқари, у тиббиётда ҳам дори-дармон воситаси сифатида қўлланилади. Билган одам учун уни топиш қийин эмас.

– Маргимуш суюқликка солинганда, айтмаёқлик ўша суюқлик кейинчалик қайнатилса, заҳар ўз кучини сақлаб қоладими? Ёки...

– Тушундим! Суюқликқа қўшилган маргимуш қайнатилган ҳолларда ҳам ўз хоссаларини сақлаб қолади.

Фахриддин яна бир қанча саволлар бериб, айрим масалаларга ойдинлик киритди ва сўроқ баённомасига қўл қўйдириб, экспертга жавоб берди.

Хонада ёлғиз қолгач, бир нуқтага тикилганча чуқур ўйга толди: Гулдонанинг қотили ким? Оила аъзоларидан бири десак, бу Зухриддин ёки Муҳриддин бўлиб чиқади. Ёки Анорами? Лекин уларнинг ҳаммаси бирин-кетин фожиали ўлим то-

пишган-ку! Унда хизматкор аёл... Зубайдами? У Гулдона билан ёнма-ён турганлар орасида ягона тирик жон. Аммо... гунг... одамга шунча инсонни ўлдириш нимага керак? Бойликка эга бўлишми? Меросни қўлга киритишми? Йўқ, йўқ! Шу ҳолига бойлик унга нима керак? Ёки бирортасининг буюртмасини бажардимикан? Балки... маргимушни кимдир озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиб бериб турганмикан? Кўпчилик хонадонлар бир кишидан гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни сотиб олишга одатланишади. Кимдир шундан фойдаланиб... Ким бўлсаям тоза бало экан-да! Тап тортмай каттагина оилани бир бошидан навбатма-навбат қириб чиқса-я! Сабр-бардошини қаранг! Совуққонлигига, у ддабуронлигига қаранг! Ўзини билган кишига бир одамнинг ҳаётига зомин бўлиш қанчалик қийин. Одам ўлдириб, ҳеч нарса кўрмагандай инсонлар ичида юриш-чи... Қотил шунча одамни ўлдириб, қайси юрак билан яшаб, ишлаб юрган экан. У нимадан умидвор? Шунча ишни қилиб қўйиб, жазодан қутулиб қолишданми? У аблаҳнинг мақсади нима? Бутун бошли оилани йўқ қилиб, энди нима қилмоқчи? Тоғаевларнинг уруғиям қолмади. Энди навбат кимга? Бу қотилликларнинг ҳаммаси бир кишининг ёки бир гуруҳнинг иши эканлиги кундай равшан бўлди. Бироқ бир нарсага ҳайрон қоласан киши. Қотил Гулдонани, Муҳриддинни, ва ниҳоят Анорани болалари билан ўлдиришни бахтсиз ҳодисага йўйишга ҳаракат қилган ва маълум маънода бу ишнинг уддасидан чиққан. Бунда у жиноятдан қутулиб қолишни мақсад қилган бўлиши табиий. Бири узоқ давом этган касалликдан, бири автоҳалокатдан, бошқалари газдан заҳарланиб ўлса, қотилни ҳеч ким қидириб ўтирмаслиги тайин. Яна ҳар бир “бахтсиз ҳодиса”ни пухта тайёрлаганини айтмайсизми? Агарда бу жиноят-

ларга Зуҳриддиннинг ўлими нуқтаи назаридан қарамаганимизда улар бахтсиз ҳодисалигича қолаверарди, “ёпирғиҳ қозон”ни очиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди... шу ерда ҳақли савол туғилади: учта қотилликни зўр бериб, “бахтсиз ҳодиса”-га айлантирмоқчи бўлган шоввоз нима сабабдан Зуҳриддинни бунчалик очик, шафқатсизларча ўлдиришга жазм этган? Бу шунчаки тасодифми ёки атайлаб қилинган ишми? Ахир шунчалик уddaбурон, шунчалик пухта экан, жазодан қутулиб қолиш учун Зуҳриддинниям ими-жимиди бахтсиз ҳодисага учрагандай қилиб, ўлдириб юбориши мумкин эмасмиди? Мумкин эди! Унда ўзини хавф-хатарга қўйишдан нима маъни? Ёки изқуварлар билан “мушук-сичқон” ўйнамоқчимиз? Наҳот, оқибатини билмаса! Ё қўлга тушишни хаёлига келтирмаяптими? Бу қандай сирли қотил бўлди? Унга нима керак ўзи! Мақсад – муддаоси нима! У кимнинг ганими! Зуҳриддиннингми? Ё Гулдонанингми? Балки Тоғаевнинг фарзандлари унга бирор ёмонлик қилгандир? Қанақа ёмонлик! Шунча одамни жувонмарг қилиш учун биргина ёмонликнинг ўзи етарли бўлмаса керак! Балки ростданам қотил маньякмикан?

Фахриддин ўрнидан туриб, жавондаги китоблар ичидан бирини қўлга олди ва варақлашга тушди:

– ман...маньяк... мана, уч ва ундан ортиқ кишини ўлдирган қотил. Улар учун қотиллик мотиви ўзларининг бузуқ истакларини қондиришга бўлган руҳий интилишлари бўлади. Улар асосан жинсий майлларини қондириш, моддий манфаат кўриш, нафрат, ўзгалар диққатини тортиш учун жинойтга қўл урадилар...

– Жинсий майлни қондириш... йўқ... – пичирлади терговчи ўз-ўзига. – Моддий манфаат... нафрат

бўлиши мумкин! Ўзгалар диққатини тортиш... буниси ҳақиқатга яқинроққа ўхшайди...

Хаёллар оғушида ўтирган Фахриддин хонага Санжарбекнинг кирганини ҳам сезмай қолди:

– Устоз узр, халақит бермадимми?

– Э-э, келинг, келинг! – Изоҳли луғатдан “маньяк” сўзининг маъносини қараб тургандим.

– Ҳа, маньякниям роса муттаҳамига дуч келганга ўхшаймиз!

– Нима янгилик?

– Янгилик қайда! – деди Санжарбек надомат билан. – Холматбой билан боғлиқ ишларимиз боши берк кўчага кириб қолди. Қўлимизда, анави калишни ҳисобга олмаганда, унинг Зухриддин ва Гулдонанинг ўлимида айбдорлигини тасдиқловчи ҳеч нарса йўқ. Калишнинг Холматбойга тегишли эканлиги ёки бошқа бировлар томонидан уникига ташлаб қўйилганлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Кўрилган барча чора-тадбирлар бесамар кетди. Кўрдим, эшитдим, биламан деган одам йўғ-а! Холматбойнинг Муҳриддин ва Аноранинг ўлимига алоқаси йўқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Муҳриддин ҳалокатга учраган пайтда қишлоқда – укасиникида бўлган, Анора ўлдирилган пайтда, ўзингизга маълум у мажбурий даволанишда эди. Агар бу серияли қотилликлар бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Холматбойни гумондорлар сафидан чиқаришга тўғри келади.

– Шунақами! – кулимсиради устоз. – Адашмасам, жаноблари Холматбойни қотил сифатида қамоққа олмоқчи эдиларми?

– Шуйтиб-шуйтиб пишамиз-да устоз! – деди Санжарбек қизариб.

– Автоҳалокат бўйича нима гаплар? – жиддий тортиб деди Фаҳриддин.

– У томондаям ишлар гўжала! Сўрамаган, гаплашмаган одамимиз қолмади. Аммо Муҳриддиннинг ҳалокатдан олдин бир-бир ярим соат давомида қаерда бўлганлиги, кимлар билан учрашгани мавҳумлигича қолмоқда. Охири Муҳриддин Мутал кетгач, телефонда гаплашиб бўлгандан сўнг уйига кирган ва бир соатча дам олган, кейин кимнингдир қўнғироғи билан яна кўчага чиққан ва Пахтакор томонга юрган, аммо унинг уйга киргани ва чиққанини Зубайда сезмай қолган бўлса керак, деган фикрга келдим. Зубайда билан тагин гаплашдим. У ҳам “ўша куни уй тозалагандим, чарчаб ётиб қолган бўлсам, Муҳриддиннинг уйга келиб-кетганини сезмай қолган бўлсам керак” деган гапни қилди.

– У ҳолда автомашинанинг тормоз шлангини ким кесиб қўйган бўлиши мумкин? Агарда резина олдинроқ кесилганда, тормоз босилганда шланг ёрилиб кетган бўларди. Демак, шланг ҳалокатга яқин кесилган.

– Унақа бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Мутахассислар билан гаплашдим. Уларнинг айтишича, шлангнинг ипи бир-икки кун олдин кесиб қўйилган бўлиши мумкин экан. Негаки, тормоз суяб босилганда шланг ёрилиб кетмаскан. Илкис босилганда шлангнинг очиқ қолган қисми босимга дош беролмай ёрилиб кетаркан. Муҳриддин ўша куни “Нексия”ни ҳайдаб юрган бўлса-да, қаттиқ тормоз бермаган. Пахтакорда катта тезликда кетаётиб, олдиндаги тракторни кўриб, бирдан тормозга ёпишган. Тормоз бир ушлаган, чийиллаган овоз эшитилган, кейин шланг ёрилиб, қўйиб юборган.

– Гапингизда жон бор! Майли шланг икки-уч кун олдин кесилган деб фараз қилайлик. Унда ҳам

масаланинг моҳияти ўзгармайди. Бизга бу ишни қаерда, ким қилганлиги қизиқ! Шунини аниқлашимиз керак! Муҳриддин кейинги икки-уч кун ичида қаерларга борган экан?

– Кўп жойга борган. Ҳозир у ерларнинг барчасини чиғириқдан ўтказаяпмиз. Лекин ўйланиб қолдим. Шланг ўша кунини кесилган бўлиши мумкин-ку! Муҳриддин машинасини ўртоғининг кафеси ёнида қолдириб, анча вақт дўстлари билан базми жамшид қилиб ўтирган. Ўғрибаччалар машинани бир дақиқада очганларидек, устаси фаранглар икки дақиқада тормоз шлангини кесишга улгуриши мумкин. Бу ёғи бор-да!

– У ҳолда гумондорлар доираси янада кенгаяр экан-да! Майли, нима бўлгандаям изланишда давом этамиз.

– Устоз, Гулдонанинг ўлими бўйича нима янгиликлар?

– Асосий ишимизга бу ишнинг қўшилиши ҳаёлимда айбдорлар доирасини бир қадар торайтирадигандай бўлганди. Лекин адашган кўринаман. Агар Зухриддиннинг ўзи, Муҳриддин, Анора тирик бўлганда Гулдонанинг ўлими бўйича анча-мунча нарсаларга ойдинлик киритиб олишимиз мумкин эди. Ҳозир Гулдонанинг ўлимини кимдан кўришга ҳам ҳайронман. Бундай олиб қарайдиган бўлсак, гумондорларнинг биринчи қаторида Зубайда туриши керак. Аммо бу гунг аёлнинг шунақа иш қилишига ишонгнинг келмайди. Тўғрироғи, шу Худонинг қаҳрига учраган аёлнинг бундай мудҳиш жиноятни қилишга қодирлиги ақлга сиғмайди...

– Ўзи қилмаган бўлса, бирортасининг топшириғини бажаргандир!

– Буни ҳали текшириб кўрамиз. Гап шундаки, мутахассисларнинг гапига қараганда заҳар узоқ муддат давомида кам-камдан бериб борилган.

Маргимушнинг ҳиди, ранги бўлмаганлиги сабабли уни озиқ-овқат маҳсулотларига, ичимликларга қўшиб бериш мумкин экан. Ёдингизда борми, Бекободда анави дўхтир қамоқдан чиқиб келиб, терговчини оддий коньякка заҳар қўшиб бериб, ўлдирганди. Бу ерда ҳам қотил заҳарни минерал сувга, сутга, гўштга ва бошқа озиқ-овқатларга қўшиб берган бўлиши мумкин.

– У ҳолда оиланинг бошқа аъзолари ҳам заҳарланмай қолмайди-ку!

– Тўғри фикр юритдингиз! Қотил айнан Гулдона истеъмол қиладиган нарсаларни билган ва шундан фойдаланиб, фақат ўша нарсаларга заҳарни қўшган бўлиши керак...

– Демак, гумондорлар доираси торайгандек туюлгани билан ҳали уларнинг ҳажми анчагина экан-да!

– Шунақа! Эртага Зубайдани сўроқ қилмоқчиман. Ҳозир шунга тайёргарлик кўришим керак. У қўп нарсага ойдинлик киритади, деган умиддман...

– Мурод акамда бирор янгилик борми? – қизиқди Санжарбек.

– Хабарлашиб турибмиз. Ҳозирча пичоққа илинадиган ҳеч гап йўқ. “Савдогар” аёлнинг ғимлиги ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Таксичининг кўрсатмалари ҳам наф бермаяпти.

– Энди нима қиламиз?

– Эндими? Қолган жойидан давом эттирамиз!

– Фахриддин ўрнидан туриб, шогирдига яқин келди. – Боя Тоҳир Ғофурович билан гаплашдим. Тергов муддатини яна бир ойга узайтиришга розилик берди. Кечки пайт гуруҳ аъзоларини йиғиб, навбатдаги қилинадиган ишларни гаплашиб оламиз...

Фахриддин Зубайдани сўроқ қилар экан биринчи навбатда гувоҳнинг ҳуснихатига эътибор қаратди: ёзуви чиройли, деярли беҳато, ҳарфлар дона-дона, жавоблар лўнда ва мантиқли. Демак, мактабда аълога ўқиган. Нега шунча салоҳияти билан бировларнинг оstonасида хизматкорлик қилиб юрибди? Ота-онаси йўқ, болалар уйида тарбияланган бўлса-да, ўқишга кириши, бирорта касбнинг этагини тутиши, кар-соқовлар учун мўлжалланган корхонада ишлаши мумкин эди-ку!

Шуларни ҳаёлидан ўтказган терговчи навбатдаги саволни ёзиб, гувоҳга узатди:

– Гулдона, Зухриддин, Муҳриддин ҳаёт пайти уйда таом пишириш кимнинг зиммасида эди?

Зубайда саволни ўқиб чиқиб, шошилмасдан жавоб ёзишга киришди:

– У пайтларда егуликни асосан Гулдона опанинг ўзи тайёрларди. Мен унга картошка, пиёз, сабзи арчишда, масаллиқларни ҳазирлашда ёрдамлашардим.

– Гулдона кўп касал бўлган экан. Ўша пайтлари овқат тайёрлаш кимнинг зиммасига ўтган?

– Жуда унақа ётиб қоладиган касал бўлмаган. Ётиб қолган ҳоллардаям овқат тайёрлашга турган. Чунки у бу ишни бошқага ишонмасди. “Мен қилай” десам “сенинг қўлинг ширин эмас” дерди. Фақат опа бирор жойга кетганда ошхона менга тегарди.

– Оиланинг овқатланиш режимини айтиб бера оласизми? Эрталаб нима ейишган, тушликда... кечқурун қанақа таомлар истеъмол қилишган?

– Эрталаб асосан сут ичиларди, тухум қоврилари. Тушликда Зухриддин ака уйга келган кунлари овқат қилинарди, бошқа кунлари жилитма

еб қўяверардик. Кечқурун асосан мастава, шўрва, борш тайёрланарди, гоҳ-гоҳида ош, чучвара, хоним ва бошқа ҳазми оғирроқ таомлар пишириларди.

– Гулдона опангизнинг кунлик овқатланиш тартибини батафсилроқ айтиб берсангиз.

– Гулдона опа ҳар куни эрталаб овқатдан олдин бир стакан газсиз сув ичарди. Кейин сутни канда қилмасди. Тушликда, кечда дастурхонга нима қўйилса, сайлаб ўтирмасдан еб кетаверарди. Дўхтирларнинг ёғли овқатларни тақиқлашига қарамасдан унчалик парҳез қилиб ўтирмасди.

– Гулдона ҳар куни ичадиган сув қанақа эди, оддий краннинг сувими ёки дўконда сотиладиган минерал сувми?

– Аниғини билмайман. Ўғли баклашкаларда қўп-қўп олиб келиб ташларди. Менимча, сувни дўкондан олишмасди. Қандайдир булоқ сувими-ди-сй, бўлади-ку анақа шифобахш сувлар...

– Балки сувни дўкондан олиб келишгандир. Нимага асосланиб табиий шифобахш булоқ суви деган хулосага келдингиз?

– Чунки идишлари янгига ўхшамасди, ёрлиқлари баъзида илвираб турарди. Баклашканинг қопқоғиям ҳар хил... Қопқоғи ялтироқ қоғоз билан ўралмаган... бурасанг тез очилиб кетади...

– Гулдона сув ичишни қачон одат қилганди? – навбатдаги саволни ёзиб, узатди терговчи.

– Кейинги икки йил ичида шу одатини канда қилмади. Билмадим кимдан ўрганган, ишқилиб фойдаси тегаяпти деб айтиб қоларди. Бирда-ярим суви тугаб қолса, эригаям, боласигаям бақариб қоларди.

– Сувни қаердан олишарди? Балки бирортаси етказиб бергандир?

– Аниғини билмайман. Ўғли, гоҳида эри машинада олиб келарди. Уларнинг сувни қаердан олиб

келганлиги менга қоронғи. Бунга қизиқиб кўрмаган эканман...

– Сувдан бошқа фақат Гулдонанинг ўзи истеъ-мол қиладиган яна қандай ичимлик ёки егуликлар бор эди?

– Тушунмадим!

– Оилада фақат Гулдонагина ичадиган ёки ейдиган яна қандай таомлар бор эди? – саволга аниқлик киритди терговчи.

– Ўша сув... сутни ундан ташқари Зухриддин акаям ичарди, Муҳриддин негадир сутни хушламасди. Бошқасини билмадим!

– Сутни кимдан олардингиз?

– Сутни бир аёл олиб келарди. Оти Холбуви эдими-ей! Жиззах туманида қайсидир қишлоқда яшарди шекилли. Гулдона опа вафот этгандан кейин уям келмай қўйди.

– Гап шундаки, Гулдонанинг ўлимига заҳарланиш сабаб бўлганлиги аниқланди. Кимдир узоқ муддат давомида унинг овқатига заҳар қўшиб келган. Бу ишни ким қилган деб ўйлайсиз?

Фахриддин қоғозни аёлга узатар экан, унинг бу хабарни қандай қабул қилишини диққат билан кузатиб турарди. Зубайда саволни ўқиб, бир қалқиб тушгандай бўлди, ҳаяжонланганидан кўзлари катта-катта бўлиб, оғзини қўллари билан ёпди. Сўнг юз-кўзини рўмолчаси билан артиб, бир оз ўзига келди шекилли ёза бошлади:

– Ишонмайман. Опа касалликдан – юрак хуржидан ўлганди-ку! Мен ўзим шоҳид бўлганман. Бу гап қаердан чиқди?! Ё ҳазиллашаяпсизми?

– Гулдонанинг гўри очилиб, экспертлар шундай хулосага келдилар. Бу аниқ. Сизнинг-ча, қотил ким? Овқатга заҳар қўшишни четдан бегона одам келиб эплай олмайди. Бу ишни кимдир, унинг яқинларидан бири қилган!

– Нима, мендан кўраяпсизми? Менга бу иш нимага керак, бирор марта ёмонлик қилмаган бўлса, шунча йил тузини тотган бўлсам.

– Сиз ҳам гумондорлар рўйхатининг бошида турибсиз. Оиланинг бошқа аъзолари ҳозир ҳаёт эмас. Сиз ўша хонадонда ишлагансиз. Оила аъзосидай бўлгансиз. Шу сабабли кўп нарсага аниқлик киритишда бизга ёрдам беришингиз лозим. Кўрсатмаларингиз қотилни топишда қўл келиши мумкин.

– Тушундим, нима қилишим лозим?

– Гулдонанинг душманлари бормиди?

– Гулдона опа оқила аёл эди. Бировга ёмонлик соғинганини билмайман. Ҳамма билан хушмуомага эди. Ҳайронман.

– Бу ишни Зухриддин қилиши мумкинми? Уларнинг муносабатлари қанақа эди?

– Зухриддин ака бошқаларга қўпол бўлсаям, хотинининг устида ўлиб қоларди. Ораларида жанжал бўлмаган. Фақат Гулдона опа шифохонада ётишни ёмон кўрарди, дўхтирларга ишонмасди. Кўпроқ фолбин, табиб, муллага қатнашни афзал кўрарди. Эри эса аксинча бунақа нарсаларга ишонмасди. Хотинини шифохонага ётишга ундарди. Гаъзан шундан келишмовчилик келиб чиқарди.

– Муҳриддин онасини заҳарлаши мумкинми?

– Йўғ-е, нима деяпсиз! Муҳриддин онаси билан унчалик келишолмасди, лекин онасини яхши кўрарди. Бир-бирини яхши тушинишарди. Онасининг ўлиmidан бечора қанчалик эзилди, қанчалик қисинди. Бир томондан отаси билан муносабатларини йўлга қўя олмаганидан, иккинчи томондан ўқишга киролмаганидан, устига-устак онасининг ўлими сабаб бола шўрлик ичкиликка берилди, саёқ юришга ўрганди. Оқибати ўзингизга маълум.

– Унда заҳарни ким берган деб ўйлайсиз? Биронтасидан гумонингиз борми? – Фаҳриддин саволни такрорлади.

– Нима дейишгайм ҳайронман. Бечора шугина касалманд аёлда кимнинг қасди бўлиши мумкин! Агарда Зухриддин аканинг мансаб талаш, пул талаш оғайнилари унга қасдлашиб, бу ишга қўл урмаган бўлсалар... Янаям билмадим. Билмасдан туриб бировга туҳмат қилиш оғир гуноҳ.

– Экспертиза Гулдонанинг ичимликдан ёки егуликдан узоқ муддат давомида кам-камдан заҳарлана борганлигини кўрсатмоқда. Заҳар нимага қўшиб берилган бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?

– Билмадим. Мен бунақа ишларга тушунмайман. Заҳарни қўлимгайм ушлаб кўрмаган бўлсам.

– Гулдонанинг ҳар куни эрталаб шифобахш сув ичишини айтдингиз, ундан бошқаларам ичиши мумкинмиди?

– Йўқ, бошқалар бу сувдан ичмасди. Мен бир марта чанқаб кетиб, ичиб кўргандим – оддий сув, фақат понғлаган тухумнинг ҳиди келаркан.

– Сувни қаердан олишларига ҳеч қизиққанмисиз?

– Намунча бир нарсани қайта – қайта сўрайверасиз! Айтдим-ку, асосан Муҳриддин олиб келарди. Мен ундан олиб келган нарсаларини “қаердан олаяпсан?” деб сўрамаганман. Бунга ҳақим ҳам йўқ эди.

– Жаҳдингиз чиқмасин, ишимиз шунақа! Сўрамаган бўлсангиз-да, она-боланинг гап сўзларидан бирон нарса қулоғингизга чалиндими деган маънода сўраяпман.

– Қизиқмисиз? Мен туғма кар бўлсам, қулоғимга қандай чалинади!

– Узр! Фаҳмладингизми демоқчийдим.

– Афсус, бу масалада сизга ёрдам беролмайман.

– Муҳриддин уйда бўлмаган пайтларда сувни ким олиб келарди? – Фаҳриддин масалага бошқа томондан ёндашди.

– Муҳриддин ўқишга ҳужжат топширишга Тошкентга кетганда Зуҳриддин ака олиб келарди шекилли. Ёки у бу ишни бирортасига буюрарди.

– Шофёри олиб келармиди?

– Йўқ, бир-икки марта бир аёл киши сувларни ташлаб кетганини кўргандим.

– Қанақа аёл?

– Оддий аёл, ёши ўттиз-ўттиз бешларда... дўкончи хотинлардай кийиниб олган...

– Нимада келганди ўша аёл?

– Машинада бўлса керак-да! Мен унинг орқасидан кузатиб чиқмаганман. Опанинг ўзи кутиб олиб, кузатиб қўйганди.

– Ҳозир уни кўрсангиз танийсизми?

– Орадан шунча вақт ўтиб кетди. Таний олмасам керак. Юзига унчалик тикилиб қарамаган эдим-да! Лекин... юзининг ўнг томонидами, чап томонидами каттагина қора холига кўзим тушганди.

– Хол! Юзининг айнан қайси томонида!

– Менимча, чап томонида.

– Катталиги қанақа эди?

– Кимни? Аёлними?

– Йўғ-е, холнинг!

– Ҳа, нўхатдай борида-ёв!

– Яхши! Демак, Муҳриддин шифобахш сувни шу аёлдан олиб турган. Ўзи Жиззахда бўлмаган кезларда онасига сув етказиб беришни аёлнинг ўзидан илтимос қилган. Бу хусусда сизнинг фикрингиз қандай?

– Менимчаям шундай.

– У хотиннинг Гулдолада қандай қасди бўлиши мумкин?

– Билмадим. Мен бу оилада бор-йўғи бир хизматкор эдим. Хонадоннинг ички сир-асрорлари менга маълум эмас. Сизга савол берсам майлими?

– Саволни биз берамиз, сизнинг ишингиз уларга жавоб қайтариш. Ҳа майли, нимани сўрамоқчисиз?

– Сиз ўша хотинни қотил деб ўйлаяпсизми?

– Нимади! – Фахриддин “нима демоқчисан” дегандай гувоҳга тикилди.

– Лекин у хотин жинойтчига унчалик ўхшамасди. Агата Кристининг китобларини кўп ўқиганман. Қотиллар қандайдир қаҳри қаттиқ, маккор ва дарғазаб бўлишади. У хотин эса қанақадир очиққина... юзида фариштаси бор эди.

Фахриддиннинг хаёлидан “ўзи бир хизматкор бўлсаям, терговчидай мушоҳада қилади-я!” деган фикр ўтса-да, сир бой бермасдан сўроқни давом эттирди:

– Ташвишланишга ҳожат йўқ! Биз ўз ишимизни билиб қиламиз. Мана, сиз детектив асарларни кўп ўқиган экансиз. Ўша аёлни қотил эмас деб ҳисоблайдиган бўлсангиз, унда инсоф билан айтинг-чи, Гулдонани ким заҳарлаган, қотил ким бўлиши мумкин?

Зубайда саволни ўқиб, бир оз ўйланиб қолди. Сўнг қўлига ручкани олиб, ёзишга тушди:

– ЗУҲРИДДИН! Бу менинг шахсий фикрим.

– Сал олдинроқ эр-хотиннинг муносабатлари яхши эди дегандингиз. Энди эса... буни қандай тушунса бўлади. Асосингиз борми?

– Тўғри, ташқаридан қараганда уларнинг муносабатлари илиқ эди. Ораларида уруш-жанжал бўлмаган. Марҳумлар тўғрисида ёмон гапириш гуноҳ бўлсаям, ер етказиб борсаям айтаман, Зуҳриддин ака ўтакетган айёр, маккор ва разил одам эди. Унақа кишилардан ҳар нарсани кутса бўлади!

– Нима, Зухриддин сизга бирор ёмонлик қилганмиди? Хотинининг ўлиmidан кейин ҳам сизни кўчага ҳайдамаган бўлса...

– Менга-ку ёмонлик қилмаган. Мени ишда сақлаб қолганлигининг сабаби кар-соқовлигим, биров билан ишим йўқлиги, кийимини ювиб, ош-овқатини олдига қўйганим, уйини озода сақлаганим ва бунинг эвазига ундан ҳеч нарса талаб қилмаганим, меҳнатга ҳақ сўрамаганим, қорним тўйганидан, куним ўтганидан хурсанд бўлиб юрганим... ҳеч кими йўқ етим, на уйи, на макони... ҳеч нарсаси йўқ нота_\онлигим... Худонинг қаҳрига учраганим... кўп нарсани билишим...

Аёлнинг негадир кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди.

Фахриддин аёлнинг ёзганларини ўқир экан, юраги алланечук бўлиб кетди, қалбининг бир чеккасида аёлга ачиниш ҳисси пайдо бўлди. Охирги жумлага келганда бирдан сергак тотди. “Кўп нарсани билишим” деганда нимани назарда тутаяпти. Бекорга айбни Зухриддинга қўймаётган экан-да! Бу аёл унинг қандайдир ҳеч кимга маълум бўлмаган сир-асрорларини биладиганга ўхшайди”.

Шуларни хаёлдан ўтказган терговчи кўфозга навбатдаги саволни ёзди:

– Зубайдахон, гап бир неча шахснинг қотиллиги хусусида бормоқда? Зухриддин Тоғаев гуфрисида сизга нималар маълум?

Аёл у ёқ бу ёғини тартибга солган киши бўлиб, саволга назар солди ва бир оз ўйланиб, ёзишга тушди:

– Ташқаридан қараганда Тоғаевлар оиласига ҳамма ҳавас қилса-да, аслида бу хонадоннинг жумбоқли масалалари етарлича эди. Бу муаммоларнинг барчаси Зухриддин акага келиб қадаларди. Охирги бир неча йил ичида унинг хотинига,

болаларига муносабати тубдан ўзгарганди. Гарчанд ўзининг ички кечинмаларини бошқалардан беркитишга ҳаракат қилса-да, “касалини яширсанг, иситмаси ошкор бўлади” деганларидек, юриш-туришидаги юзакичилик, сохталик кундан-кунга юз кўрсата бошлади. Оила бошлиғи кўп вақтини ишда ўтказар, уйига келганда эса тунд ва тажовузкор бўлиб қоларди. Ўғлини уқувсизлик ва дангасаликда айбласа, хотинини ортиқча тергаш ва рашк қилишда айбларди. Негаки, ўша кезларда хўжайиннинг уйга кечаси келмай қолиш, кеч келиш одатлари кўпайиб қолганди. Гулдона опа билмадим, одам ёлладими, қаердандир эрининг иккинчи хотини борлигини билиб қолди. Катта жанжал бўлди. Анча вақт гаплашмай юришди. Гулдона опа эрининг хиёнатига чидай олмади. Ич-ичидан эзилиб, ўз-ўзини еб қўйди. Зухриддин ака хотинини тинчитиш учун “бўлди энди, ҳаммасига чек қўйдим, бошқа сенга хиёнат қилмайман”, деб онт ичди. Хотини бу гапларга ўзини ишонтиришга ҳаракат қилди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Тоғаев унақа ўзининг сўзида тура оладиган одамлар сирасига кирмасди. Бошида бир неча ой ўзини сипо тутиб, вафодор эр ролини ўйнаган бўлса-да, кейинчалик яна ўзининг асл башарасини намоён қилди. Бўрини қанча боқсанг ҳам бари бир ўрмонга қарайди, деганларидек бу одам гулдай гўзал хотинининг устидан юришини қўймади. Мақсади шўрликни кундош азобига кўнктириш эди. Гулдонаям ғуруридан кечиб, эрини бошқа аёл қучоғига бериб қўядиган заифа эмасди. У эрини бировга бериб қўйишдан ажралишни, бутунлай ундан воз кечишни афзал кўрарди. Аммо эрини, оиласини, болаларини яхши кўрарди. Ўзининг қайсарлиги билан болаларининг кўнглига озор етказишни хоҳламасди. Шу сабабли баъзи-

да эрининг хиёнатларини кўра-била туриб, кўзини юмишга, ўзини билмаганга олишга ҳаракат қиларди. Дардини ичига ютарди... Уни тўшакка михлаб қўйган асл сабаб шу. Маккор Зухриддин эса одамларнинг кўзича ўзини аёлини ардоқлайдиган эркакдай тутса-да, аслида уни кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Гулдона опа гоҳида менга юрагини очиб қоларди. Балки иккимизнинг ўхшаш жиҳатларимиз бўлгани учун шундай қилгандир. У ҳам ота-онасидан ёшлай қолиб кетган, бегоналар қўлида вояга етган. Мени ўзига яқин тутишининг сабабиям шу бўлса керак... “Бир тўшакда ётсак-да, кундан-кунга бегоналашиб бора-япмиз” деган гапни кўп айтарди. “Кечалари худди ўртамизда ўша ж... ётгандай бўлади” деб қисинарди. Билсангиз, ор-номусли аёл учун бундан азоб нарсаси йўқ... Эр бермоқ – жон бермоқ деганлари тўғри экан. Гулдона оиласининг шаънини ўйлаб, бошқалар олдида ўзини бахтиёр кўрсатишга ҳаракат қилса-да, ичидан зил кетиб, кундан-кунга адоий тамом бўлаётганини сезиб юрардим.

– Нима сабабдан олдинги кўрсатмаларингизда эр-хотин ўртасидаги муаммолар тўғрисида ломим демагансиз?

– Одатда, марҳумлар тўғрисида ёмон гапирмайдилар. Аммо ҳозир сиздан унинг хотинини ўлдирганини эшитиб, Оллоҳнинг олдида гуноҳларга ботсам-да, тўғрисини айтаман...

– Лекин мен сизга Гулдонани Зухриддин ўлдирган деб айтмадим, – эътироз билдирди Фахриддин.

– Тўғри... кимдир узоқ муддат давомида заҳарлаган деяпсиз. Ундан бошқа кимам бўлиши мумкин!

– Унда бошқа савол туғилади: нега у хотинининг ўлиmidан сўнг иккинчи хотинини уйига олиб келмади?

– Ўша аёлни уйга олиб келмаган бўлса-да, уникага бемалол бориб турган. Нима фарқи бор... уйланди, уйланмади! Асосийси эркинлик... Ҳеч ким сенинг кетингдан пойламайди, қадамингни тергаб, текширмайди. Унга айнан ана шу керак эди!

– Эътиборингиз учун, биздаги маълумотларга қараганда Зухриддин аёлининг ўлимидан сўнг Гулжамолникиданам оёғини тийган. Бунга нима дейсиз?

– Бунга ўша ойимчанинг ўзи сабабчи! Зухриддин ака унинг бир синфдоши билан дон олишиб юрганини сезиб қолган экан. Шу сабабли унданам кўнгли қолган...

– Сизга бу гапни Зухриддиннинг ўзи айтганми-ди?

– Йўқ, у одам менга ўзининг сирларини айтмаган. Раҳматли Муҳриддиндан эшитгандим.

– Майли, сиз айтганчаям бўла қолсин. – Фахриддин бир оз ўйланиб туриб, ёзишда давом этди. – Фараз қилайлик, Гулдонани эри ўлдирган. Унда сизнингча, Зухриддинни ким ўлдирган? Шўрлик Муҳриддинни ҳаётдан жудо қилиш кимга керак бўлган? Анора бечорани икки норасидаси билан жувонмарг қилган ким?

Зубайда саволни ўқиб, кўзлари хонасидан чиқиб кетай деди. Беихтиёр юзини қўллари билан ёпди. Кўзидан юмалаётган маржон-маржон томчиларни рўмолчаси билан артар экан, қўлига қаламни олди:

– Ахир бахтсиз ҳодиса дейишганди-ку! Қанақа қилиб... Балки адашаётгандирсизлар! Муҳриддин автоҳалокатга учраганди. Авария қилган йигит қамалганди... Анорани кичкинтойлари билан газдан nobуд бўлган деб эшитгандим!

– Тўғри, бошида бизам шундай хаёлга боргандик. Аммо экспертлар Зухриддиннинг болалари

бахтсиз ҳодиса эмас, балки қотиллик қурбони бўлишганини тасдиқлади. Уларнинг ўлими кимга керак бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?

– Ақлим етмай қолди! – Зубайда бир нуқтага тикилганча, ўйланиб қолди. Шу тобда унинг шууридан нималар ўтаётганини англаш қийин эди. Терговчи “ёдига бирор воқеа тушаётганмикан” деган ўйда сукут сақлаб, унинг фикрларини уқишга ҳаракат қиларди. Аёлнинг ёдига бирор нарса келди шекилли, қоғоз қоралашга тушди:

– Муҳриддиннинг отаси билан муносабатлари унчалик яхши бўлмаган бўлса-да, отанинг ўз боласига гўр қазишига ишонмайман. Анора бечора тўғрисида бирор нарса дейишим қийин. Фақат ўзини ўлдиришганда ҳеч ўйланмасдан эри деган бўлардим. Лекин норасида гўдакларни ўлдириши ақлга сифмайди.

– Нима, Аноранинг эри билан муносабатлари яхши эмасмиди?

– Уларнинг оилавий можароларидан хабардор бўлмасам-да, Аноранинг бир йилда уч-тўрт марта отасиникига аразлаб келиб қўйишидан эр-хотин ўртасидаги муносабатлар унча илиқ эмасдەй туюларди менга. Бўмаса, Зухриддин ака Шарифга кўп ёрдам қилган. Ишга кириши, мансабга ўтириши шулар туфайли.

– Ҳар қандай эр-хотин ўртасида жанжал бўлиши мумкин. Лекин қотилликка қўл уриши учун кишида фавқулодда сабаб бўлиши керак эмасми? Анора билан Шарифнинг дам-ба-дам уришиб туришига бирор сабаб бормиди?

– Сабабини билмадим, Анора аразлаб келиб, кўпроқ қолиб кетса, раҳматли Гулдона опа менга қисиниб гапириб қоларди. Шундан унча-мунча билганим бор-да.

– Гулдона нималарни гапирганди сизга, илтимос муфассал гапириб берсангиз?

– “Ўзи ўлгудай хотинбоз бўлса-да, куёв тушмагур роса рашкчи, бўлар бўлмасга хотинини қизганиб, қийнайверади” деганди. Ишқилиб шунақа майда-чуйда аёлларнинг гапи-да!

– Тергов учун майда-чуйда деган нарса бўлмайди. Қотилни топишимиз учун сизнинг кўрсатмаларингиз жуда муҳим. Негаки, оиланинг бошқа аъзолари ҳаёт эмаслар. Тириклардан битта сиз қолгансиз. Шунинг учун сиздан илтимос, билганларингизни бир бошидан миридан-сиригача қолдирмай айтиб берсангиз.

Зубайда терговчининг навбатдаги ёзиқларини ўқиб, “хўп” деган маънода калласини ирғаб, катта-катта ҳарфлар билан ёза бошлади:

– Бир марта чамаси икки ойлар эридан аразлаб, икки боласи билан отасиникида юрди. Куз бўлишига қарамасдан негадир қуёшдан ҳимоялайдиган кўзойнак тақиб олганди. Юзининг бир-икки жойи қонталаш эди. Шу вақт давомида куёв бола на хотинини, на болаларини кўришга келмади. Гулдона опа қизининг тақдиридан сиқилиб, роса азоб чекди. Бир куни йиғлай-йиғлай менга кўнглини очиб қолди. Айтишига қараганда, бир куни куёви ишдан келса, Анора болаларини боғчадан олишга кетган экан. Шу пайт хотини унутиб қолдирган қўл телефони жиринглаб қолибди. Кўтарса, ҳеч ким жавоб қайтармапти. Кўнглига шубҳа тушиб, телефоннинг кириш-чиқиш кўнғироқлари рўйхатини кўздан кечира бошлабди. Шу рақамдан кун давомида бир неча марта кўнғироқлар бўлган экан. Телефонни жойига қўйиб, хотинини кутибди. Аммо Анорага лом-мим демай, келгуси кун телефон тармоғидан барча сўзлашувлар таҳлилини

талаб қилиб олибди. Аввалига “бирорта дугонаси бўлса керак”, деган хаёлда юрган йигит шубҳали рақам эгаси ўзининг синфдоши, Баҳрилло исмли бизнесмен эканлигини аниқлагач, ўзини йўқотиб қўйибди. Хотинини ўлардай савалаб, кўчага ҳайдабди, унинг важ-корсонларини эшитишнияма хоҳламапти. Анора бўлиб ўтган воқеани онасига айтмаган. Унга “гап талашиб, уришиб қолдик”, деб қўя қолган. Аммо бир неча кун ўтгач, оиласининг барбод бўлаётганини фаҳмлаган жувон онасига бўлган ишларни бошидан-охиригача – Баҳрилло Жиззахга кетишда йўлда учрашиб қолиб, машинасида олиб кетганини, шунда телефон рақамини сўраб олиб, бир-икки марта қўнғироқ қилганини, шунчаки гаплашиб юрганини, эри хизмат сафарига Тошкентга кетганда бир марта кафега дўстона кечки овқатга таклиф қилганини, кафега кичкина ўғли ва қўшнисининг Раъно исмли қизи билан боришганини, Баҳрилло билан ораларида ҳеч нима бўлмаганини айтиб берган. Гулдона опа қизини “оилали аёл ҳам шунақа аҳмоқчилик қиладими? Ким бунақа бетгачопар, андишасиз аёлни хотин қилади, энди эринг ташлаб кетади” дея роса уришган. Орадан бир-икки кун ўтгач, куёвининг олдига борган ва бор ҳақиқатни айтиб, қизи учун кечирим сўраган. “Қизим соддалигига борибди, аммо оиласига хиёнат қилишни асло хаёлига келтирмаган, қилмишидан пушаймон бўлиб, неча кундан бери ўз ёғига ўзи қоврилиб, туз тотмай ётибди, болаларингиз сизни соғинган, бефаросат қизимни кечиринг!” деб роса ялинган. Бир неча кун ичида озиб-тўзиб кетган, аламидан ароққа тўйиб олган Шариф “Ойи, Анора менга хиёнат қилди! Турмушимизни ҳаром қилди! Болаларимнинг юзига энди қандай

қарайман!” дея йиғлаб, арз-дод қипти. Гулдона опа қанчалик зўр бериб қизини оқлашга ҳаракат қилмасин, куёвини тинчита олмапти. Энг ёмони, Шарифнинг болалари ундан бўлганлигига шубҳа билан қарай бошлаганлигида эди... Вақт ҳамма нарсани даволар экан. Гулдона опанинг елиб-югуришлари натижасида эр-хотин ярашган. Аммо Шариф куёв ичиб олган кезлари Анорани “болаларинг мендан эмас, ДНК қилдираман” деб таҳқирлайдиган одат чиқарган. Гулдона опа бу гапларни менга азбаройи сиқилиб кетганидан айтиб берган. Билмадим, балки гунг бўлганим учун ҳеч кимга гапириб беролмайди, деган ўйда оиласининг сирларини менга очгандир. Мен эса сизга дoston қилиб ўтирибман... Бу ишни “Аноранинг қотилини топишда асқатади” деганингиз учун қилдим.

– Анора шунақа “ёмон” аёлмиди? – Фахриддин “бузуқ” иборасини ишлатгиси келмади.

– Анора эрка ўсган, лекин соддадил, оқила ва шаддод қиз эди. Ўйин-кулгини яхши кўрарди. Анора опамнинг гапига қараганда, Шариф бунинг тескариси. Иш-иш деб ўлиб қоладиганлар туридан экан. Шунга бечора Анора бир марта кафега борса, боргандир. Бир ўзи бормапти-ку! Кўнглида ёмонлик бўлганда боласини, қўшнининг қизини эргаштириб борармиди?

– Шарифнинг “болалар мендан бўлмаган, ДНК қилдираман” дейишига асослари бўлгандир? Ёки шу воқеа сабаб шундай деганми?

– Бошқа асослари бўлган-бўлмаганини билмадим, айтишларича, Шариф аёлни хиёнат устида қўлга олиш шарт эмас, унинг биргина ёлғонининг ўзи хиёнатга тенг деб ҳисоблайдиган эркаклар тоифасидан экан. Олдин буни хотинига айтган

экан. Менимча, бошқа асос-пасоси бўлмаса керак. Эркак киши-да, хаёлига ҳар хил нарсалар келган бўлса керак! Шу сабабдан болаларигаям муносабати сал бошқачароқ бўлиб қолган экан.

– Сиз бу гапларни фақат Гулдонадан эшитган-мисиз ёки Аноранинг ўзи ҳам сизга сирларини ошкор қилганмиди?

– Йўқ, Анора пишиққина эди, у бировга сирини айтадиган аёл эмасди. Ҳамма гапни менга Гулдона опам айтганди. Раҳматли кўнгли тоза, самимий одам эди.

– Гулдона билан қандай мулоқот қилардингиз? Унинг гапларини қандай... эшитардингиз?

«Карсиз-ку!» демоқчисиз-да! Кар-соқовларда сезги органлари ривожланган бўлади. Мен Гулдонани лабларини қимирлашидан нима деяётганини англадим. У ҳам мени тушунарди. Фақат айрим қийин сўзларни имо-ишора ёки қоғозга ёзиб ифодалардик.

Фахриддин яна бир қанча саволлар бериб, гувоҳнинг кўрсатмаларига аниқлик киритди. Сўнг сўроқ баённомасини лозим даражада расмийлаштириб, Зубайдага жавоб берди.

* * *

Зубайданинг кўрсатмалари қисман тўри чиқди. Анора билан Шариф ўртасида оилавий можаролар бўлиб турганлигини, бунинг оқибатида кўпинча Анора отасиникига аразлаб кетиб қолишини кўни-қўшнилари, оиланинг яқинлари тасдиқлашди. Баҳрилло сўроққа таклиф этилди. Фахриддин гувоҳнинг шахсига аниқлик киритиб олгач, олдиндан ўйлаб қўйган саволларини беришга киришди:

– Синфдошингиз Шарифнинг хотини Анора билан яқин муносабатда бўлган экансизлар, айтинг-чи у билан қаерда, қандай вазиятда танишгансиз?

– Қанақа яқин муносабат? – деди ранги оқариб гувоҳ. – Уни синфдошимнинг хотини сифатида олдиндан сал-пал билардим. Бир куни Жиззахга кетаётсам, бекатда турган экан, миндириб олдим. Йўлда гаплашиб кетдик. Эрини аҳволини сўрадим. У гап орасида “Шариф акамнинг яқинда туғилган куни – юбилеи, шунга совғага нима олсам бўлади, ўзидан сўраш ноқулай, ҳар ҳолда сиз эркак кишисиз” деб сўраб қолди. Менинг эркаклар кийим-кечаклари дўконим борлиги учун унга бу масалада ёрдам беришга ваъда бердим. Бир-икки кун ўтиб, телефонлашдик. Анора дўконимга келиб, у-бу нарсаларни қараб кўрди. Костюм-шим олмоқчи бўлганди, ранги тўғри келмади. Бир-икки кун ичида Тошкентдан мол келиши керак эди. Шу сабабли қўнғироқлашиб туришга келишдик. Туғилган кун яқин эди. Анора тез-тез сўраб турди. Ниҳоят туғилган кунга бир кун қолганда совгани олиб кетди. Бор гап шу!

– Сиз Анорани кафега таклиф этган экансиз?

– Қанақа кафе? Нима деяпсиз, – Баҳриллонинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. – У оғайнимнинг хотини бўлса! Бунақа гапларни одамлар қаердан топишади-я!

– Ўшанда Анора бу гапларни онасига айтган экан, онаси эса ўз навбатида уйида хизмат қилиб юрадиган хотинга айтган. Мана унинг кўрсатмаси. – Фахриддин қалин муқовали жинойт ишининг белгилаб қўйилган жойини очиб, Зубайданинг кўрсатмаларини овоз чиқариб ўқиб берди.

– Товба қилдим, товба! – Гувоҳ қўйлагининг ёқасини кўтариб, “туф-туф” қилиб қўйди. – Фирт

ёлгон! Менинг шаънимни булғаш у аёлга нимага керак экан, шунга ҳайронман.

– Демак, сиз Анорани кафега таклиф қилмаганиз, овқатланишга бирга бормаганизлар, шундайми?

– Шундай! Бунақа хаёл калламгаям келмаган!

– Шариф сиз билан хотини хусусида, тўғрироғи Аноранинг сиз билан алоқаси ҳақида гаплашганимиди?

– Бир куни Анора телефон қилиб, йиғламсираган ҳолда “Эрим телефонимни кавлаштириб, сиз билан беш-олти марта гаплашганимизни топиб олибди, менга ишонмасдан катта жанжал чиқарди, уйдан қувиб солди, сизнинг олдингизгаям бориб қолиши мумкин, бўлган воқеани ётиғи билан тушунтиринг, илтимос” деб қолди. Келаси кун ҳақиқатда олдимга Шариф келди. Важоҳати ёмон эди. Четга тортиб, “хотинимда нима ишинг бор, нега телефон қилдинг” деди жини қўзиб. Мен унга бўлиб ўтган воқеани ётиғи билан тушунтириб бердим. “Эй оғайни, хотининг сени хурсанд қилиш учун, сенинг туғилган кунингга совға танлаш учун мендан ёрдам сўради”, дея унга танбеҳ бердим. У эса ҳамон жаҳлидан тушмай “нима учун сендан ёрдам сўрайди, сен унга кимсан?” деб ўшқирди. Унга насиҳат қилишга ҳаракат қилдим. Қайда дейсиз! Кетишида “насиҳатингга зор эмасман, ҳали текшириб кўраман, ёлгон гапирган бўлсаларинг, икковингниям терингга сомон тикаман” дея дағдаға қилиб кетди...

– Кейин сиз билан қайта учрашмадимиз?

– Йўқ, қайтиб келмади! Текшириб кўрган бўлса керак-да! Кейин тўй-ҳашамда бир-икки бор тўғри келиб қолганимизда совуққина кўришиб қўйди.

– Ўшанда Шариф хотинини уйдан қувиб солган экан. Аноранинг отасиникида қанча вақт

бўлганини билмайсизми? – терговчи бу икки “ошиқ-маъшуқ”нинг кейинчалик алоқада бўлган-бўлмаганини билиш мақсадида атайлаб шу саволни берди.

– Ўша гаплашганимизда “Эрим уйдан ҳайдади, қизлик уйимга кетаяпман” деганди. Ундан кейин нима бўлганини билмайман. Туғрироғи, қизиқмаганман.

Фахриддин сўроқни тугатиб, нариги хонага ўтди. У ерда Санжарбек ёшгина бир қиз билан гаплашиб ўтирарди. Шогирд ўрнидан ирғиб туриб, устозга жой берди:

– Бу қиз Аноранинг қўшниси Раъно.

– Нима деяпти?

– Зубайданинг кўрсатмаларини тасдиқламаяпти. “Анора опа, унинг ўғли ва бегона эркак билан кафега овқатланишга бормаганман” деб оёқ тираб турибди.

Фахриддин стол устидаги баённомани қўлига олиб, кўз югуртириб чиқди ва қарама-қарши томонда муваққатгина ўтирган қизга юзланди:

– Синглим Анора билан муносабатларинг илиқ-миди?

– Қўшни турардик, – дудуқланди қиз. – Баъзида болаларига, уй ишларига қарашиш учун чиқиб турардим. У киши ҳам уйида ҳеч ким бўлмаган кезларда шаҳарга чиқмоқчи бўлса, болаларини менга қолдириб кетарди. Бир-икки марта болаларини кўтаришда ёрдамлашиб, қизлик уйигаям борганман.

– Сиз ўз кўрсатмангизда “Анорага қўшилиб, Баҳрилло деган эркак билан кафега овқатланишга бормаганман” дебсиз. Балки сизни таклиф қилишган бўлса, вақтингиз бўлмагандир.

– Йўғ-е! Мен ҳеч қандай Баҳрилло деганларини танимайман. Анора опам унақа бегона эркаклар

билан гаплашиб юрадиган аёл эмасди. Мен билан-ку!

– Анора билан Шарифнинг муносабатлари қанақа эди?

– Эру хотин иноқ яшашарди. Энди ҳар қандай оилада майда-чуйда жанжаллар бўлиб туради...

– Анора эри билан уришса, кўпинча отасиникига кетиб қоларкан-а!

– Бир-икки марта аразлаб отасиникига кетиб қолгани эсимда. Лекин эри дарров ўзи бориб олиб келарди.

– Аразлаб кетишининг сабабини сизга айтармиди?

– Сўрасам, “э қўйинг, акангиз мени керагидан ортиқ рашк қилади-да!” деб кулиб қўярди. Менам “демак сизни сев... яхши кўраркан-да!” дея ҳазиллашгандим.

– Анора аразлаб кетиб, отасиникида бир-икки ой бўлган ҳолатларам бўлган экан-а?

– Унақа узоқ муддат аразлаб юрганини эслаёлмайман. Кўпи билан ўн кунда ё эри бориб олиб келарди, ё онаси олиб келиб ташларди.

– Шариф Анорани рашк қилиб, дўппослаган экан, бундан хабарингиз борми?

– Йўқ, хабарим йўқ! Айтдим-ку, Анора опа менга ҳадеб дардини дoston қилавермасди.

– Балки ўша даврларда унинг юз-кўзи кўкарганини кўргандирсиз?

– Йўқ, кўрмаганман. Лекин бундан икки йиллар олдин уйига нимадир сўраб чиққаннимда бир кўзининг таги қорайиб кетганига кўзим тушганди. “Нима бўлди?” десам, “бехосдан эшикка уриб олдим” деганди. Билганим шу.

Терговчилар расмиятчиликни ўринлатиб, Раънога жавоб беришди.

Пешиндан кейин терговчилар сўроққа Шарифни таклиф этишди. Бутун бошли оиласидан жудо бўлган норгул, барваста йигит Фахриддиннинг кўзига ғариб ва афтодаҳол кўринди. Гувоҳни зимдан кузатиб турган терговчилар унинг юзида алам ва изтиробдан ташқари қаҳр ва ғазаб аломатларини илғашга ҳаракат қилишарди.

– Шариф ака, қайғунгизга шерикмиз, бандалик экан! – мулойимлик билан гап бошлади гуруҳ раҳбари. – Бемаврид безовта қилганимиз учун узр. Айрим нарсаларга ойдинлик киритишга тўғри келиб қолди.

– Оллоҳнинг иши, қўлимиздан нимаям келарди! Бирор янгилик... Қотил топилдими?

– Қидираяпмиз! – қисқа жавоб қилди Фахриддин. – Биласизми, биз терговнинг тўлақонли бўлиши учун сиз билан Аноранинг ҳаётига доир барча масалаларни ипидан-игнасиғача текшириб кўришга мажбурмиз.

– Тушунаман...

– Анора билан муносабатларингиз қанақа эди?

– Қанақа бўларди... оддий... бир-биримизни ҳурмат қилардик...

– Келишмовчиликлар ҳам бўлиб турармиди?

– Эр-хотин ўртасида майда-чуйда тушунмовчиликлар бўлиши табиий. Лекин орамизда унақа катта нифоқ бўлмаган.

– Анора аразлаб отасиникига кетиб қолган ҳоллар ҳам бўлганмиди?

– Аразлаб қизлик уйига кетмаган аёл бормикан! Бир-икки марта шунақасиям бўлган.

– Ўшанда жанжаллашиб қолишларингга нима сабаб бўлган? – Фахриддин саволига аниқлик киритди.

– Нима сабаб бўларди! Арзимаган майда-чуйдалар-да! Жаҳл чиқиб турганда гап қайтарган бўлса

керак-да! Раҳматли онаси борида уйига аразлаб кетишни ҳуш кўрарди. Онаси вафот этгач, хафа бўлсаям уйдан чиқмасди. Беш-олти кун тескари бўлишиб, кейин яна ойдай гаплашиб кетаверардик...

– Анорани синфдошингиз Баҳриллодан рашк қилиб, уйдан қувиб солганлигингиз ростми? – терговчи бисотидаги “шоҳ” саволни бериб, гувоҳнинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришни аниқлаш учун унинг юзига зимдан разм солди.

Шариф бунақа саволни кутмаган шекилли, бирдан ранги ўчиб кетди. Терговчининг ўтли нигоҳига дош беролмай кўзини олиб қочди. Шу дамда унинг хаёлидан қандай фикрлар ўтаётганини билиб бўлмасди. Фаҳриддиннинг назарида Шариф ҳозир “портлайдигандай”, тақдирга тан бериб бор гапни очиб ташлайдигандай, шу билан бирга юрагида зил-замбил бўлиб эзиб ётган дардни суғуриб ташлаб, имонини поклайдигандай эди.

– Шуниям айтишибди-да! – ниҳоят тилга кирди Шариф лаби гезариб. – Нима, мендан кўраяпсизларми?

– Жинойт очилгунча марҳуманинг ён-атрофидаги ҳеч бир зот гумондан халос бўлолмайди, шу жумладан сиз ҳам! – деди Муроджон гувоҳга яқин келиб.

– Ишимиз шунақа, хафа бўлмайсиз-да энди! – деди Фаҳриддин вазиятни юмшатиш мақсадида. – Ҳуш, ўшанда нима бўлганди?

– Гапни етказганлар нима бўлганиниям айтишгандир!

– Биз сиздан эшитмоқчимиз, бу тергов зарурияти!

– Бунга икки йилдан ошиб кетди, – истар-истамас гап бошлади гувоҳ. – Унда қайнонам тирик эди. Бир куни палакат босиб, хотинимнинг теле-

фони қўлимга тушиб қолди. Нотаниш рақамдан бир-неча марта қўнғироқ бўлган экан. Анорадан “бу кимнинг рақами?” десам, “бир савдогар дугонамники, нарса олмоқчи эдим” деб жавоб берди. Юрагимга шубҳа тушди. Телефон тармоғида танишларим бор эди, улардан илтимос қилдириб, сўзлашувлар таҳлилини сўраб олдим ва қўнғироқ кимга тегишли эканлигини аниқладим. Бахтга қарши рақам синфдошим Баҳриллоники бўлиб чиқди. Юрагим ёрилиб кетай деди. Жаҳл устида аёлимга бир-икки шапалоқ туширдим. У аразлаб онасиникига кетиб қолди. Шубҳа-гумонлар вужудимни кемирарди. Ажрашмоқчиям бўлдим. Бошим айланиб, минг бир хаёлда Баҳриллониң олдига бордим. У бор гапни айтиб берди. “Тентак, хотиниң туғилган кунингга совға олиш учун менга мурожаат қилганди, шу масалада бир неча бор қўнғироқлашган эдик”, дея мени тинчлантиришга уринди. Кўнглим бир оз таскин топгандай бўлди. Аммо юрагимдаги шубҳа тумани тарқаб кетмади. Хотинимнинг “бир дугонамники” деб алдагани алам қиларди. Ахир ўзига тўғри бўлса, рост гапирса бўлмасмиди! Менин “аёл кишиниң шундай масалада эрини бир бор алдашиниң ўзи хиёнат, бошқасини исботлаш шарт эмас” деган фалсафам борлигини билса-да, ёлғон гапирганига ҳайрон эдим. Аёлимниң кейинги беш-олти ой ичидаги қадамини қўлимдан келганича сўраб-суриштирдим. Хайриятки, шубҳали нарса топилмади. Орада раҳматли қайнонам икки марта келиб, бўлган воқеаларни ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди, менга насиҳат берган бўлди. Кейин қизиниям олиб келиб, ташлаб кетди.

– Хотиниңгиз онасиникида қанча муддат бўлди?

– Бир ойдан ошиб кетди-ёв! Аниғи эсимда йўқ ҳозир.

– Хотинингиз Баҳрилло билан кафега овқатланишга борганини қандай изоҳлаганди?

– Нима! Қанақа кафе! Бу гап қаердан чиқди тагин! – Шариф ўрнидан туриб кетди.

– Ўзингизни босиб, жойингизга ўтиринг! – танбеҳ берди Муроджон, – “нега, нега” деявермасдан берилган саволга жавоб беринг.

– Биз бу гапни осмондан олаётганимиз йўқ. Мана, қайнотангизнинг уйида хизматкор бўлиб юрадиган Зубайданинг гувоҳлик кўрсатмаси, ўқинг! – Фахриддин жиноят ишининг охирига тикилган баённомани ҳамсуҳбатининг олдида сурди.

Шариф киприк қоқмай баённомани ўқиб чиқар экан, муштлари тугилди, ранги бўзарди:

– Вой аблаҳлар-эй! Вой беномуслар-эй! Боплаб қулоғимга лағмон осишган экан-да! Мен... мен...

– Нима бу сирдан беҳабармидингиз? – Санжарбек гап қўшди.

– Бу нима деганингиз! Билганимда... иккала-синиям... соғ қўямасдим, шу қўлларим билан... бўғиб... ўлдирардим! Вой имонсизлар-эй!

Терговчилар гувоҳнинг руҳий ҳолатини диққат билан кузатиб туришар, унинг “оҳ-воҳ”лари самимийми ёки сохталигини англашга ҳаракат қилишарди.

– Аммо Баҳрилло Зубайданинг кўрсатмаларини ғирт ёлғон дея, тан олмаган, – Фахриддин навбатдаги назорат саволини берди.

– Э, ўша ҳангини онасини... Қилғилиқни қилиб, энди ўзини оқлаш учун ҳар нарсани ейверади-да! Мен... мен... унга ҳали кўрсатиб қўяман!

– Ўзингизни босинг! – Фахриддин гувоҳни тартибга чақирди. – Аввало менга “Баҳрилло билан учрашмайман, жанжаллашмайман” дея ваъда берасиз! Қолаверса, ҳали тергов давом этаяпти. Бу гаплар балки тухматдир. Биласиз-ку айримлар

бир гапни эшитиб қолса, “тўн кийдириб” бошқаларга улашади. Қарабсизки, игнадай нарса туядай нарсага айланади. Энди Зубайданинг кўрсатмасининг қолган қисмини ўқинг. – Гуруҳ раҳбари жиноят ишининг кейинги варағини очиб, гувоҳга узатди.

Шариф “яна нима” дегандай ҳафсаласизлик билан баённоманинг қолган қисмини ўқишга тушди. Бир марта ўқиб чиқиб, англай олмади шекилли, такрор ўқиди. Лаблари титраб, қўллари қалтираб кетди:

– Бу жинни... нима демоқчи? Қ...қанақа... ДНК?!

– Хотинингизнинг хиёнатини сезиб, болаларингиз ўзингиздан бўлганига шубҳа қилиб, уларни экспертизадан ўтказмоқчи бўлганлигингизни айтмоқчи, – Муроджон масалани кўндаланг қўйди.

– Ким шубҳа қилибди? Менми? Нима... устимдан куляпсизларми? Бунақа бетайин, тутуриқсиз фикр ҳаёлимга келмаган! Ҳаммасини текшириб, хотинимга ишонганман. Болаларимнинг ҳалол-покиза зурриёт эканлигига заррача гумон қилмаганман. Ахир... ахир... у гарангнинг ўлгиси келганми?

– Уям бировдан эшитганини айтган, – деди Фахриддин гувоҳни вазиятдан чиқариш мақсадида. – Аёл кишининг шаънига салгина доғ тушса, оғзига кучи етмаган кимсалар уни бутунлай ахлатга ботириб ташлашданам тоймайдилар. Ҳали текширамыз, аниқлаймыз! Демак, сиз фарзандларингизнинг пушти камарингиздан бўлганлигига шубҳа қилмагансиз, уларнинг “ДНК”сини экспертиза қилдирмоқчи бўлмагансиз?

– Бу гаплар... жиннига... гарангга... нимага керак экан? – Шариф ҳамон ўзига келолмасди.

– Сизга айтдик-ку, уям қайнонангиздан эшитганини айтган! – жаҳл қилди Муроджон. – Сиз саволга жавоб беринг, резинадай чўзмасдан!

Фахриддин “керак эмас” дегандай курсдошига ёвқараш қилди:

– Демак, сиз бу гаплардан беҳабар бўлгансиз, шундайми?

– Шундай! – Шариф бир нуқтага тикилганча жимиб қолди. Санжарбек унга графиндан сув қуйиб узатди. Йигит сал ўзига келиб, тилга кирди:

– Мен сизларни қотилни қидираяпти десам... менга тўнкамоқчи бўлаяпсизларми?

– Ҳеч ким сизга тўнкамоқчи эмас, ҳақиқатни аниқламоқчимиз! – эътироз билдирди Муроджон. – Агар гувоҳларнинг гапи тўғри чиқадиган бўлса, сиз хотинингизни қаттиқ рашк қилгансиз, унинг бошқа эркак билан ишқий алоқаларини сезиб қолиб, кўзингиз қонга тўлган, қалбингизда нафақат аёлингизга, балки болаларингизгаям нафрат ўти оловланган. Ўзингизни уларнинг хиёнат қилмаганига, айбсизлигига ишонтирмоқчи бўлгансиз. Лекин йигитлик ғурурингиз бунга йўл бермаган. Бундай носоқни кўтариб юргандан, беҳаё, беномус хотиннинг баҳридан ўтишни афзал кўргансиз. Ўзингизга рад этиб бўлмас “алиби” ҳозирлаш мақсадида ўша кун навбатчиликда қолиб, ишга бошқани жалб қилгансиз! Қалай, мантиқли таҳминми?

– Нима деяпсиз! – деди Шариф кўзи хонасидан чиққудай бўлиб. – Мен ўз хотинимни, ўз болаларимни... калла борми?

– Такрор айтаман, ҳали жиноят очилмаган экан, оилангиз атрофидаги барча шахслар гумондан холи бўлолмайди. – Вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди Фахриддин. – Жумладан, сиз ҳам. Агар терговнинг сиз ҳақингиздаги вазллари тасдиқланмаса, унда сиздан кечирим сўрашга тайёرمىз. Ҳа дарвоқе, олдинги кўрсатмаларингизда аёлингизнинг олдида “савдогар” ниқобида келган

хотинни танимаслигингизни билдиргансиз. Ўша кўрсатмаларингизга қўшимчаларингиз борми? Бирор нарса ёдингизга тушмадими?

– Йўқ!

Терговчилар баённомага қўл қўйдириб, гувоҳга рухсат бердилар. У хонадан чиқиб кетар экан, Муроджонга ўқрайиб қараб қўйди.

* * *

Фахриддин Каримович кечаси билан нималарнидир ўйлаб чиққан шекилли эрталабдан гуруҳ аъзоларини йиғди.

– Вазият кундан-кунга чигаллашиб бораётганлиги муносабати билан, муҳтарам терговчилар, энди қандай йўл тутишимиз тўғрисида сизлар билан маслаҳатлашиб олишимиз лозим. Маълумотингиз учун, тунда Тоҳир Ғофурович билан қўнғироқладим. Раҳбарият ишимиздан умуман қоникмаётганини айтди. Бу тушунарли. Аммо мени бисотимизда тузукроқ тахмин йўқлиги, калаванинг учи тугул, унинг дарагиниям топа олмаётганимиз ташвишлантирмоқда. Боши берк кўчага кириб қолдик, десам аҳволимизни анча енгиллаштирган бўламан. Қоронғи тунда чексиз дашту биёбонга тушиб, йўлдан адашиб қолгандаймиз. Хаёлимда ҳақиқатдан узоқлашиб бораётгандаймиз. Олдимизда минглаб йўллар турибди, улардан фақат биттаси ҳақ йўл. Аммо уни топиш осон кечмайдиганга ўхшайди. Бу туришда янги тергов муддатиниям еб битирамиз. Ҳеч қандай натижага эга бўлмасдан яна тергов муддатини узайтиришни сўрасак, раҳбарият бизни тушунмайди. Туни билан ўйланиб чиқдим. Хаёлларим чалкашиб кетди. Сизларни тўплашдан мақсад фикр-мулоҳазаларингизни эшитиб, бир тўхтамга келиш, келгусида қандай йўл тутишимиз

хусусида келишиб олишдан иборат. Марҳамат, сўз жаноб Раҳмоновга!

Санжарбек ўрнидан туриб, қўлидаги қоғозга бир қараб қўйиб, гап бошлади:

– Биринчи аниқлаб олишимиз лозим бўлган масала – тўртала қотиллик бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир қилинганми ёхуд ҳар бири алоҳида шахслар томонидан амалга оширилганми? Менимча, Зухриддин Тоғаевнинг ўлими бошқа қотилликларга алоқаси йўқ. Гулдонанинг ўлимида эрининг қўли борлиги аниқ. У Гулжамолга етишиш учун хотинидан қутулмоқчи бўлган. Билимли одам эмасми, аёлининг хасталигидан фойдаланиб, унга аста-секинлик билан таъсир қилувчи заҳарни бериб борган. Одамларнинг кўзича, хотинини шифохонага ётишга қистаса-да, бунга етарли шароит яратмаган. Гулдона “йўқ” деган тақдирдаям кимсан банк бошқарувчиси, беморни машинасига ўтқазиб шифохонага олиб бориши, даволатиши лозим эди. Буни қилмаган. Хотинининг фолбину табибларга ишончи юқорилигидан фойдаланган. “Унда хотинининг ўлиmidан сўнг нега Гулжамолга уйланиб олмаган?” деган ҳақли савол туғилади. Бунга Гулжамолнинг “қовун тушириб” қўйиши сабаб бўлган. Унинг Озод билан ишқий саргузаштлари рашкчи эрнинг ғизабини кўзгаган, орага нифоқ тушган. Энди Муҳриддиннинг ўлими хусусида: ҳали бу ерда қотиллик юз берганига аниқлик киритилиши лозим. Аммо масаланинг асосий ишимизга алоқаси йўқлигини инобатга олиб, алоҳида иш юритишга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизга тааллуқли бўлмаган масалада бошимизни ачитиб нима қиламиз! Анора ва унинг болалари ўлимида Шарифни айблашга асосларимиз етарли эмас. Аммо уни гумондорлар рўйхатидан чиқариб ҳам бўлмайди.

Менимча, унинг ортидан кузатув қўйишимиз лозим. Кечаги сўроқдан кейин у анча гандираклаб қолди. Доимий кузатувга олсак, ўзи бизни далилларга етаклаб бориши мумкин. Анави “савдогар” аёлнинг масалага дахлдорлигига унчалик ишончим комил эмас. Унинг ишимизга аралашиб қолиши тасодиф бўлса ажабмас. Шундай бўлса-да, уни излаб топиш ишларини тўхтатиб бўлмайди. Ва ниҳоят Зухриддин Тоғаев масаласида... Тўғриси-ни айтсам, нима дейишгайм ҳайронман. Кимдир биз билан қувламачоқ ўйнаётгани аниқ. Ишланган тахминларимиздан бирортаси кутилган натижани бермади. “Тиланчи” аёлнинг ишга қанчалик алоқаси бор, бу ҳам ҳозирча жумбоқ. Шунча одамнинг ичидан уни излаб топиш уммондан игна қидиргандай гап...

– Тушунарли! – Фахриддин ўрнидан қўзғалди. – Зухриддинни Гулдонанинг қотили деб баҳолаш учун қўлимизда Зубайданинг кўрсатмасидан бошқа нима бор? Менимча, бошқа ҳеч вақо йўқ. Айбни ўлиб кетган кишига тўнкаб, ишни ёпиб юборишдан осони йўқ. Тўғри, ўликлар гапирмайдилар, менинг айбим йўқ деб айтолмайдилар, эътироз билдирмайдилар. Лекин қотил у бўлиб чиқмаса-чи? Эртага ҳақиқий жиноятчи “ассалому алайкум!” деб кириб келса-чи! Унда нима бўлади?

– Устоз, энди ҳамма нарсасга шубҳа билан қарайверсак, жиноятни қандай очамиз? – деди Санжарбек норози оҳангда.

– Тўғри, бунга сабаб – қўлимизда далил-исботларнинг етарли эмаслиги! Бировни қотилликда айбламоқчи бўлаяпмизу, қўлимиз бўм-бўш! Майда-чуйда, олди-қочди гап-сўзлардан...

– Сўзингизни бўлганим учун узр, – мунозарага Муроджон қўшилди. – Тўртала қотилликни бир шахс содир этган деб нотўғри хулосага келдик-

ми дейман-да! Ахир ўйлаб кўринг, учта жиноятни бахтсиз ҳодисага йўйишга ҳаракат қилишган. Зухриддиннинг ўлими эса намойишкорона, ошкоро содир этилган. Агар қотил бир шахс бўлганда бу жиноятни ҳам бахтсиз ҳодиса сифатида ниқоблаган бўларди. Унда балки Зухриддиннинг ўлимиyam бахтсиз ҳодиса сифатида ўтиб кетарди.

– Балки бунинг ҳисобини қилолмагандир! – луқма ташлади Санжарбек.

– Нима деяпсиз? Шунчасини моҳирона уддалаган одам, шунга ақли етмасмиди? Йўқ, Зухриддинни ўлдиришда атайлаб, “мана кўриб қўй!”, “қўлингдан нима келади?” дегандай иш тутган.

– Балки улар бизни чалғитиш учун қасддан шу йўлни танлаган бўлса-чи!

– Йўқ, бу эҳтимолдан йироқ! – деди Фахриддин ўйланиб туриб. – Чалғитиш учун бунақа қалтис йўл танлаш ақлли одамнинг иши эмас. Қотил фавқуллодда нафрат, қасос, интиқом ҳиссидан кўзи қонга тўлган одам бўлиши керак. Фақат шундай шахсина бунақа хунрезликка қўл уриши мумкин. Ўша кезде у қилмишининг оқибати нима бўлиши, келажақда ўзининг фош бўлиб қолиши, жаъобгарликка тортилиши ҳақида ўйлаб ўтирмайди. У ўзининг узоқ муддатдан бери ўйлаб юрган режасининг амалга ошганидан, интиқом онлари етиб келганидан масрур бўлиб, қилмишининг оқибати нима билан тугаши хусусида бош қотирмайдди.

– Устоз, бу тахмин бўйича қанча бош қотирдик, фойдаси бўлмади-ку! – деди Санжарбек ҳафсаласизлик билан. – Шўрлик Тоғаевнинг туғилганидан ўлганигача барча алоқалари ўрганиб чиқилди. Бунақа иш қўлидан келадиган душмани борлиги аниқланмади. Бир нарсани титаверишдан нима наф?

– Тўғри, кўп иш қилдик! – деди Фахриддин ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилиб. – Ле-

кин жиноят ҳали очилгани йўқ, қотил ялло қилиб юрибди. Аҳоли саросимада! Модомики, янги тахминлар йўқ экан, эскилари хусусида бош қотиришга мажбурмиз. Керак бўлса, ҳаммасини бошидан бошлаймиз! Тоғаевга душман бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатини тузиш лозим. Фаним – бу Зухриддин иш фаолияти, турмуши давомида ёмонлик қилган, ноўрин жазолаган ёки тегишли рағбатдан асоссиз маҳрум қилинган шахс. Биз шулардан бир нечтаси билан ишлаб кўрдик. Натижа бўлмади. Тоғаев узоқ муддат раҳбар бўлиб ишлаган. Шу даврда қанчасининг бурнини қонатган, қанчасининг мушугини “пишт” деган, қанчасининг арпасини хом ўрган. Шуларни аниқлашимиз бизга иш бериши мумкин. Бу осон иш эмас. Шуларнинг ичидан, масалан Холматбойни топишимиз осон кечгани – Тоғаев ва Холматбой ўртасида жанжал борлигини ҳамма билгани билан боғлиқ. Лекин шундай келишмовчиликлар бўладики, улар ҳақида фақат икки киши хабардор бўлади. Албатта, бунақа нифоқларни аниқлаш қийин кечади.

– Фахриддин ака, – Санжарбекнинг хаёлига бирор жўяли фикр келди шекилли, ҳовлиқиб гап бошлади. – Гапингизни тинглаб туриб, анов Баҳром Сафаровичнинг иши бўйича дўхтир Ботировнинг қасос олиш борасида танлаган йўли ёдимга тушиб кетди. Ўшанда қасосга дўхтирнинг ноқонуний жавобгарликка тортилганлиги ва кейинчалик уни қамоққа кўриш учун келаётган хотини ва болаларининг автоҳалокатга учраб ўлиб кетиши сабаб бўлганди. Тўғри, Тоғаев бировни қаматтириб юборадиган прокурор ёки судья бўлмаган. Лекин катта мансабларда ишлаган. Қўл остидаги “қулоқсиз” ходимлардан қутулиш учун уларни қаматиб юборишни ташкил қилган бўлиши ҳеч гап эмас! Бу бахтсизлик, Ботиров билан бўлган кўнгилсиз-

лик каби бошқа нохушликни келтириб чиқарган. Гарчанд бунда Зухриддиннинг айби бўлмаса-да, унинг ўша биргина адолатсизлиги кейинги янада даҳшатлироқ кулфатнинг юз беришига сабаб бўлган. Натижада Тоғаев кимнингдир оиласида юз берган жамики бахтсизликларнинг сабабчиси бўлиб қолган. Бу ёғи энди...

– Гапингизда жон бор! – деди гуруҳ раҳбари шогирдига “бўларкан-ку!” дегандай тикилиб. – Бундай ҳолатда ўртадаги келишмовчилик, тўғрироғи душманчиликдан атрофдагилар хабардор бўлмайди. Кимдир қамалиб кетса, эшитганлар, “айби бордир-да, қамалибди!” деб қўя қолишади. Билганлар “фалончи фалончи билан қасдлашиб, туҳмат билан қаматиб юборибди” дейишсам, эшитган одамлар бунга унчалик ишонмайди, “оғзига кучи етмаган одамлар гапираверади-да, давлат бор, қонун бор!” деб қўйишади. Натижада ситамкор шахс ва унинг яқинларидан бошқалар бу кўнгилсизликдан хабардор бўлмаслиги мумкин. Бизнинг ишимиз бўйича шундай бўлган бўлса, ажаб эмас. Санжарбек ҳақ гапни гапирди. Тоғаев ишлаган даврда у қўл остидагилардан ва уларнинг оилаларидан кимлар қамалиб кетган, лунга аниқлик киритишимиз лозим. Ажабмас бигор иш чиқиб қолса!

– Майли, бу тахминниям ишлаб кўрамиз, аммо менимча, бундан бирор иш чиқиши дарумон! – Муроджон фикрини баён қилди. – Тоғаев прокурорми, судьями, ҳеч бўлмаганда милиция ходими бўлганда бошқа гап эди. Тўғри, уям раҳбар бўлган. Бу мавқедаги мансабдорнинг бировни қаматиб юбориши... ақлга сиғмайди.

– Ҳамма нарсa бўлиши мумкин! – деди гуруҳ раҳбари қатъият ила. – Тажрибамизда бунақа ишлар анча-мунча учраган. Туман прокуратура-

сида ишлаб юрган пайтларимда битта колхоз раисига нисбатан қўзғатилган жиноят ишини тергов қилганман. Биласизлар, собиқ иттифоқ даврида колхоз раиси катта одам бўлган. Шундай раислар бўлганки, ўз ҳудудида унинг айтгани айтган, дегани деган бўлган. Ўша иш бўйича колхоз раиси йиғилишда унга гап қайтарган бир бечора ўқитувчи билан қасдлашиб, кўпчиликнинг олдида “сен маҳмадонани қамоқда чиритмасам отимни бошқа қўяман” деб юборган. Кейин отини бошқа қўймаслик учун милициядаги ошнолари билан келишиб, муаллимнинг уйидан беш-олти бошоқ кўкнор “топилиши”га эришган. Қарабсизки, умрида кўкнорни қўлига ушламаган ўқитувчи уч йилга қамалиб кетган. Ўшанда раиснинг кирдикорларини фош қилиб, ўзини жавобгарликка тортганмиз!

– Тоғаев ҳам етти йил совхоз директори бўлиб ишлаган демоқчисиз-да! – Муроджон “чекиниш”га мажбур бўлди.

– Тоғаев “Кўкдала” совхозида директор бўлиб қайси пайтлар ишлаганди? – Фахриддин Санжарбекка юзланди.

– 1982 – 1989 йилларда!

– Ҳа, аيني пайтида – Шўролар давлати инқирозга юз тутган, қонунбузарликлар, бошбосдоқликлар авжига чиққан, давлат органларининг нуфузи тушиб, жамиятдаги низо ва келишмовчиликлар “чойхона”ларда ҳал этиладиган оғир даврда ишлаган экан! Демак, гап бундай! – Фахриддин Каримович хулоса ясади. – Санжарбек, сиз Зомин туманига бориб, суд ва прокуратура архивидан ўша йилларда қўзғатилган, иш юритиш тугатилган, тўхтатилган ва суддан ўтган барча жиноят ишларини ўрганиб чиқасиз. Айниқса, “Кўкдала” совхозидан ўтган ишларга эътиборингизни қаратасиз. Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ясама далил-

лар, ёлғон-яшиқ кўрсатмаларга асосланган ишни дарров пайқаб олса бўлади. Албатта, иш билан танишганда жаноб Тоғаевнинг бевосита аралашуви сезилмаса-да, иш кимнингдир буюртмаси, хоҳиш-истаги асосида қаппайтирилганлигини, ишни юритган терговчининг, айблаш хулосасини тасдиқлаган прокурорнинг ва ишга охирги нуқта-ни қўйиб, ҳукми ўқиган судьянинг ноҳолис ёндашганини фаҳмласа бўлади. Тезкор ходимлардан бир нечтаси сиз билан кетади. Улар одамлар ичига кириб, ўша даврларда ишлаган шахслар билан чуқурроқ ишласин, сўраб-суриштира син. Мен эса Тоғаевнинг кейинги ишлаган ва яшаган жойлари бўйича Жиззах шаҳри ва вилоят бўйича дахлдор ишларни қараб чиқаман. Қолган йўналишдаги ишлар олдинги иш тақсимо ти бўйича давом эттирилади.

Гуруҳ раҳбари тезкор йиғилишни ёпиқ деб эълон қилган бўлса-да, терговчиларнинг жиноят ишининг гоҳ у, гоҳ бу нозик жиҳатлари ҳақидаги мунозаралари, тортишувлари узоқ давом этди...

* * *

Фахриддин Каримович меҳмонхона олхонасида тамадди қилиб, ишга отланиб турган пайт меҳмонхона телефони жиринглаб қолди. “Каллаи саҳарлаб безовта қилаётган ким бўлди экан” деган хаёлда гўшакни кўтарган терговчи Тўхир Ғофуровичнинг салобатли овозини эшитиб, сергак тортиди:

– Ассалому алайкум, Тўхир ака! Йўқ, йўқ, энди ишга чиқмоқчи...

– Мен бугун тергов қилаётган ишларинг бўйича Бош прокурорга ахборот беришим керак. – Раҳбар бирдан мақсадга кўчди. – Нима янгиликлар? Калаванинг учини топай дедингларми?

– Тоҳир Ғофурович, ўтган сафар сизга ахборот берганимдан бери ишимизда айтарли силжиш бўлмади. Тахминларимиз бирортаси натижа бермаяпти. Нима қилишга...

– Сиз шундай десангиз, бошқа терговчиларимиз нима қилишади? Тушкунликка тушиш керак эмас. Анча иш қилдинглар. Энди шуларни ақл чиғириғидан ўтказиб, мантиқан жой-жойига қўйиб чиқишларинг қолди.

– Шундайку-я! Лекин ягона хулосага келишимиз қийин бўлмоқда!

– Ҳар тўртала жинойтнинг бир шахс ёки бир гуруҳ томонидан содир этилгани аниқми?

– Бошида шундай туюлган эди. Лекин ичига кирганимиз сайин иккиланиб қолаяпмиз.

– Бирор сабаби бордир?

– Биринчидан, Анора ва унинг болаларининг ўлими бахтсиз ҳодисами ёки қотиллик эканлиги аниқ эмас. Экспертиза резина шланг мажбурий букилганини тасдиқлаяпти, аммо бу ҳаракат ўша кунни бўлганми ёки бошқа вақт – бу номаълум.

– Анави “савдогар” аёл нима бўлди?

– У аёл топилмади. Шу сабабли унинг Аноранинг ўлимига алоқадорлиги масаласи очиқ қолмоқда. Қўлимизда қўшни аёлнинг гувоҳлиги, таксичининг кўрсатмаси ва юзида холи борлиги хусусидаги маълумотдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Тоғаевнинг уйида хизматкор бўлиб юрадиган Зубайданинг кўрсатмасидаги сутчи аёл билан “савдогар” хотиннинг юзида нўхатдай холи борлиги уларни битта шахс деб ҳисоблашимизга етарли бўлмаяпти. Бу шунчаки тасодиф ҳам бўлиши мумкин.

– Жиззах кичкина жой бўлса, наҳотки башарасида нўхатдай холи бор сут сотадиган хотинни топиш қийин! Участка нозирларини, маҳалла фаол-

ларини оёққа турғизинглар... Нима, сизга шуниям ўргатиш керакми? – жаҳл қилди бошлиқ.

– Сут сотувчилар Жиззах шаҳридан ташқари, бу ёғи Ғаллаорол, Бахмал, бу ёғи Зарбдор, Зомин, Пахтакор, Жиззах туманларидан келишаркан. Кўплари билан ишлаб кўрдик, натижа чиқмади.

– Холматбойни нима қилмоқчисизлар?

– Ҳозирча жиннихонада сақлаб турибмиз. Гуруҳ аъзоларимиздан айримлари уни айблаб, ишни судга ошириш тарафдори. Менинг эса негадир бунга қўлим бормай турибди. Шунақа мураккаб жиноятни бир жиннининг, кечирасиз ақли заиф кишининг уддалашига ишонгим келмаяпти!

– Ақли заиф кишиларнинг қобилияти хусусида янглиш фикрдасиз чамамда! Психиатр, психологлар билан гаплашиб, маслаҳат олсангиз ёмон бўлмасди!

– Бир-иккитаси билан гаплашдим. Умумий гаплар... бирон фойдали маслаҳат ололмадим.

– Демак, устасига учрамаганиз! Йигитларга тайинлайман, яхшисини топишади. Сизга ўзлари телефонга чиқишади.

– Раҳмат, яхши бўларди!

– Калишнинг қайдан келиб қолганини аниқлай олдингларми?

– Бу масаладаям мавҳумлик! Гувоҳлардан бирортаси олдин бу калишни Холматбойнинг оёғида кўрмаган. Калиш унинг оёғини сал сиқса-да, тўғри келаяпти. Пойабзалнинг ички қисми порошокда яхшилаб ювилгани учун пото-тер биологик экспертизаси унинг муқаддам кимлар томонидан фойдаланилганлигини аниқлай олмади. Микро-зарралар бўйича таҳлил ўтказа олишмади. Калишнинг таг қисмийм ювилган бўлса-да, тишлари орасида тупроқ зарралари сақланиб қолган экан.

– Телбанамо шахсинг ҳеч кимга сездирмасдан шунча ишни бир ўзи эплаши қийинми дейман-да!

– Мениям шу нарса қийнаяпти-да! Шунча ури-нишимизга қарамай на жиноят содир этилган жойни, на жиноят қуроллари аниқлаб бўлмаяпти.

– Автоҳалокат бўйича бирор нарсани аниқлашга эришдингларми?

– Ҳозирча янгилик йўқ. Муҳриддиннинг ҳалокатдан олдин қаердан чиққанлигини аниқлашнинг имкони бўлмаяпти. Хизматкор аёл шу куни оқшом унинг уйга кирмаганлигини айтиб турибди. Экспертлар тормоз шланги бир неча кун олдин кесиб қўйилган бўлишиям мумкин дейишаяпти. Бу тахмин бўйича қўп ишладик, аммо...

– Тушунарли! Тоғаевнинг қизи... исми нимаиди?

– Анора!

– Анора ва унинг фарзандлари ўлимида эрининг алоқадорлиги масаласи нима бўлди?

– Зубайданинг кўрсатмалари қисман тасдиқланди. Эр-хотин ўртасида рашк туфайли келишмовчилик бўлган. Хотинининг бир йигит билан телефонда гаплашиб юрганини сезиб қолган эр тўполон кўтарган, аёлига қўл кўтарган. Анора анча вақт отасиникига аразлаб кетиб қолган. Шариф Баҳриллони топиб, йигитчасига гаплашмоқчи бўлган. Аммо Баҳрилло Анорани бир марта йўл-йўлаккай Жиззахга машинасида олиб кетганини, Анора “эримга туғилган кунига совға олишим керак” дегани учун костюм-шим топишда ёрдам берганлигини, шу муносабат билан бир неча бор қўнғироқлашганликларини, ораларида бундан бошқа нарса йўқлигини айтган. Шариф унинг гапларига ишонганман деяпти. У болаларининг ўзидан бўлганлигига шубҳа билан қараганлиги ҳақида-

ги Зубайданинг гапларини қатъиян рад этмоқда. “Бунақа аҳмоқона фикр умуман калламга келгани йўқ! Зубайда бу гапларни қаердан олганига ҳайронман!” деб турибди. Зубайда эса бу гапларни Аноранинг онаси Гулдонадан эшитганлигини...

– Шу Зубайдангиз ўзи қанақа одам, унинг гапларида туз борми? – Тоҳир Ғофурович терговчининг гапини бўлди.

– Тоғаевнинг уйида кўп пайтлардан буён хизматкор бўлган. Олдин айтганимдай ёшлиқдан гунг-кар, ҳеч кими йўқ, болалар уйида катта бўлган экан. Эсли-ҳушли хотин. Тоғаевлар оиласидагиларнинг барчаси марҳум бўлганлиги боис кўп нарсаларга ойдинлик киритиш учун ундан сўрашга тўғри келяпти. Менимча кўрганларини, эшитганларини айтаяпти, ёлғон сўзлашдан унга нима наф...

– Оиланинг бирин-кетин қирилиб кетишидан унинг манфаатдорлик томони йўқми? Айтайлик, уйга эғалик қилиш, мол-мулкни қўлга киритиш...

– Уй Тоғаевнинг хотини Гулдонанинг номида. Зубайда “айтган пайтларинг уйдан чиқиб кетаман” деяпти. Уйга даъвогарлик қилиш нияти йўқ. Тоғаевнинг бошқа мол-мулки бўлмаган.

– Яна бир бор нотариусларга сўровнома юбориб, Тоғаевларнинг бошқа шахсларга мерс, ҳада, олди-сотди қилинадиган мол-мулклари боғлиқлиги ҳақида маълумот талаб қилиб олинглар...

– Хўп бўлади!

– Хўш, кейин нима бўлди, Шариф тўғрисида гапириб тургандигиз! – деди Тоҳир Ғофурович мавзуга қайтиб.

– Ҳа, биз Шариф хотинининг хиёнатини сезиб қолиб, фарзандларининг ўзидан бўлганлигига гумонсираб, нафрат ўтидан ғазаби қўзиб, уларни ўлдирган бўлиши керак деб фараз қилгандик.

– Тўхтанг, тўхтанг! Адашмасам бир неча йиллар олдин Хоразм вилоятининг қайси бир туманида шунга ўхшаш воқеа бўлганди-ку! Кап-катта эркак хотинини хиёнатда айблаб, алаmidан уни беш боласи билан бирга ўлдириб ташлаганди. У одам хотинини хиёнат устида қўлга туширмаса-да, аниқ билган экан. Кейинчалик экспертиза болалардан иккита кичиги ундан бўлмаганини тасдиқлаган эди.

– Менам эшитгандим! Шу туфайли бизам қотил Шариф деб гумон қилгандик-да! Лекин ўзиям, Баҳриллоям Аноранинг бошқача кўрсатма...

– Нима, сизга “мен ўлдирдим!” десинми? Баҳриллонгиз ҳам қилган номаъқулчилигининг ошқор бўлишидан, оиласининг бузилиб кетишидан манфаатдор эмас! Сиз хиёнат факти аслида бўлганми, шуни аниқланг! Шариф болаларини “ДНК” қилишга ҳаракат қилганми? Ахир Зубайда бу эртакни ичидан тўқиб чиқармагандир. Тогаевнинг хотинидан эшитган дегандингиз! Унга ким айтади? Аноранинг ўзи! Агар бу воқеа бўлмаган бўлса, Анора ўзи тўғрисида шунақа бемаза гапларни тарқатармиди?

– Энг ёмони на Гулдона бор, на Анора! Гувоҳлар кўрсатмаларининг тўғри-нотўғрилигини аниқлаб бўлмаяпти. Бунақа чигал жумбоқни...

– Фахриддин Каримович, сизни танимай қолаяпман! – бошлиқнинг овози бир оз юмшади. – Сиз бундан-да чигал ишларни тергов қилиб, очиб ташлагансиз! Бу иш сизга нима бўпти?

– Раҳмат, Тоҳир ака! Ҳаракат қиламиз.

– Биздан нима ёрдам?

– Тергов муддатини узайтириш масаласида...

– Яхши, ҳал қиламиз! Бош прокурорнинг ишимиздан норози бўлиши табиий. Лекин мен тушунтиришга ҳаракат қиламан. Сизларга омад!

Фахриддин гўшакни ўрнига қўйиб, бир оз енгил тортди. Жойида ўтирганча ўйланиб қолди: Шарифга хотинини ўлдириш учун нима асослар бор эди? Хиёнат тушунарли. Яна нима? Қайнота-қайнонасининг меросидан умидвор бўлганмикан? Мол-дунё учун одамлар нималар қилмайди! Битта ҳовли-жой учун-а! Йўқ, йўқ, ёпишмаяпти. Молмулк учун хиёнаткор хотинининг баҳридан ўтиши мумкину, бироқ болаларининг ҳаётига зомин бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди. Тоҳир Ғофурович “хиёнат факти аслида бўлганми – шуни аниқланг!” деб тўғри айтди. Лекин буни аниқлаб бўлармикан? Одатда бунақа ишлар хуфиёна қилинади. Бу ҳақда фақат икки киши хабардор бўлади. Улардан бири – Анора, аммо ўликлар гапиролмайди! Баҳрилло эса ҳеч қачон тан олмайди. Анора тириклигида сирини онасига айтган. Нима учун? Улар шунчалик дугоналардай яқин сирдош бўлишганми? Бўлиши мумкин. Бироқ, Гулдонанинг қизи ҳақидаги бу сирни Зубайдага нега айтганини тушуниш қийин! Гунг-кар бўлгани учунми? Бировга айтолмайди деб ўйлаган бўлса керак-да! Балки бу гапларни Зубайданинг ўзи тўқиб чиқаргандир! Унга бу ёлгон нимага керак? Бунақа бемаза, беайин гапни осмондан олиб тўқиш мумкинми? Ақл бовар қилмайди! Зубайданинг бошқа гаплаги тўғри чиқаяпти-ку! Шариф ўзини гумондан хол қилиш мақсадида Зубайданинг гапларини қисман тасдиқлаб, қолганларидан тониб, тан олмасдан оёқ тираб турибдими? Ўзини тутиши, ташқи кўринишидан унақа одамга сираям ўхшамайди. Аммо машойихлар айтганидек, одамнинг оласи ичида бўлади... Шариф билан қаттиқроқ шуғулланишга тўғри келадиганга ўхшайди... Холматбойни нима қилсам экан? Мендан бошқа терговчи бўлганда, аллақачон уни қамоққа тикиб, ишни судга ошир-

ган бўларди. Далил қўлимизда бўлса! Мотив ҳам бор! Бундан ортиқ яна нима керак? Фақат ишонч, ички туйғу етишмаяпти? Нима қилмоқ керак? Кўзни шарт юмиб, Холматбойга айб эълон қилиб, қолган ишларни алоҳида иш юритувга ажратиб ташласаммикан. Кейин нима бўлади? Маҳаллий терговчилар биз очолмаган жиноятни оча олишадими? Ёки очилса-очилди, очилмаса ишни ҳаракатдан тўхтатиб қўя қолишадими? Ёхуд бошларини қотириб ўтирмасдан воқеани бахтсиз ҳодисага йўйиш билан чекланишадими? Унда ҳақиқий қотил жазодан қутулиб қолиб, кўнглида янгидан-янги жиноятларга рағбат ҳиссини туяди. Йўқ, йўқ! Бунга йўл қўйиб бўлмайди!

Фахриддин ўзгача бир шижоат билан енг шимариб, ишга киришди...

* * *

Санжарбек бир неча кундан буён Зомин тумани прокуратурасида архивдан олинган, сарғайиб, чанг босиб ётган ҳужжатларни титкилаб ўтирар экан, 1987 йилда “Қўқдала” совхозида содир бўлган бир жиноят иши диққатини тортди. Воқеа тафсилотлари қуйидагича: совхоз марказидаги мактабда директор лавозимида ишловчи Неъматилло Омонов Жиноят кодексининг 94-моддаси билан жавобгарликка тортилиб, беш йилга озодликдан маҳрум қилинган. Иш қўзғатилишига котиба аёл – Широнойнинг аризаси асос бўлган. Аризада у эри билан ажрашганини, бир ўғил, бир қизни ёлғиз ўзи тарбия қилаётганини, молиявий қийинчиликлар сабаб боласини боғчага жойлаб, ишга чиқишга мажбур бўлганини, мактаб директори Н.Омонов уни ўзига котиба сифатида ишга қабул қилганини, бу вазифада 6 ойдан буён ишла-

шини, бошида директор унга меҳрибонлик кўрса-тиб, яхши муносабатда бўлганини, лекин сал ўтмай фсъли айниб, унга шахвоний кўз билан қарай бошлаганини, ҳеч ким йўқ пайтлари тегажоқлик қилишга ўтганлигини, “бирор овлоқроқ жойда уч-рашиш”ни таклиф қилганини, “агарда гапимга кирмасанг, ишдан кетасан” дея дағдаға қилиб келганини таъкидлаган. Ўша кунни эрталаб директор уни ёнига чақириб, “кечки пайт қизинг ухлагандан кейин уйингга ўтаман, меҳмонинг бўламан” деган. Шириной директор ҳазилашаётган бўлса керак деб ўйлаб, бу таклифга жиддий аҳамият бермаган. Шунга қарамасдан “ростданам келиб қолса-я” деган ўйда кечкурун уйига қўнғироқ қилиб, “уйга ота-онам келган, илтимос келманг” деб айтиб қўйган. Аммо орадан ярим соат ўтар-ўтмас эшик тақиллаб қолган. Шириной қўни-қўшнилардан бирортаси у-бу нарса сўраб чиққандир-да, деган ўйда эшикни очса, раҳбари турибди. Кўкрагидан итариб, беодоблик қилмаслик мақсадида ичкарига таклиф қилган. Меҳмонга дастурхон ёзилган. Бир оз суҳбатлашиб ўтиришган. Кейин Неъматилло ноҳосдан аёлнинг қўлларидан ушлаб, ўзига тортган. Шириной жони борича қарғилик кўрсатиб, эркакнинг бақувват қўлларидан чиқишга уринган. Аммо кўзи қонга тўлган йигит аёлни даст кўтариб, нариги хонадаги диванга босган. Аёлнинг йиғлаб қилган илтижоларига, қаттиқ қаршилигига қарамай зўрлик билан устидан кийимларини еча бошлаган. Шириной номусини ҳимоя қилиш учун жон ҳолатда йигитнинг юзига чанг солиб, тирнаб ташлаган, оёқлари билан тепишга уринган. Йигит мақсадига эришиш учун гавдаси билан босган ҳолда ўлжасининг қаршилигини енгиб, ич кийимларини йиртиб ташлайди. Фақат шундан кейингина номусидан ажралишини сез-

ган жувон бор овозда ёрдам сўраб бақир-чақирни эшитиб уйга кириб келган бир девор қўшни – Момохол деган кампир ярим яланғоч ҳолда дивандан туриб келаётган эркак ва аёлни кўриб қотиб қолади...

Бир қарашда ҳаммаси жойидадек туюлса-да, ишни ўқиган сари терговчининг қалбида шубҳа-гумонлар кўпая борди. Гап шундаки, айбланувчи бошдан-охир жабрланувчининг кўрсатмаларига мутлақо қарама-қарши кўрсатма бериб келган. Ҳатто судда ҳам гапларидан тоймаган, бўлаётган ишларни унга нисбатан тўхмат деб ҳисоблаган.

Санжарбек унинг айбланувчи тариқасида сўроқ қилинганда берган кўрсатмаларини ўқиб, ёқа ушлади: “Мен – Неъматилло Омонов 1982 йилдан мактаб директори бўлиб ишлайман. Ўтган йили котибам бола парваришлаш учун таътилга чиқиб кетганиги сабабли Шириной Тўраевани ишга қабул қилган эдим. У билан фақат иш юзасидан гаплашганмиз. Хизмат вазифасини лозим даражада бажариб келган. Иш бўйича унга эътирозим бўлмаган. У менга меҳрибончилик кўрсатиб, иш пайти чой-пой дамлаб бериб турган. Орамизда низо, келишмовчиликлар бўлмаган. Ўша куни кечки пайт уйимга қўнғироқ қилиб, “Неъматилло ака, қизим касал бўлиб қолди, ҳарорати тушмаяпти, “тез ёрдам”га қўнғироқ қилсам, келмаяпти, нима қилишимни билмаяпман”, дея йиғламсираб арз-дод қилди. Мен “ҳозир етиб бораман”, дея гўшакни қўйдим ва хотинимга “бир ходимимнинг уйида қўнғилсизлик рўй берибди, тезда бориб келаман” деб Ширинойникига шошилдим. Эшикни устига чиройли халат ташлаб олган котибамнинг ўзи очди. “Шифохонага боришга тайёр турган бўлса керак” деб ўйладим. У мени ичкарига бошлаб,

“бола бечора йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди, иситмаси сал тушди шекилли, бир оз кутиб турайлик, агар тушмаса бари бир шиfoxонага олиб боришга тўғри келади”, деди. Дастурхон ёзди, чой қўйди. Бир оз у ёқ, бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Бир маҳал аёл “Неъматилло ака, бунча бераҳмсиз, биз бечораларга бир қайрилиб ҳам қарамайсиз, бошимизда эримиз бўлмаса, ахир бизам одам, бизам аёлмиз!” дея суйкала бошлади. Бир хаёл шартта ўрнимдан туриб, кетмоқчим бўлдим. Аммо елкамдаги шайтон “шундай жонона сенга муштоқ турибди, эркакмисан ўзи, ўзинг-ку унга қўл теккизиш у ёқда турсин, ёнидан ўтолмайсан, у эса аёл бошиминан “ўлдим-ёндим” деб пинжингга кириб турганда, бағрингга босмайсанми, ишқ майидан симириб, лаззатланмайсанми, нодон” дея йўлимни тўсиб турарди. Туш кўраётгандай эдим. Ўзимнинг журъатсизлигимдан уялиб кетдим. Аёл кишининг ўзининг ор-номусини ерга уриб бўлса-да, шунчалик мард кетганидан лол эдим... Шириной ноз-карашма билан оҳиста ёнимга келиб, қўлимдан тутди. Оппоқ билаклар тафтидан юрагим хонасидан чиқиб кетай деди. Хижолатдан нима қиларимни билмай ўрнимдан турдим. Хушбўй атир ҳиди димоғимга урилиб, маст қилиб қўйганди. Бир хаёл ҳамма нарсани унутиб, ўзимни унинг бағрига отмоқчим бўлдим... Аёл мендаги иккиланган сенизиб, қўлимдан тутганча ётоғига тортди ва юз-кўзларимдан ўпа бошлади... Қаршилигимга қарамай бир силкиниб, эғнидаги халатини ечиб ташлади. Ёнгилгина ич кийимидан “тошиб” лорсиллаб турган оппоқ сийнасига кўзим тушганда бир муддат эс-ҳушимни йўқотиб, тарашадай қотиб қолдим... Шириной нималарнидир пичирлаб, кийимларимнинг тугмаларини тортқилаб ечишга тушгандагина беихтиёр аёлни қўлларида туриб, тўхтат-

дим: “Шириной, керак эмас, гуноҳга ботмайлик! Сиз ақлли, ор-номусли хотинсиз-ку!” дедим тилим зўрға айланиб. Мен унинг “чангали”дан қутулиб, хонадан чиқишга уриндим. Аммо, у мени маҳкам қучоқлаб олганди. Яхши гап билан ундан қутулиб бўлмаслигини англаб, қаттиқроқ силтаб ташладим. У бир қалқиб, кутилмаганда бақиришга тушди: “Қочинг, нима қилаяпсиз? Вой-дод ёрдам беринглар! Вой-дод!”. Тўнини тескари кийиб олган аёл юзимга чанг солиб, ўткир тирноқлари билан баданимни тимдалаб ташлади. Нима қилишимни билмай бир муддат қотиб қолдим. “Қўни-қўш-нилар эшитиб қолади-ку” деган хаёлда қўлларим чаён чаққандай қичқираётган ярим яланғоч аёлни оғзини бекитишга ҳаракат қилдим. Шу пайт нариги хонада кимнингдир “Ширин, Ширин!” деган овози эшитилгандай бўлди. Қўрқиб кетиб, ўзимни четга олдим. Эшикда кампир кўринди. Сочлари қўқиб, ғазабидан кўзларини шокосадай қилиб, жиннибашара тусга кириб қолган Шириной кўкрагимдан бор кучи билан итариб, шанғилаб йиғлаганча сакраб нариги хонага ўтиб кетди. Кампир башарамга бир туфлаб, “Ҳе одам бўлмай ўл-э, ҳайвон!” дея аёлни оғқасидан чиқди. Хўрлигим келиб, ўтириб қолдим. Қўшни хонадан котибамнинг “Мен одам деб уйга қўйсам, бу зўравон номусимга тегмоқчи бўлди! “Уятсиз! Беномус! Ҳаммани ўзидай бузуқи деб ўйласа керак-да!”, “Яна бу киши тарбиячи эмиш, беномус!” деган хитоблари эшитилиб турарди. Кампир эса унинг ичидан ҳаракат қилар, гоҳида атайлаб мени эшитсин дея овозини кўтарганча “ҳа ер ютгур жувонмарг, чукинг узилиб тушсин! Сениям хотининг, қизинг бордир!” деб қўярди. Унинг кейинги айтган гаплари қулоғимга кирмас, бошимда “Бу қандай савдо бўлди? Бу қанақа разиллик! Бунақа

аҳмоқона “театр” кимга керак? Ўзи чақириб, ўзи мени бадном қилмоқчими? Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади деганлари шу бўлса керак-да! Бир касофатни бошламасайди бу жодугар!” деган хаёллар чарх урарди. Шу пайт кампирнинг жаврашдан тўхтаб, “милицияга телефон қилиш керак! Бунақа бетовфиқларни қамоқда чиритиш керак!” деган гапи қулоғимга чалинди. Устимдан муздек сув қуйилгандай бўлди. “Демак, буларнинг нияти мени бадном қилиш, қамоққа тиқиш! Аммо... нима учун? Қайси гуноҳимга товон тўлашим керак? Бу маккор аёлга нима ёмонлик қилдим? Ишга олган бўлсам, ёмон гапириб, кўнглини қолдирмаган бўлсам! Яхшиликка ёмонликми? Бу ерда бир сир борга ўхшайди, энди нима қиламан?” деган саволлар яшин тезлигида миямдан ўтди. Кампир эса шиқирлатиб телефоннинг мурватини такрор-такрор бурарди. Хаёлимда ҳозир Ширин бориб, кампирнинг қўлидан телефон гўшагини олиб, жойига қўядигандек, “керак эмас” деб айтадигандек эди. Ниҳоят кампир “02”га тушди шекилли, баланд овозда гаплаша кетди: “Милиция... милиция тезроқ етиб келинглар... бир ўрсўхта қўшни аёлнинг номусига тегмоқчи бўлди... шу ерда чиқазмай турибман... тез келинглар!” Кўз олдим қоронғилашиб, нафасим бўғилди. “Ўу шармандаликка қандай чидайман? Эл-юрт нима дейди? Хотинимнинг, болаларимнинг кўзига қандай қарайман? Мактабдагилар нима деб ўйлайди?.. Жавобсиз саволлар бағри-дилимни эзарди. Ётоқхонадан отилиб чиқиб, кампирнинг қўлидаги телефон гўшагига ёпишдим:

– Онажон, илтимос милиция чақирманг! Ўзимиз келишиб...

– Жим бўл, беҳаё! – гингшиди кампир қўлини сарак-сарак қилиб. – Шугина аёлда нима қасдинг

бор эди? Ё ҳамма эрдан ажрашганлар бузуқи деб ўйлайсанми? Мана, мен, эрим Яратганнинг ҳузурига кетганида 25 ёшда эдим. Эрсиз икки болани кафтимда катта қилдим. Ҳаром луқма едирмадим! Қийналсам-да, ўлиб қолмадим! Сен-чи? Гулдай оиланг, болаларинг, мансабинг бўла туриб, бир ҳимоясиз ожизанинг қўйнига кирмоқчи бўлаяпсан! Э садқаи одам кет-э!

– Онажон, ахир... Шириннинг ўзи... – мен жавдираб, котибамга қарадим. – Шириной, айтсанг-чи! Сен ўзинг мени болам касал деб чақиртирдинг-ку! Мен... мен...

– Эй бўлди-э! – ўшқирди кампир. – Мен сени ўлардай ҳанги десам, ўтакетган безбет ҳам экансан-ку! Ҳе эркак бўлмай ўл! Қиларингни қилиб, энди иштонига иш қип қўйган боладай безрайиб ўтиришини қаранг!

Хаёлимдан ярқ этиб “Иккаласининг тили бир бўлса керак, нияти пул ишлаш шекилли” деган ўй ўтди. Кампирга ялиниб, адолатни талаб қилиш фойда бермаслигини ҳис қилиб, асл ниятини би-лиш мақсадида ялинишга тушдим:

– Илтимос, онахон! Мени шарманда қилманг! Қанча сўрасанглар бераман!

– Эй имонсиз, нима деяпсан? – кампир баттар ўшқирди. – Сендақалар ор-номусниям пулга чақишади. Пулим бор, кўнглимга келган ишни қиламан деб ўйлайсанлар-да! Яна раҳбар эмиш! Сенларни бир жойларингга тепиб, кетмон чоптириш керак. Зора, шунда одамни қадрига етсаларинг!

– Унда сизларга нима керак? Айбим нима? Мени қаматиб, нимага эришмоқчисизлар!

– Оғзингни ёп хунаса! Ҳе йўқ, бе йўқ бир муштипарнинг уйига тунда келиб, номусига тегмоқчи бўлганинг – айб эмасми?

Бу “уюшган гуруҳ” билан ади-бади айтишиб ўтириш фойдасизлигини сезиб, секин жуфтакни ростламоқчи бўлдим. Аммо кампир жавраб, йўлимга кўндаланг бўлди. “Қочиб қолсам, айбдорлигимни ўзим исботлаган бўламан-ку” деган ўйда милиция келишини кутишга қарор қилдим. Ҳар ҳолда орган ходимлари мени бу қуруқ туҳматдан қутқариб олиб, адолатни тиклашларига умид қилдим. Сал ўтмай милиция ходимлари етиб келишди. Барчамиздан тушунтириш хати олишди. Мен бўлган воқеани борича ёзиб бердим. Шириной эса устимдан дунёнинг бор маъзавасини ағдариб, бўлиб ўтган воқеаларнинг тамоман тескарисини баён қилди. Кампир эса унча-мунча бўрттириб, кўрганларини гапириб берди. Формада бўлмаса-да ўзини тутишидан орган ходимларининг каттакони эканлиги шундоққина билиниб турган икки киши Ширинойнинг ёлғон-яшиқ сўзларига тўла ишонишди шекилли, менинг гапларимни, тушунтиришларимни эшитибам ўтирмасдан ички ишлар бўлимига олиб кетишди...”

Санжарбек иш бўйича асосий гувоҳ – Момохол кампирнинг сўроқ баённомасини топиб, ўқиб чиққач, айрим саволларга жавоб топгандай бўлди:

“Мен – Момохол Сафарова узоқ йиллар туман мудофаа бўлимида ишлаганман, ҳозирда нафақадаман. Шириной билан қаватли уйда деворма-девор қўшни турамиз. Бундан бир ойча олдин у менга “директоримиз менга шилқимлик қилиб, суйкалиб юрибди, “йўқ” десам “ишдан бўшатиб юбораман” деб қўрқитаяпти” деганди. Унга “қўявер, парво қилмай ишингни қилиб юравер, эркакларнинг бари бир гўр, бир-икки гап отиб кўради, сен маҳкам турсанг, бошқасига оғиб кетади, шунда қутуласан” дея насиҳат қилгандим. Ўша кунни кечки пайт Ширин уйимга чиқиб, “хола-

жон, бу директоримдан қутулолмайман шекилли, бугун тунда уйингга бораман” деяпти, “йўқ” десам унамаяпти, боя яна уйига телефон қилиб, “уйимга ота-онам келган, илтимос келманг!” деб айтиб қўйдим, ишондими, йўқми билмайман, фалокат босиб, кеп қолса, илтимос мендан воқиф бўлиб туринг, тегажоғлиқ қилмай, жимгина ўтириб кетса, яхши, мабодо нияти бузилиб, шилқимлик қилса, бақираман, ёрдам берасиз”, деди. Соат кечки тўққизларда йўлакда оёқ товуши эшитилди. Эшик тирқишидан қарасам бир эркак, Шириннинг эшигини қоқиб турибди. “Бечора аёлни бирор нарса қилиб қўямасин” деган ўйда уй эшигини қиягина очиб, сергак бўлиб ўтирдим. Ярим соат ўтди-ўтмади, аёл кишининг чинқириви эшитилди. Уй эшиги ичкаридан қулфланмаганди. Отилиб ичкарига кирдим. Киришдаги хонада ҳеч ким йўқ экан. Шовиримни эшитди шекилли, Ширин “ёрдам беринг” деб қичқирди. Оёқ кийимимни ечмасдан ётоқхонага кириб бордим...

Кампирнинг қолган кўрсатмалари Ширинники билан бир хил эди. Терговчи бир қанча саволлар бериб, гувоҳнинг кўрсатмаларига ойдинлик киритган. Суд-тиббиёт экспертизаси Неъматиллонинг баданларида тирноқ изидан қолган шилинган жойлари борлиги, Широнойнинг баданида енгил жароҳатлар мавжудлигини тасдиқлаган. Телефон станциясидан олинган маълумотномада воқеа рўй берган куни соат 20 дан 29 дақиқа ўтганда Широнойнинг телефонидан Неъматиллонинг уй телефонига қўнғироқ бўлганлиги қайд этилган.

Бир қарашда ҳаммаси равшандек. Аммо Санжарбекка жабранувчининг кўрсатмаларида қандайдир ғайри табиийлик, сохталик бордек туюлди. Одатда ор-номусли аёллар тунда номаҳрам эркак-

ни уйларига киритмайдилар. Хўп “бошлиғим, раъйини қайтарсам, ишдан ажраламан”, деган ҳаёлда уйига қўйган дейлик. Унда нега эркак уни ётоқхонагача судраб, ечинтиргунча дод-вой солмаган? Бунисиям майли! Кампир вақтида ёрдамга келиб, уни номусини сақлаб қолибди. Шундай экан ўзини элга шарманда қилиб, милицияга хабар бериб нима қиларди? Директорни қаматишдан нима маъни? Бу билан у эл олдида ўзининг ҳам шаънини хавф остига қўйган бўлади-ку! Ё кампир унамадимикан? Йўғ-е, у “керак эмас” деса, кампир нима қила оларди. Демак, бу фикр Ширинойнинг ўзидан чиққан. Бу билан у нимага эришмоқчи бўлган?

Санжарбек шубҳа-гумонларга кўмилиб ўтирганда орадан шунча вақт ўтиб кетган бўлса-да, жиноят иши иштирокчиларидан бир нечтаси билан суҳбатлашиб, масалага ойдинлик киритишни маъқул кўрди. Дастлаб асосий гувоҳ Момохол аяни йўқлатди. Бахтга қарши кампирнинг аллақачонлар бандаликни бажо келтиргани маълум бўлди. Ширинойни топиш қийин кечмади, у ҳамон ўша икки қаватли уйда қизи билан яшаркан, хасталаниб, тўшакка михланиб қолганига ям анча йиллар бўлган экан. Шу боис терговчи тезкор ходимлардан бири ҳамроҳлигида “жабрланувчи”нинг уйига йўл олишди.

Ширинойни кўриб, Санжарбек бир пайтлар шу аёлнинг неча-неча йигитларнинг кўзини ўйнатганига, унга етишмоқ учун ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, жиноят кўчасига киришни ихтиёр этганига ишонгиси келмади. Алмисоқдан қолган диванда гўё тирик мурда ётарди. Одатий салом-аликдан сўнг терговчи ўзини таништириб, аёлга яқинроқ ўтирди:

– Опажон, аҳволларингиз яхшими?

– Эй нимасини айтасиз, болам! – Аёлнинг ўзи бир сиқим бўлса-да, овози тўқмоқдай эди. – Ўлай десак, ўлолмасак! Худо деб ётибмиз, ўлмас Кашчей бўлиб.

– Болалар, неваралар яхшими?

– Болалар дейсизми? Мана, биттаси менга қарайман деб эргаям теголмасдан қариқиз бўлиб ўтирибди, шўрлик! Иккинчиси бир малласочга илакишиб, Россияда қолиб кетди. На тириги, на ўлигидан хабар бор! Оқпадар онам, муштипарим борам деб ўйламайди-я!... Буларни ўлиб-тирилиб катта қиласан, вояга етгач, ўзлари осмондан тушгандай... – аёл унсиз йиғларди.

Санжарбек бадбахт аёлнинг бир оз бўлса-да қўнглини бўшатиб олишига имкон берди. Аёл сал ўзига келиб, терговчига юзланди:

– Узр ука! Кўзларимда ёш қолмаган бўлса керак деб ўйлагандим. Сал бўлса-да енгил тортдим...

– Опажон, сизга бир неча саволим бор эди? Шуларни...

– Сўранг ука! Ўзимизни тириклар сафидан алақачон ўчириб қўйгандик. Излаб келибсизларки, ҳамон тирик эканмиз! Оллоҳга шукр!

– Опажон, узоқ йиллар олдин бир жиноят иши бўйича жабрланувчи сифатида ўтган экансиз...

Саволни охиригача кутмасдан аёлнинг нурсиз кўзлари чақнаб кетгандай бўлди. Ранги-рўйи оқариб, лабини тишлаб қолди.

– Ярангизни янгиласам-да, ўша воқеалар ҳақида гапириб берсангиз?

Аёл ётган жойидан сал ўнгланиб олиб, пиёладаги совуб қолган чойдан ҳўплади. Кейин оҳиста гап бошлади:

– Нимасини айтай, укажон! Бир йигитнинг уволига қолганимними? Гулдай оилани бузиб, гуноҳсиз инсонларнинг ҳаётига зомин бўлганимними?

Қай бирини айтай? Сизга нима керак ўзи? Шунча йил қаерда эдинглар? Энди келдингларми? Энди ёдларингга тушдимми? Бу гаплардан энди нима фойда? Ўлган одам ўлиб кетди! Уларни қайтариб бўлармиди!..

Санжарбек аёлнинг нимага шаъма қилаётганини тушунмай анқайиб турарди. Бемор томоғини бир қириб, дона-дона қилиб гапида давом этди:

– Силарам қизиқ! Адолат пешволари эмиш! Охиригача суриштириб-нетиб ўтирмасдан бир бетамизнинг қуруқ туҳмат гапи билан гуноҳсиз бир бечорага отнинг калласидай муддат бериб, “кесиб” юборайвераркансизлар-да!

Терговчи гап нима ҳақда кетаётганини тушунгандай бўлди:

– Опажон, мен Республика прокуратурасиданман... у пайтларда...

– Нима фарқи бор? Ҳамманг бир! Кимнинг посангиси тош бошса, ўша ёққа қараб оғиб кетаверасанлар!

– Гапингизнинг авзойига қараганда сиз Неъматилло Омоновга туҳмат қилгансиз, шундайми? – терговчи мақсадга кўча қолди.

– Ўшанда бир ҳайвоннинг гапига кириб, шу...ни еб қўйдим! Неъматилло ака раҳматли, тилло одам эдилар...

– Мактаб директори вафот этганларми? – деди Санжарбек ҳайрон бўлиб.

– Бечоранинг пешонаси шўр экан. – Шириной чуқур уф тортди. – Ноҳақдан-ноҳақ қамалгани етмагандай бир йил ўтар-ўтмас қамокда ўлиб қолди. Қамалиб кетганда “бир-икки йилда чиқар-да!” деган ўйда виждоним унчалик қийналмаганди. Нимадан ўлганини билмайману, лекин вафот этгандан кейин виждоним ёмон қийналди. Бир бегуноҳ инсоннинг қотилига айланиб қолгандай эдим. Ҳеч

нарсa жазосиз қолмас экaн. Оллоҳ ҳаммасини кўриб, билиб ўтирганини сезмаймиз. Мана, кўриб турганингиздай бир умр тўшaккa михлaниб қолдим. Олган жазойим шунчaлик қaттиққи, ҳaтто ўлишимгaям изн йўқ. “Пуф-пуфлаб” улғайтирган ёлғиз ўғлим мени тaшлaб, бeгoнa юртлардa сaнғиб юрибди. Қизимнийaм бaхтсиз қилдим...

– Омоновгa тухмaт қилишдaн мaқсaд нимa эди? Бу ишнинг бошидa ким тургaнди?

– Ҳозиргaчa ўйлаб ўйимгa eтолмаймaн. – Aёл гапни узoқдaн бошлaди. – Уни шармaндa қилиб, қaмaтиш кимгa керaклигигa ҳайронмaн... Мaк-тaбдa Нeъмaт aкaгa кoтибa бўлиб ишлардим. У киши қaтъиятли, тўғри сўз рaҳбaр, кaмсукум вa сaмимий инсон эди. Тўғри, мени ишдaн бўшaтиш тўғрисида oхирги мaртa oғoҳлaнтиргaнди. Айб ўзимдaйди. Болaларим сaбaб ишгa кўпинчa кeчикиб борардим... Бaлки биттa-яримтaси “мени ўрнимни олиб қўяди” дeгaн хaёлдa уни йўлдaн oлмoқчи бўлишдими, тушунмаймaн!... Мoмoхoл дeгaн қўшнимиз бўларди, бир умр вoенкoмaт-дa ишлaгaн. Ер ёмoнлaб бoрмaсин, учигa чиққaн мaккoр хотин эди...

– Жиoнaт иши бўйичa у aсoсий гувoҳ сифaтидa ўтгaн экaн-a!

– Шундaй! Нeъмaт aкa унгa нимa ёмoнлик қилгaн билмaдим!? Бир куни уйимгa чиқиб, “Қурум-сoқ директoрингни ишдaн олиш керaк, ўрнигa зўр oдaм бoр, уни кўтaрсaк, сeнaм мaзa қилиб ишлaйсaн, бaҳoнaдa яхшигинa пул ишлaб oлaсaн” дeб қoлди. Кaмпирни қувиб сoлдим, тaклифигa рoзи бўлмaдим. Бeш-oлти кундaн кейин тaғин кирди... Ўшa куни эртaлaб янa ишгa кeчиккaндим. Директoрнинг жaҳли чиқиб, aризaнгизни ёзинг, бoшқa ишгa ўтaсиз, дeгaнди. Тaъбим тирриқ бўлиб тургaн пaйти, хaёлимдa кaмпирнинг гaплaри тўғридaй ту-

юлди. Елкамдаги шайтон қурғур қитиқлаб, “сени ишдан бўшатмоқчи экан, нега сен қўл қовуштириб ўтиришинг керак” дея ҳол-жонимга қўймасди. Бу томондан оладиган ойлигим ҳалигидай... Қўл учидан кун қўриш жонга тегиб кетганди. Кампир кўтариб кирган бир даста пул кўзимга чўғдай кўриниб кетди. “Хўп” деб юборганимни ўзим сезмай қолибман. Ялмоғиз ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйган экан. Тузилган режага биноан гўёки мен кампирга “директорим менинг эрим йўқлигини билиб, суйкалиб юрибди, ҳол-жонимга қўймаяпти, йўлимга кирмасанг, ишдан бўшатаман!” деяпти деган гапни айтаман ва ундан маслаҳат сўраган бўламан. Кейин тунда директорнинг уйига қўнғироқ қилиб, “болам касал бўлиб қолди, иситмаси тушмаяпти, “тез ёрдам” келмаяпти, ёрдам беринг!” дейишим лозим эди. Ҳаммасини Момоҳол айтгандай қилдим. Тунги соат йигирма бирларда Неъматилло ака уйимга кириб келди. Болаларим алақачон ухлаб қолишганди. Кампир тайинлагандек, мен уни ичкарига таклиф қилиб, бола ҳозиргина ухлаб қолганини, бир оз пойлаб туришимиз лозимлигини, мабодо иситмаси яна кўтарилса, “тез ёрдам”га олиб боришимиз мумкинлигини айтдим. Кейин уни йўлдан уриб, ётоқхонага судрашим керак эди. Бундай пайтда ҳар қандай собит эркак ҳам ўзини тутиб туrolмайди... Аммо ундай бўлмади. Неъматилло ака менинг кўз сузишим у ёқда турсин, аёллик иффатимдан воз кечиб суйкалишимга ҳам парво қилмай, мени ҳам гуноҳи азимдан қайтаришга ҳаракат қилди. Ўшанда эркаклар орасида шундай вафодорлари борлигидан ёқа ушлаб қолдим. Бу инсонга ҳурматим ошди... Ҳар қанча қаршилиқ қилса-да, бечорани ётоғимга олиб кирдим. Устимдаги халатимни ечиб ташлаб, кўзини “ён-дирмоқчи” бўлдим. Бу ҳам фойда бермади... сил-

таб ташлади. Уйдан чиқиб кетиши мумкин эди. Шу сабабли мен вақтни қўлдан бой бермай жон ҳолатда қичқириб, из қолдириш мақсадида унинг юзига чанг солдим ва ҳамма ёғини тирнаб ташладим. У ёқда менинг ишорамни пойлаб турган кампир хонага кириб келиб, Неъматиллони “жиноят” устида қўлга туширди ва милицияга телефон қилди. Ҳаммаси режадагидай аъло даражада адо этилди. Аммо кейинги ишлар кампир ваъда қилгандай бўлмади. У “Неъматилло фақат ишдан кетади, милиция ходимлари сал ўзини қўрқитиб, қўйиб юборади” деганди. Бироқ тергов бошланди, кейин суд... Кампир мени “эртага қўйиб юборишади, индинга чиқиб кетади” деб алдаб келди. Охир-оқибатда Неъматилло ака узоқ муддатга қамалиб кетди. Шундан кейин мен виждон азобида қоврилиб, ўзимни ўзим ея бошладим... Момохол кампирга “Неъматиллони қаматиш нимага керак бўлган экан?” дея ёпишдим. У эса мени турли баҳоналар билан алдаб келди.

– Неъматилло қамалиб кетгач, ўрнига ким директор бўлди? – сўради Санжарбек.

– Уч-тўрт ойдан кейин Ҳакима опа деган завучни директор этиб тайинлашди. У ишга келгач, олдин мени бошқа жойга – биология лабораториясига ўтказди, кейин эса баҳона топиб, ишдан бўшатиб юборди. Момохолга “қани, директорликка ўз одамимизни қўямиз, маза қилиб ишлаб юрасан дегандингиз, аксинча бу қўйиб қўйган директорларинг мени ишдан ҳайдаб юборди-ку!” дея бақирсам, “шошмай тур, ҳаммаси жойига тушади” дея қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб келди. “Прокурорга ҳаммасини ёзиб бераман” дея дағдаға қилсам, “ёзавер, биринчи галда ўзингни жавобгар қилади, мен бир қария бўлсам, бари бир қамашмайди, сен эса бир бегуноҳ одамга туҳмат

қилганинг учун қулоғингни ушлаб қамалиб кетасан” деб қўрқитадиган бўлди. Икки боламни ўйлаб, тилимни тишлашга мажбур бўлдим...

– Момохол билан деворма-девор қўшни турганизлар, уникига кимлар келиб-кетишини кўрган бўлишингиз керак-ку!

– Унга одам ҳиди ёқмасди. Бир ўзи турарди. Болалари, айрим қариндошларидан бошқа бегона одам уникига кириб-чиққанини кўрмаганман. Мен ўша одамнинг кимлигини билишга роса ҳаракат қилдим. Момохолдан “ким у, бир бегуноҳни қаматиш унга нимага керак?” дея айлантириб қўп сўрадим. У ҳар гал “узумини е, боғини суриштирма” деб қутулиб қоларди.

– Омоновнинг оиласи ҳозир қаерда туради, хабарингиз борми? – деди терговчи қоғозларини йиғиштира туриб.

– Бахтсизлик бир келса, қўша-қўша келаркан. – Аёл чуқур хўрсинди. – Неъматилло аканинг ўлимидан олти ой ўтар-ўтмас йўқ жойдан шўрлик хотиниям нобуд бўлди. Гулдай оила менинг аҳмоқлигим туфайли хонавайрон бўлди...

– Хотини касалмиди?

– Соппа-соғ эди. Ҳусни-малоҳатда, ақли фаросатда ягона эди.

– Унда қандай қилиб...

– Ўзини осиб қўйди, шўрлик. Ҳар хил миш-мишлар чиқиб кетганди ўшанда. Бировлар “эрининг ўлганига чидаёлмади” деса, бошқалар “бу ерда бир сир бор, кимдир уни шу ҳолга олиб келган” дейишди. Лекин аслида нима бўлганлиги Яратгандан ўзгага маълум эмас.

– Болаларининг ҳоли нима кечди?

– Эй Худо! Нимасини айтасиз! Ўғлини қариндошларидан бири олганди. У бечоранинг ҳам умри калта экан. Мактабдан қайтишида машина уриб

кедиб, ҳалок бўлди... Ҳаммасига мен сабабчиман! Эссиз шундай одамлар-а!

– Қизи нима бўлди?

– Аниғини билмайман... У бахти қарониям Неъмат аканинг қариндошларидан бири олган деб эшитгандим. Кейин “эплай олмай детдомга топшириб юборганмиш” деган гаплар қулоғимга чалинганди...

– Болаларининг исми қанақа эди?

– Ўғлининг оти Ботир... қизиники, адашмасам Байрамми ёки Майраммиди... Аниғини билмайман, ёдимдан кўтарилибди.

– Момоҳол кампирнинг фарзандлари қаерда яшашади?

– Ойсулув Жиззахда яшайди, ўғли чет элга кетиб қолганига толой йиллар бўлиб кетди. Ҳозир қаерларда санғиб юрганидан хабарим йўқ.

– Кампирнинг мол-мулклари, уй-жойи кимга қолган?

– Уйидаги тақир-туқирнинг барчасини Ойсулув йиғиштириб кетганди. Уйиниям сотиб кетди.

– Раҳмат, ҳозирча сиз билан хайрлашамиз! – Санжарбек қоғоз-қаламини йиғиштиришга тушди. – Сиз билан яна учрашамиз!

– Бу ёғи нима бўлади, мени қамайсизларми?

Санжарбек ортига қайрилиб, “агар жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмаганда... сизни қамаш камлик қиларди” дея ғудурланиб йўлида давом этди.

* * *

Фахриддин Каримович Санжарбек келтирган хабарни эшитиб, ёш боладай суюниб кетганидан шогирдини қучоқлаб олди:

– Ана буни янгилик деса бўлади! Эҳҳ! Азизим, сизга калаванинг учи топилгандай бўлмаяптими?

Санжарбек айтган гаплари бунчалик қийматга эга эканлигини ўйлаб кўрмаган шекилли, шошиб қолди. Шундай бўлса-да, сир бой бермай гўддайиб тураверди:

– Устоз ишляпмиз-да!

Кулишди.

– Айтмаганмидим, бундай мудҳиш қотилликка фақат қасос ўти сабаб бўлиши мумкин!

– Устоз, бунақа қатъий хулосага келишимизга сал эрта эмасмикан? – Санжарбек ийманибгина ичидагини сиртига чиқарди.

– Йўқ-да! – Устознинг юзидаги шодмонлик ҳисси йўқолмади. – Шунча тахминлар устида ишлаб, бугун биринчи бор қалбим “тўғри йўлдан бора-япсизлар!” деб бонг урмоқда. Буни ички сезги – интуиция дейдилар, и – н – т – у – и – ц – и – я!

– “Ин – ту – иция” яхши нарс! Аммо Момохол кампир ўлиб кетган бўлса... Шириной майиб бўлиб ётган бўлса... мактаб директорини қаматишга ким буюртма бергани аниқ бўлмаса...

– Бу ёғини аниқлаш муаммо эмас. Асосийси биз тўғри йўлга чиқиб олдик. Жиноятнинг мотиви аниқ!

– Тоғаевнинг Неъматилло Омоновни қаматиш ишига бошчилик қилгани ҳали номаълум-ку! Балки ташкилотчи бошқа шахс бўлиб чиқар! – шогирд тихирлик қилишда давом этарди.

– Нима деяпсиз? Тоғаев ўша пайтда совхоз директори бўлиб ишлаган. Мактаб директори унинг айтганини қилмаган ёки бирорта сирини билиб олиб, таҳдид қилишга ўтган.

– Хўш, кейин-чи? Анчагина ишончли чиқаяпти-я!

– Неъматиллонинг беҳосдан қамоқда вафот этиши, бундай ноҳақликка чидай олмаган хоти-

нининг ўзини осиб қўйиши – эҳтимол Оллоҳнинг ишидир. Бунда бировнинг қўли борлигига ишониб бўлмайди. Хуллас, Тоғаевнинг бир раҳбарни йўлдан улоқтириб ташлаш ёки қўрқитиб, “асов от”-ни “минги қилиб олиш” мақсадидаги калтабинлик билан йўл қўйган хатоси бутун бошли бахтиёр оиланинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган. Зухриддин бир бегуноҳ инсонни туҳмат билан қаматган шахсдан икки бирдай одамнинг қотилига, бир хонадоннинг ашаддий душманига айланиб қолган. Оқибатда ўзи ҳам қилмишига яраша ўз жони, оила аъзоларининг ҳаёти билан товон тўлашга мажбур қилинган. Энди бизга ойдин бўлмаган битта масала – қонли интиқомни ким амалга оширганлигини аниқлаш қолаяпти. Хуш, бу шахс ким бўлиши мумкин?

– Мактаб директоридан бир қиз қолган экан...

– Ҳа, отангизга балли! Ўч олиш жон-жигарларга чиқарилган. Бу Неъматиллонинг фарзандлари ёки туғишган ака-укалари бўлиши мумкин. Халқимизнинг онгида ота-боболаримизнинг “жонга жон, қонга қон!” деган удумлари ҳамон яшаб келаётган экан, Тоғаевнинг ит ўлимини топиши, оила аъзоларининг бирин-кетин қириб ташланиши бекорга содир бўлмаганлигини англаш қийин эмас.

– Ҳаммаси яхшику-я, аммо бизда ҳали мактаб директорининг туҳматдан қамалишида Тоғаевнинг қўли борлигини тасдиқловчи бирорта далил мавжуд эмас. Ўзингиз айтмоқчи, далилсиз тоатибодатимиз бир чақага...

– «Улыка» топилади! – деди Фахриддин қатъий ишонч билан. – Далилни топиш уни қаердан излаётганингга боғлиқ. Шу чоққача биз уни бўлиши мумкин бўлмаган жойлардан излаб, чираниб ётган эдик. Энди қидирув майдони анчага қисқарди. Яхшилаб изласак, оёғимиз остидан чиқади.

– Нима қилишимиз лозим? – Санжарбек ён беришга мажбур бўлди.

– Энг аввало мактаб директори ва унинг хотинининг яқин қариндошлари доирасини аниқлашимиз, қизини излаб топишимиз лозим. Ўша давр воқеаларини тиклаш учун лозим бўлган хатти-ҳаракатлар параллел олиб борилади...

Шу куннинг ўзида терговчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ишга киришиб кетишди. Сўраб-суриштириб, Неъматиллонинг укаси Ҳикматиллони топишди. Терговчиларнинг узоқ йиллик ўша воқеалар хусусидаги сўровларига унчалик рўйхушлик бермай жавоб берди:

– Ўлган одам ўлиб кетди! Энди бу гапларни қўзғашдан нима фойда? Кетган одам қайтиб келармиди?

– Тўғри, сизга фойда бўлмаслиги мумкин! – Санжарбек эътироз билдирди. – Лекин биз учун жуда муҳим. Йўқса, сизни бекорга безовта қилиб ўтирмаган бўлардик. Ўқитувчи экансиз, бунинг маъносини тушунасиз деб ўйлайман.

– Майли, сизларга нафи бўлса, айтаман! – гувоҳ бирдан юмшади. – Акам шўрлик бинойидек мактабда директор бўлиб ишлаб турганди. Обру-этибориям жойида эди. Гулдай оиласи, ширин-шакар фарзандлари бориди. Қайси гўрдан шу котиба қизга илакишиб қолди, билмайман. Ҳаммаси ўша беҳосиятдан бўлди. Раҳматли акам, ҳеч бунақа одатлари йўқ эди... Кечаси ўша... отиям нимайди? Асалоимиди... йўқ, йўқ... Шириной, ҳа ўша Ширинойникига борганини қаранг. Ўртада нима воқеа бўлган, бизга қоронғи. Органдагилар тергов қилиб, акамни Ширинойнинг номусига тегмоқчи бўлган деган хулосага келишди. Акам эса бошдан бошлаб “аёл мени “болам касал, ёрдам беринг” дея чақиртирганди, мен ҳеч кимнинг номусига тегмоқчи

эмас эдим, ҳаммаси тухмат” деб туриб олди. Ҳатто мен қамоқхонага кўришга борганимдаям шу гапидан қайтмади. Ундан “ака, менга тўғриси айтиб, суд исботланмаса бировни қамамайди, ўша воқеа ростданам бўлганми?” дея алдабам сўраб кўрдим. У эса “сенам менга ишонмайсанми?” дея жеркиб берди. “Тухмат билан қамалган бўлсангиз, биз нима қилайлик, юқорига ёзайликми?” деб такрор-такрор сўрадим. У эса “сен аралашма, улар ёмон одамлар, ўзим чиқиб, улар билан ҳисоб-китоб қиламан” деди. Келиб, бўлган воқеани акамнинг дўсти, совхозимиз директори Зухриддин Тоғаевга айтдим...

Таниш исмни эшитиб, терговчилар ток ургандай чўчиб тушди. Хаёлларидан “демак, улар дўст бўлишган экан-да!” деган фикр ўтди. Икки воқеалик орасида боғлиқлик борлиги аниқланганидан кўнгиллари ёришди.

– У “мен судья билан гаплашдим, айби бор, айбсиз бўлса қамармидик деяпти” деган гапни айтиб, мени тинчлантирди ва керакли жойлар билан гаплашиб, ҳеч бўлмаганда акамнинг қамоқ муддати-ни қисқартиришда ёрдамлашишга ваъда берди. Лекин... акамнинг куни калта экан...

– Акангиз Зухриддин Тоғаев билан бирга ўқишганми?

– Йўқ. Бирга ишлашган. Оилавий борди-келди қилиб туришарди. Акам қамалиб кетгандан кейин нам раҳматли Зухриддин ака ойимлардан, болалардан хабар олтурди.

– Акангиз нимадан вафот этганди?

– Шундай обрў-эътиборли, мартабали одамнинг бирдан ҳаммасидан айрилиб, қамалиб қолиши, оиласи, эл олдида шарманда бўлиш носоғини кўтариб юриш одамга осон деб ўйлайсизми? Акам қаттиқ асабийлашганидан диабетни орттириб ол-

ган экан... Оёғидан қандайдир яра чиққан... Бизларам доғда қолдик. Икки-уч кун комада ётибди. Қамоқдагилар шундаям бизга хабар қилишмаган... Ўлганини эшитиб қолдик...

– Қўлимизда акангизнинг ноҳақдан қамалганини исботловчи далиллар бор...

– Йўғ-е! – Ҳикматиллонинг кўзлари чақнаб кетди. – Ким қилган экан?

– Сиз... – деди Фахриддин атайлаб гапи қаршисидаги шахсга қандай таъсир қилишини билиш мақсадида. – ...сиз билан айнан шу масалага ойдинлик киритиш учун келганмиз! Нима деб ўйлайсиз, бу ишни ким қилган бўлиши мумкин?

– Акам... бечора бекорга зор қақшамаётган экан-да! – Ҳикматилло бир нуқтага тикилганча ўйланиб қолди. – Мен бефаросат эса уни...

– Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, эслаб кўринг, ким қилган бўлиши мумкин бу қабиҳликни?

– Акам бировга зиён-заҳмат етказадиган одам эмасди! Ғаними борлигиниям эслолмайман...

– Балки бирортаси мансабига кўз олайтиргандир?

– Йўғ-е! Акам директор қилиб тайинлашаёганда зўрга рози бўлганди. Каттачиликни унчалик хушламасди.

– Гап шундаки, – терговчи қўлидаги “қарта”ни қисман очишга қарор қилди. – Акангизнинг иши бўйича жабрланувчи бўлган Шириқойнинг айтишича, у бу туҳматни қўшниси Момохол кампирнинг буюртмасига асосан пул ишлаш ниятида амалга оширганини тан олди. Бахтга қарши кампир алақачон бандаликни бажо келтирган экан. Ўз-ўзидан маълумки, кампир билан акангиз ўртасида бирор бир боғлиқлик бўлмаган. Бундан чиқди, кимдир кампирга бу ишга каттагина ҳақ эвазига буюртма берган. Шириқойнинг айтиши

бўйича Момохолнинг одамлари акангизни ишдан олиб, ўрнига бошқасини қўйишмоқчи бўлишган. Лекин Неъматилло ака қамалиб кетгач, ўрни анчагача бўш турган. Кейин ўрнига шу мактабда ишлайдиган завуч хотин тайинланган. Ё уларнинг ўйлагани амалга ошмай қолган, ё кампир Ширинойни бу ишга аралаштириш мақсадида алдаган. Бизнингча, акангизга уюштирилган туҳматнинг асл мақсади уни ишдан бўшатиш бўлмаган. Ишдан ҳайдаш учун одамни қаматиш шарт эмас. Хоҳлаган камчилиқни топиб, директорни ишдан бўшатса бўлади. Боз устига акангизнинг унақа мансабга ёпишиб олган раҳбар эмаслигини айтиб турибсиз. Хўш, унда бу туҳмат кимга керак бўлган? Бу ишга ким бош-қош бўлган? Ҳамма ҳам бировларга пул бериб, ёқмаган кишисини қаматиб юборишга қодир эмас. Эслаб кўринг, ўша даврда совхозда ким шундай қудратга эга эди. Зухриддин Тоғаев “акамнинг дўсти эди, оилавий борди-келди қиларди” дедингиз. Уларнинг муносабатлари самимий бўлганлигига ишончингиз комилми?

Ҳикматилло ўйланиб қолди. У бундан анча йиллар олдин содир бўлган воқелиқни хаёлида жонлантиришга ҳаракат қиларди:

– Акамнинг Зухриддинга муносабати самимий бўлганига шубҳам йўқ. Йўқса, шунақа мағрур ва ориятли одам қамоқда туриб, ундан ёрдам сўрамаган, бекорга дардини дoston қилмаган бўларди. Гапларингизни эшитиб, айрим нарсалар ёдимга тушгандай бўлди. Ўша пайтда бу нарсаларга жиддийроқ эътибор қилмаганимга ҳайронман. Ёш бола бўлган эканмиз-да! Акамнинг илтимосини Зухриддин акага етказганимда унинг гап-сўзларидан, ўзини тутишидан дўстига унчалигам ачинаётганини, ёрдам қўлини чўзишни хоҳламаётганини сезгандай бўлдим. Ҳар ҳолда, менга шундай

туюлди. Негаки, Тоғаев совхоз директори сифатида қўли анча узун эди. Хоҳласа, гаплашиб, ҳар қандай одамниям қамоқдан олиб чиқиши мумкин, ҳар қандай жанжалниям бости-бости қилишга қодир шахс эди. Гапларингизни эшитиб, яна бир воқеа хотирамга кеп қолди: бир куни кечки пайт ойимдан, э кечирасиз янгамдан, жиянларимдан хабар олиш учун акамникига боргандим. Остона ҳатлаб, энди эшикни тақиллатмоқчи эдим ичкаридан янгамнинг безовта овози қулоғимга чалинди. У кимгадир йиғламсираб, “худо хайрингизни берсин, бошқа уйимизга келманг, мени шарманда қилманг” дея ёлворарди. Менинг шарпамни сезиб, жимиб қолишди. Ичкарига кирсам, Зухриддин экан. Меҳмон билан саломлашдим. “Шу томонга йўлим тушганди, бир хабар олай деб киргандим”, деди Зухриддин ака сал ўнғайсизланиб. Сўнг “Майли, Муҳтарамхон, сиқилмасдан ўтиринглар, хўжайнингизам чиқиб қолар, бирор ёрдам лозим бўлса, тортинмай айтаверинглар”, дея ортига қайтди. Мен уни кўчагача кузатиб чиқдим. Қайтиб кириб, янгам билан бир оз гаплашиб ўтирдик. У негадир мендан кўзини олиб қочаётгандай эди. Бу эса кўнглимдаги ғашликни баттар кучайтираётганди. Буни янгам фаҳмлади шекилли, сўрама-сам ҳам меҳмон ҳақида ўзи гап очди: “Акангизнинг дўсти болаларга бозорлик қилиб келипти. Мен “илтимос бошқа бизникига келманг” дедим. Одамларни биласиз... гап-сўзлардан қўрқаман”. Индамай қўя қолдим. Лекин янгамнинг гапидан кейин дилимдаги ғашлик тумани бир оз тарқатгандай бўлди. Ўшанда бу воқеага унчалик аҳамият бермаган эканман, унутиб ҳам юборгандим. Ҳозир янгамнинг ўша кунги ҳолати, гапларини эслаб, бир нарсага тушунгандай бўлаяпман...

– Янгангиз чиройли хотинмиди?

– Раҳматли жудаям дилбар, кўҳлиқкина эди!

– Демак, сизнингча, Зухриддин Тоғаев акангизни қаматиб, хотинига эгалик қилмоқчи бўлган, шундайми?

– Шунақа шекилли! Ҳаммаси ўша маразнинг ишига ўхшайди. Акамни қаматиб, янгамга кўз олайтирган... бечора бундай шармандачиликка чидай олмай... Шўрлик шунинг учун “уйимизга бошқа келманг” деб зорланган экан-да!...

– Назарий жиҳатдан олганда гапларингизда жон бор. Аммо ҳали буни текшириб кўришимиз лозим.

– Биласизми, кўнгил алдамайди деганлари рост экан. Ўша пайти кўнглим шу нарсани сезганди. Лекин “Зухриддин акамнинг дўсти-ку, бунақа разилликка бормас” дея ўзимни ўзим ишонтирган эдим. Мана, орадан шунча йиллар ўтиб...

– Биз янгангизнинг ўлими факти бўйича тўпланган ҳужжатларни архивдан чақиртирдик. Ўрганиб чиқсак, кўп нарсаларга ойдинлик киритилади. Муҳтарамнинг ўлими хусусида нималарни биласиз?

– Раҳматли нафақат гўзал, балки иродали ва жасур аёл эди. Бошига тушган ҳар қандай кулфатни кўтаришга қодир деб ўйлардим. Ҳеч бўлмаганда болалари учун яшаши шарт эди. Уларни қандай яхши кўрарди-я! Еру кўкка ишонмасди. Кўзи қийиб, уларни қандай қилиб ёлғиз ташлаб кетганига ақл бовар қилмайди... Энди ўйлаб кўрсам, орият ҳамма нарсадан устун келган экан! Ор-номусининг топталиши уни охирги йўлни танлашга мажбур қилган, кўзига жонидан-да азиз фарзандлариям кўринмаган...

– Ўшанда воқеа қандай бўлганди? – Фахриддин саволни такрорлади.

– Ўша куни мен ишда эдим. Кимдир шу шумхабарни айтиб қолди. Оёғимни қўлга олиб, акамни кига югурдим. Борсам қиёмат бўп ётибди... Акам болаларига осилиш учун айвонда қўлбола турник ясаб берганди. Ўшанга ўзини осиб қўйибди. Борсам сиртмоқдан чиқариб, ерга олишган экан... Сал ўтмай ҳовлини “тез ёрдам”, милиция ходимлари босиб кетди... Майрамнинг айтишича, у мактабдан келса, онаси турникка осилиб ётибди. Додвой солиб, қўни-қўшнилари чақирган. Одамлар кўпчилик бўлиб, мурдани дордан бўшатиб олишган... Кейин текшир-текшир бошланди. Ҳеч нарсани аниқлай олишмади шекилли, судраб-судраб ишни ёпти-ёпти қилишди. Эрининг ўлганига чидай олмай, ўз жонига қасд қилган дейишди...

– Одатда ўзини ўзи ўлдирган ҳолларда албатта бир энлик хат қолдириб кетишади. Янгангиз ўлимидан олдин хат қолдирмаган эканми? – деди Фахриддин гувоҳдан кўзини узмай.

– Йўқ, хат-пат топилмади. Терговчилар топган бўлсаям бизга кўрсатишмагандир...

– Болаларнинг тақдири нима кечди?

– Жиянларимни мен уйга олиб кетдим. Ётимларга ота-оналик қиламан деб ўйлагандим.. Лекин ҳеч кимса она-отанинг ўрнини босолмас экан. Майрам каттагина қиз бўлса-да, ота-онасининг ўлимидан кейин анчагина асабий ва жижизаки бўлиб қолди. Сиртидагини ичига ютиб, бир оғизам гапирмайдиган одат чиқарди. Аёлим у билан тил топишишга ҳаракат қилди. Йўқ, бўлмади! У гўёки бошига тушган кулфатларда биз айбдордай қовоқ-тумшуқ қилиб юришдан нарига ўтмади. Ботиржон ёшроқ бўлганиданми, янги ҳаётга тез ўргана бошлади. Асраган кўзга чўп киради деганларидек кутилмаганда яна фалокат рўй берди. Йўлнинг чеккасида мактабдан қайтиб келаётган

Ботиржон ва унинг синфдошини машина уриб кетди. Шофёр ғирт маст экан. Икки болаям шифохонага етмасдан нобуд бўлишди. Бўлди қиёмат, бўлди қиёмат! Ўлмакнинг лозими кўммак экан. Ота-онасидан кейин кўп ўтмай Ботир шўрликниям қабристонга жойлаб келдик...

Ҳикматилло бир оз тин олиб, қўлидаги рўмолча билан кўзидан шашқатор оқаётган ёшни артди. Бировнинг кўзида ёшни кўрса, кўнгли бўшашиб кетадиган Санжарбекнинг ҳам ўпкаси тўлиб кетди. Бунақа воқеаларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган Фахриддин эса ҳикоянинг давомини тезроқ эшитиш илинжида гувоҳнинг оғзини пойлаб турарди.

– Сизларнинг гапларингизни эшитиб, – гапида давом этди Ҳикматилло. – Бола бечоранинг ўлими ҳам уюштирилмаганмикан деган хаёлга бориб қолдим. Унга қўшилиб, яна бир норасиданинг ёстиғи қуриганини айтмайсизми?! Акам раҳматли кимга шунчалик ёмонлик қилган эканки, ўзиники етмагандай бутун оиласининг ҳаёти билан товон тўлашга маҳкум этилган бўлса! Тушунмайман! Агар ўша муттаҳамлар янгамга етишиш учун акамни қаматишган бўлса, унда болада нима айб? Уни ўлдириш кимга керак бўлган? Ким...

– Балки боланинг ўлимига чиндан ҳам бахтсиз ҳодиса сабабдир. Ҳали буни текшириб кўрамиз! – Фахриддин гувоҳнинг гапини бўлди. – Майрамнинг аҳволи нима кечди?

– Ҳаммадан Майрамга қийин бўлди. У эс-хуши кириб қолган қиз эмасми, қисқа муддат ичида учта яқин одамидан айрилишдек тақдирнинг аччиқ зарбасига чидай олмади. Шусизам индамас бўлиб қолган қиз энди тамомила гапирмай, тишининг оқини кўрсатмай қўйди. Уни ҳеч нарса қизиқтирмас, ҳеч кимга қўшилмас эди. Яшашдан

тамомила умид узганди. Руҳий ҳолати ёмон эди. Дўхтирларга кўрсатдим, кор қилмади. Қушноч, фолбин, мулла, табибларга кўрсатишдан армон қолмади... Устига-устак шу пайтгача ажабтовур юрган аёлим ҳам Майрамнинг тунд башарасига қарайвериб сил бўлиб кетди шекилли, “бу болани бир нарса қилмасангиз васвос бўлиб қоламан” дейдиган одат чиқарди. Мен эса икки ўт орасида қолдим. Бир томондан акам билан ойимнинг арвоҳи, бошқа томондан тобора нотинч бўлиб, хотиржамлигини йўқотаётган оилам. Хуллас, хотиним мени қизни болалар уйига топширишга кўндирди. Ўзим ҳам шундай қилинса ҳаммамизга яхши бўлар, деган тўхтамга келдим. Бу ёқда хотинимнинг чакаги ўчиб, одамлардай яшай бошлаймиз. У ёқда Майрамга ҳам ҳар томонлама қулай бўлади. Болалар уйининг шароитлари баъзи хонадонларнинг шароитидан яхшилигини ўз кўзим билан кўриб келгандим. Яшаш, таҳсил олиш ва касб-кор ўрганиш учун ҳамма нарса муҳайё. У ерда болаларга фақат меҳр етишмайди. Бошқаси бисёр! Майрамни тез-тез бориб кўриб, ҳолидан хабар олиб, меҳрни мен бераман деб ўйлагандим. Аммо Майрам мендан ўзини олиб қочадиган, сўроқлаб борсам олдимга чиқмайдиган бўлиб қолди. Мендан батамом кўнгли қолган экан... Орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, акамдан қолган ягона ёдгорим – шу қиз учун виждоним қийналади. Бефаросат хотинимни йўлга сололмаганимдан афсусланаман...

– Ҳозир Майрам қаерда? У билан алоқангиз борми?

– Қайдам! Қариндошлик ришталари ўшанда узилиб кетганди. Бир-икки дараклаб борганимда мени кўришниям ҳоҳламагач, менам аччиқ қилиб, детдомга оёқ босмай қўйдим. Орадан анча йиллар ўтиб, хабар олмоқчи бўлсам, охирги марта излаб

борганимдан сал ўтмай Майрам детдомдан қочиб кетган экан. Бизникигаям уни икки-уч марта ахтариб келишган экан. Аёлим “эрим билиб қолса, излашга тушади” деган ўйда бу ҳақда менга айтмаган экан. Шундан бери дом-дарағи чиқмади. Ҳаёт бўлса, бола-чақали бўлиб кетгандир... Ишқилиб бахтли бўлиб кетган бўлса бас!

– Болалар уйидан қочганда Майрам неча ёшда эди?

– Ўн учга кирганди.

– Демак, ҳозир ўттиздан ошиб кетибди-да!

– Шундай.

– Майли, биз уни топишга ҳаракат қиламиз.

– Топсанглар, менгаям хабар беринглар, илтимос! Балки кечирар...

– Яхши!

Терговчилар яна айрим масалаларга аниқлик киритиб, гувоҳга жавоб беришди. Хонада анча пайтгача жимжитлик ҳукмронлик қилди. Ҳар ким ўз ҳаёли билан овора эди...

* * *

Болалар уйи раҳабариятидан Майрам ҳақида тайинли маълумот олишнинг иложи бўлмади. Ўша даврларда ишлаган тарбиячилардан бири – Фарид ая қизни аранг эслади:

– Қиз бечора янги жойга кўника олмади. Дарду алами ичида эди. Ёш бўлишига қарамай бошидан кўп савдоларни ўтказгани кўриниб турарди. Бирор нарса сўрасанг “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериш билан чекланарди. Мен кўлимдан келганича уни ҳаётга қайтаришга ҳаракат қилдим...

– Қандай қилиб қочиб кетди? – Санжарбек аёлни мақсад сари йўллади.

– Олдиндан режалаштириб юрган экан шекилли, қайсидир байрам куни ишхонамиз одамлар билан гавжум пайти ҳамма тадбирда бандлигидан фойдаланиб, ҳеч кимга сездирмасдан кўчага чиқиб кетибди. У ҳам анжуманда тўрт энлик шеър ўқиши лозим эди. Навбати келганда барчамиз уни излаб қолдик... Роса қидирдик. Оғайниқариндошлариникигаям излаб бордик. Милицияга хабар қилдик. Фойдаси бўлмади, ҳеч қаердан дараги чиқмади...

– Кетишдан олдин хат қолдирмаганмиди?

– Йўқ. Ҳеч қандай хат топилмади.

– Балки бирортаси уни хафа қилгандир?

– Болалар уйда тартиб-интизом қаттиқ эди.

Ким ҳам уни хафа қиларди...

Терговчилар болалар уйи архивидан Майрамга тегишли ҳужжатларни, ёзишмаларни олиб, ортга қайтишди.

Шу куннинг ўзида Жиззах ва унга туташ вилоятлар, Тошкент шаҳрида Омонова Майрам Неъматиллоевнанинг рўйхатдан ўтган-ўтмаганлиги, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлинмаларидан унинг ўлими қайд этилган-этилмаганлиги хусусида сўровномалар юборилди. Унинг ота томондан, она томондан узоқ ва яқин қариндошларининг уйига тезкор вакиллар юборилиб, қизнинг даргани аниқлаш чоралари кўрилди. Муҳтабамнинг ўзини ўзи ўлдириши факти бўйича материаллар, Ботиржоннинг автоҳалокати юзасидан қўзғатилган жиноят иши сўраб олинди. Ўнлаб гувоҳлар сўроқ қилинди.

Кеч соат йигирма иккиларда Фахриддин Каримович вужудга келган вазиятни муҳокама қилиш учун гуруҳ аъзоларини тўплади.

– Кечагина менга калаванинг учи топилгандай туюлганди, – гап бошлади раҳбар. – Бугун яна

ҳаммаси саробга айланиб қолаётгандай. Келинлар, бир бошидан таҳлил қилиб кўрайлик. Ўтган бир-икки кун ичида биз нималарга эга бўлдик: биринчидан, Неъматилло Омоновнинг ноҳақ, туҳмат орқасидан қамалгани маълум бўлди. Иккинчидан, унинг аёли Муҳтарам Омонова...

Фахриддин бирдан тўхтаб қолди. Сал ўйланиб туриб, сўзини давом эттирди:

– Негадир шу исмни олдинам қаердадир эшитгандайман, лекин сира ёдимга келмаяпти... Муҳтарам О – м – о – н – о – в – ани ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказишган деб ҳисоблашга асосимиз бор. Ботиржоннинг ўлими хусусида ҳозирча бирон фикр билдиришга эрта. Архивдан жиноят ишини олиб, ўрганиб чиққач, масалага аниқлик киритсак бўлади. Энди Зухриддин хусусида: унинг хотинига эгалик қилиш мақсадида ўз дўстини туҳмат билан қаматиб юборганлигига менда заррача шубҳа йўқ. Тоғаев ўз мақсадига етганми-етмаганми буниси ҳали номаълум. Балки у “эрингни қамоқдан чиқариб бераман” деган шарт билан Муҳтарамнинг қўйнига киришга муваффақ бўлгандир. Оиласини, эрини, болаларини жондан севувчи аёл қизиқ устида ўз номусини қурбон қилиб бўлса-да, жуфти ҳалолини қутқаришга қарор қилган бўлса ажабмас. Виждонини еган аёл бўлганида балки “сув нималарни ювмайди” деган бемаъни “нақл”га амал қилиб, ҳеч нарса кўрмагандай юравериши мумкин эди. Кўриниб турибдики, Муҳтарам унақа аёл бўлмаган. Эрига яхшилик қиламан деган ўйда аслида унга хиёнат қилганидан, унга дунёдаги энг жирканч ёмонликни раво кўрганидан, оиласи шаънини булғаганидан виждони қийналиб, ўз жонига қасд қилган. Бунга Тоғаевнинг қилар ишни қилиб, Неъматиллони қамоқдан чиқара олмаганлиги ёки чиқаришни орқага сур-

ганлиги ҳам қўшимча бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Муҳтарам ўлимидан олдин қизига ҳақиқатни айтган бўлиши, айрим нарсаларни тайинлаб, васият қилган ҳам бўлиши мумкин. Майрамнинг тунд ва «гунг» бўлиб қолишига...

“Гунг” сўзини эшитиб, Санжарбекнинг хаёлига Тоғаевнинг гунгалак хизматкори Зубайда келди: шу аёл Майрамнинг ўзи эмасмикан? Унинг оти Зубайда-ку! Фамилияси ҳам бошқа. Балки атайлаб, исми-фамилиясини ўзгартириб олгандир! Боя Майрамнинг ҳужжатлари ичидаги расмга тикилганда суратдаги қизнинг қаеридир ўша хизматкор хотинга ўхшаб кетмадими? Кўзлармиди-эй, қарашларимиди? Аммо у ҳақиқий кар-соқов-ку! Балки оғзига толқон солиб юравериб, гунг бўлиб қолгандир. Балки... ўзини ёлғондакам забонсиз қилиб кўрсатиб юргандир. Йўғ-е! Соғ одамнинг бир умр соқов ролини ўйнаши ақлга тўғри келмайдиган нарса-ку!...

Фахриддин тахмин қилишда давом этарди:

– Ҳақиқатни билиши сабаб бўлган бўлса ажабмас. Онаизорнинг ўлими олдидан қилган васияти Майрам учун қасос олишга ундовдай туюлган. Қисқа даврда ҳам отасидан, ҳам онасидаг, ҳам жонажон укасидан ажралган қизнинг исёнкор қалбида қасос ўти пайдо бўлган ва қиз эсини билган сайин бу чўғ даҳшатли оловга айлана ўрган... Ҳа, Тоғаевлар оиласи бошига тушган кўрг'ликларнинг ташкилотчиси ўша маъсума қиз Майрамдан бошқа ҳеч ким эмас! Неъматилло ва Муҳтарамнинг яқинлари орасидан бошқа қасоскор қалбни кўрмадим... Энди Майрамни топиш қолди... Менимча биз тўғри йўлдан кетаяпмиз! Марҳамат, кимда қанақа мулоҳазалар бор?

Санжарбек гунг аёл тўғрисида хаёлига келган фикрни ўртага ташлашга оғиз жуфтладию, аммо

олдин масалага сал бўлса-да ойдинлик киритиб олиш керак деган ўйда гапни бошқа ёққа бурди:

– Устоз, тахминингизда жон бор. Майрамда қотилликни амалга ошириш учун асослар етарли бўлган. Ўзи қилмаган тақдирдаям унинг ташкилотчи бўлганига ишонса бўлади. Шу сабабдан ишимизда бир неча жойда номаълум хотин кишиларнинг иштироки кузатилганди. Аёл киши кимни ўзига шерик қилади? Албатта, ўз жинсдошини-да! Фақат... уни топиш муаммо бўлмасайди. Ҳозиргача калишнинг эгаси “тиланчи” хотиннинг ҳам, “савдогар”нинг ҳам дарағи чиқмади...

– Уларнинг бизда на исм-шарифи, на бирор хос белгиси бор эди. – Муроджон эътироз қилди. – Шунинг учун уларни топишга қийналдик. Майрамнинг эса шахси маълум, менимча топиш қийин бўлмайди.

– Майрамнинг болалар уйидан қочгани ва узоқ давом этган қидиришларга қарамай топилмаганини эсдан чиқармаслигимиз лозим. У ҳақиқий исми билан юрса, қўлга тушишини, режалари барбод бўлишини олдиндан кўра билган. Болалар уйидан қочганда қўлида ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. Бу унга ўзига хоҳлаган исмни олиш имконини берган. Мен Майрамнинг собиқ синф раҳбари, синфдошлари билан гаплашгандим. Улар қизнинг ўта иқтидорли, аълочи ва шаддод ўқувчи бўлганини, шеърлар машқ қилганини, мактаб саҳнасида қотириб рўллар ўйнаганини таъкидлашди. Бундай қобилият соҳиби ўзини асрашнинг, душманга чап беришнинг уддалаши турган гап! Истеъдодли инсон ҳар соҳада истеъдодли бўлади дейишади...

– Бу гапингиз тўғри! – Фахриддин шогирдини қўллади. – Сўровларимиз натижасиз бўлаётганим, анави икки аёлнинг тутқич бермаётганим, терговнинг дам-бадам боши берк кўчага кириб

қолаётганим шундан... Майрам масаласида яқдил бўлсак, энди ишни нимадан бошлашимиз керак, марҳамат Санжарбек сизнинг фикрингиз.

– Қиз ўқиган мактаб архивидан унинг иншоларини олиш лозим. Бу хатшунослик экспертизаси учун керак бўлади. Майрамнинг яқин қариндошлари билан яна бир бор гаплашиб, унинг хос белгилари бўлган-бўлмаганлигини аниқласак фойдадан холи бўлмасди. Бизда қизнинг 12 – 13 ёшлардаги расмлари бор. Мутахассислар ёрдамида шу суратларга қараб, хомаки бўлса-да, Майрамнинг ҳозирги қиёфасини яратсак ёмон бўлмасди.

– Яхши! Муроджон сиз нима дейсиз?

– Ўйлаб кўрайлик: 13 ёшли қиз болалар уйидан қочиб, ҳужжатсиз, пулсиз қаерга бориши, қаердан паноҳ топиши мумкин? Унинг Жиззахда қолмаганлиги аниқ. Бу ерда уни таниб қолишлари, топиб олишлари тайин. Демак, у бошқа шаҳарни танлаган. Бу шаҳарда унинг кимидир бўлиши, кимнидир қора қилиб йўлга чиққан бўлиши керак. Бундай одам бўлмаса, таваккал қилишга мажбур бўлган. Йўлга чиқса, қулай томон – бу ёнда – Самарқанд, бу ёқда – Тошкенти азим...

– Тушунарли! – гуруҳ раҳбари мунозарга яқун ясади. – Санжарбек, сиз мактабга, болалар уйига бориб, айтган масалаларингиз билан шуғулланинг! Муроджон, сиз Майрамнинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари билан ишлашда давом этинг. Мен Тошкентга бориб келаман. Раҳбарият чақиртирган. Бирйўла Тоҳир Ғофуровичнинг ҳам маслаҳатини оламан.

Гуруҳ аъзолари бирин-кетин чиқиб кетишди. Санжарбек боя хаёлига келган фикрни айтсаммикан деган ўйда тайсаллади. Шогирдини яхши биладиган устоз буни сезиб, сўради:

– Ҳа, Санжарбек! Тагин бирор нарса ёдингизга тушдими?

– Устоз боя “гунг” деган иборани ишлатганингизда миямга қўққисдан бир нарса кепқолди. Устимдан қулмасангиз айтаман!

– Фикр билдирган одамнинг устидан қулиш эмас, таҳсин айтиш керак! Айтаверинг!

– Ўзингиз “интуиция” дейсиз-ку! Мен Майрам бу Зубайда эмасмикан деб ўйлаяпман! Ҳа, нима! Хизматкор бўлсаям, анчагина зеҳнли. Исмини ўзгартирган бўлиши мумкин. Ёши ҳам тахминий тўғри келиб турибди...

– Зубайда... денг! З – уб – а – й – д – а! – Фахриддин жойидан яшин ургандай сакраб туриб кетди ва қаршисида донг қотиб турган шогирдини қучоқлаб олди:

– Эҳ Санжарбек, бор экансиз-ку! Ақлли каллангиздан ўзим ўргилай! Нега бу фикр хаёлимга келмаганига ҳайронман? Зубайданинг Майрам бўлиб чиқиши эҳтимолга анча яқин. Буни зудлик билан текшириб қўришимиз лозим!

Фахриддин шоша-пиша жойига ўтириб, телефондан тезкор ходимлардан бирига Ҳикматиллонини прокуратурага олиб келишни тайинлади. Сўнг яна шогирдига юзланди:

– Санжарбек ўзингиз бориб Зубайдани бирор баҳона билан олиб келинг! Ҳозирча ҳеч нарсани сездирмаганимиз маъқул. Йўқса, биз айбини бўйнига қўямиз дегунча жуфтакни ростлаб қолиши мумкин.

– Устоз, йигитларга тайинласангиз, Ҳикматиллонинг уйида Майрамнинг китоб-дафтарлари сақланиб қолган бўлса, шуларниям ола келишса!

– Бўпти. Сиз шошилинг! Ҳар эҳтимолга қарши Муроджонни болалар уйигаям юбораман, зора Майрамнинг иншоларидан сақланиб қолган бўлса!

Санжарбек тезкор ходимлардан бирини олиб, тўғри Тоғаевнинг уйига борди. Таниш дарвоза олдида тўхтаб, эшикни итарди. Дарча қулфлоглик эканлигига ишонч ҳосил қилгач, бир неча бор тақиллатди. Одатда дарча очиқ турарди. Демак, уйда ҳеч ким йўқ. Бозор-ўчарга чиққан бўлса, келиб қолар деган ўйда бир оз кутишга аҳд қилди. У ёқдан бу ёққа юриб, бир соатча кутгач, тоқатсизланиб, негадир қалбини ваҳима боса бошлади. “Наҳот қочиб қолган бўлса! Наҳот яна бизни доғда қолдирди!” Қўни-қўшнилardan суриштирди. Ҳеч ким ҳеч нарса кўрмаган, ҳеч нарсани билмайди. Фақат кўча бошида писта сотиб ўтирувчи кампир “Кеча қаёққадир кетаётганди, қўлида каттагина бозор сумкаси бор эди” деган гапни айтди. Гуруҳ раҳбарининг кўрсатмаси бўйича аёлнинг келишини кечгача кутган Санжарбек участка нозири, маҳалла оқсоқоли, қўшнилари иштирокида эшик қулфини бузиб, ҳовлига кирдилар. Уйни, қўшимча хоналар, ертўла ва бошқа ёрдамчи биноларни диққат билан кўздан кечирган тадбир иштирокчилари ҳамма нарса эски ҳолича жой-жойида турганлиги, ҳеч нарса олиб кетилмаганлигининг гувоҳи бўлишди. Тинтувда терговга нафи тегиши мумкин бўлган ёки шубҳали ҳисобланадиган ашёлар олинмади...

Зубайданинг қайтиб келишидан умидини узган терговчилар шу куннинг ўзида ички ишлар органларига, ДАН бўлинмаларига унинг суратини тарқатиб, қўлга олиш бўйича топшириқлар беришди. Темир йўл станциялари, аэропортлар огоҳлантирилди. Унинг бориши, яшириниши мумкин бўлган жойларга тезкор ходимлар юборилди...

Ҳикматиллога жиянини таниб олиш учун бир нечта расмлар ичида Зубайданинг расми кўрсатилди. У ҳар бир суратга тикилиб, “йўқ, булар

орасида Майрам йўққа ўхшайди”, деди. Терговчи орадан шунча йиллар ўтиб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда синчковлик билан яна бир бора назар солишни илтимос қилди. Гувоҳ энди ҳар бир суратни қўлига олиб, зимдан разм солар экан, Зубайданинг суратига келганда «мана бунинг кўзлари сал-пал ўхшаб кетаркан», деди қандайдир журъатсизлик билан.

– Акажон, яхшилаб ўйлаб кўринг, Майрамнинг юзида, қўлларида, баданида бирор хос белгиси – холими, чандиғими, тиртиғими бормиди?

– Бирор жойида холи борлигига кўзим тушмаган. Лекин ёшлигида чойнакдаги қайноқ чой чап қўлига тўкилиб кетиб, бош бармоғининг устки қисмида тангачадай чандиқ қолганди.

Санжарбек ичида Зубайдани сўроқ қилган пайти қўлларига эътибор қилмаганидан афсусланди.

– Уйингизда Майрамнинг дафтарларидан сақланиб қолганмикан?

– Йўқ, дафтар-китоблари қолмаган экан. Фақат битта кундалик дафтарини мен ўзимга олиб қўйгандим, баҳолари ҳаммаси “аъло”. Кўпинча болаларимга кўрсатиб, ундан ўрнак олишга чақирардим.

– Қани ўша кундалик?

Ҳикматилло ён чўнтагидан юзлари сарғайиб кетган икки букланган дафтарчани олиб, терговчига узатди. Санжарбек дафтарни қўлига олиб, овоз чиқариб ўқий бошлади: “IV “А” синф ўқувчиси Омонова Майрамнинг кундалиги... она тили “5”, рус тили “5”, расм “5”, ж.тарбия “5”, матем... “5”...

– Бирортаям тўрти йўқ экан-а! – деди у кундаликнинг кейинги бетларини варақлаб. – Ёзуви ҳам бир текис, чиройли...

Сўнг стол устидаги жинойт ишидан Зубайданинг сўроқ баённомасини топиб, кундаликдаги ёзув билан солиштира бошлади:

– Унчалик ўхшаш кўринмаяпти... Майрамнинг хуснихати дона-дона, нафис... Зубайданики майдарок, қўполроқми-эй! Инсоннинг ёзуви умри давомида неча марта ўзгариб, неча марта тусланади. Экспертлар аниқлаб бермаса, оддий кўз билан ўхшашликни илғаш қийин.

– Ҳозир Муроджон Майрамнинг болалар уйидаги дафтарлариниям олиб келаяпти, тезда уларни расмийлаштириб, хатшунослик экспертизаси тайинлаш лозим, – кўрсатма берди гуруҳ раҳбари. – Экспертлардан чўзиб ўтирмай, бир-икки кунда хулоса қилиб беришларини илтимос қилинг!

Терговчилар яна айрим масалаларга ойдинлик киритишиб, Ҳикматиллога жавоб беришди.

Хонада ўз-ўзи қолишгач, Фахриддин қўлига қалам олиб, нималарнидир ёзишга киришди. У навбатдаги ишлар режасини қоғозга тушираётганди. Бунини ҳис қилиб турган Санжарбек уни чалғитмасликка қанчалик ҳаракат қилмасин, хаёлига келаятган фикрларни у билан баҳам кўришдан ўзини тиймади:

– Устоз, бир нарсага ақлим етмай турибди?

– Ҳўш!

– Ҳаммасини қилса бўлади, аммо Майрам қандай қилиб кар-соқов бўлиб қолганига ҳайронман. Ё ғам-аламдан шу кўйга тушдимикан?

– Менимча, ёлғондакам шунақа қилиб юрибди, – деди устоз қоғоздан бошини кўтармай.

– Менам бошида шундай деб ўйлагандим. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрсам, бир умр “гунг” рўлини ўйнаш осон эмас. Бирда бўлмаса бирда сирини ошкор қилиб қўйиши мумкин. Билмасдан гапириб ёки гапга жавоб қайтариб қўйиши эҳтимолдан холи эмас. Фақат ўта истеъдод соҳибларигина ташқи таъсирларга берилмасдан ўзини гунгдай тута олишади. Ёдингиздами, қайси бир фильмда

разведкачими ёки партизанми бир соппа-соғ йигит ўзини гунг қилиб кўрсатиб юради. Душман офицерлари унинг соғ ёки гунглигини аниқлаш мақсадида бири гапга солиб туриб, иккинчиси орқа томондан сездирмасдан “гунг”нинг қулоғининг тагида тўппончадан осмонга қараб ўқ узади. Бошқа ҳар қандай одам ўқ товушидан чўчиб, ваҳимага тушиб қолиши табиий эди. Аммо разведкачи йигит худди ҳеч вақони эшитмагандай, киприк қоқмай тураверади. Душман офицерларида унинг ҳақиқий гунг эканлигига шубҳа қолмайди...

– Тузук, тузук! – Устоз шогирдини алқаб қўйди. – Майрамни топсак, бу усулингиз бизга амқатиши мумкин. Аммо унутманг, истеъдод бобида Майрам ҳам сиз тилга олган ўша разведкачидан сираам қолишмайди. Уруш пайти бўлганда бу аёлданам қаҳрамон чиққан бўларди.

– Афсуски, шундай инсон адолатсизлик қурбонига айланди. Ўз иқтидори, салоҳиятини ғам-алам юкини кўтаришга, бутун вужудини қамраб олган қасос исёнини бостиришга сарфлашга мажбур бўлди.

– Отангизга балли! Сизда файласуфлик нишонларини кўраяпман. Демак, энди сиздан яхши терговчи чиқади.

Санжарбек устознинг гапи чинми ё ҳазилми тушунолмай, кулиб қўяқолди...

* * *

Ҳамма оёққа турган бўлса-да, Майрамдан дарак йўқ эди. Хатшунослик экспертизаси “Майрам Омоновага тегишли ёзувлар Зубайда Ғоипова номидан бажарилган ёзувлар билан қисман ўхшаш бўлиб, бир шахс томонидан бажарилган бўлиши мумкин” деган хулосани тақдим этди. Зубайда Ғо-

ипова номига берилган фуқаролик паспорти қалбаки эканлиги, ҳақиқатда бундай шахс мавжуд бўлмаганлиги аниқланди. Шунга кўра терговчилар Майрамда яна бошқа шахс номидаги паспорт ҳам бўлиши мумкин деган фикрга келдилар. Унинг қандай ном билан яшириниб юрганлигини билиш муҳим эди. Шу сабабли Фахриддин яшаган жойида ўзидан бирорга из қолиши шарт деган умидда Тоғаевнинг уйини яна бир бор яхшилаб тинтиб кўришга қарор қилди. Кўпчилик бўлишиб, эрта-лабдан бошланган тинтув кечга қадар давом этди. Шкаф тортмаларидан тортиб, китоб жавонларигача, газета-журналларнинг тахламидан тортиб, ички варақларигача, кийим-кечакларнинг ёқасидан тортиб ўнгиригача, хоналар, айвонлар ва қўшимча биноларнинг полдан шифтигача, девор тирқишларидан тортиб томларнинг устигача тинтиб кўришга тўғри келди. Аммо иш учун аҳамиятли на бир ҳужжат, на бир далилий ашё топилмади. Ҳамма ишини тўхтатган бўлса-да, китоб жавонидаги ҳар бир китобни “чиғириқ”дан ўтказаетган Фахриддин қўлига Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романини олиб, варақлай бошлади. Шу пайт китоб ичидан бир энлик қоғоз ерга тушиб кетди. Терговчи чаққонлик билан қоғозни ердан олиб, ўқишга тушди. Сал нарида турган Санжарбек қизиқсинди:

– Устоз, нима экан?

– Қандайдир Неъматиллаева М. номига берилган квитанция... Тошкент шаҳридаги 27-сонли меҳрибонлик уйига 50 минг АҚШ доллари хайрия қилинганлиги ҳақида...

Санжарбек отилиб келиб, хатга тикилди:

– Э... ия... бу Майрамга берилган ҳужжат-ку!

– Ҳа, отасининг исмини фамилия қилиб олган экан... Калламизга келмаганини қаранг-а! Сан-

жарбек, зудлик билан тезкор ходимларимизга топшириқ беринг – Майрам Неъматиллаевани қидиришсин! Аэропортлар, темир йўл вокзаллари қайтадан огоҳлантирилсин. Унда чет элга чиқиб кетиш учун етарли маблағ бор. Тоғаевнинг пулларининг бир қисмини хайрия мақсадларида сарфлашга улгурибди...

Санжарбек топшириқни бажариш учун шошиб хонадан чиқар экан, ўзича гудурланди:

– Вой шайтон-эй, биз шохида бўлсак, у баргида юрганини қаранг-а!

– Муроджон, – Фахриддин топшириқ беришда давом этарди. – Сиз эртага барвақт Тошкентга жўнайсиз. 27-сонли меҳрибонлик уйи раҳбарияти билан гаплашиб, мана бу ҳужжат хусусида сўрайсиз. Майрамнинг... йўғ-е, Зубайданинг расмини ҳам олиб кетинг, бир йўла таниб олиш учун кўрса-тиб, расмийлаштириб келасиз!

Муроджон “тушунари” дегандай бош чайқаб, ҳужжатни авайлаб қўлига олди ва унга кўз югуртирди:

– Фахриддин Каримович, менимча, бошқа меҳрибонлик уйлари, детдомларгаям сўровнома беришимиз кераг-ов! Бу бойвачча хотин уларгаям хайрия қилган бўлиши мумкин.

– Тўғри айтасиз! Вазирликка сўровнома тайёрлаб, қайси меҳрибонлик ёки болалар уйига, кимлар томонидан катта миқдорда хайрия қилинганлигини аниқлашимиз лозим...

Эрта тонгда Тошкентга йўлга чиққан Муроджон аввал вазирликка кириб, сўровномани топширди ва жавобиниям кутиб ўтирмасдан 27-сонли меҳрибонлик уйига борди. Муассаса раҳбари Фаяопа терговчи тақдим этган “квитанция”ни кўриб, дарров таниди:

– Бу аёл ўзини Зубайда деб таништирганди. Шунча катта пулни ҳеч қандай ҳужжатсиз топшириб кетмоқчи бўлди. Мен “паспортигизни кўрмасдан, кимлигингизни билмасдан пулни қабул қилолмайман”, дедим. Кейин паспортини кўрсатишга мажбур бўлди. Ҳақиқий исми Майрам, фамилияси Неъматиллаева экан.

– Пулни қаердан олганлигини айтмаганмиди?

– Хайрия қилувчилардан биз бу ҳақда сўрашга ҳаққимиз йўқ. Биз пулни қабул қилиб, банкка ҳисоб рақамимизга ўтказамиз ва ҳомийга тегишли ҳужжат берамиз.

Муроджон яна айрим масалаларга ойдинлик киритиб бўлгач, хайрия мақсадида уларга пул топширган шахсни таниб олиш учун беш-олтита суратни Фая опага кўрсатди. Опа ҳеч иккиланмасдан Зубайда – Майрамнинг расмини танлади...

Пешиндан сўнг вазирликка кириб, сўровнома-сига жавоб олган Муроджон лол бўлиб қолди. Яна 2 та ногорон болалар интернатига Зубайда Ғоипова номидан 40 мингдан жами 80 минг АҚШ доллари хайрия сифатида топширилган экан. Гуруҳ раҳбарини хабардор қилган терговчи ҳар икки муассасага бориб, тегишли тергов ҳаракатларини ўтказди. У ерларда ҳам фактлар ўз тасдиғини топиб, хайрия қилган шахс Майрам эканлиги аниқлангач, хурсанд кайфиятда Жиззахга қайтди...

Калаванинг учи топилди деб турганда Майрамнинг изсиз йўқолиши Фахриддинни ўйлантириб қўйди: наҳотки, жуфтакни ростлаб қолган бўлса! Наҳот чет давлатга чиқиб кетишга улгурди! Гуёки бизни хатти-ҳаракатимизни зимдан кузатиб тургандай. Олдинига биз билан “қувламачоқ” ўйнашни қойиллатди. Биз уни таъқиб қилишдан, у эса қочишдан чарчамади. Яқинлашганимиз сайин узоқлашаверди. Энди етай деганимизда

тагин кўздан ғойиб бўлди... Уддабуронлигига қойил қолмасдан иложинг йўқ! Шунча ишни қилиб, ўзига сув юқтирмаганини қаранг! Аммо... шунча жиноятни ёлғиз ўзи амаллаганига кишининг ишонгиси келмайди! Кимдир унга ёрдам берган! Ўзини қўлга олмасдан шунча ишни қандай усул, қандай кетма-кетлик, қандай воситалар ва кимларнинг ёрдамида амалга оширганини тасаввурга сиғдириб бўлмаяпти! Ҳақиқий истеъдод соҳиб! Мактабда аълочи бўлган, 13 ёшида ҳаммани доғда қолдириб, болалар уйидан қочган, шу кетишда қариндош-уруғларникига бормасдан бировларнинг эшигида кун ўтказган, қалбига туғиб қўйган режасини амалга ошириш учун барча ҳаёт қийинчиликларига бардош берган, қаддини тик тутиб, олға босган, қасос олиш ниятидан воз кечмаган. Шу йўлда ўзини гунг қилиб кўрсатиш, хизматкор сифатида ўзгаларнинг оstonасида сарғайиб юришдан ор қилмаган. Зухриддиннинг оиласига кириб олгач, дастлаб оила бекасини йўлдан олишга аҳд қилган. Ақл-заковатига таяниб, Гулдонанинг овқатига оз-оздан маргимуш қўшиб борган. Иш хамирдан қил суғургандай адо этилган, асосийси ҳеч ким, ҳеч нарсадан гумон қилмаган. Эндиги навбат оиланинг устуни, ягона ўғил – Муҳриддинга келган. Яна маҳорат ишга солинган. Кечки пайт ҳеч кимга сездирмасдан унинг машинаси тормоз шлангининг устки қисмини қирқиб қўйган. Мудҳиш автоҳалокат... Тоғаевлар оиласига иккинчи оғир зарба берилган. Ва ниҳоят, қасос навбати Зухриддиннинг ўзига етиб келган. Уни ҳийла йўли билан кимсасиз жойга олиб бориб, ўлдирган. Бунга ҳам қаноат қилмасдан мурдани ёққан ва кулини, суякларини қабристонга олиб бориб қўмиб ташлаган. Иш бўйича тергов бошланганиям уни чўчитмаган. Айбини бировга

тўнкаш учун ўша куни қабристонга кийиб борган калишини атайлаб Холматбойникига олиб бориб ташлаган. Негаки, у азалдан Зухриддиннинг Холмат билан келишмовчилиги борлигини, қотилликда у биринчилардан гумон қилинишини олдиндан билган. Найранги иш бериб, терговчилар Холматбой билан андарман бўлиб қолгач, режасини охирига етказишга киришган. Зухриддин Тоғаевлар сулоласининг охирги вакиллари нариги дунёга жўнатиш қийин кечмаган. Савдогар никобида келиб, уй шароитларини ўрганиб чиққач, газ шлангини уч-тўрт сония қисиб, сўнг қўйиб юбориш – ёшгина бир аёл, икки норасидани ҳаётдан олиб кетган. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи қотилликнинг усталлик билан бахтсиз ҳодисага йўйилишига ҳаракат қилган ва маълум маънода бунга эришган. Балки тергов гуруҳимиз сал эътиборсизлик қилганда бу қотиллик жиноятлари бахтсиз ҳодиса сифатида таснифланиб, очилмасдан қолиб кетган бўлармиди! Балки салгина ишга совуққонлик билан қараганимизда Холматбой қотилликда айбланиб, дод дея қулоғини ушлаб кетган бўлармиди! Қотил эса Зухриддиннинг бойликларининг бир қисмини хайрия қилиб, бир қисмини билганича ишлатиб, ялло қилиб, очикда юрган бўларди! Нақадар моҳирлик билан ишланган режа! Тасанно! Яна қочишга улгурганини қаранг-а! Шунча одамни девор суятиб кетди-я! Энди қандай бўлмасин Майрамни излаб топишимиз лозим. Уни топмасдан туриб, ҳеч нарсани исботлаб бўлмайди! Шунча қилган меҳнатимиз чиппакка чиқади... Раҳбарлар нима дейди? Шунча изқувар бир аёлга бас келолмай, рафлатда қолиб ўтирибмиз-а! Қаерга борган бўлиши мумкин? Агар бир умрга кетаётган бўлса... ота-онасининг қабрини зиёрат қи-

лишга бориши тайин. Ҳа, ҳа, албатта боради! Улар қаерга дафн қилинган...

Фахриддин хаёлига келган фикрдан суюниб, телефонда кимгадир Майрамнинг ота-онаси қаерга қўмилганлигини аниқлашни буюрди. Ярим соат ўтар-ўтмай телефон жиринглади. Шошиб гўшакни қўтарган терговчи олинган хабардан ўрнидан туриб кетди:

– Зоминдаги... ... ўша қабристонга денг! Тушунарли! Тезда етиб келинг, Зоминга кетамиз! Йўл-йўлакай Ҳикматилло аканиям ола келинг!

Қуёш уфққа бош қўйган маҳалда гуруҳ Зоминга етиб келди. Одатда бу пайтда қабристонга одамлар келишмайди. Эшик олдида бир тўда одамни кўриб, ичкарида сермаланиб юрган қоровул чол бемаврид ташриф буюрган меҳмонларнинг истиқболига чиқди:

– Ия, ойна! Келинглар, келинглар! Ким екан деппан...

– Ассалому алайкум! Отахон яхшимисиз? – Фахриддин эски қадрдонлардай илиқ саломлашди. – Узр энди, сизни яна бир бора безовта қилишга тўғри келди.

– Зиёни жўқ, болам! Эса ... силарам давлатнинг иши деп журипсилар! Келинглар, келинглар! Айтгандай жиноятчини топдингларми?

– Оз қолди отахон, оз қолди! – Фахриддин чўнтагидан расм чиқариб, чолга узатди. – Сиз мана бу аёлни танийсизми?

Қоровул расмга зимдан тикилиб, бепарволик билан жавоб берди:

– Конечно танийман. Зубайда! Бечора туғма кар-соқов! Кечами-эй, йўқ, йўқ, оқтеба куни ота-энасини заёрат қилишга кепкетганди...

– Оқтепангиз қанақа кун? – тезкор ходимлардан бири гап қўшди.

- Вутган кун-да! Кечадан бурунги кун!
- Бир ўзи келганмиди? – сўради Фахриддин юришдан тўхтаб.
- Бечоранинг ҳеч кими қолмаган, ҳар доим бир вўзи келади.
- Нима қилди?
- Қизиқсан-да, болам! Нима қиларди, отасининг қошида бирпас, энасининг қошида бирпас ўтириб, Қуръон тиловат қилди, сўнг қаергадир шошиб чиқиб кетди. Олдинлари анча ўтирарди... Бу гал негадир тез турди...
- Кетдик, бизга ўша Майрамнинг ота-онасининг қабрини кўрсатинг-чи!
- Тушунмадим, яна қанақа Майрам?! – елкасини қисди чол.
- Э, э, кечирасиз! Зубайда демоқчийдим!
- Шундай денг! Орқамдан журинглар. – Қоровул йўлак оралаб, Зухриддин кўмилган “қабр” томон юра бошлади.
- Тўғри кетаяпмизми? – деди Фахриддин орқада келаётган Ҳикматиллога қарата.
- Тўғри, тўғри! Ортимдан юраверинглар! – Ҳикматиллодан олдинроқ жавоб берди чол. – Мен бу жердаги ҳар бир гўрди беш қўлдай биламан. Вўям ўша суякларди кўмиб кетган жерга жоқин!
- Айланиб-айланиб, ўзига таниш жойга келиб қолгандагина Фахриддин бир нарсани эслагандай бўлди. Чол чиройли оқ мрамартош ўрнатилган қабр олдида тўхтаганда эса адашмаганини ҳис қилди. Бу – воқеа жойини кўздан кечиришга келган кунлари тошга битилган ёзувларини кўздан кечирган ўша таниш қабр эди: “Омонова Муҳтарам Жўрақул қизи. 1956 – 1988.

*Дуолар ёритгай уйларингизни,
Жаннатлардан қилсин жойларингизни.*

*Ҳаётингиз шамин бевақт ўчирган,
Ғанимлар ўнгайлар пойларингизни.*

– Мана шу Зубайда шўрликнинг энасини гури!
– деди чол қабртошига ишора қилиб. – Уч-тўрт
йил бурун вўрнатганди. Отасиники сал норжокда,
кўрасларми?

Фахриддин лавҳадан кўзини узмай, тош қотиб
турарди. Унинг ҳаёлини жавобсиз саволлар банд
этганди: “Ҳаётингиз шамини бевақт ўчирганлар
ҳали пойингизни ўпади” дея ўзининг жиноий ре-
жасини очиқ-ойдин чизиб бериб қўйган экан-ку!
Нега бунга ўшанда аҳамият бермадим-а? Йили
эски – 1988 йил бўлгани учун эътибордан четда
қолдирган бўлсам керак-да! Йигирма йиллик та-
рихнинг бугунги кун воқеаларига нима даҳли бор
деб ўйлаган бўлсам ажабмас! Ваҳоланки, қабр
тоши яқинда ўрнатилган экан! Саксонинчи йил-
ларнинг қабрлари бунақа замонавий кўринишда
бўлмайди-ку! Бунга ақлим етмаганини қаранг!
Майрамнинг зукколигига тан бермай илож йўқ!
Жиноятни қилишга қилиб, уни очишнинг калити-
ни ҳам шундоққина пешонамизга илиб кетипти-я!
“Изқувар бўлсанг, ақлингни ишлат” дегандай.
Ўшанда бу сирли мисраларнинг маъзини чақол-
ганимизда эди, шунчалик қийналиб юрмаган,
жиноятни осонгина очган, қотилни қўлга олган,
энг муҳими бечора Анора ва унинг икки нораси-
дасининг ҳаётини сақлаб қолган бўлармидик! Эҳ
аттанг-а! Терговчи деганлариям шунчалик бефа-
росат бўладими?

– Нима қилай, отасиникиниям кўрсатайми?
– такрор сўради чол ва жавобиниям кутмасдан
қабр оралаб кета бошлади.

– Қани кўрайлик-чи, – Фахриддин қоровулнинг
ортидан эргашди.

Чол йигирма қадамча нарида худди боягидай оп-поқ мрамартош ўрнатилган қабр олдида тўхтади:

– Манов отасиники, иккаласи бир хил, буниям вўша кун и вўрнатишганди.

Фахриддин тўғрига ўтиб, мрамар тошдаги битикларни ўқишга тушди:

– “Неъматилло Омонов, 1950 – 1987.

Оллоҳ сиз тарафда, тинч ётинг ота,

Жаннатидан жойлар айласин ато.

Келмоқ ҳам, кетмоқ ҳам Худодан, вале,

Қимматга тушгайдир ёв қилган хато.

Ана холос! Бу ердаям ўша гап! Қасоскор қалбнинг даҳшатли тўфони! Ҳа, Майрам ўз дарду ҳасратларини очиқ ва ошкор айтиш билан чекланмасдан кўрга ҳасса қилиб, тошга ҳам битиб қўйибди. Фақат биз – хом сут эмган бандалар нўноқлик қилибмиз-да!

Гуруҳ раҳбарининг топшириғи билан йигитлар тезда расмиятчиликни ўринлатиб, тегишли ҳужжатларни тўлдиришди.

* * *

Кеч бўлишига қарамай бирор янгилик илн-жида ўтирган терговчиларни Тошкент транспорт милициясидан олинган хабар шошириб қўйди: фуқаро Майрам Неъматиллаева эртага соат 8:00 да учадиган Тошкент – Шаржа самолётига чипта олган.

– Хайрият-е! – Санжарбек суюнганидан чапак чалиб юборди. – Ҳаммасига нуқта қўядиган кун ҳам бор экан-а!

– Кўпам суюнманг! – деди Фахриддин босиқлик билан. – Бу шайтон хотин яна бирор нарсани бош-

ламаса деб қўрқаман! У анойилардан эмас. Биз унинг кетидан тушган-тушмаганимизни билиш учун атайлаб самолётга чипта олган бўлишим мумкин. Бу чалғитишнинг осон йўли. Бизни аэропортда девор суятиб, ўзи бошқа томондан поезд-дами, автобусдами жуфтакни ростлаб қолишим эҳтимолдан холи эмас.

– Чипта олибдими, демак, аэропортга келади! Ими-жимиди қўлга оламиз, вассалом!

– Бари бир эҳтиёт бўлишимиз шарт! Шунча ишни қойилмақом қилиб уддалаган одамдан ҳар балони кутса бўлади!

Фахриддин Каримович шошилиш равишда Тоҳир Ғофуровичга хушхабарни етказди ва “операция”ни амалга оширишда ёрдам сўради. Терговчилар уйқудан кечиб, “қўлга олиш” тадбири режасини тузишга киришдилар...

Ҳали тонг бўзармасдан аэропортга етиб келган қўлга олиш гуруҳи аъзолари жой-жойини эгаллашди. Фахриддин аэропортнинг паспорт назорати бўлинмасидан туриб, “операция”га бошчилик қилди. Тезкор ходимларнинг бир қисми вокзалга ҳам ташланганди. Ҳамма Майрамнинг пайдо бўлишини интизорлик билан кутарди. Ниҳоят, Тошкент – Шаржа йўналиши билан парвоз қилувчи рейсга рўйхатга олиш ишлари тугашига камгина фурсат қолганда, аэропортга кираверишдаги нуқтадан уларга тарқатилган расмдагига ўхшаш ҳижобли аёл ичкарига кириб кетганлигини хабар қилишди. Ҳамма сергак тортди. Таъқиб бошланди. Сал ўтмай рўйхатга олиш бўлимидагилар фуқаро Майрам Неъматиллаева авиачиптасини рўйхатдан ўтказганлигини билдиришди. Бирлашган Араб Амирлигига ўзи билан шерикларини ҳам бирга олиб кетаётган бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, Фахриддин кузатувни самолёт бортига-

ча давом эттириш ва ўша ерда шериклари билан бирга қўлга олишга топшириқ берди. Терговчилар Майрам шериклари билан аэропорт биносидан гаплашмасаям, самолётга киргач, хавф-хатар ортида қолди деб ўйлаб, албатта мулоқотга киришишига умид қилишганди. Кутилганидек Майрам сал аланг-жалаңг қилса-да, атрофдагиларга парво қилмасдан, ҳеч ким билан мулоқот у ёқда турсин, кўз ҳам уриштирмасдан аввал божхона, сўнг паспорт назоратидан ўтиб олди. Кутиш залидаям ўзини худди атрофида ҳеч ким йўқдай тутди. Ниҳоят назоратчи ҳамроҳлигида автобусга ўтиришиб, самолётга чиқишди. Кузатув объекти тўғри жойига бориб, қўлидаги сумкасини тепадаги юкхонага жойлади ва ўриндиққа чўқди. Шу зайил самолёт борти йўловчилар билан тўлгунча, ойнадан ташқарига тикилиб ўтираверди. Ҳатто ёнига келиб ўтирган рус аёлга қиё ҳам боқмади. Стюардессанинг ёқимли овози жаранглаб, самолёт парвозга шайланди. Фақат шундагина гуруҳ раҳбари Майрамни қўлга олишга топшириқ берди. Бири орқа, бири олд ўриндиқда ўтирган йўловчилар орасидан чиқиб келган икки бақувват йигит аёлниги ёнига келиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, қотилликда гумон қилиниб, қўлга олинганлигини билдиришиб, самолётдан тушишини илтимос қилишди. Майрам ҳаммаси шундай тугашини элдиндан сезгандай, ҳеч бир эътироз билдирмасдан тезкор ходимларга эргашди...

Гумонланувчини сўроқ қилишга терговчилар роса тайёргарлик кўришди. Ниҳоят, кечки соат бешларда Майрамни кўрсатма беришга олиб келишди. Хонага кириши билан ўтирганларга “яхшимисизлар?” дея одоб билан салом берди. Энди у ўзининг гунг-соқов эмаслигини яширмаётганди.

Санжарбек компьютерда гумондорнинг шахсига оид маълумотларга аниқлик киритиб бўлгач, Фахриддин савол беришни бошлади:

– Нима учун шунча йиллар одамларга ўзингизни Зубайда Ғоипова деб таништириб юрдингиз? Қалбаки паспортни қаердан олгансиз?

Майрам бир оз ўйланиб туриб, оғриниб жавоб қайтарди:

– Паспортни Тогаевларникига келишдан олдин кўчадан топиб олгандим. Расмини олиб ташлаб, ўзимникини қўйиб олдим. Кўрганлар сезишмади-ям. Бу менга ҳамма режаларимни охиригача етказиб олишим учун керак эди. Ундан олдин паспорт олиш пайтимда фамилиямни ўзгартириб, “Неъматиллаева” бўлгандим. Бунгаям кўнглим тўлмай, умуман бошқа одамга айланиб қолишни афзал кўрдим. Гунг бўлиб юришимам шундан. Шундай қилмасам, тезда ўзимни ошкор қилиб қўйишим, бошлаган ишларим чала қолиб кетиши мумкин эди... Оллоҳга шукр, ҳаммаси тугади. Онамнинг, отамнинг, укамнинг руҳи-покларини шод қила олдим, улар учун қасос олдим. Қотиллик қилиб қўлимни қонга булаганимдан асло афсусланмаيمان. Виждоним тоза! Адолатни тиклашга сизлар қодир эмас экансизлар, ситамгарларнинг ўзи ҳаммасини жой-жойга қўйишга, ҳақиқатни қарор топтиришга қодир эканлигини исботладим...

– Энди бизга ҳаммасини бир бошидан, батафсил, шошмасдан гапириб берсангиз.

– Сизларга ҳаммаси маълум-ку! – Майрам чуқур ҳомуза тортиди.

– Тартиб шунақа, ҳаммасини бир бошидан сўзлаб беришингизга тўғри келади.

– Яхши! Ҳаммасини айтаман. Ўзи биров билан ҳасратлашмаганимгаям анча бўлди. Чиндан гунг бўлиб қолишимга оз қолди. Гапирмасдан юравер-

са одам шунга ўрганиб қоларкан. Гуё онадан гунг туғилгандайман... Зуҳриддин Тоғаев отамнинг дўсти эди. Оилавий борди-келди қилиб юрганларини эслайман. У пайтлари совхоз директори деганлари катта одам ҳисобланарди. Айтгани-айтган, дегани-деган! Пичоғи ёғ устида бўларди! Мен ҳали ёш эдим. Катталар ўртасидаги муносабатларга ақлим етмасди. Билганим – мактаб директори бўлиб ишлаб юрган отамнинг котиба қиз билан гап-сўз бўлиб, қамалиб қолгани, орадан сал ўтмай қамоқхонада вафот этгани бўлди. Шўрлик онамнинг дод солиб йиғлаб юрганлари, оёғини қўлига олиб қайларгадир чопганлари, Зуҳриддин аканинг бизникига келиб, онам билан нималарнидир гаплашганлари кечагидай ёдимда. Бола бўлсам-да, унинг онамга қандайдир суқланиб қарашлари қалбимга оғир ботарди, гашимни келтирарди. Худди онамни биздан тортиб оладигандай туюларди менга. Олиб келган совға-саломларини онам ёнимиздаги ўн уч боласи бор қўшнимизникига чиқариб юборганда қалбим таскин топарди. Фақат ҳали ҳеч нарсанинг фаҳмига бормайдиган укамгина егуликлардан насибасини олишга улгурарди... Ҳаётининг охирги кунлари онамнинг ҳолати ачинарли эди. У сочларини ёйғачча қуни билан бир нуқтага тикилиб ўтирарди. Ўзигаям, бизларгаям қарамай қўйганди. Гоҳо мен, укамни бағрига босиб, “болажонларим, кечиринглар, мен яхши она бўлолмадим” дея йиғларди... Ўша қуни мактабдан келсам, уйда онам йўқ экан. Қўнглим бир нарсани сезгандай ҳамма хоналарни қараб чиқдим. Айвонга ўтсам... отам бизга ясаб берган турникда осилиб ётибди... югуриб бориб, қучоқлаб, дордан чиқариб олмоқчи бўлдим... Дод солиб, одамларни ёрдамга... чақирдим...

Майрам ўпкаси тўлиб, бир оз тўхтаб қолди. Сумкасидан рўмолчасини олиб, қўз ёшини артди. Сўнг чуқур уф тортиб, ҳикоясини давом эттирди:

– Ўзр... шу воқеаларни бошқа эсламайман дегандим... Бир пасда қўни-қўшнилар етиб келиб, онамни дордан бўшатиб олишди. Кейин дўхтирлар, милиция ходимлари, Ҳикматилла амаким, Зухриддин... акалар етиб келишди.

Уч-тўрт кун уйимиз одамлар билан гавжум бўлди. Кейин қариндош-уруғлар уй-уйига тарқаб, ҳовлимиз бўм-бўш бўлиб қолди. Бир-икки кун амаким, янгам бизникида ётиб қолишди. Сўнг укам билан мени кўч-кўронимиз билан бирга ўзларининг уйига олиб кетишди... Бир ҳафтача мактабгаям бормадим. Янги уйимизда ҳамма менинг кўнглимга қараса-да, ота-онамнинг йўқлигига қўниколмай, кўнглим ҳеч кимни, ҳеч нарсани хушламасди. Менга инсон ҳиди ёқмай қолганди. Атрофимдагиларнинг мени кўнгли ярим деб аяшлари ҳақоратдай, ширин сўзлари таҳқирдай, насихатлари камситишдай, яхшиликлари миннатдай туюлаверарди. “Бу дунёдаги барча болаларнинг ота-онаси, жилақурса улардан бири бор-у, нима учун укам билан менинг на падарим, на онаизорим йўқ?” деган савол мени қийнарди. Айниқса, кўча-кўйда болаларнинг шоду хуррам юрганларини кўрганимда, оғзиларидан бол томиб, ота-оналари ҳақида гапирганларини эшитганимда ўзимни дунёдаги энг бахтиқаро одам деб ҳисоблардим... Уларга ҳавасим келарди, десам алдаган бўламан, кўпроқ ҳасад қилардим... Ҳикматилло амакимнинг қистови билан онам вафотидан сўнг илк бор мактабга бордим. Ўқишга ҳам қизиқишим қолмаганди. Она тили дарсида китобимнинг орасидан бир парча қоғоз чиқди. Онамнинг ҳуснихатини дарров танидим. Ёнимдагилардан пана қилиб, хатни

ўқий бошладим. Ундаги сўзлар менга ёд бўлиб кетган. Хатда шундай дейилганди: “Қизалоғим Майрамжон! Сен бу хатни ўқиётганингда мен дунёдан ўтган бўламан. Нима қилай, пешонамга шундай қисмат битилган экан! Сен билан укангни тақдир қўлига, ёлғиз Яратганнинг паноҳига топшириб кетишга мажбур бўлдим. Сизларни болалик саодатидан, она меҳридан жудо қилган мен бадбахтни кечиринглар! Майрамжоним! Сендан бир ўтинчим бор. Уйдаги сариқ сандиқда отангнинг жигарранг пальтоси бор. Ҳеч ким йўқ пайтида сандиқни очиб, ўша пальтони олсанг, чўнтагида бир конверт топасан. Ичида сенга аталган мактуб бор. Фақат болажоним, менга сўз бер! Конвертни ўн саккиз ёшга кирган кунинг очасан. Унгача конвертни беҳавотир жойга яшириб қўй! Эҳтиёт бўл, йўқотиб қўйма! Сен катта қизсан-ку! Менинг сўнгги истагимни уддалайсан деган умиддаман! Болажоним! Сизларни Ҳикматилло амакинг, янганг ёлғиз қолдирмайди, деган умиддаман. Амакинг – отангнинг жигари, яхши инсон. Янганг ҳам тилло хотин. Улар сизларга отанг ва мен берадиган бахтни беришига ишонаман. Қизим, сизларни шу аҳволда ташлаб кетиш менга қанчалик қийин эканлигини билмайсан! Аммо ҳаётда ҳалли сенинг ақлинг етмайдиган нарсалар бор... Сен билан укангнинг бахти учун ҳам мен шундай қилишга мажбурман... мени кечир, жоним болам! Сизларни жонимдан ҳам яхши кўраман! Укангни сенга, сени Оллоҳга топширдим! Алвидо!”

Орага бир муддат сукут чўкди.

– Ўша хат қаерда? – жимликни бузди Фаҳриддин.

Майрам сумкасининг ён чўнтагидан икки буланган конверт чиқариб, ичидан бир варақ қоғозни олди ва терговчига узатди.

Гуруҳ раҳбари хатга кўз югуртириб, аёлнинг ҳақиқатанам мактубни сўзма-сўз ёдлаб олганига амин бўлди. Савол бериб, уни чалғитмаслик мақсадида “марҳамат, давом этинг, кейин нима бўлди” деди.

-- Танаффусга чиққач, амакимникига чопдим. Бир баҳона билан ойимдан дарвозамизнинг калитини олиб, уйга келдим. Сандиқни очиб, отамнинг пальтосини топдим. Чўнтагидан оғзи маҳкам бекитилган конверт чиқди. Унда қандайдир сирли қоғозми, ҳужжатми борлиги кўриниб турарди. Конвертни қуёшга қаратиб, бирор нарсани ўқишга ҳаракат қилдим. Ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Конвертни очиб, ичида нима борлигини билгим келарди. Аммо онамнинг хатидаги сўзларни эслаб, фикримдан қайтдим ва конвертни ҳеч кимга сездирмасдан ишончли жойга яшириб қўйдим. Балки бир кўнгилсиз воқеа юз бермаганда ўша конвертни айтилган муддатга қадар очмаган бўлармидим? Ҳаёт бешафқат экан! Кулфат бир ёпишса, ундан қутулиш қийин бўларкан! Етимлик азобига энди кўника бошлаганимда бу дунёда қолган ёлғизим, жигарбандим – Ботиржон ҳам мени ташлаб кетди. Бир синфдоши билан мактабдан қайтишда машина уриб кетди... Укамнинг борлиги менинг мискин қалбимда умид уйғотиб турган экан. Унинг ўлими ўша умид ғунчаларини тамоман сўндирди. Яшашимдан маъни қолмаганди... Ҳеч ким билан гаплашгим, ҳеч ким билан учрашгим келмасди. Бўш қолган пайтларим уйга бекиниб олиб, онамнинг мактубини такрор-такрор ўқирдим. Унинг васиятини адо этолмаганимдан, Ботиржонни асрай олмаганимдан ич-ичимдан эзилардим. Миямга “шумқадам бўлсам керак!” деган фикр ўрнашиб қолганди. Отамнинг, онамнинг, укамнинг ўлимида ўзимни гуноҳкор сезардим... Амаким ҳам, ян-

гам ҳам қўлларида келганча менга яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилишарди. Аммо мен уларниям сил қилиб юбордим. Мен ўн уч ёшли қизалоқ га му андуҳлар гирдобиди улғайиб қолгандай эдим. Ҳозир ўйлаб қарасам яқинларимнинг бирин-кетин ўлими менинг руҳий ҳолатимга ёмон таъсир қилган экан... Орадан кунлар, ойлари ўтса-да юрагимдаги алам тумани тарқамасди. Ўзимнинг азобланганим етмагандай ўқитувчиларимниям, амаким ва янгамниям қийнаб юбордим. Ҳикматилло амаким-ку тишини-тишига қўйиб, инжиқликларимга чидаб келарди, тўғрироғи, чидашга мажбур эди. Аммо янгамнинг сабр-косаси кундан-кунга тўлиб борарди... Хуллас, улар мени болалар уйига топширадиган бўлишди. Бу қарор даҳри дунга боши сиғмай бораётган мен учун ҳам, хотиржамгина хонадонининг тинчи бузилиб, бексаранжом бўлиб қолган амакимнинг оиласи учун ҳам маъқул эди. Янги жойда кўрган-кечирганларимни унутиб, бошқача ҳаёт бошлашга умид қилардим... Фақат бир нарсадан – отамнинг бир қориндан талашиб тушган инисининг уйига сиғмай қолганимдан ўксинардим. Тўғри, менинг инжиқликларим ҳаддан ошиб кетгандир. Аммо амаким ва янгам қанча инжиқ, қўрс бўлмасин ўзининг болаларини ҳеч қачон болалар уйига топширмаган бўларди. Ота-онангдан ўзгага, минг яқин қариндош бўлсанг-да, етим ҳисобланаркансан. Уларнинг ўрнини ҳеч ким босолмас экан...

Майрам бир оз тин олиб, қўлидаги жиққа ҳўл рўмолча билан юз-кўзини артди. Санжарбек пиёлага сув қўйиб, унга узатди. Аёл сувни охиригача симириб, вазминлик билан давом этди:

– Детдом деса илгарилари ҳаёлимга ким қандай ёмон жойлар келарди. Йўқ, адашган эканман. У ерда болаларнинг яшаши, ўқиши, камол топиши

учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё экан. Фақат унда тарбияланувчиларнинг кўнгли ўксик... Кўзлари кулиб тургани билан, жажжигина юракларида дарду алам яширин. Болалар уйи ҳаётига тезда кўникиб кетмасам-да, ҳар ҳолда бу ер амакимникидан қулайроқ, бераётган нон-тузи янгамнинг миннатли ошидан тотлироқ туюларди... Вақт ҳамма нарсани даволайди деганлари рост экан. Кунлар ўтиб, янги ҳаётга кўника бошладим. Шу орада Ҳикматилло амаким бир-икки бор мени кўришга келганини айтишди. Олдига чиққим келмади. Ташлаб кетган совға-саломларини болаларга улашдим... Ҳамма ухлаган кезларда онамнинг ёд бўлиб кетган мактубини такрор-такрор ўқиб, кўнглимни бўшатардим. Энг катта бойлигим эса онам қолдирган конверт эди. Уни еру кўкка ишонмай, кундузлари бағримда, кечалари ёстиғимнинг тагида асраб юардим. Кимдир тарбиячимиз Элмира Шокировнага чаққан шекилли, бир куни у мендан конверт ҳақида сўраб қолди. Мен миқ этмай туравердим. У конвертни беришимни талаб қилди. Мен бош тортдим. У “ҳали сен йигитлар билан хат ёзишадиган бўлдингми?” дея тутақиб, сумкамдан конвертни тортиб олиб қўйди. Йиғлаб, қўлига ёпишдим. Конвертни ўн саккиз ёшга киргунимча очишим мумкин эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Тарбиячимнинг баттар жаҳли чиқиб, “ҳали сен шунақа беҳаё қизмисан” дея юзимга тарсаки туширди... Синфдан отилиб чиқиб кетдим. Хонамга келиб, роса йиғладим... Онамнинг васиятини адо этолмаганимдан ўқиндим. Орадан бир соатлар ўтиб, хонага Элмира опанинг ўзи кириб келди. Хонадошларимни чиқариб юбориб, мендан кечирим сўради, бағрига босиб, ширин сўзлар билан сийлади. Насиҳатлар қилди. Конвертни қўлимга тутқазиб,

“очиб кўриб, онангининг мактуби эканлигини бил-
гач, ўқимадим, хатни жойига қўйиб, конвертни
оғзини елимлаб қўйдим” деди. Аммо унинг ёлгон
гапираётганини тушуниб турардим... Онамнинг
васиятини бузганимдан ўзимни кечиролмасдим.
Шу воқеа сабаб қалб жароҳатим қайтадан тир-
налиб, тинчим йўқолди. Кечаси билан даҳшатли
тушлар кўриб чиқардим. Болалар уйи ҳам, тарби-
ячилар ҳам кўзимга балодай кўринадиган бўлиб
қолди. Бу ерлардан бошимни олиб, узоқ-узоқларга
кетгим келарди... Бир куни тушимга норози қиё-
фада онам кирди. У менга “ҳа қизим-а, шуниям
эплай олмадинг-а! Мен сенга ишонгандим!” дея
кўздан ғойиб бўлди. Мен бир нималар деб, ўзим-
ни оқламоқчи бўлдим. Аммо у менинг сўзларимни
эшитмади... Онам менга нимани ёзиб қолдирган
бўлса! Кейинги кунларда шу ўй мени қийнади.
Элмира Шокировнадай қаттиққўл аёлнинг менга
нисбатан ҳалимдай бўлиб қолганлиги бежиз эмас.
У ҳамма сирдан хабардор! Ниҳоят, сабрим чида-
мади. Конвертни очишга қарор қилдим. Тунда
ҳамма ухлагач, секин конвертни йиртиб, бир неча
қоғозга ўралган мактубни олиб, ўқишга тушдим...

– Кечирасиз, ўша мактуб ҳозир ёнингиздами? –
сўради терговчилардан бири.

Майрам сумкасини кавлаб, рўмолчага ўралган
тугунча чиқарди. Тугунни ечиб, ичидан ранги
ўчиб, илвираб кетган конвертни олиб, Фахриддин-
га узатди. Терговчи кўп ўқилаверганидан бўлса
керак гижимланиб кетган мактубни қўлига олиб,
одоб юзасидан Майрамга юзланди:

– Овоз чиқариб ўқисам майлими?

Майрам “ўзингиз биласиз” дегаддай елкасини
қисди.

Фахриддин пиёладаги сувдан бир ҳўплаб, мак-
тубни ўқий бошлади: “Жоним қизим! Шунча

йиллар сабрингни синаб, сени қийнаганим учун узр сўрайман. Сени ўйлаб шундай қилдим, болажоним! Ахир сен унда гўдак эдинг-да! Ҳақиқатни билишинг нозик қалбингни жароҳатлашидан қўрққандим! Аммо фарзанд сифатида сени жони дилдан севган, туҳмат ва қабоҳат қурбонига айланиб, дунёни эрта тарк этган ота-онанг ҳақидаги бор ҳақиқатни билишга ҳақли эдинг! Шуларни ўйлаб, шундай йўл тутишга мажбур бўлдим.

Гўзалим! Мен сенга айтадиган гапларни уканг Ботиржон билмай қўя қолсин! Йигит киши эмасми, ота-онаси учун қасос ўтида ёниб, кўзи қонга тўлмасин, ўч олиш пайига тушмасин деб қўрқаман!

Майрамжон! Энди гапларимга қулоқ тут!

Ўшанда ёш бўлсанг-да, эсласанг керак – қанақа бахтиёр оиламиз бор эди. Ҳамма бизга ҳавас қиларди. Даданг тўғри сўз, меҳрибон, ҳалол ва виждонли одам эдилар. Бир оз соддалиги сабаб ҳаммани ўзидай кўрарди. Совхоз директорини эсласанг керак, Зухриддин Тоғаев деган, уйимизга кўп келарди. У отангга ўзини дўст кўрсатса-да, аслида оиламиз қўйнига кирган илон бўлиб чиқди. Отангнинг оққўнгиллигидан фойдаланиб, уйимизга келганда ёки меҳмонга борганимизда имкон бўлди дегунча, менга суйкаларди. Қандай қилиб бўлмасин кўнглимни олишга, ўз йўлига солишга ҳаракат қиларди. Мен эса ўз дўстининг жуфти ҳалоллига кўз олайтираётган бу хотинбоздан жирканиб кетардим. Аммо бунини отангга айтолмасдим. Унинг қўли узун эди. Мен сабаб жанжаллашиб қолишса, отангга зиён-заҳмат етказишидан қўрқардим. Дардим ичимда эди. Отангга турли баҳоналар билан уни уйимизга чақирмаслигини, уникигаям бормасликни илтимос қилардим. Соддадил отанг “Сиз аёллар дўстликнинг қадрига етармидинглар!” деб мени койирди. Бир сафар

отангни атайлаб Тошкентга қурултойга жўнатиб, сизлар мактабда пайти уйимизга кириб келди. Мени ўзига оғдириш мақсадида тилла билагузук олиб келибди. Олмадим. Ҳурмати йўқолмасдан чиқиб кетишини талаб қилдим. Кечки пайт хуфийна жойга учрашувга таклиф қилди, рад этдим. Раъйи қайтганидан жаҳли чиқиб, “бари бир меники бўласан!”, дея ёпишиб кетди... Жон ҳолатда қўлимга илинган ўқлов билан бошига туширдим. Вой-войлаб қолди... Сўнг “энди ўзингдан кўр, олдимга ялиниб келмасанг, отимни бошқа қўяман” дея ўшқириб чиқиб кетди... Юрагим музлаб кетди. Аммо отангнинг дўсти-ку, унчаликка бормас дея ўзимни овутдим... Хом ўйлаган эканман. Сал ўтмай отанг қамалиб қолди. Бошида рашким қўзиб, котибасига илакишиб қолган отангни қаргадим. Отангнинг “бу аёл менга туҳмат қиляпти” деган гапларига ишонмагандим. Орқасидан қамокхонага зир қатнаётган бўлсам-да, отангдан кўнглим қолганди. Бир куни Зухриддин яна уйга келди. Менга арбоб билан ўйнашиш нима оқибатга олиб келишини эслатди. Ишонмадим. Шунда у “бир кеча меҳмоним бўлсанг, эринг эртагаёқ уйингда бўлади” деди. Қотиб қолдим... У эса “эглиннинг тақдири ўз қўлингда, бир кеча, мин' кеча бўлмайди, сув нималарни ювиб юбормайді, баҳонада барча муаммоларингни ҳал қилиб эласан” деб жаврарди. У ҳақ гапни айтаётганди. Бир кеча унинг ҳаром қучоғига кирсам, ҳамма нарса ўз ўзидан ҳал бўлиб кетарди, отанг қамоқдан чиқиб, директорлигини давом эттирарди, эҳтимол мансаби янада ошган бўларди...

Болажоним! Аммо мен бундай қилолмасдим. Имонимни, ор-номусимни сотиб, бахтиёр бўлолмасдим. Отангга, сенга, укангга хиёнат қилиб, яна ҳеч нарса кўрмагандай яшай олмасдим...

Отангнинг соддалигини айтмайсанми?! Ҳар гал ортидан борганимда “Зухриддин дўстимга учраш, у албатта ёрдам беради, мени бу туҳматдан чиқариб олади” дерди. Кейинги борганимда “Нега унга учрашмадинг” деб мени койирди. Бечора бошига тушган ҳамма кулфатларнинг тепасида айнан ўша ишонган дўсти турганини тасаввур ҳам этолмасди...

Қизимжоним! Отангнинг туҳмат билан қамалганиям ҳолва экан. Кўп ўтмай отангнинг аламига чидаёлмай бизни ташлаб кетгани янада оғир бўлди. Бу хунрезлик ҳам Зухриддиннинг иши бўлса керак деган шубҳага бордим... Одамнинг боши тошдан экан. Аламим олти бўлса-да, нима қилардим, чидадим... Қасд қилганларни Худога солдим... Дўстининг ўлими учун сал бўлсаям виждони қийналиб, энди бизни тинч қўйса керак деб ўйлагандим. Йўқ, адашибман. Ҳароми Зухриддин ўзининг бузуқ ниятига етиш учун ҳеч нарсадан тоймайдиганлар хилидан экан. Совға-салом кўтариб, яна уйга келди. Кўзини лўқ қилиб, “оримдан кечмайман деб, туппа-тузук эрингдан кечиб юбординг, бечора кун кўрмай ўлиб кетди, энди болаларингдан кечмассан” деса бўладими?! Жон-поним чиқиб кетди. “Болаларимга нима қилмоқчисан, ҳайвон!” деб унга ёпишдим. У эса гапи жон-жойимга текканидан мамнун “энди шунчаки огоҳлантирдим қўйдим-да, тўсатдан кўчада машина-пашина уриб кетиши мумкин, кутилмаганда адашиб, йўқолиб қолиши... иссиқ жон, касал бўлиб қолиши мумкин-ку!” деди ишшайиб. Бу маразнинг қўлидан ҳар қандай қабиҳлик келиши мумкинлигини ўйлаб, адо бўлдим. Ўша пайтда Ҳикматилло амакинг келиб қолганди. Маккор дарров мавзунини ўзгартириб, “шу атрофдан ўтаётиб, дўстимнинг оиласидан хабар олгани кир-

гандим” дея вазиятдан чиқиб кетди... Уша кечаси болаларимга бирор нарса бўлиб қоладигандай тепаларингда ухлолмай чиқдим. Лаънатининг гапи нишонга текканди. Нимадир қилишим керак эди! Сенларни хавф-хатарга қўйишга ҳаққим бормиди?! Вақтдан ютиш мақсадида эртаси кун ишхонасига қўнғироқ қилиб, таклифига рози эканлигимни, аммо сал ўзимга келиш учун фурсат зарурлигини айтдим. У хурсанд бўлиб, уша кунни интизорлик билан кутишини билдирди. Қўнғироқ қилишга қилдим, кейин хўрлигим тутиб, роса йиғладим...

Майрамжоним! Ота-она учун фарзанднинг қанчалик азиз эканлигини болали бўлганингда биласан. Сизлар учун дунёдаги энг оғир гуноҳга ботишгаям тайёр эдим... Бошқа томондан бундай шармандачиликдан ўлганим маъқул кўринди. Ҳа, ҳа фақат ўлимгина мени бу гуноҳи азимдан халос эта оларди! Бу дунёдан кетиб бўлса-да, марҳум отангнинг, сенинг, укангнинг, қолаверса, авлодимизнинг шаънини сақлаб қолишим мумкин эди... Зотан, Зухриддин менга етишиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиганга, ҳар қандай разилликдан тал тортмайдиганга ўхшайди... Биламан, мен дунёдан ўтиб кетсам сенга, уканга оғир бўлади. Еттимлик азоби бошларингга тушади. Аммо хавф-ҳагардан холи бўласизлар! Менга шуниси керак... Сизларнинг омон-эсон, бахтли яшашларинг учун ўзимни қурбон қилаётганимдан афсусланмайман.

Жоним болам! Сен қобилиятли, зукко ва ақлли қизсан. Уканга ҳам паноҳ бўла оласан. Ҳикматилло амакинг, ойинг сизларни ўз фарзандларидай бағрига олишларига, сизларнинг ҳам уларга муносиб фарзанд бўлишларингизга ишонаман...

Эҳ болажоним, болажоним-а! Мен ўлимдан қўрқмайман. Ҳамма ҳам кун икки келиб, бу фоний

дунёни тарк этади. Аммо менга сизларни ота-оналик меҳрига зор этиб, танҳо ташлаб кетаётганим алам қилмоқда. Сизларга оналик муҳаббатини беролмаганимдан таассуфдаман...

Болажоним! Бу мактубни қолдиришдан мақсадим сенга ота-онанг тўғрисидаги бор ҳақиқатни билдириш эди. Зеро, бизларни, отам – котибасини зўрламоқчи бўлган жиноятчи, онам эридан қуйиб, ўзини-ўзи ўлдирган Худонинг гуноҳкор ва нотавон бандаси деб эслашингни, умр бўйи лаънатлаб юришингни истамадим. Алвидо, болажоним! Сени ва укангни жонидан яхши кўрувчи онанг Мухта-рам Жўрақул қизи. 1988 йил 9 ноябрь”.

Ҳамма бир муддат даҳшатли кино томошасида ўтиргандай жимиб қолишди. Фахриддин мактубни стол устига қўйиб, пиёладаги чойдан хўплади, кўнгил яраси тирналиб, унсиз йиғлаётган аёлга қараб, юраги эзилди, ўрнидан туриб, гапни нимадан бошлашни билмай дераза томонга юрди. Ўртадаги жимликни Санжарбек бузди:

– Ҳа, воқеалар ривожини биз ўйлагандан кўра фожиялироқ бўлган кўринади. Хўш, кейин нима бўлди? Марҳамат, давом этинг!

Майрам у ёқ, бу ёғини тўғирлаб, ҳикоясини давом эттирди:

– Мактубни ўқиб чиқиб, ичимга олов киргандай бўлди. Ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Бир нафси бузуқ, ярамаснинг касофати билан бутун бошли бахтиёр оиламиз йўқ бўлиб кетганидан юрагим ларзага келди... Мурғак қалбимда ўзга аёлга кўз олайтириб, қамалиб кетган отамга, икки боласини қисматнинг қўлига топшириб, ўз жонига қасд қилган онамга нисбатан кўзғалган исён босилгандай бўлди. Ва аксинча, юрагимда оиламиз бошига тушган барча бахтсизликларнинг бош

сабабчиси Тоғаевлар оиласига нисбатан чексиз нафрат ҳисси уйғонди. Онамнинг “бу гапларни уканг – Ботиржон билмай қўя қолсин, йигит киши эмасми, ота-онаси учун қасос ўтида ёниб, қўзи қонга тўлмасин, ўч олиш пайига тушмасин...” деган гапларини ҳар гал эслаганимда қиз бола бўлиб туғилганимга пушаймон қилардим. “Ота-она учун ўғил бола қасос олишга ҳақлику, қиз бола қасос олиши мумкин эмасми?” деган савол мени қийнади. Ахир ҳар иккиси ҳам фарзанд-ку! Хўш. Ботиржоннинг куни калта экан, ўтиб кетди, унинг ўрнига ота-онамизнинг хунини ким талаб қилади? Ўғил фарзанди йўқлар нима қилсин?

Хуллас, дунёдан қўзи очиқ кетган ота-онам учун, бевақт хазон бўлган укам учун қасос олиш режасини туза бошладим. Ҳозир ўйлаб қарасам, ҳали ўн тўртга ҳам кирмаган қиз учун бундай ишга қўл уриш эртакка ўхшаб кетади. Аммо оиламизнинг тирик қолган ягона вакили сифатида бу ишни амалга ошириш менинг чекимга тушганди. Тоғаевларнинг бутун бошли оилани қириб юбориб, ялло қилиб яшашларига жимгина қараб туролмасдим. Умримнинг беш йили, ўн йили, йил-ирма йили кетсаям шу ишни охирига етказмасдан тинч яшай олмасдим. Ҳаммаси учун қасос олиш умрим мазмунига айланиб қолганди... Баъзида 13 – 14 ёшли қизларнинг овқатини йиғлаб ейишларини кўрсам, қоним қайнаб кетади. Балки ўшанда ҳаётнинг қақшатқич зарбалари, ўтказган зулми менга жасорат бахш этгандир...

Даставвал, болалар уйидан қочишим лозим эди. Аммо қаерга боришим мумкин? Яқинларим-никига борсам, тезда топиб олишлари аниқ эди. Ёдимга отамнинг нуроталик дўсти тушиб қолди. Болалари билан бизникига бир-икки бор меҳмон-

га келишганди. Биз ҳам оиламиз билан май ойида уларникига қидириб боргандик. Қишлоғининг оти Қора чўнтакми, Қора киссами, ишқилиб шунга ўхшаш эди. Шундоққина тоғ ён бағридаги сўлим қишлоқ. Яна ёдимда қолгани... машҳур халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилган қишлоқ орқали ўтиб боргандик. Отам бизга бахшининг уй-музейини, ҳайкалини кўрсатганди, қабрини зиёрат қилгандик... Тоғ одамлари содда, самимий ва меҳрибон бўларкан. Камбағал яшашсаям, қўй сўйиб, патир нонлар ёпиб, борини олдимизга қўйиб роса меҳмон қилишганди. Мен билан тенгдош қизининг оти Сабоҳат эди. Дилшод, Зариф деган ўғиллариям бориди. Вояга етиб, қўлимдан унча-мунча иш келгунга қадар уларникида яшаб туришни маъқул кўрдим. Уларнинг мени қучоқ очиб кутиб олишларига ишондим...

Болалар уйида қандайдир бир байрам тадбири ўтаётганда фурсатдан фойдаланиб, қочиб қолдим. Амаким бир келганда ташлаб кетган пулларни асраб юрганим фойда берди. Тўғри автовокзалга бориб, Нуротага кетаётган автобусга чиқиб олдим. Ҳайдовчидан Эргаш Жуманбулбул бобонинг қишлоғидан ўтганда мени тушириб қолдиришни илтимос қилдим. Автобусдан тушиб, бир амакидан “Қора чўнтак” қишлоғини сўрадим. У гапимга мириқиб кулиб, “Қора чўнтак” эмас, “Қоракисса” қишлоғи бор бу ерда деб, йўлни кўрсатиб юборди. Кечга яқин Отамурод амакиникига етиб бордим. Улар, айниқса Сабоҳат дугонам мени кўриб, суюниб кетди. Амаким оиламиз бошига тушган кулфатлардан беҳабар экан. Эшитиб, роса куйинди, кўз ёшларини тиёлмади. Узундан-узоқ Қуръон тиловат қилиб, отамнинг, онамнинг ва укамнинг ҳақларига дуо қилди. Ҳикматилло амаким, янгам,

болалар уйи ҳақидаги ҳикояларимни тинглаб, “қўй куйинма, энди менга қиз бўласан, дугонанг билан эгизакдай бўлиб юраверасизлар”, дея кўнглимни кўтарди... “Аммо қочиб келганинг чакки бўпти, ҳеч бўлмаганда Ҳикматиллога айтсанг бўларди” деди. Мен бундай қилолмаслигим сабабини айтиб, уни тинчлантирдим...

Қишлоқ ҳаётига тез кўника бошладим. Ёётган номимни ҳалоллаш учун меҳнатдан қочмадим. Шаҳарда ўсиб, кўп нарсаларни билмас эканман. Сабоҳатдан кашта тикишдан тортиб, гилам тўқишгача, мол боқишдан тортиб, лой қоришгача, ўчоққа овқат пиширишдан тортиб, тандирда нон ёпишгача ўрганишимга тўғри келди. Мактабда ҳам аълочилар сафига қўшилиб олдим... Бегона бўлсалар-да, Отамурод амаким ҳам, Солиҳа аям ҳам мендан ширин сўзларини аяшмади, болаларига нимани раво кўрса, мениям бебаҳра қолдиришмади, ҳеч нарсага зориктирмай вояга етказдилар. Оқтов билан Қоратов оралиғидаги бу қишлоқда ўтказган дамларим ҳаётимнинг энг ширин лаҳзалари бўлиб қолди... Мактабни тамомлаб, паспорт олишда атайлаб отамнинг исмини фамилия сифатида қабул қилиб олдим. Бу болалар уйида яшаган кезларимда тузилган, кейинчалик йиллар давомида такомиллашиб борган “қасос” режамнинг бир бўлаги эди... Етуклик аттестатини қўлга олгач, Сабоҳат Самарқанд шаҳрига ўқишга кирадиган бўлди. Менинг борар жойим аниқ бўлмаса-да, ҳаммага Тошкентга ўқишга кириш учун кетаётганимни маълум қилдим. Тутинган ота-онам билан хайрлашиб, шаҳарга отландим...

Тошкентга етиб келиб, бирортаси таниб қолмасин деган ўйда атайлаб қишлоқ қизларидай кийиниб олдим. Кейин беш йил олдин тушган расмимдаги қиёфам билан ҳозиргисини солиштириб кўриб, ҳатто

туққан онам ҳам таний олмаслигига амин бўлагач, бемалол юрадиган бўлдим. Таваккал қилиб педагогика институтига ҳужжат топширгандим, кириб кетдим. Институт ётоқхонасида яшаб, ўқий бошладим, кимё фани мўъжизаларини кунт билан ўрганишга киришдим. Бир кун келиб, касбим ҳам ўйлаган режамни амалга оширишимда қўл келишига ишонардим. Ёзги таътил пайти қурилишда ишлаб, уст-бошимни бутлардим. Йилига бир, икки марта тутинган ота-онамдан хабар олишни ҳам ёддан чиқармадим. Беш йил ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Ўқишни битириб, мактабга ишга кирдим. Буни қаранг, менинг ҳаётимдаям қувончли кунлар бор экан. Мактабда биология фанидан дарс берадиган тошкентлик йигит билан муносаатларимизда илиқлик пайдо бўлди. Орадан бир йил ўтиб, Козим акам билан тўйимиз бўлди. Эрим ҳар тарафлама яхши инсон эди. Ўзи ҳам, қайнона-қайнотам ҳам кўнглимга қараб, ҳурматимни жойига қўйишарди. Етимлигимни бирор марта юзимга солишмади. Мен ҳам ишдан ортган пайтларимда уларнинг пойига патак бўлишга ҳаракат қилардим. Шундай бахтли кунларимда ўтмишим ёдимдан чиққандай бўларди. Қасос олиш режасидан воз кечиб, душманимни Худога солсаммикан деган хаёлга борган кунларим ҳам бўлди. Аммо онамнинг мактубини ўқиган пайтларимда яна муштим тугиларди... Аслида бадбахт яралган инсоннинг чинакамига бахтли бўлиб кетиши қийин экан...

Майрам жимиб қолди. Сўнг гуруҳ раҳбарига юзланди:

– Сизларга дардимни дoston қилиб ўтирибман... балки бу гаплар сизларни қизиқтирмас!

– Йўқ, йўқ, ҳаммаси жойида! Бемалол давом этаверинг! – далда берди Фахриддин.

– Ширин ҳаётимизга менинг болали бўлмаётганим рахна сола бошлади. Дастлаб қайнонам, кейинчалик онасининг таъсирида эрим ташвишга тушиб қолишди. Дўхтирларга, табибу фолбинларга қатнашдан армон қолмади. Охир-оқибатда мутахассислар менга даҳшатли ташхис қўйишди: бепуштлик... Бачадонимдаги муаммолар сабаб ҳеч қачон она бўлолмас эканман... Дўхтирлар “бунга ёшлик пайтингизда олган руҳий жароҳат сабаб бўлган” дейишди. “Эҳ, ер ютгур Тоғаев! Ота-онамни, укамни нобуд қилганинг етмагандай мениям майиб қилган экансан-а!!!” дея дод солгим келарди... Козим акам, қайнона-қайнотам билан йиғлаб-йиғлаб ажралишдик. Шундай ажойиб инсонларни фарзанд қувончидан, набира бахтидан бенасиб қилишга ҳаққим йўқ эди. Шунинг билан хуррамликда кечган уч-тўрт йиллик ҳаётим ҳам ниҳоясига етди... Эримнинг “жой топгунингча бизникида туравер” дейишига қарамай уйдан чиқиб кетдим. Беш-олти ой олдин даволаниш баҳонасида ишдан ҳам бўшагандим... Бирпасда маконсиз, ишсиз гадойга айландим-қолдим... Бахтиёр кунларимдан сармаст бўлиб, қалбимда сўнаётган қасос ўти кайтадан алангалана бошлади... Энди менинг йўқотадиган ҳеч вақом қолмаганди...

Жиззахга келиб, Зухриддин тўғрисида маълумот йиғишга киришдим. Унинг айна пайтда шаҳардаги катта банклардан бирининг бўшлиғи бўлиб ишлаётгани, оиласи билан данғиллама ҳовлида истиқомат қилаётгани, Анора исмли қизи турмушга чиқиб, икки боласи билан Пахтакор туманида яшаётгани, арзанда ўғли отасининг соясида даври давра суриб юрганини аниқлаб, баттар ғашим келди, қаҳрим қўзиди. Шундай гуноҳкор бандаларни замин қандай кўтариб юрганига ҳайрон қоламан!

Эндиги вазифа қандай қилиб бўлмасин, душман ичига – Тоғаевлар оиласига кириб олишим керагиди. Ўзимни ошкор қилиб қўйиб, режамни чиппакка чиқармаслик учун “гунг” ролини ижро этишим лозим эди. Бунинг учун бир пайтлар анча-мунча машқ ҳам қилгандим... Ўйлай-ўйлай ишни Тоғаевлар яшайдиган маҳалладаги бир хонадонга уй хизматкори бўлиб ёлланишдан бошладим. Бировга гапирмайдиган, гап-сўзларни эшитмайдиган, аммо ўз ишини билиб-билиб қиладиган, қўл-оёғи чаққон, яна берганига қаноат қилиб, ҳақ талаб қилмайдиган хизматкор кимга керак бўлмайди? Айниқса, маҳаллада бўладиган маърака-йиғинларда ишим билан ўзимни кўрсатдим. Мақсад одамларнинг оғзига тушиб, Тоғаевлар хонадонига суқилиб кириш эди. Уй бекаси Замира опа Тоғаевнинг хотини Гулдона билан апоқ-чапоқлиги менга олдиндан маълум эди... Бир куни бекам мениям Гулдонаникида бўладиган тадбирда хизмат қилиш учун олиб борди. Мезбонга ёқиш учун бор ҳунаримни кўрсатишга тўғри келди. Меҳмонлар тарқаб кетгандан кейин ҳам идиш-товоқларни ювиб, артиб, қуришиб жой-жойига қўйдим, уй ичини, ҳовлини “тилим билан яладим”. Бу ҳол бир-икки марта такрорлангач, ниҳоят, Гулдона опа менга “оғиз солди”. Мен ўзимча ноз қилиб, бир оз ялинтириб, сўнг рози бўлдим... Тоғаевлар оиласига шундай кириб олишга эришдим. Икки-уч ой уй эгаларининг тўла ишончини қозонишга кетди...

Қолган воқеалар сизларга равшан деб ўйлайман...

– Майли, шундай бўлсаям сиз охиригача гапириб беринг! – деди Фахриддин аёлдан кўзини узмасдан.

– Гулдона опа ёмон хотин эмасди. Айби шу муттаҳам Зухриддиннинг хотини эканлиги эди!

Унинг касалмандлиги, устига-устак шифохона-ни ёмон кўриши, эрининг унга нисбатан бепар-волиги қасос олишни айнан хонадон бекасидан бошлашимга туртки бўлди. Кимё бўйича мута-хассислигим асқатиб, овқатига кам-камдан мар-гимуш қўшиб бордим... Олти ойга қолмай заҳри қотил ўз кучини кўрсатди. Гулдонанинг ўлими ҳеч кимда ҳеч қанақа шубҳа уйғотмади... Баъзида бе-гуноҳ Гулдонани ўйлаганимда ичим ачишса-да, ўзимнинг гуноҳсиз гуноҳкорларимни эслаганимда юрагим музлаб, раҳм-шафқат ўрнини нафрат ва ғазаб эгалларди... Хотинининг ўлими Зухриддин-нинг ҳаётини издан чиқариб юборса керак деб ўйлагандим. Йўқ, у ўзини йўқотиб қўймади. Иш билан овунди. Уй юмушлари тамомила менинг гарданимга тушди. Режамни охирига етказиш учун ота-боладан “меҳрим”ни аямадим. Хизмат-кор сифатида уларнинг кўнгилдан чиқишга ҳа-ракат қилдим. Уларда менга нисбатан ҳеч қандай эътироз, шубҳа пайдо бўлмаслиги учун ўзимни ку-юнчак, самимий ва холис тутишни уддаладим. На-тижада ҳар иккаласининг ишончини қозондим...

Орадан яна бир йил ўтди. Энди Муҳриддиндан қутулишим керак эди. Унинг ўқишга киромай отасидан ранжиб юриши, кунини ичкиликбоз-лик билан улфатлари даврасида ўтказиб қелиши кейинги режамга айрим ўзгартириш кирити-шимга сабаб бўлди... Бир куни Муҳриддин кеч соат ўн бирларда ширакайф бўлиб келди. Жойи-ни солиб, аччиқ кўк чой дамлаб бердим... Кейин ҳовлига чиқиб, айвонда турган “Нексия”нинг ка-потини очдим. Олдиндан интернетдан, китоблар-дан ўқиб-ўрганганим, институтда ўқиб юрган пайтимда ҳайдовчилик курсига ўқиганим фойда бериб, машинанинг олд томон тормоз шлангла-ри устки қисмини ўткир лезва билан кесиб чиқ-

дим. Қаттиқроқ тормоз берилганда резина шланг босимга дош беролмай ёрилиб кетишини яхши билардим. Гулдона опанинг қўл телефонини менга беришганди. Ўзимнинг эски телефонимдан қўлимдаги телефонга “Анора опа автоҳалокатга учраб, Пахтакорда реанимацияга тушиб қолди, аҳволи жуда оғир, тезда етиб келинглар, Жиззахга олиб боришга тўғри келади!” деган мазмунда “sms” юбордим. Телефонни қўлимга олиб, Мухриддиннинг олдига югурдим. Энди кўзи илинган йигит менинг шовқинимдан чўчиб уйғониб кетди. Ўзимни ҳақиқатда шунақа воқеа юз бергандай безовта тутиб, телефонни унга узатдим. У “sms”-ни ўқиб, ранги докадек оқариб кетди, апил-тапил кийиниб, машинасига ўтирди...

Орадан уч соатлар ўтар-ўтмас уйга Мухриддиннинг жасадини олиб келишди. Шўрлик катта тезликда тракторга бориб урилган дейишди... “Бахтсиз ҳодиса” ҳеч кимда гумон уйғотмади. Ҳеч ким ҳеч нарсани сезмади!

Ягона ўғли, авлоди давомчисининг ўлими Тоғавни тентиратиб қўйди. Аммо у ҳали қилган гуноҳлари учун товон тўлаётганлигини билмасди... Товон тўлаш навбати энди ўзига келганлигини ҳаёлигаям келтира олмасди.

Икки кишини ҳеч бир қийинчиликсиз орадан олиб ташлаганим, энг асосийси уларнинг ўлимини ҳамма бахтсиз ҳодиса сифатида қабул қилганлиги менга рағбат бахш этди. Лекин Зухриддинни бундай йўл билан ўзига сездирмасдан осонгина ўлдириб юбориш менга маъқул эмасди. У нима учун ўлимга маҳкум қилинганини билиши, хотини ва ўғли унинг гуноҳлари учун ўз ҳаётлари билан жавоб берганликларини англаб етиши, ўлгандаям – минг бир азобда, итдай хор бўлиб қазо топиши лозим эди. Бу иш осон эмаслигини билардим.

Шу сабабли бунга бир йилдан ортиқ тайёргарлик қўришимга тўғри келди...

Уй ертўласида ҳеч кимга маълум бўлмаган яширин хона – бункер борлигини сезиб қолдим. Ўйлашимча, у хонага ертўла тўридаги шкаф орқали кириларди. Бункернинг темир эшигига электрон қулф ўрнатилган бўлиб, уни очадиган тизгин (пульт) эр-хотиннинг ётоғи ёки кутубхонанинг бирор кўз илғамас жойига беркитилган бўлиши мумкинлигини тахмин қилардим. Негаки, Зухриддин ҳар гал Тошкентга кетиш олдидан ёки уйга нозик меҳмонлар келган пайтларда ҳеч кимга сездирмасдан ертўлага тушиб кетарди. Бундан хулоса қилдимки, темир шкаф-сейф ўша ерда. Гулдо-на опа ва Муҳриддин вафот этгач, уйда кўпинча ёлғиз қолардим. Шундай пайтлари ўша сирли хонага йўл очиш хусусида бош қотиришимга имкон бўларди... Кўп изланишимга тўғри келди... Сизлар мана уйда икки марта тинтув ўтказган бўлсангизда, яширин хонанинг борлиги ҳатто хаёлингизга-ям келмади...

Зухриддиннинг топган-тутгани ўша жойда сақланишини, шу сабабдан бу жойга тез-тез кириб туришини, хонанинг темир эшиги очиш-ёпиш қурилмаси ётоқхонада Зухриддиннинг ота-сининг портрети орқасида жойлашганини билиб олгач, қулай вазиятни кута бошладим. Режамга кўра Зухриддин ўзи қурган бункернинг тутқунига айланиши лозим эди...

Ўша куни адашмасам жума эди. Тушга яқин Зухриддин уйга келди. Имо-ишора билан “бир оз дам оламан, янги костюм-шимимни дазмоллаб қўй!” деб буйруқ берди. Кейин телефонда ким биландир гаплашаётганда “Тошкентга бориб келаман, душанба куни қайтаман” деган гаплари

қулоғимга чалинди. “Демак, Тошкентга кетади, интиқом соатлари етиб келганга ўхшайди” дедим ичимда. Адашмаган эканман. Бир оз мизғиб олгач, кийинишга тушди. Мен қўлимда латта, ҳеч нарсани тушунмайдиган оми одамдай уй ичида тимирскиланиб юравердим. У имо билан Тошкентга икки-уч кунга хизмат юзасидан кетаётганини менга тушунтирди ва ертўлага тушиб кетди. Чаққонлик билан унинг ётоғига кирдим. Олдиндан жойини аниқлаб қўйганим иш бериб, турдаги деворга осиглик портретни кўтариб, деворни итардим. Кичкина дарча очилиб, электроқулфнинг тизгини (пульти) кўринди. У очиқ эди. Демак сичқон инида. Қурилманинг сал тепасида гугурт қутисидай экран турарди. Тикилиб қарасам, бункернинг ичини кўрсатиб турибди. Бир чеккада Зухриддин тик турганча қўлидаги сумкасига нималарнидир жойлаётир... Фурсатни бой бермасдан қурилманинг мурватини бураб, ёпиқ ҳолатга ўтказдим ва экранга қарадим. Бункернинг темир эшиги ёпила бошлади. Зухриддин қўлидаги сумкани ташлаб, бир нарсалар деб додлаганча эшикка отилди, қўли билан уни итармоқчи бўлди. Аммо улгурмади. Темир эшик маҳкам беркилди. Тоғаев ўзи қазиган гўрга ўзи йиқилганди. У камерага қараб, “ҳой кимсан, нима қилаяпсан, эшикни оч, Зубайда бу сенмисан, нима қилаяпсан, ётоқхонада нима қилаяпсан, чиқсам ёмон бўлади-эй!” дея вайсаётганини лабларининг ҳаракатидан сезиб турардим. Мен индамай кузатиб туравердим. Тутқуннинг асаби қўзиб, оғзига келган сўзлар билан сўкиниб, эшикни тепа бошлади. Сўнг хаёлига келиб қолди шекилли чўнтагидан қўл телефонини олиб, тера бошлади. Бункернинг ичида телефон антеннаси тўлқин тутолмаслигини яхши билар-

дим. Мосламани бекитиб, пастга тушдим. Ертўла эшиги ланг очик эди. Ичкарига кирдим. Шу пайт Зухриддин бункер эшигини тепди шекилли, тарақлаган овоз эшитилди. Оёқ учида бориб, бункерга кириш йўлаги бошидаги шкаф эшигини ёпдим. Тепки овози бир оз пасайгандай бўлди. Сўнг ертўладан чиқиб, унинг қалин эшигини ташқаридан қулфладим. Энди бояги тарақлаган овоз умуман эшитилмай қолди. Ҳаммаси рисоладагидек кетаётган бўлса-да, ҳаяжоним ҳамон босилмаган эди. Қизи Анора келиб қолиб, бирор нарса олишга ертўлага тушаман деб қолишидан қўрқардим. Ишхонадагилар қидирмайди, Тошкентга кетган деб ўйлашади. Ихтиёримда уч, кўпи билан тўрт кун вақт бўлади. Одам очликка анча кун чидаши мумкин, аммо сувсизликка уч кундан ортиқ чидаб бўлмайди. Бункернинг ичида ҳаво йўқлигини ҳисобга олганда Зухриддин уч кунгаям етиб бормаслиги мумкин...

То кечгача ҳеч нарса бўлмагандай ишимни қилиб юравердим. Бирор киши хўжайинни излаб келиб қолмасмикан деган хавотирда кунни ўтказдим. Кечаси уйқум қочиб, эртага Зухриддин билан бўладиган мулоқотга тайёрландим, унга айтадиган аччиқ гапларни хаёлан ҳозирлаб қўйдим...

Эрта тонгда ётоқхонага ўтиб, бошқарув мосламаси экранидан бункернинг ичини кузатдим. Зухриддин бақира-бақира чарчаган бўлса керак, кунжакда костюмини устига ёпганча чўзилиб ётар, у ёнидан бу ёнига ағдарилиб, тинмай типирчиларди. Мосламани ёпиб, хонамга чиқдим. Кун буй қулоғим кўчада бўлди. Бахтимга ҳеч ким сўроқлаб келмади...

Тун оққанда секин ётоқхонага кўтарилдим. Мосламани очиб, экранга тикилдим: Зухриддин

бункер ичида у ёқдан бу ёққа юрар, ҳаракатларидан бемажол ва беҳол эканлиги сезилиб турарди. Мулоқот бошланишини билдириш учун бункер чироғини ўчириб, ёқдим. Тутқун уни кузатиб туришганини фаҳмлади чоғи камерага қараб қичқириб кетди. Лабларининг ҳаракатидан унинг нима деяётгани тушунарли эди: “Ҳой кимсан, Худо хайрингни берсин, эшикни оч! Сенга нима керак ўзи? Пулми, тилломи? Мана, ҳаммасини ол!” У сейфдаги даста-даста пулларни олиб, камерага тутди, сўнг ерга иргитди. Сейфдаги пачка-пачка долларларни, тилло тақинчоқларни ерга сочиб ташлади... “Ҳаммасини ол, фақат эшикни очсанг бўлгани! Ўғримисан, кимсан? Зубайда қани? Гапир, кимсан? Нима керак сенга?” у ҳамон бақирарди...

Мосламани ёпиб, секин ертўлага тушдим. Шкафнинг эшигидан ичкарига кириб, тор йўлак бўйлаб, бункернинг эшигига яқинлашдим. Ҳаяжонимни сал босиб олиб, эшикни қоқдим. Ичкаридан “ким у, кимсан, оч эшикни!” деган овоз эшитилди. “Бу мен – Зубайдаман” дедим овозимни кутариб. “Қанақа Зубайда, Зубайда гунг-ку! Кимсан, оч эшикни! Мақсадинг нима? Бу ерга қаердан келиб қолдинг? Ялмоғиз! Оч деяпман!” қичқирди Зухриддин. “Мен сиз билган ўша Зубайдаман! Эшитганингиздек гунг ҳам, гаранг ҳам эмасман! Асли исмим Майрам. Дўстингиз Неъматилло Омоновнинг қизиман!” дедим товушимни баландлатиб. Тоғаев эсанкираб қолди шекилли, бир муддат овози чиқмай қолди. Кейин “Неъматиллонинг қизи! Ростданам Майраммисан? Нега унда ўзингни гунгликка солиб юрибсан? Нега Зубайдаман деб юрибсан? Нега мени қамаб ўтирибсан? Оч. Майрам, оч! Отанг билан қалин дўст эдик-ку! Раҳматли қандай одам эди-я!” деди

Зухриддин бир оз юмшаб. Кейин нималар дега-
нимни ҳозир эслай олмайман. Жаҳл устида юра-
гимдаги бор дарду ҳасратимни тўкиб солганим
аниқ. Асосийси, унга туҳмат балосига учраб, айна
навқирон ёшида бу оламни тарк этган отам учун,
ўз ор-номусини, оиласи, авлоди шаънини ўйлаб ўз
жонига қасд қилишга мажбур бўлган онам учун,
ўн гулидан бир гули очилмасдан эрта хазон бўлган
укам учун қасос олаётганимни билдирдим. Қилган
гуноҳлари учун ҳаёти билан жавоб бериш фурсати
келганлигини айтдим. Унинг касофати уриб, бе-
чора хотини, ўғли завола топганини, уларни ўлди-
риб, жигарбандларим хунини олганимни, эндиги
навбат қизи Анорага келганини яширмай, юраги-
ни тилка-пора қилдим. Зухриддиннинг бўкириб
йиғлашлари, ўзини оқлаш учун айтган гаплари,
ялиниб-ёлворишлари қулоғимгаям кирмади...

Душанба куни кечга бориб, ишхонасидагилар
бошлиқни қидира бошлашди. Олдин ҳайдовчиси,
кейин яна бир йигит уйга келиб, сўраб кетди. Мен
“жума куни пешиндан кейин Тошкентга кетган-
дилар” деб туравердим. Шу куни тунда камерадан
бункерни кузатдим. Зухриддин ерда қимир эт-
масдан ётарди... Тўлиқ ўлганлигига ишонч ҳосил
қилиш учун эрталабгача кутишга қарор қилдим.
Тонг пайти ерда чўзилиб ётган одамда тириклик
аломатлари йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бун-
керни очдим. Ертўлага тушиб, ичкарига кирдим.
Қоқ ерда Зухриддин серрайиб ўлиб ётарди. Ба-
данини ушлаб кўрдим, муздек совиб қопти. Оёқ
остида пачка-пачка долларлар, тилла тақинчоқлар
бетартиб сочилиб ётарди... Мол-давлат эгасига
насиб қилмаса қийин экан! Уларни йиғиштириб
олиб, сейфга жойладим. Қидир-қидир бошлан-
масдан олдин мурдадан қутулишим лозим эди.
Тун оққанда бункерга озроқ ўтин, бир челақ бен-

зин олиб кириб, мурдани кийим-пийими билан ёқиб юбордим. Олов то чўққа айлангунча уч-тўрт соат тепасида туришга тўғри келди. Ҳамма ёқни одамнинг кўнглини айнитадиган даражадаги қўланса ҳид тутиб кетди. Яхшиям ташқарида совуқ шамол эсиб турганди. Эрталаб кирсам бункер қора тутунга тўлган экан. Эшикни очиб тутунни чиқардим. Шамол ҳали тинмаган эди. Қўни-қўш-нилар куйик ҳидидан шубҳага бормасликлари учун ҳар эҳтимолга қарши ҳовлида гулхан ёқиб, уйдаги шох-шабалар, чиқиндилар, эски-туски жандаларни буруқситиб қўйгандим... Мурдадан қолган суякларни, кукунни бир сумкага жойлаб, чеккароққа олиб қўйдим... Келаси кун эрта тонгда сумкани кўтариб кўчага чиқдим. Такси тўхтатиб, Зоминга етиб бордим. Ғира-ширада пайпаслаб, қабристонга орқа томондаги девор орқали ошиб ўтдим. Ўзим билан кичикроқ белкурак олиб боргандим. Онам ётган қабрнинг оёқ қисмини ярим метрча кавлаб, сумкадаги нарсаларни чуқурга бўшатдим ва қўмиб ташладим. Чўкка тушиб, ота-онамнинг ҳақларига дуо ўқидим. Уларнинг ҳаёт шабини эрта сўндирган муттаҳамнинг ифлос хокини оёқлари тагига ташлаб, хунини олишга мушарраф бўлганимни айтиб, руҳини шод этдим. Сўнг кирган жойимдан ошиб ўтиб, уйга қайтдим...

Майрам ерга қараганча яна жимиб қолди.

Фурсатдан фойдаланиб, Фахриддин саволларни ёғдирди:

– Ота-онангизга ёдгорликни қачон ўрнатгансиз?

– Замира опаникида ишлаб юрган кезларимда у киши берган пулларни йиғиб юардим. Ўшанда ўрнатгандим ёдгорликларни...

– Ёдгорлик тошига ёзилган шеърларни ким ёзган, улар нима маънони англатади?

– У шеърлар менинг қалб тугёним инъикоси. Усталарам роса ҳайрон бўлишганди ўшанда. Аммо мен шу шеърни ёзасанлар деб туриб олгандим. Тўртликлар ўз виждоним олдида ичган қасамим эди. Онтим ҳаёлимдан чиқиши, юрагимдан си-дириб ташланиши мумкин эди, аммо уларни ҳеч ким тошдан ўчира олмасди. Ҳар сафар ота-онам қабрини зиёрат қилишга келганимда тошдаги битиклар қасамимни яна бир карра ёдга соларди.

– Тушунарли! – Фахриддин “ҳикоя”нинг даво-мини эшитишни хоҳларди, – давом этинг, кейин нима бўлди?

– Энди Зухриддиннинг харом пулларида қу-тулиб олишим керак эди. Ҳали изла-изла авжига чиқмасдан ими-жимида уларни Тошкентдаги бо-лалар уйига ҳадя қилиб келдим. Умрида эзгулик-нинг, саховатнинг кўчасидан ўтмаган одамнинг давлати ҳеч бўлмаса ўлимидан сўнг эзгу ишларга ярасин деб ўйладим. Икки пачка долларни бир ку-нимга яраб қолар деган умидда сейфда қолдирган-дим... Терговга тошкентлик терговчиларнинг ке-либ қўшилиши мени хавотирга солди. Мени қўлга тушишдан қўрқаркан деган ҳаёлга борманг! Ўқ, нафақат қўлга тушиш, мен ўлимдан ҳам қўўқмай қўйганман. Негаки, кўриб турганингиз менинг қу-руқ танам, ўзим яқинларимга қўшилиб аллақачон ўлиб кетганман. Бемаврид қўлга тушиб, режамни охиригача адо этолмай қолишимдан қўўқардим. Шу сабабли айрим чораларни кўришимга тўғри келди. Зухриддин тўғрисида маълумот йиққа-нимда унинг иш бўйича доимий душманлари-дан бири Холматбой деган савдойи одам экани-ни аниқлаган эдим. Шубҳа биринчилардан бўлиб унга тушади. Яна жиннилар ҳар қандай жинойт қилсалар ҳам қамалмаслигини билардим. Демак, Холматбой ҳеч нарса йўқотмайди. Қабристонга

борган куним кийиб борган калишимни ҳар эҳтимолга қарши яшириб қўйганим иш берди. Тиланчи аёл кийимида маҳалласига бориб, қўйнимга солиб борган калишни ҳеч кимга сездирмасдан Холматбой аканикига ташлаб чиқдим. Қайтишда бир қўшни хотин кўриб қолганини айтмаса, иш рисоладагидек адо этилди. Рад этиб бўлмас далил топилгач, терговчилар ҳамма айбни Холматбойга қўйиб, ишни ёпди-ёпди қилиб юборса керак деб ўйлагандим... Терговчилар орасидаям каллалари борлигига ҳайрон қолдим. Менинг чалғитишларимга учмай ҳақиқатни қидиришда давом этдингиз. Бу кетишда тез орада мени фош қилишларингиз мумкин эди. Шу сабабдан режамнинг энг охириг босқичини амалга оширишга шошдим.

Отаси вафотидан кейин Анора уйга бир неча марта келиб кетди. У бункер ва табиийки отасидан қолган пуллар тўғрисида ҳеч нарсани билмасди. Ундан “нима қилай, уйдан чиқиб кетайми?” деб сўрадим. У “ҳозирча уйга қараб турунг, уйни сотадиган бўлсак, чиқарсиз” деди. Тергов кетаётганлиги боис уйдан кетиб қолсам мендан шубҳаланишлари мумкин эди. Анорани қандай даф қилиш ҳақида аниқ режам йўқ эди. Шу сабабли бир кун уни уникига бориб, “ёлғиз ўзим ҳайҳотдай уйда туролмаяпман, кетмасам бўлмайди”, деб ёзиб кўрсатдим. У “ҳозирча кетмай турунг, уй қаровсиз қолмасин” дея илтимос қилди. Аслида ташрифимдан кўзланган мақсад бошқа эди. Баҳонада уйдаги вазиятни ўргандим. Кун совуқ бўлганлиги боис Анора болалари билан ошхонада тунашаётган экан. Янги участкада иситиш тизими йўқлиги учун ошхонадаги газ плитаси кечаю кундуз ёниб тураркан. Бу ерга газ резина шлангда тортиб келинганлигига эътибор бердим. Супуриб-сидириш баҳонасида ҳовлига чиқиб, газ шланги уйнинг

орқа томонидаги кўчадаги “ГРП”га уланганини аниқладим. Бу айти муддао эди. Эрининг бир сутка ишлаб, бир сутка дам олишини билардим. Ўша кун ишда экан. Демак “операция” учун энг қулай фурсат – индин. Уйга қайтиб келиб, тайёргарлик кўра бошладим. Бир кун ўтиб, кечки пайт соат саккизларда Пахтакорга йўл олдим. Кўча совуқ. Қалин кийиниб, юз-кўзимгача ўраниб олганман. Соат ўнларда Аноранинг уйи атрофида пайдо бўлдим ва ташқаридан туриб кузата бошладим. Сал ўтиб, ошхона чироқлари ўчди. Маст уйқуга кетишларини кутиб, яна икки соатча қоронги кўчада тентираб юришимга тўғри келди. Оёғимдан совуқ ўтиб кетди. Ниҳоят соат тунги ўн иккидан ошганда уйнинг орқа томонига ўтдим. “ГРП”дан Аноранинг уйига кетган шланг деворга осилиб турарди. Амаллаб “ГРП”нинг устига чиқдим. Чўнтагимдаги кампирогизни чиқариб, шлангни бир неча сония қаттиқ сиқиб турдим ва кейин қўйиб юбордим. Изларни йўқотиш учун чанг латтада шлангни артдим, пастга тушиб, “ГРП”нинг устидаги оёқ изларимга латта теггиздим...

Ҳаммасини бехато бажарган эканман. Зухридиннинг гуноҳи учун қизи жазога тортилди. Бундан сира афсусланмайман. Фақат анави икки гўдакка ачинаман. Уларни ўлдириш режамда йўқ эди... Ўт кетганда ҳўлу қуруқ бирдай ёнади деганлари шу бўлса керак-да! Шу икки боланинг қисмати учун ўзимни Яратганининг олдида гуноҳкор ҳисоблайман...

– Сиз Анораникига “разведка”га бориб, қайтишингизда таксига ўтирганмидингиз? – Санжарбек чидаб туролмади.

– Ҳа, таксида қайтгандим!

– Таксидан тушишдан олдин телефонда ким билан гаплашгандингиз?

– Шериги бор хаёл қилаяпсиз-а! Йўқ, адаша-
япсиз! Эътиборингиз учун ҳаммасини ёлғиз ўзим
уддаладим. Телефонда фақат тутинган ота-онам
ва дутонам Сабоҳат билан гаплашардим.

– Таксичи аёлнинг юзида нўхатдек холи бор деб
кўрсатма берган, сизда хол йўқ-ку!

– Ҳар эҳтимолга қарши юзимга қаламда хол чи-
зиб олгандим. Чалғитиш мақсадида...

– Анора ўлимидан бир неча кун олдин бир қўш-
нисига “меникига бир савдогар аёл шара-бара
кўтариб келди”, деб айтган экан. Унинг Анорани-
кидан чиқиб кетаётганиниям кўришган.

– Бу тасодиф бўлса керак!

– Анораникидан чиқиб кетаётганингизда би-
рортаси сизни кўрганмиди?

– Бир қўшни хотин кўриб, гапга солмоқчи бўл-
ганди...

– Демак, савдогар хотин бошқа одам бўлган
экан? – Санжарбек ўзича хулоса қилди.

– Бундан чиқди, – савол навбати Фахриддин-
га келганди. – Аноранинг синфдоши билан бўлган
можаролари ҳақидаги кўрсатмаларингизниям ас-
лида бизни чалғитиб, Шарифни шубҳага қолди-
риш мақсадида тўқиб чиқарган экансиз-да?

– Аниқ биламан, агар ишга сизлар аралашма-
ганларингизда тумандагилар Аноранинг ўлимини
бахтсиз ҳодисага йўйиб қўя қолишарди. Ёпиғлиқ
қозон ёпиқлиғича қоларди. Афсуски, ундай бўлиб
чиқмади. Аноранинг эри билан ўртасида айрим
келишмовчиликлар борлигини билардим. Шундан
фойдаланиб, шубҳа-гумонларни Шариф томонга
буриб юборишга ҳаракат қилдим... Ўзим шубҳа-
дан холи бўлиш учун шундай қилгандим... Яна
Гулдона опанинг ўлимида Зухриддиндан шубҳа
қилишлари учун айрим ёлғонларни тўқишимга
тўғри келганди...

– Шунча ишни қилиб қўйиб, қаерга қочмоқчи эдингиз?

– Тўртта қотилликни бир ўзим уддалашим жуда мураккаб иш эканлигини билардим. Ишни охирига етказмасдан қўлга тушсам керак деб ўйлардим. Аммо мен сиздан бир неча қадам олдинда кетаётгандим. Ҳамон қўлга тушмаганим – Оллоҳнинг менга инояти бўлса керак деган ҳаёлга бордим. Қўлимда Тоғаевдан қолган анчагина пул борлигим менга далда бўлди... Дубайда янги ҳаёт бошламоқчи эдим... Яшашга ҳаққим бор деб ҳисоблагандим.... Қисмат экан!

Гуруҳ раҳбари соатига қараб, ходимларига савол-жавобларни кейинроққа қолдириб, гумондорнинг кўрсатмаларини воқеа жойига чиқиб, текшириб кўриш учун Тоғаевнинг уйига жўнашга тайёрланиш ҳақида буйруқ берди...

* * *

Фахриддин прокуратура биносидан чиқар экан, ёғаетган капалак қор илк бор кўзига фусункор кўринди:

– Санжарбек, қишнинг ҳам ўз зийнати бор-да! Янги йил эшик қоқмоқда! Қандай ажойиб байрам!

– Айниқса, уни оиланг даврасида нишаснасанг! Терговчиларнинг кайфияти чоғ эди...

Тамом.

**Тошкент шаҳри.
2015–2016 йиллар**

Адабий-бадгий нашр

КОМИЛ СИНДАРОВ

КЕЧИККАН ҚАСОС

Детектив роман

Мухаррир

Манзура Бекчанова

Техник муҳаррир

ва саҳифалувчи

Барно Бахрамова

Лицензия рақами: АИ № 168, 2009 йил 23.12 да берилган.

Босишга 26.04.2019 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ^{1\32}. Шартли босма табағи 18,48.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 5.

Баҳоси келишилган нархда.

«Tafakkur qanoti» нашриёти.

Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

«HIGH TECH PRINT» ХК босмахонасида чоп этилди

Тошкент ш., Чилонзор тум., "Катортол".